

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

**А.У.Анорбоев**

**Кибержиноятчилик, унга қарши қарши курашиш  
муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш  
истиқболлари**



**МОНОГРАФИЯ**

**Тошкент – 2020**

Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Кенгашининг 2020 йил “\_\_\_” июлдаги \_\_\_\_\_–сон баённомасига асосан нашр қилишга тавсия этилган.

“Кибержиноятчилик, унга қарши қарши курашиш муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари” номли монография муаллиф томонидан олиб борилаётган илмий ишлар давоми ҳисобланади.

Ушбу монографияда муаллиф кибержиноятчилик, кибержиноят, киберхавфсизлик, кибермакон ва уларга алоқадор бўлган тушунчаларнинг таърифи, мазмун-моҳияти, кибержиноятнинг келиб чиқиш таризи, бугунги ривож, бошқа жиноятлар билан ўзаро фарқли хусусияти, уларнинг турлари, юридик тавсифи, кибержиноятчилик учун жавобгарлик ва жазо масалалари, киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари, кибержиноятлар профилактикаси, кибержиноятларни тергов қилиш, кибержиноятчиликка қарши курашиш, киберхавфсизликни таъминлашга ваколатли органларни белгилашга оид масалалар билан бир қаторда, кибержиноятнинг мамлакатимиз келажаги учун қанчалик зарарли эканлигини амалий мисоллар билан тушунтириб берилган ва ушбу хавфнинг олдини олиш учун миллий, хорижий ва халқаро конунчиликни илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этган.

Мазкур монографиядан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти, Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ҳамда бошқа олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларининг ўқитувчилари, ўқувчилари, илмий ходимлари ва ва талабалари, ҳуқуқшунослар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, шунингдек, ушбу соҳа бўйича илмий иш қилаётган мутахассис олимлар фойдаланиши мумкин.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	<b>4</b>
<b>I БОБ. КИБЕРЖИНОЯТНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ</b> .....	<b>8</b>
1.1-§. Кибержиноят тушунчаси ва унинг моҳияти.....	8
1.2-§. Кибержиноятларнинг келиб чиқиш тарихи ва кейинги ривож.....	14
1.3-§. Кибержиноятчиликнинг жиноий-ҳуқуқий жihatдан доктринал тадқиқ этилиши.....	25
1.4-§. Кибержиноятларни таснифлаш.....	38
<b>II БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАВСИФИ</b> .....	<b>60</b>
2.1-§. Шахснинг ҳаёти, соғлиғи, ахлоқи, ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилган кибержиноятларнинг юридик тавсифи.....	60
2.2-§. Ижтимоий-сиёсий кибержиноятлар.....	79
2.3-§. Иқтисодиёт соҳасидаги кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи.....	104
2.4-§. Ахборот-коммуникация технологияларнинг қонуний муомаласига қарши қаратилган кибержиноятларнинг юридик тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари.....	125
<b>III БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ ВА КИБЕРЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ</b> .....	<b>144</b>
3.1-§. Кибержиноятлар учун жавобгарлик ва жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	144
3.2-§. Кибержиноятлар профилактикаси ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари.....	151
3.3-§. Кибержиноятчиликка қарши курашишда давлат органларининг ўрни ва роли.....	172
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>191</b>
<b>ҲОҶДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	<b>198</b>
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	<b>252</b>

## КИРИШ

Ҳозирда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг инфратузилмалари кўпайиб бормоқда, хусусан, 2019 йилда соҳа корхоналари томонидан 10,6 трлн. сўмлик хизматлар кўрсатилди, натижада соҳа хизматлар ҳажмининг республика бўйича жами хизматлар ҳажмидаги улуши 5,7 фоизга етказилди, 2020 йилнинг I ярим йиллигида эса, 2,9 трлн. сўмлик хизматлар кўрсатилди, 2019 йилда соҳа корхоналари томонидан 176,0 млн. долл. хизматлар экспорти амалга оширилди, 2020 йилда I ярим йилликда соҳа корхоналарининг хизматлар экспорти 36,9 млн долларни ташкил этди, соҳаси корхоналарининг сони эса, 8 277 тага етди, шундан дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 2 519 тани ташкил этди, натижада интернет хизматидан фойдаланувчилар сони эса 22 млн.дан ортди. Бу фойдаланувчилар ахборот-коммуникация технологияларининг қулайлиги ва тезворлиги, иқтисодий томондан самарали бўлгани учун инсонларнинг бу технологияларга бўлган ишончи ва эҳтиёжи ортмоқда. Айнан мана шу эҳтиёж ва ишончга бугунги кунда кибержиноятчилик номини олган жиноятлар ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Стастик маълумотларга қараганда ҳозирги вақтда 7 млрд.га яқин инсон электр алоқасининг кўчма тармоқлари билан қамраб олинган ва йилига кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ЯИМнинг 1 фоизини ташкил этади<sup>1</sup>. 2019 йилда жаҳондаги компаниялар кўрадиган киберҳужумлар оқибатида кўрган зарар 2018 йил билан таққослаганда 1,6 мартага ошди, агар 2018 йилда киберҳужумлар оқибатида кўрилган зарар миқдори 1,5 трлн долларни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу рақам 2,5 трлн долларни ташкил этди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, экспертларнинг таъкидлашича, киберҳужумлар кўлами йилдан-йилга ортиб бораверади ва 2030 йилда бунинг оқибатида жаҳон иқтисодиёти 120 трлн. доллар миқдорида зарар кўради. Бунинг асосий сабаби сифатида киберҳужум нишони бўлиши мумкин бўлган технология трендларининг ўсиб бораётганлиги кўрсатилмоқда. Хусусан, 2022 йилда интернетга 1 трлн. дона қурилмалар уланиши мумкин, 2023 йилда эса, 80 фоиз одамлар рақамли дунёдаги ўз “аватар”ларига эга бўлади<sup>2</sup>.

Ҳозирги кунда айнан кибержиноят натижасида ҳар йили камида 200 млрд. доллар дунё ҳамжамияти зарар кўрмоқда, оддийгина банк ўғрилари 10 минг долларни олиш учун ўз ҳаётини хавф остига қўйиш орқали 1 млн. доллар миқдоридаги фойда кўришни кўзлаши, биргина тўлов карталари кирибгарлиги жинояти амалга ошириши натижасида 2018 йилда дунё аҳолиси 24,26 млрд. долларга зарар кўрганлиги, мутахассисларнинг

<sup>1</sup> А.Расулев. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича докторлик диссертация автореферати. – Т.: 2018 й., – 5 б.

<sup>2</sup> Interpress.uz веб-сайтидан: Киберҳужумлардан кўриляётган зарар ортиб бормоқда. <http://interpress.uz/archives/4170>.

таъкидлашича, бу рақамлар 2025 йилга келиб 44 млрд. долларга етишиши тахмин қилинаётганлиги орқали билиш мумкинки, одамзот ўзининг келажаги учун бўладиган хавфларнинг олдини олиши ва шу сабабдан ҳам бу борада жиддий ислотхотлар ўтказиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир мисол, McClatchy ахборот хизматининг хабарига кўра, 2017 йил 12 май куни бошланган киберхужумлар натижасида бир ҳафтага етмаган вақт давомида камида 150 мамлакатда 300 минггача компьютер зарарланган<sup>1</sup>. “ТАСС” хабар беришича, биргина 2017 йилда Windows операция тизимига эга компьютерларга WannaCry вирусидан фойдаланиб уюштирилган оммавий киберхужум келтирган зарар миқдори 1 млрд. доллардан ошган<sup>2</sup>.

Киберхавфнинг қанчалик зарарли эканлигини кўриб ўтадиган бўлсак, биргина мисол, Киберхужумлар бўйича хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро Symantec Security ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирда ҳар секунда дунёдаги 12 нафар инсондан биттаси киберхужум қурбони бўлмоқда ва дунёда ҳар йили 556 млн. дан кўпроқ киберхужум уюштирилади ҳамда бунда жабрланувчилар кўрадиган зарар миқдори 100 млрд. АҚШ долларидан кўпроқдир<sup>3</sup>.

Cybersecurity Ventures халқаро экспертларнинг фикрича эса, дунё бўйлаб ҳар ҳар 14 сонияда битта киберхужум содир этилмоқда, Жаҳон иқтисодий форумининг прогнозига кўра, киберхужумлар натижасида 2022 йилда дунё 8 трлн. доллар миқдорида зарар кўради<sup>4</sup>.

Ўзбекистон киберхужумга учраётган давлатлар рейтингида 68 ўринни, Осиё давлатларида эса, 3 ўринни эгаллайди<sup>5</sup>. Статистик маълумотларга асосан, мамлакатимизда “uz” доменида 66 мингдан зиёд сайтга 2018 йилда жами 475 марта хуруж уюштирилган. Шундан 223 таси сайтларнинг бош саҳифасини ўзгартириш, 245 таси контентни берухсат юклаб олиш билан боғлиқ бўлиб, таҳдидларнинг 14 таси давлат ташкилотлари веб-сайтларига нисбатан амалга оширилган<sup>6</sup>. UZCERT-Ахборот хавфсизлиги инцидентларига чора кўриш хизматининг маълумотларига кўра, давлат органларининг ахборот тизимларида 2018 йил ва 2019 йил биринчи чорагида ахборот хавфсизлиги ҳодисалари мониторинги ўтказилганида 54 953 759 та ахборот хавфсизлиги бузилиши аниқланган бўлиб, улардан 2 502 353 тасининг хавфи юқори даража бўлган<sup>7</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳузуридаги Ахборот ва оммавий

<sup>1</sup> Daryo.uz веб сайтидан: <https://daryo.uz/k/2017/05/25/wannacry-virusi-yordamida-uyushtirilgan-ommaviy-kiberhujum-keltirgan-zarar-miqdori-1-mlrd-dollardan-oshdi/>.

<sup>2</sup> Tass.ru веб сайтидан: <https://tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/4279741>.

<sup>3</sup> Д.Н.Карпова. Киберпреступность: глобальная проблема и ее решение. – М.: Власть. 2014. (№8). –46 с.

<sup>4</sup> [https://www.tadviser.ru/index.php/%D0%A1%D1%82%D0%B0%D1%82%D1%8C%D1%8F:%D0%9F%D0%BE%D1%82%D0%B5%D1%80%D0%B8\\_%D0%BE%D1%80%D0%B3%D0%B0%D0%BD%D0%B8%D0%B7%D0%B0%D1%86%D0%B8%D0%B9\\_%D0%BE%D1%82\\_%D0%BA%D0%B8%D0%B1%D0%B5%D1%80%D0%BF%D1%80%D0%B5%D1%81%D1%82%D1%83%D0%BF%D0%BD%D0%BE%D1%81%D1%82%D0%B8.](https://www.tadviser.ru/index.php/%D0%A1%D1%82%D0%B0%D1%82%D1%8C%D1%8F:%D0%9F%D0%BE%D1%82%D0%B5%D1%80%D0%B8_%D0%BE%D1%80%D0%B3%D0%B0%D0%BD%D0%B8%D0%B7%D0%B0%D1%86%D0%B8%D0%B9_%D0%BE%D1%82_%D0%BA%D0%B8%D0%B1%D0%B5%D1%80%D0%BF%D1%80%D0%B5%D1%81%D1%82%D1%83%D0%BF%D0%BD%D0%BE%D1%81%D1%82%D0%B8.)

<sup>5</sup> <https://cybermap.kaspersky.com/ru/stats/>.

<sup>6</sup> С.Турсунов. Киберхужумлар: янги замоннинг янги таҳдидлари. Манба: <http://mahalladosh.uz/post?id=6134#>.

<sup>7</sup> С.Садиқов. Кибербезопасность Узбекистана в цифрах: итоги 2018 года. // <https://uzcert.uz/blog/saidakbar/kibbezopasnost-uzbekistana-v-tsifrakh-itogi-2018-goda/>.

коммуникациялар агентлиги болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат орган бўлиб, унинг маълумотларига кўра, жорий 2019 йилнинг 1 январь кунидан бошлаб 26 июнь кунига қадар агентлик томонидан мазкур қонун асосида ўтказилган мониторингда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи 815 та ҳолат аниқланган ва бу кўрсаткич ўтган 2018 йилда 897 тани ташкил этган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарорига асосан, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК томонидан 2020 йил 25 июнь кунига қадар 2020 йил давомида 114 та веб-сайт экспертизадан ўтказилган, 253 та миллий “uz” домени ҳудудида ахборот хавфсизлиги ҳодисалари аниқланган, 58 та давлат ташкилотларида ахборот хавфсизлиги аниқланган<sup>2</sup>.

Бироқ, қуйидаги омиллар туфайли юқоридаги ҳолатлар тартибга солиб қўйишимизни ва зарур даражада ўрганишимизни талаб қилади:

Жиноят кодексининг 167-169-, 278-1-278-7-моддаларида назарда тутилган жиноятни воситаси ёки предмети бўлган компьютер тизимлари ёки компьютер техникаси тушунчаси бугунги кунда ўзининг техник имкониятлари туфайли тўлиқ кибержиноятларни қамраб ололмади, хусусан, мобил илова орқали амалга оширилган фирибгарлик жиноятларида мобил илова ўзининг техник имкониятидан келиб чиқиб, компьютер тизими ёки тармоғига кирмаслиги сабабли жиноят қонунчилигимизни қайта кўриб чиқишимиз зарурлигини келтириб чиқармоқда;

кибержиноятларга оид қонунчилигимизда зарур қоидалар мавжуд эмаслиги натижасида бугунги кунда кибержиноятларнинг таркибий қисми бўлган ахборот технологиялари нисбатан содир этилган ёки улар орқали содир этилган жиноятлар алоҳида ўрганилмоқда;

миллий қонунчилигимизда “кибержиноят”, “киберхавфсизлик” “ахборот хуружи”, “электрон ҳисоблаш машиналарининг хужуми”, “роботлар таҳдиди”, “компьютер жиноятчилиги”, “ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар”, “киберхужум”, “кибержиноят”, “киберходиса”, “киберхуқуқбузарлик”, “киберзаравонлик”, “киберкураш”, “киберуруш”, “кибержиноят”, “кибержиноятчилик” ва уларга алоқадор бошқа тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва таърифи амалдаги қонунчилигимизда, шу жумладан жиноят қонунчилигимизда белгилаб берилмаганлиги, ваҳоланки, амалдаги қонунчилигимизда кибержиноят ва унга илоқадор сўзлар ва сўз бирикмалари қўлланилмоқда ва бу мазкур тушунчаларнинг мазмунини аниқлаштириш зарурати мавжудлигини ифодалайди;

кибержиноятларнинг сони ва саломоғи, шунингдек, уларни содир этиш усуллари кўпайиб кетиши натижасида ўз вақтида компьютер тизими

<sup>1</sup> Муаллифнинг сўровига жавобан юборилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг хузуридаги Ахборот ва аоммавий коммуникациялар агентлиги 2019 йил 2 июлдаги 14/2-2187-сон хати.

<sup>2</sup> <https://tace.uz/>.

орқали содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган ҳолда, компьютер тизимидан ташқари бошқа ахборот технологиялари орқали жиноят амалга оширилиши натижасида шахсга нисбатан жавобгарликни белгилаш борасида қийинчиликлар кўпаймоқда ва латент жиноятлар сони ошмоқда;

кибержиноятчилик натижасида келиб чиққан зарарни қоплашнинг аниқ механизми ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли амалиётда зарарни ҳисоблашда ваколатли органлар бир қатор қийинчиликларга учрашмоқда ва келтирилган зарар ўз вақтида бартараф этиш чоралари лозим даражада кўрилмай қоляпти;

ўзга давлат ҳудудидан туриб ҳам бу турдаги жиноятларни содир этиш имкони мавжудлиги, мазкур муаммо билан халқаро миқёсда ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали курашиш зарурлигини кўрсатмоқда;

кибержиноятчиликка қарши ялпи курашиш мақсадида бу борадаги муносабатларни ўрганиш ва қонунчилик билан бу муносабатларни лозим даражада тартибга солиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон Фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу монография тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Мазкур монография миллий ва хорижий давлатларнинг қонунчилиги, уларни такомиллариш бўйича олиб борилган ислохотларнинг ривожини, доктринал ўрганилганлик ҳолатлари комплекс тартибда ҳам техник, ҳам ҳуқуқий томондан муаллиф томонидан тадқиқ этиш нуқтаи назаридан баён қилинган бўлиб, ушбу монография кибержиноятчилик, унга қарши курашиш муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболларига оид ҳам назарий, ҳам амалий ҳолатларни кўрсатиб беришга ва бу орқали олиб борилаётган ислохотларни янада давом эттириш ва ривожлантириш орқали олдимизда турган ва ҳозирги кунда халқимизнинг олдида турган энг муҳим муаммолар таҳлилий кўринишда муаллиф томонидан очиқ беришга бағишланган илмий иш ҳисобланади.

# І БОБ. КИБЕРЖИНОЯТНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

## 1.1-§. Кибержиноят тушунчаси ва унинг моҳияти

Кибержиноятчилик турли даврларда турлича ривож топган каби унинг доктринал ва расмий таърифлари турличадир. Хусусан, Европа Кенгашининг 2001 йилдаги “Кибержиноят ҳақида”ги Конвенциясига асосан кибержиноят кибермуҳитда содир этиладиган ҳар қандай жиноятдир<sup>1</sup>. Бу энг тўғри фикр, сабаби истаган бир технология ривожланиши мумкин, бироқ улар томонидан содир этиладиган қилмишларнинг барчаси кибермуҳитда содир этилади ва кибермуҳитга барча технологиялар иштироки бўлган ижтимоий хавфли қилмишлар бажариладиган жараёнларни қамраб олувчи муҳит киради. Олим М.Gurckенинг фикрича, компьютер тизими, тармоғи, уларга уландиган бошқа воситалар орқали ёки уларнинг ёрдамида компьютер тизими, тармоғи ёки компьютер ахборотиға қарши кибермуҳитда содир этиладиган жиноятлар мажмуи кибержиноятдир<sup>2</sup>. Бироқ, “Телекоммуникациялар тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунларга асосан, телекоммуникациялар тармоғи<sup>3</sup>, ахборот тизими<sup>4</sup>, ахборот<sup>5</sup> тушунчаларининг мазмун-моҳиятиға асосан, телекоммуникация тармоғи компьютер тармоғи ҳисобланмайди ва фақатгина компьютер ахбороти кибержиноятларнинг таркибини ташкил қилмайди, сабаби кибержиноятлар кибермуҳитда содир этиладиган ҳар қандай технологиялар ёрдамида содир этилиши мумкин. Олимлар К.Е.Зинченко, Л.Ю.Исмаилова, А.Н.Караханьян, Б.В.Киселев, В.В.Крылов, Я.М.Мастинский, Н.С.Полевой, Ю.Н.Соловьев, В.В.Хургин, С.И.Цветков олимларнинг фикрича, бу каби жиноятлар электрон ҳисоблаш машиналари орқали содир этилган жиноятдир<sup>6</sup>. Мазкур тушунча 1994 йилда берилаётганлиги орқали таъкидлашимиз жоизки, Ўзбекистон тарихи нуктаи назаридан Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060–ХП-сон Қонуни<sup>7</sup> айнан 1994 йилда

<sup>1</sup> ЕС от 23.11.2001 года «Конвенцию о компьютерных преступлениях». Будапешт, Серию европейских договоров - № 185. <https://rm.coe.int/1680081580>.

<sup>2</sup> M.Gurcke. Understanding Cybercrime: A Guide for Developing Countries. ITU. 2009.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги 822-І-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-ІІ-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439-ІІ-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 2-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда.

<sup>6</sup> К.Е.Зинченко, Л.Ю.Исмаилова, А.Н.Караханьян, Б.В.Киселев, В.В.Крылов, Я.М.Мастинский, Н.С.Полевой, Ю.Н.Соловьев, В.В.Хургин, С.И.Цветков. Компьютерные технологии в юридической деятельности. Учебное и практическое пособие. –М.: издательство “БЕК”. 1994 г., –с. 304,

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060–ХП-сон Қонуни //



қабул қилинганлиги сабабли ҳам мазкур тушунча вақт нуқтаи назаридан тўғри талқин қилинган. Олимлар Н.Салаев ва Р.Рўзиев ахборот хавфсизлигига таҳдид солувчи, бевосита компьютер воситалари орқали ёки ахборот технологиялари воситасида содир этиладиган қонунга ҳилоф ижтимоий хавфли қилмишни ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардир деб атаб, унга компьютер жиноятчилиги синоним эканлигини таъкидлашади. Шунингдек, компьютер тизими, тармоғи, шунингдек, уларга уланадиган бошқа воситалар орқали ёки уларнинг ёрдамида ҳамда компьютер тизими, тармоғи ёки компьютер ахборотига қарши кибермуҳитда содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни кибержиноят деб баён қилишиб, юқоридаги жиноятларни кибержиноятдан фарқли жиноят деб таъриф беришади<sup>1</sup>. Маълумки, кибермуҳит компьютер жиноятчилигида ҳам бўлади, хатто Европа Кенгашининг 2001 йилдаги “Кибержиноят ҳақида”ги Конвенциясининг рус тилидаги матнига назар ташласак баъзи ҳолатларда унинг компьютер жиноятчилиги тўғрисидаги Конвенция деган таржимасига ҳам гувоҳ бўламиз<sup>2</sup>. Мазкур ҳолатни янада аниқроқ тушуниш учун битта ҳолатни кўриб ўтайлик, ЖКнинг 169-моддасининг 3-қисми “б”-бандида назарда тутилган компьютер техникаси орқали содир этиладиган ўғрилиқ жиноятини амалга ошириш учун кибермуҳит, яъни виртуал муҳит бўлиши керак, яъни ўғрилиқ содир қилишдан олдин жиноятчи жабрланувчининг пул маблағлари сақланаётган картасининг паролига эга бўлади ҳамда телекоммуникация ёки Интернет тармоғи ёхуд бошқа тармоқдан фойдаланиб ўзининг қилмишини содир этади. Айнан мана шу жараёндаги муҳитни биз кўз билан кўролмаймиз, қўл билан ушлолмаймиз, аммо жабрланувчининг картасидаги кодни териб, қандай қилиб жиноятчи ушбу маблағларга эга бўлишини англай оламиз. Бу муҳит эса, кибермуҳит дейилади. Шунингдек, бунда “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлган ҳолда, унда компьютер техникасининг тушунчаси кўрсатиб ўтилмаган ва у техник имкониятлари нуқтаи назаридан ўзида бошқа ахборот технологияларини қамраб ололмастлигини, бироқ ахборот технологияси барча компьютер технологияларини, тизимини, тармоғини ҳам қамраб олишини инобатга олиш зарур. ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддасига асосан, жиноят ва жазо қонунийлик принципига амал қилиши лозимлигини кўрсатади. Юқоридагиларга асосан, мазкур олимларнинг фикри ҳам техник, ҳам доктринал, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан фикримизча ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ. Глобал тармоқ жиноятчилиги тушунчаси унга қадар мавжуд бўлган “компьютер жиноятчилиги” тушунчаси билан тўла мос келмайди ва шунга

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 74-модда, 9-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 555-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон.

<sup>1</sup> Н.С.Салаев, Р.Н.Рўзиев. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография., – Т.: ТДЮУ, 2018, 139-б.

<sup>2</sup> <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/185>.

кўра мазкур жиноятчилик тури бугунги кунда “кибержиноятчилик” тушунчаси билан аталиб келинмоқда. Халқаро илмий ва ҳуқуқий амалиётда дастлаб “компьютер жиноятчилиги” тушунчаси, кейинчалик “компьютер билан боғлиқ жиноят”, “компьютер орқали жиноят содир этиш”, “электрон жиноятчилик” ва “юқори технологиялар жиноятчилиги”, “виртуал жиноятчилик” тушунчалари ишлатилиб, бугунга кунга келиб эса “кибержиноятчилик” ёки глобал тармоқ жиноятчилиги атамаси қўлланилмоқда. Ушбу тушунчалар яратилишидан асосий мақсад айни пайтда Интернет глобал тармоғи орқали содир этилган жиноятчилик чегарасини аниқ белгилаш ва унга қарши курашда хос ёндашув зарур эканлигини тушунтириш бўлган деб олим И.Тораходжаева кибержиноятчиликнинг компьютер жиноятчилигидан кенгроқ тушунча ҳисобланишини таъкидлаб ўтади<sup>1</sup>. Кибержиноятлар тушунчасининг вақтга нисбатан ўзаро боғлиқлигини яна 1979 йилда Даллас адвокатлар ассоциациясининг конференцияси томонидан дастлаб компьютер жиноятларининг асосий белгилари ўша пайтдаги мавжуд ахборот-коммуникация технологияларининг техник имкониятлари юзасидан белгиланганлиги орқали таъкидлашимиз мумкин<sup>2</sup>.

Масалани жиддийроқ тадқиқ этадиган бўлсак, Ўзбекистон жиноят кодексининг 244-1-моддасидаги қилмишни “тайёрлаганлик ёки тарқатганлик”дан ташқари, “сақлаганлик, намойиш этганлик” каби тушунчалар билан бир қаторда, ушбу қилмишни “телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган”ликка оид қоидалар кодекснинг мазкур моддасига киритилди<sup>3</sup> ва натижада Интернет оламида жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларнинг моҳиятига шахслар билиб-билмай “лайк” босиш билан боғлиқ қилмишлар ҳам жиноят деган, нотўғри амалиёт шаклланиб қолди. Ваҳоланки, бутун дунёда ушбу ҳолат ҳам доктринал, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан жиноят деб эътироф этилмайди. Энди, савол туғилади, бу жиноят қонунчилигимизга нотўғри киритилган қоидами, асло. Ўша вақт, яъни 2016 йилдаги ижтимоий муносабатлар ривожига нуктаи назаридан мазкур норма тўғри киритилган. Чунки, телекоммуникация ва Интернет тармоғининг техник имкониятлари бўйича “лайк” босиш билан боғлиқ имкониятлар кейинчалик ривож топган, ўша пайтдаги иккала тармоқнинг техник имкониятлари жиҳатидан бу қоида тўғри киритилган, аммо бугунги кундаги тармоқдаги техник имкониятлар ушбу қоидани қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон

<sup>1</sup> И.Тораходжаева. Ўзбекистонда интернет тармоғи орқали содир этиладиган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари // – Т.: Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences. – илмий-амалий журнали. 2019 (03)-сон. 128-132 б.

<sup>2</sup> В.А.Широков, Е.В.Беспалова. Киберпреступность: история уголовно-правового противодействия. – М.: “Информационное право”, 2006, № 4. <http://center-bereg.ru/h1846.html>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–405-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 17-сон, 173-модда.

Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси ижросини таъминлаш вақтида, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг лойиҳасида ушбу ҳолатни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, кибермуҳит ёки кибермакон тушунчалари биринчи марта 1982 йилда Канадалик фантастик ёзувчи У.Гибсон томонидан “Burning Chrome” новелласида ишлатилган бўлиб, ушбу тушунча “Neuromancer” романи орқали оммалашиб кетган<sup>1</sup>лигидан ҳам айтиб ўтишимиз жоиз. Юқоридагилар орқали кибержиноятлар тушунчасининг доктринал ва расмий ҳолати хусусида хулосага келадиган бўлсак, ушбу тушунча биз хоҳлаймизми йўқми макон ва замон танлайди, ижтимоий муносабатлар ривожланган сари уларнинг номи ва уларнинг имкониятлари кенгайиб бораверади. Шу сабабдан ҳам наздимизча, ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида содир этиладиган ва ахборот орқали содир этиладиган жиноятларни алоҳида қисмларга бўлиш ҳамда бунда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида содир этиладиган, ўзида техник имкониятлар орқали содир этиш имконини берадиган жиноятларни кибержиноятлар, ахборот соҳаси (оммавий-ахборот воситалари орқали)даги жиноятларни ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар деб икки гуруҳга ажратиш, шунингдек, жиноят қонунчилигимизни ушбу тушунчадан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Л.Бўрановнинг фикрича, кибержиноятчилик ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кўплаб турдаги жиноятларни ўзида бирлаштирган жиноятлар мажмуидир<sup>2</sup>. Ҳақиқатан ҳам, кибержиноятчилик кибержиноятларнинг мажмуи ҳисобланади. “Musofir.ru” Россия Федерациясидаги ўзбек тилида сўзлашувчи чет давлат фуқаролари учун маълумот, хабар ва янгиликлар сайти ва “Қашқадарё” газетасининг расмий веб-сайтида, жаҳонда содир этилаётган жиноятлар ичида кибержиноятчилик тўртинчи поғонада туришлиги, у инсонлар томонидан бойлик орттириш ёки бошқа ғаразли мақсадларда ахборот технологияларидан ноқонуний фойдаланган ҳолда содир этилган хавфли жиноят саналишлиги айтиб ўтилади<sup>3</sup>. Олим Л.Кочкина кибержиноятчиликни “компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятлар”, “ахборот жиноятлари”, “компьютер ускуналари билан боғлиқ жиноятлар”, “юқори технологиялар компьютерларидаги жиноятлар”, “ахборот соҳасидаги жиноятлар” деб<sup>4</sup>,

<sup>1</sup> Абдуджалилов Абдуджабар. Теоретические проблемы гражданских правоотношений в Интернете. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Душанбе - 2015. <https://lawbook.online/kniga-grajdanskoe-pravo-rossii/ponyatie-suschnost-virtualnogo-prostranstva-79174.html>.

<sup>2</sup> Л.Бўранов. Кибержиноятчиликка қарши курашишда интернет-маданиятнинг аҳамияти. 2018 й., <https://ictnews.uz/uz/15/05/2018/cybercrime/>.

<sup>3</sup> А.Норов. Ахборот хавфсизлиги - давр талаби // 2017 й., “Қашқадарё” газетасининг расмий веб-сайти. <http://qashqadaryogz.uz/read/akhborot-khavfsizligi-davr-talabi>. “Musofir.ru” Россия Федерациясидаги ўзбек тилида сўзлашувчи чет давлат фуқаролари учун маълумот, хабар ва янгиликлар сайти // <https://musofir.ru/2019/02/11/%D0%BA%D0%B8%D0%B1%D0%B5%D1%80%D0%B6%D0%B8%D0%BD%D0%BE%D1%8F%D1%82%D0%B4%D0%B0%D0%BD-%D0%BE%D0%B3%D0%BE%D2%B3-%D0%B1%D1%9E%D0%BB%D0%B8%D0%BD%D0%B3>.

<sup>4</sup> L.Kochkina. Definition of the concept “cybercrime”. Selected types of cybercrime // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2017. №3 (17). –с 2.

Т.Бородкина ушбу жиноятларни ахборот соҳасидаги жиноят деб атагани<sup>1</sup>. Олим И.М.Рассолов эса, ушбу тоифадаги жиноятларни жиноят қонунчилигида алоҳида жиноят сифатида кўришни таклиф қилади<sup>2</sup>. Ш.Толмасовнинг фикрича кибержиноят инсонлар томонидан жиноят мақсадида ахборот технологияларидан ноқонуний фойдаланишдир<sup>3</sup>. В.А.Дуленко, Р.Р.Мамлев, В.А.Пестриковнинг фикрича, “кибержиноят” бу компьютер тармоғидан фойдаланиб содир этилган ҳар қандай жиноят, яъни электрон муҳитда содир этилган ҳар қандай жиноятдир<sup>4</sup>. И.Г.Чекунов ушбу жиноятни компьютер ва мобил (уяли) алоқа воситаларига қилинган жиноятдир деб атаган<sup>5</sup>. Олим В.А.Номоконовнинг фикрига кўра, кибержиноятлар компьютер жиноятларига қараганда анча кенгдир ва ахборот маконида улар жиноят феноменини аниқ акс эттирилади<sup>6</sup>. Бунга ўхшаш фикрларни И.В.Раманов ҳам таъкидлаб ўтади<sup>7</sup>. Ушбу ҳолатни О.А.Кузнецова тушунтиришга ҳаракат қилиб, кибержиноятчилик компьютердан ташқари, бошқа ахборот технологиялари ва интернет тармоқлари орқали ҳам содир этилганлиги учун ҳам кенг тушунчалигини таъкидлаб, компьютер жиноятчилигини фақатгина электрон қурилмалар ва уларда сақланаётган маълумотларга қарши қаратилган бўлади деб тушунтириш берган<sup>8</sup>. Шу каби фикрлар urist.one веб сайтида ҳам қайд этилган бўлиб, унга асосан кибержиноят–электрон соҳада компьютер тизимлари ёки тармоқлари ёрдамида ёхуд уларга қарши қаратилган ҳар қандай жиноятдир<sup>9</sup>. Компьютерлар томонидан моделлаштирилган, инсонлар, объектлар, ҳодисалар, ҳолатлар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, математик, рамзий ёки бошқа ҳар қандай маънода ифодаланган, маҳаллий ва глобал компьютер тармоқларида ҳаракат қиладиган ёки ҳар қандай жисмоний ёхуд виртуал қурилма хотирасида сақланадиган маълумотлар, шунингдек, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш учун махсус ишлаб чиқилган дастурлар орқали содир этиладиган ҳар қандай жиноятни олим А.В.Федоров кибержиноят деб атайди<sup>10</sup>.

<sup>1</sup> Т.Н.Бородкина, А.В.Павлюк. Киберпреступления: понятие, содержание и меры противодействия. Социально-политические науки. № 1. 2018. –135- 137 с.

<sup>2</sup> И.М.Рассолов. Право и Интернет. Теоретические проблемы. –М.: Изд-во НОРМА, 2003. –251-253 с.

<sup>3</sup> Ш.Толмасов. Глобал макондаги кибержиноятчилик. Манба: <http://uz.denemetr.com/docs/768/index-29121-1.html>.

<sup>4</sup> В.А.Дуленко. Использование высоких технологий криминальной средой. Борьба с преступлениями в сфере компьютерной информации: учебное пособие. Уфа, 2007. – с. 27.

<sup>5</sup> И.Г.Чекунов. Киберпреступность: понятие и классификация // Российский следователь. 2012. № 2. – 37-44 с.

<sup>6</sup> В.А.Номоконов/ Киберпреступность, как новая криминальная угроза / В.А. Номоконов, Т.Л. Тропина // Криминология. Вчера. Сегодня. Завтра. 2012. №1 (24). – с. 47.

<sup>7</sup> И.В. Романов. Понятие киберпреступлений и его значение для расследования // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2016. №5 (13). –106 с.

<sup>8</sup> Третий пермский конгресс ученых-юристов : материалы междунар. науч.-практ. конф. Пермь, 12 окт. 2012 г. / отв. ред. О.А. Кузнецова. – Пермь : Перм. гос. нац. иссл. ун-т, 2012. – 289 с.

<sup>9</sup> Urist.one веб сайтидан: Киберпреступление. <https://urist.one/dolzhnostnye-prestupleniya/kiberprestupnost/kiberprestuplenie.html>.

<sup>10</sup> А.В.Федоров. Информационная безопасность в мировом политическом процессе. – М.: МГИМО-Университет, 2006. – 11 с.

Т.Л.Тропинанинг фикрича, кибержиноятлар бу компьютер тизимлари ёки компьютер тармоқлари ёхуд компьютер ичидаги маълумотларга қарши киришнинг бошқа воситалари ёрдамида киберфазода содир этилган жиноятлар мажмуидир<sup>1</sup>.

Elcomrevue.ru веб сайти эса, кибержиноятчилик ҳақида сўз юритиб, виртуал макондаги жиноятчилик бўлиб, компьютерлар, унинг дастурлари ва тармоқларига ноқонуний равишда кириш, ундаги маълумотларни рухсатсиз ўзгартириш, шунингдек, улар ёрдамида бошқа ижтимоий хавфли қилмишларни содир этиш кибержиноятчилик дейилади, дуб тушунтириш беради<sup>2</sup>.

Умуман олганда ушбу тушунча ҳақида олимлар турлича тушунтириш беради, уларнинг бир қисми унга компьютер тармоғи орқали бир-бири билан боғланган ва бир вақтнинг ўзида турли географик нуқтада кесишувчи ҳар қандай компьютернинг график сифатидаги маълумотларига ўралашиб қолган кишилар жамоасидир деб<sup>3</sup>, ушбу тушунчага асос солган ёзувчи Уилям Гибсон томонидан 1984 йилдаги ўзининг “Cyberspace ” (“Кибермакон”) деб номланган трилогиянинг биринчи романи “Neuromancer” (“Нейромант”) да уни дунёнинг барча компьютерларидаги электрон маълумотлар айланиб юрадиган виртуал макон деб таърифлайди<sup>4</sup>, бошқа олимлар эса, уни рақамли муҳит деб атаб, уни алмашиш ва бошқариш, шунингдек, турли хил тармоқларда алоқаларни амалга ошириш мақсадида агентлар ўзаро таъсирининг ўта мураккаб тизимларини яратишга имкон берадиган ахборот-коммуникация технологиялари маъсулотлари фаолият кўрсатадиган майдондир деб тушунтириш бериб ўтади<sup>5</sup>. Бунда, “виртуал” сўзи инглизча “virtual” ва русча “виртуальный” сўздан олинган бўлиб, воқеий бўлиб кўринган, бироқ вазифалари бошқа мосламалар томонидан бажариладиган функционал мосламадир<sup>6</sup>.

А.Ксениянинг фикрича, кибержиноят бу компьютер тизимлари, тармоқлари ва маълумотлари орқали уларнинг махфийлиги, яхлитлиги ва мавжудлигига, шунингдек, ушбу тизимлар, тармоқлар ва маълумотларнинг суистеъмол қилинишига олиб келувчи ҳуқуқбузарликдир<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Тропина Т.Л. Киберпреступность: понятие, состояние, уголовно-правовые меры борьбы: дис...канд. юрид. наук: 12.00.08. Владивосток, 2005.–36-38 с.

<sup>2</sup> Elcomrevue.ru веб сайтдан: Киберпреступность — определение, классификация интернет угроз. Источник: <http://elcomrevue.ru/kibeoprestupnost-cto-eto/>.

<sup>3</sup> Sh.Shayakubov. “Dinshunoslik” fanidan o‘quv-uslubiy majmua. – Т.: ТМІ, 2018. –111 б. / И.Саифназаров, М.Хужаев. “Кибермакон”да дин никобидаги “киберхужум”лар таҳдиди. Манба: [www.bukhari.uz/http://fikir.uz/blog/vatanparvar/kibermakon-da-din-ni-obidagi-kiber-uzhum-lar-ta-didi.html](http://fikir.uz/blog/vatanparvar/kibermakon-da-din-ni-obidagi-kiber-uzhum-lar-ta-didi.html).

<sup>4</sup> Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Муаллифлар жамоаси: Д.М.Амиров, А.Ю.Атаджанов, Д.Ю.Атаджанов, Д.А.Ибрагимов, З.Ё.Раҳимжонов, С.С.Саидхўжаев. –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашриёти, 2010. –107 б.

<sup>5</sup> Д.Е. Добринская. Киберпространство: территория современной жизни. –М.: научный журнал Московского государственного университета. 2018. Т. 24. № 1. – 59 с.

<sup>6</sup> Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Муаллифлар жамоаси: Д.М.Амиров, А.Ю.Атаджанов, Д.Ю.Атаджанов, Д.А.Ибрагимов, З.Ё.Раҳимжонов, С.С.Саидхўжаев. –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашриёти, 2010. –56 б.

<sup>7</sup> А.Ксения. Киберпреступность как угроза современному информационному обществу. –Таганрог. 2015. – 2 с. Источник: <https://nsportal.ru/ap/library/nauchno-tekhnicheskoe-tvorchestvo/2018/11/17/kiberprestupnost-kak-ugroza-sovremennomu-0>.

Ҳақиқатан ҳам, олимлар И.В.Романов, О.А.Кузнецова, В.А.Номоконов ва Т.Л.Тропинанинг фикрларидан жон бор, сабаби ҳақиқатан ҳам ҳам ҳуқуқий, ҳам техник жиҳатдан кибержиноятлар компьютер жиноятларидан кенгроқ тушунча ҳисобланиб, у кибермуҳитда содир этилади ва бундай икки хил тушунча пайдо бўлишига ушбу тушунчанинг луғавий маъноси сабаб бўлган бўлиб, ушбу тушунча инглизча сўздан олинган бўлиб, компьютер, бошқариш деган маъноларни англатгани учун кўпчилик олимлар уни компьютер жиноятчилиги билан бир ўринга қўйишади. Мазкур фикрлар орқали айтишимиз керакки, ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли технологиялар, робототехника ёки уларни қамраб олувчи кибертехнологиялар орқали ёки уларга нисбатан кибермуҳитда содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар, яъни ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жазо қўллаши таҳдиди билан жиноят кибержиноят деб топилади<sup>1</sup>.

### **1.2-§. Кибержиноятларнинг келиб чиқиш тарихи ва кейинги ривож**

Кибержиноятчилик тушунчасининг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 60 йилларида Интернет тармоғининг яратилиши билан боғлиқ. 1962 йилда профессор Жон Ликлайдер ўзининг “Galactic Network” компьютер тармоғи орқали Интернет тармоғини яратиш концепциясига асос солган. Шундай қилиб Интернет тармоғи яратилиши билан биринчи Интернет жиноятчиси вужудга келган ва у Жон Драпер (John Draper) исмли шахс бўлиб, Жон Драпер 1970 йилларда шаҳарлараро ва халқаро кўнғироқлар орқали телефон тармоқларини бузиш билан шуғулланиши оқибатида дастлабки кибержиноятлар содир этилган.

СССРда ахборот технологиялари соҳасидаги илк юқори даражадаги жиноят 1979 йилда Вильнюс шаҳрида қайд этилган ва бу ҳолат ўша пайтда СССРга 80 минг рубль зарар етказилишига сабабчи бўлган бўлиб, бу зарар миқдори ўша пайтда машхур автомашина бўлган “Volga” русумидаги 8 та автомашинанинг пулига тенг эди<sup>2</sup> ва шу сабабли мазкур жиноятлар Интерпол халқаро ташкилоти томонидан дастлабки рўйхатга олинган кибержиноят сифатида эътироф этилган<sup>3</sup>.

Белоруссия Республикасида эса, юқори технологиялар орқали содир этилган илк жиноят 1998 йил 20 ноябрь куни рўйхатга олинган бўлиб, кибержиноятчилар Беларуссиянинг энг йирик метрополитен провайдери мижозлари орасидан Интернет фойдаланувчилари тармоқ маълумотларига рухсатсиз киришни амалга оширишган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> A.U.Anorboev. Cyber crime in legislation Republic of Uzbekistan // Monografia pokonferencyjna – Poznań/Poznan. 27.02.2020- 28.02.2020 y. Science, Research, Development №26. – P. 99-101.

<sup>2</sup> Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Тергов қўмитасининг Назорат-услугий бошқармаси Иқтисодиёт ва компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича бўлим бошлиғи Г.Егоров хотираларидан. <https://sites.google.com/site/komputernyeprestuplenia/home/istoria-komputernyh-prestuplenij>.

<sup>3</sup> [https://71.xn--b1aew.xn--p1ai/Dejatelnost/Borba\\_s\\_kiberprestupnostju](https://71.xn--b1aew.xn--p1ai/Dejatelnost/Borba_s_kiberprestupnostju).

<sup>4</sup> <https://www.mvd.gov.by/ru/page/upravlenie-po-raskrytiyu-prestuplenij-v-sfere-vysokih-tehnologij-upravlenie-k/istoriya-urpsvt>.

Интернет тармоғини ривож топиши натижасида “Интернет хаккерлиги” деган ахборот технологиялари соҳасида алоҳида тармоқ вужудга келган. Илк компьютер хаккерлари 1960 йилларда Массачусетс технология институтида пайдо бўлган, дастлабки Интернет хаккерлиги эса, ўзларини “414 гуруҳи” (банда-414) деб номланган вояга етмаган ўспиринлар томонидан содир этилган бўлиб, улар 9 кун ичида АҚШдаги Лос-Аламос Давлат ядро куралини ўрганиш лабораториясидаги 60 дан ортиқ шахсий компьютерларини ишдан чиқаришган. 1983 йилда эса, дастлабки кибертеррористлар гуруҳи ушланган. Шу орқали 1983 йилда “Военные игры” (“WarGames”) номли дастлабки хаккерлар тўғрисидаги фильм яратилган.

1983 йилда Парижда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг экспертлар гуруҳи компьютер жиноятларининг криминологик таърифини беришган ва уларнинг фикрича, компьютерлар жиноятлари автоматлаштирилган ишлов бериш ва (ёки) маълумотларни узатиш билан боғлиқ ҳар қандай ноқонуний, ахлоқий ёки рухсатсиз хатти-ҳаракатлар ҳисобланади<sup>1</sup>.

1984 йилдан бошлаб “2600” илк хаккерлар тўғрисидаги журнал мунтазам равишда чоп этила бошлаган.

1988 йили Америка компьютер ускуналари ассоциацияси 30 ноябрни “Халқаро ахборотни ҳимоя қилиш куни” деб эълон қилди. Бу кунни эълон қилишдан асосий мақсад барчага компьютер ахборотларини ҳимоя қилиш зарурлиги, шунингдек, дастурий воситалар ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчилар эътиборини хавфсизлик масалаларига қаратишдан иборат эди. Таъкидлаш жоиз, бежиз ушбу кунга айнан 1988 йилда асос солинган эмас. Негаки, шу йили Моррис исмини олган “чувалчанг эпидемияси” илк бор оммавий тарзда тарқалган, яъни 1988 йилда Червь Моррис томонидан дастлабки зарарли вирус яратилган, бунинг оқибатида АҚШ Ҳукумати ва университетларидаги 6000 га яқин компьютерлар ушбу зарарли вирус қурбони бўлишган. Ўша воқеадан сўнг соҳа мутахассислари ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жиддий ёндашиш зарурлиги ҳақида ўйлай бошладилар. Ўша кундан эътиборан ҳозирга қадар компьютер ускуналари ассоциацияси ташаббуси билан бутун дунёда ахборотни муҳофаза қилишга доир турли қизиқарли тадбирлар ҳамда халқаро анжуманлар ўтказиб келинади. Шу билан бирга, тадбирларда ҳимояланмаган ускуналар келтириб чиқараётган зарарлар ҳажми ҳақида ахборот берилади.

Бошқа бир манбада кўрсатилишича, 1980 йилнинг февраль ойида Дортмунд университетининг талабаси Юрген Краус “Ўз-ўзидан кўпаювчи дастурлар” номли битирув малакавий ишини ҳимоя қилади. Унда мазкур дастурлар ишлашининг назариясидан ташқари Siemens компьютерлари учун тайёрланган ўз-ўзидан кўпаювчи дастурларнинг листинглари ҳам келтирилган эди. Бу дастурлар вирус бўлмаса-да, 1981 йили мазкур назария асосида Apple II шахсий компьютер учун биринчи Virus 1, 2, 3 яратилди.

<sup>1</sup> Волеводз А.Г. Противодействие компьютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. – М.: Юрлитинформ, 2001. – 496 с.

Шундан сўнг тез орада фойдаланувчиларнинг компьютеридаги барча маълумотларни йўқ қилувчи вахший дастурлар, кўп ўтмай троян дастурлари пайдо бўлади. Шу йилиёқ Ричард Скрент томонидан Elk Clonerлар юкланувчи вирус дастури яратилади. Унинг компьютерда борлиги кичкина шеърнинг монитор экранида пайдо бўлиши билан билинган Apple II учун бошқа вирус Техас университетининг талабаси А&М Жо Деллинжер томонидан 1981 йили яратилган. У компьютернинг DOS 3.3 операцион тизими учун мўлжалланган эди. 1984 йили Ф.Коэннинг файл вируслари тўғрисидаги тадқиқоти чоп этилади ва у фойдаланувчилар тилига “компьютер вируси” атамасини киритади. 1987 йили Brain вируси билан фақатгина АҚШда 18 минг дона компьютер бир вақтда зарарланиб, дунё бўйлаб уларнинг сони 100 мингдан ошади. Вирус муаллифлари покистонлик ака-укалар Амжатом ва Базит Фаррух Алви томонидан яратилиб, дастурчилар уларнинг фирмасидан дастурий таъминотни ўғирлаётган маҳаллий кароқчиларни жазолаш учун ишлаб чиқилган эди. Аммо кутилмаганда вирус Покистон чегарасидан ўтиб, дунёда минглаб компьютерларни зарарлади ва биринчи вирус эпидемиясини келтириб чиқарди<sup>1</sup>.

Айнан шу воқеалардан кейин шу каби зарарли фаолиятга қарши курашиш мақсадида АҚШда CERT Интернет хавфсизлигини таъминлаш маркази ташкил қилинган ва у томонидан 1988 йилда 6 та, 1989 йилда 132 та, 1990 йилда эса, 252 та киберходиса аниқланган<sup>2</sup>. 1990 йилда АҚШда “Sundevil” операцияси уюштирилиб, АҚШнинг 14 шаҳридаги хаккерларга нисбатан мисли кўрилмаган ов уюштирилган. Бунинг оқибатида, 1993 йилда Лас-Вегасда хаккерларнинг биринчи ҳар йили ўтказиладиган йиғилиши бўлиб ўтган<sup>3</sup>.

Кибержиноятчилик турли замонларда турлича номлангани сабабли унинг ривожланиш тарихи ҳам жой ва маконга қисман боғлиқ бўлган, хусусан, АҚШда кибержиноятчилик ва унга қарши курашиш ўзгача ривожланган бўлса, Россияда бошқача ривож топган. Масалани янада аниқроқ тушунтирадиган бўлсак, “Telegram”, “WhatsApp”, “Одноклассники”, “Facebook” каби ижтимоий тармоқлар аслида ўзаро мулоқот учун зарур бўлса-да, аммо уларнинг қулайлиги ва хавфсизлиги турлича бўлганлиги сабабли ҳам кибержиноятчилар ушбу технологияларга қарши ҳужум қилишдан олдин қайси бирининг хавфсизлиги заиф эканлигини аниқлайди ва

<sup>1</sup> Н.Қосимова. Онлайн журналистика. – Т.: 2019 й., [http://nargis.uz/wp-content/uploads/2019/09/%D0%BE%D0%BD%D0%BB%D0%B0%D0%B9%D0%BD\\_%D0%B6%D1%83%D1%80%D0%BD%D0%B0%D0%BB%D0%B8%D1%81%D1%82%D0%B8%D0%BA%D0%B0-%D0%BD%D0%B0%D0%BC%D1%83%D0%BD%D0%B0%D0%B2%D0%B8%D0%B9-%D0%B4%D0%B0%D1%81%D1%82%D1%83%D1%80.pdf](http://nargis.uz/wp-content/uploads/2019/09/%D0%BE%D0%BD%D0%BB%D0%B0%D0%B9%D0%BD_%D0%B6%D1%83%D1%80%D0%BD%D0%B0%D0%BB%D0%B8%D1%81%D1%82%D0%B8%D0%BA%D0%B0-%D0%BD%D0%B0%D0%BC%D1%83%D0%BD%D0%B0%D0%B2%D0%B8%D0%B9-%D0%B4%D0%B0%D1%81%D1%82%D1%83%D1%80.pdf).

<sup>2</sup> Л.П.Зверьянская. Исторический анализ этапов развития киберпреступности и особенности современных киберпреступлений // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2016. – Т. 15. – С. 881–885. – URL: <http://e-koncept.ru/2016/96090.htm>.

<sup>3</sup> А.Николаева, М.Тумбинская. Киберпреступность: история развития, проблемы практики расследования. Казанский национальный исследовательский технический университет им. А.Н.Туполева-КАИ Казань, Россия. Материалы международной конференции Sorucom 2014 // 13-17 октября 2014. <https://computer-museum.ru/articles/materialy-mezhdunarodnoy-konferentsii-sorucum-2014/629/>.



шунга қараб ўзининг кейинги ҳаракатларини олиб боради. Буни яхши англаган технология мулкдорлари эса, ўзининг технологияси орқали келаётган фойдасидан куруқ қолмаслик учун давлатдан ёрдам сўрайди, давлат ҳам ушбу технология орқали келаётган солиқ ва бошқа йиғимлардан айрилмаслик учун киберхавфсизликка оид ўз сиёсатини юритади. Мазкур киберхавфсизликка сиёсатни эса, технологиялар эмас, балки шахслар ишлаб чиққанлиги сабабли барча давлатларда киберхавфсизлик ва кибержиноятчилик ўзгача тарихга эга бўлган.

Хусусан, Россиядаги ўзгача киберхавфсизлик сиёсати олиб борилиши оқибатида, компьютер технологияларидан фойдаланган дастлабки жиноят 1991 йилда СССР ташқи иқтисодиёт банкидан 125,5 минг доллар миқдоридаги пул маблағларини ўғирлаш билан боғлиқ жиноят фош қилинган, Россияда 1997 йилда бу каби шундай жиноятлардан 7 таси, 1999 йилда 294 таси, 2000 йилда 800 таси, 2003 йилда 1602 таси, 2004 йилда 8739 таси<sup>1</sup>, 2011 йилда 5396 таси, 2012 йилда 5725 таси, 2013 йилда 6423 таси, 2014 йилда 4403 таси, 2015 йилда 5329 таси, 2016 йилда 3762 таси, 2017 йил январь-июнь ойларида 3994 таси, 2018 йил январь-июнь ойларида 3207 таси<sup>2</sup>, 2019 йилда 180 153 таси<sup>3</sup> фош этилган.

Шу ўринда Натан Ротшильднинг ахборотга эга бўлган киши, дунёга хукмронлик қилади<sup>4</sup>, деган сўзлари ёдга олсак, сабаби Россия тарихида 1997 йилда 7 та рўйхатга олинган компьютер соҳасидаги жиноятчилик 2019 йилда 180 153 тага, яъни 22 йил ичида 25736 баробар кўпайгани айнан мазкур фикрларнинг амалий томондан тўғри таъкидланганига яна бир бор гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Кибержиноятлар содир этилишида ахборот жуда муҳим ўрин тутаяди, умуман олганда “ахборот” тушунчасини фанга америкалик муҳандис, криптиктаҳлилчи, математик олим Клод Элвуд Шеннон 1948 йилда “бит”-маълумот бирлигини ихтиро қилиш орқали киритган<sup>5</sup>.

Кибержиноят ривож топиши билан унинг тармоқлари ҳам ривож топган. Экспертларнинг фикрича, фишинг орқали маълумотларни ўғирлаш, махфий мақсадга эга мобиль иловалар орқали электрон қурилмаларга кириб бориш ва алоқанинг ҳимоя қилинмаган каналларини томоша қилиш орқали бугун кўпчилик интернет фойдаланувчилари кибержиноятларнинг қурбонига айланмоқда<sup>6</sup>. Шунга кўра, кибержиноятчиликнинг ривожланиши натижасида кибертерроризм авукудаг келган бўлиб, аслида, кибертерроризм

<sup>1</sup> <https://sites.google.com/site/komputernyeprestuplenia/home/istoria-komputernyh-prestuplenij>.

<sup>2</sup> Е.Зубова. Киберпреступлений становится все больше, однако их раскрываемость уменьшается. <https://www.advgazeta.ru/novosti/kiberprestupleniy-stanovitsya-vse-bolshe-odnako-ikh-raskryvaemost-umenshaetsya/>.

<sup>3</sup> [https://safe.cnews.ru/news/top/2019-09-27\\_kiberprestupnost\\_v\\_rossii](https://safe.cnews.ru/news/top/2019-09-27_kiberprestupnost_v_rossii).

<sup>4</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A0%D0%BE%D1%82%D1%88%D0%B8%D0%BB%D1%8C%D0%B4,%D0%9D%D0%B0%D1%82%D0%B0%D0%BD\\_%D0%9C%D0%B0%D0%B9%D0%B5%D1%80](https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A0%D0%BE%D1%82%D1%88%D0%B8%D0%BB%D1%8C%D0%B4,%D0%9D%D0%B0%D1%82%D0%B0%D0%BD_%D0%9C%D0%B0%D0%B9%D0%B5%D1%80).

<sup>5</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A8%D0%B5%D0%BD%D0%BD%D0%BE%D0%BD,%D0%9A%D0%BB%D0%BE%D0%B4>.

<sup>6</sup> Кибер хавфсизлик бўйича халқаро форум (Cyber Security Forum-2017) материалларидан. Энг оммалашган 3 турдаги кибер жиноят маълум бўлди. 07.02.2017 йил. <https://sof.uz/post/eng-ommalashgan-3-turdagi-kiber-jinoyat-ma-lum-bo-ldi>.

1970 йилларда бошланган ва уни фанга В.Колин 1980 йилларда олиб кирган<sup>1</sup>. Кибертерроризм ўзининг жуда катта зарарли салбий оқибатларга олиб келиши билан характерланади, хусусан, 1993 йил Лондонда кибертеррористлар брокерлик фирмалари, банклар ва бошқа фирмалардан 10 млн. фунт стерлингдан 12 млн. фунт стерлинггача бўлган пул маблағларини талаб қилишган. 1994 йилда “Владимир Левин иши” бутун дунёда “компьютер жиноятларининг трансмиллий тармоғи мақомини олган. Ушбу жиноят россиялик кибержиноятчилар томонидан 12 кишидан иборат халқаро уюшган гуруҳ томонидан АҚШ, Финландия, Исроил, Швейцария, Германия, Россия, Голландиядаги банклардан 10 млн. 700 минг 952 АҚШ доллари миқдоридagi 40 та пул ўтказмаларига нисбатан амалга оширилган кибержиноят бўлиб, кибержиноятчилар 400 минг АҚШ доллари миқдоридagi пул маблағларини ўзлаштириш вақтида қўлга туширилган иш эди<sup>2</sup>.

Э.С.Шевченко кибержиноятларни мулкка қарши қаратилган кибержиноятлар, яъни электрон тўлов воситалари ва тизимларидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик, электрон тўлов воситалари ва тизимларидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик, электрон тўлов воситалари ва тизимларидан фойдаланган ҳолда ўғрилик, иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар (жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштириш, ноқонуний тадбиркорлик), яъни электрон тўлов воситалари ва тизимлари ёрдамида ноқонуний олинган даромадларни легаллаштириш, ноқонуний тадбиркорлик, компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятлар, яъни электрон тўлов тизимларининг ахборот объекти бўлган компьютер маълумотларига ноқонуний кириш, электрон тўлов тизимларида ёки электрон тўлов усулларида ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун мўлжалланган зарарли дастурларни яратиш, улардан фойдаланиш ва тарқатиш, давлат ҳокимиятига, давлат хизматини ва маҳаллий бошқарувдаги хизматга қарши жиноятлар (электрон тўлов воситалари ва тизимлар орқали пора бериш; электрон тўлов воситалари ва тизимлар орқали пора олиш)га ажратади<sup>2</sup>.

Ю.Газизованинг фикрича, кибержиноятлар фишинг, кардинг, СМС-фишинг, Интернет-фишинг, вишинг, скимминг, шиминг, онлайн-фирибгарлик, пиратство-қароқчилик, мальваре, ноқонуний контент-таркиб, рефайлинг каби турларга бўлинади<sup>3</sup>.

Т.Л.Тропинанинг фикрича, кибержиноятлар маълумотлар махфийлигини бузиш, компьютер ва компьютер тармоқларига рухсатсиз кириш, тижорат сири бўлган маълумотларнинг махфийлигини бузиш, компьютер фитнаси (ишлаганга халақит бериш, маълумотларни ўзгартириш, йўқ қилиш ва ҳк), иқтисодий киберхужумлар (хусусан, компьютер фирибгарлиги) каби турларга бўлинади, шунингдек, уларни қуйидаги кибержиноятлар ўзида қамраб олувчи умумий турларга бўлинади, хусусан, жисмоний хавфсизликка, ҳаёт ва инсон соғлиғига зарар етказувчи зўравон ёки бошқа хавфли кибержиноятлар, ахборотнинг махфийлигига тажовуз қилувчи жиноятлар - маълумотларга зарар етказмасдан компьютерларга ёки компьютер тизимларига ноқонуний кириш, маълумотларнинг бузилиши ва маълумотлар яхлитлиги ва компьютер тизимларининг хавфсизлигига тажовуз қилишдан иборат бузувчи киберхужум. Бундай жиноятлар мулкка зарар етказиши мумкин, аммо улар маълумот, маълумот, пул ўғирлаш билан боғлиқ бўлмайди, мулкка, мулккий ҳуқуқларга, шунингдек маълумотларга ва муаллифлик ҳуқуқларига тажовуз қилувчи жиноятлар, жамият ахлоқига

<sup>1</sup> Д.В.Пашнев. Криминалистическая классификация преступлений, совершаемых с использованием компьютерной техники. Симферополь: Доля, 2004. С. 164 – 166.

<sup>2</sup> Е.С.Шевченко. Тактика производства следственных действий при расследовании киберпреступлений. Специальность: 12.00.12 – криминалистика; судебно-экспертная деятельность; Оперативно-розыскная деятельность. Диссертация на соискание учёной степени кандидата юридических наук. – М.2016 г., 47-48.

<sup>3</sup> Ю.Газизова. Киберпреступность в Украине. Эра цифровых технологий – эра новых преступлений. [http://uz.ligazakon.ua/magazine\\_article/EA013606](http://uz.ligazakon.ua/magazine_article/EA013606).

тажовуз қилувчи кибержиноятлар, жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи кибержиноятлар, бошқа кибержиноятларга имкон берувчи кибержиноятлар, “компьютерда ишлов бериш”, яъни анъанавий кибержиноятлар, уларни амалга оширишда орқали бошқа компьютер жиноятчилиги учун шарт-шароит яратилади, унга компьютер тармоқлари орқали амалга ошириладиган ва қонун билан қўриқланадиган турли хил объектларга тажовуз қилиш кибержиноятлари киради. Бу гуруҳга турли хил жиноятлар киради, аммо уларнинг ҳаммаси компьютер технологияларидан фойдаланмасдан содир этилиши мумкинлиги белгиси билан бирлаштирилган, бошқа ахборот технологиялари ёрдамчи рол ўйнайдиган кибержиноятлар саналади<sup>1</sup>.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евросиё гуруҳининг фикрича, кибержиноятлар Интернетдаги фирибгарликлар, хусусан, Интернетда “молиявий пирамидалар” яратиш, Интернет орқали ёки онлайн аукционлар савдосидаги фирибгарликлар, молиявий, тижорат ёки шахсий маълумотларни ўғирлаш учун дастурий воситаларни яратиш бўйича фаолият (сохта веб сайтларни яратиш, компьютер вируслари ва троян дастурларининг тарқалиши, трафикка тўсқинлик қилиш ва бошқалар), масофавий банк хизматларига оид фирибгарликлар, хусусан, хизмат кўрсатувчи банкнинг дастурий таъминоти ёрдамида мижознинг компьютеридаги ахборотларни яширинча ушлаб туриш учун компьютер вируслари ва троянларни яратиш, банкдаги ҳисобварақларни очиш, рухсатсиз операцияларни амалга ошириш ва узоқ банк тизимларида рухсатсиз операцияларни амалга ошириш орқали нақд пул олиш, бошқа тўловларни хорижий жўнатувчилар орқали амалга ошириш, СВИФТ халқаро тизими, хорижий банк муассасалари мижозларининг компьютерлари ва банк тизимлари ишига аралаштириш, тўлов карталарини қалбакилаштириш ва банкоматларнинг фирибгарлиги, хусусан, йўқотилган, ўғирланган, сохта тўлов карталаридан фойдаланиш билан боғлиқ кибержиноятлар, “клонлаш”га оид техник воситалардан фойдаланган ҳолда банк тўлов карталаридаги маълумотларни ўғирлаш, скимминг, тўлов картасининг магнит тасмасидан маълумотларни ўқиш, нусхалаш ва унинг ПИН-кодини олишга ихтисослашган асбобларни ишлаб чиқариш, сотиш ва банкоматларга ўрнатиш, тўлов картасини “клонлаш” (сохталаштириш) ва банкоматлардан нақд пулларни олиш учун “оқ пластик”-сохта пластик картадан фойдаланиш, транзаксияни бекор қилиш фирибгарлиги, нақд пул олиш каби жиноятларга бўлинади<sup>2</sup>.

“Кибержиноятчилик тўғрисида”ги Будапешт Конвенциясига асосан, кибержиноятларга Интернет ва бошқа компьютер тармоқлари орқали содир этилган жиноятлар, муаллифлик ҳуқуқларининг бузилиши, компьютер

<sup>1</sup> Т.Л.Тропина. Киберпреступность: понятие, состояние, уголовно-правовые меры борьбы. Тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук Тропина, Татьяна Львовна. – Владивосток. 2005 г., – С.10., 17.

<sup>2</sup> Евразийская группа по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма. Киберпреступность и отмывание денег. 2014 г., – С.13-14. [https://eurasiangroup.org/files/Typologii%20EAG/Tipologiya\\_kiber\\_EAG\\_2014.pdf](https://eurasiangroup.org/files/Typologii%20EAG/Tipologiya_kiber_EAG_2014.pdf).

фирибгарлиги, болалар порнографияси ва тармоқ хавфсизлигини бузиш билан боғлиқ жиноятлар киради ва у ушбу жиноятларга қарши курашиш бўйича биринчи халқаро шартнома ҳисобланади<sup>1</sup>.

Юқоридаги фикрлар орқали кибержиноятларни таснифлашдан олдин, кибержиноятлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларми ёки ахборот-коммуникация технологиялари тизимига ёки тармоғига қарши қаратилган кибержиноятларми, деган саволга ойдинлик киритиб олиш керак, сабаби “Кибержиноятчилик тўғрисида”ги Будапешт Конвенцияси ва бошқа бир қатор олимларнинг фикрича кибержиноятлар ахборот-коммуникация технологияларига қарши қаратилган жиноятлар бўлиши лозим, бироқ шу ўринда савол туғилади, киберқотиллик, киберпорнография, киберфирибгарлик, кибертовламачилик, киберсуицид, киберзўравонлик, киберагрессия, кибербезорилик ва бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларчи, улар кибержиноятлар ҳисобланмайдими? Наздимизча, бу саволга ойдиқлик киритиш учун аввало, кибержиноятларнинг кибермуҳитда содир этилишини инобатга олишимиз зарур ва буни биронта шахс ёки давлат инкор қилмайди, киберсуицид мисолида фикрларимизни давом эттирсак, киберсуицидни амалга оширишда кибержиноятчи жабрланувчи томонидан фойдаланиладиган ахборот-коммуникация технологиялари, мисол учун телеграмм ижтимоий тармоғи орқали унинг онгини заҳарловчи ахборотларни тинимсиз юбориш ёки киберўйинларга уни қизиқтириш орқали руҳий хужум уюштиради ва шу орқали шахс ўзини ўзи ўлдиришга ундалади ёки Ўзбекистон жиноят қонунчилигининг 278-2-моддасида назарда тутилган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (руҳсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш жинояти ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (руҳсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб айнан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб тайёрланади, ўтказилади, ишлаб чиқарилади ёки тарқатилади ёхуд фойдаланилади.

Демак, кибержиноятларнинг ахборот-коммуникация тизими ва тармоғига нисбатан содир этилишини, ушбу жиноятлар кибермуҳитда амалга оширилишини биронта давлат ёки шахс инкор этмаслигини ва юқоридаги ҳолатлар ҳақида ҳулоса чиқаришимиз мумкинки, кибержиноятлар фойдаланиш усулига кўра, иккита катта гуруҳга бўлинади, кибертехнологиялардан фойдаланиб содир этиладиган кибержиноятлар ва кибертехнологияларга қарши қаратилган кибержиноятлар.

Нега, кибертехнологиялар, сабаби оддий, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси жуда кенг ва ҳар доим баъзи ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилган қилмишни биз кибержиноят деб айта

<sup>1</sup> Будапештская конвенция. 2001 г., <https://www.coe.int/ru/web/impact-convention-human-rights/convention-on-cybercrime#/>.

олмаймиз ва ушбу соҳани махсуслантириш учун ҳам кибертехнологияи деган тушунчани қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Кибертехнологияларга эса, кибержиноятлар ёки киберхукукбузарликлар амалга ошириш учун фойдаланиладиган ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот ресурслари, телекоммуникация воситалари, Интернет, робототехника, дастурий таъминот, махсус тизим, ахборот тизими ва тармоғи, ахборот, рақамли технологиялар, алоқа объектлари ва бошқа ахборот-коммуникация соҳасига кирувчи ёки соҳага киритилмаган бироқ соҳага тааллуқли бўлган яқин келажакда ихтиро қилинадиган ва ихтиро қилинаётган, фойдаланиладиган бошқа технологиялар киради ҳамда ушбу технологиялардан қайси бири юқоридаги қилмишларни амалга ошириш вақтида фойдаланилса ёки мазкур технологиялар тизими ёки тармоғига нисбатан амалга оширилса ушбу технологияларни кибертехнология деб, соҳани махсуслантириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Кибертехнологиялардан фойдаланиб содир этиладиган ва кибертехнологияларга қарши қаратилган кибержиноятлар эса қуйидаги турларга бўлинади, хусусан, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер саботажи ва бошқа жиноятлар кибертехнологияларга қарши қаратилган кибержиноятлар киради, кибертехнологиялардан фойдаланиб содир этиладиган кибержиноятларга киберқотиллик, кибербосқинчилик, киберсуицид, кибербезорилик, кибертерроризм, киберэкстремизм, киберқўпорувчилик, киберфирибгарлик, киберўғрилик, киберрастрата, кибертовламачилик ва бошқа жиноятлар киради.

Кибержиноятлар объектга нисбатан қасд қилишига қараб эса, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

### **1. Шахсинг ҳаёти, соғлиғи ва ахлоқига қарши қаратилган кибержиноятлар:**

**киберқотиллик** – ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли технологиялар ёки робототехникадан иборат бўлган кибертехнологиялар орқали ўзга шахсни қонунга ҳилоф равишда ҳаётдан маҳрум қилиш;

**кибертехнологиялар орқали шахсни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш** – кибертехнологиялар орқали шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш;

**киберсуицид** – кибертехнологиялар орқали кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш;

**кибертахдид** – кибертехнологиялар орқали шахсни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш;

**киберсексуализм** – жабрланувчига кибертехнологиялардан фойдаланиб рухий таъсир кўрсатиш йўли билан унинг шахвоний эҳтиёжларини бошқариш;

**кибертехнологиялардан фойдаланиб фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш** – фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва хомийлик органининг эркига қарши, кибертехнологиялар орқали етим ёки ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан қўриқланадиган сирини ошкор қилиш;

**кибертехнологиялардан фойдаланиб вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш** – кибертехнологиялар орқали вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган ёки ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга ҳар қандай усулда жалб қилиш;

**киберпорнография** – порнографик маҳсулотни кибертехнологиялар ёрдамида тайёрлаш, Республика ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, фойдаланиш, тарғиб қилиш;

**киберзўравонлик** – зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни кибертехнологиялар ёрдамида тайёрлаш, Республика ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, фойдаланиш, тарғиб қилиш;

**киберқўшмачилик** – ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ёки моддий наф кўриш мақсадида кибертехнологиялар орқали қўшмачилик қилиш, фохишалик билан шуғулланувчи шасхларни кибертехнологиялар орқали реклама қилиш, улар ҳақида маълумот бериш;

**кибертуҳмат** – кибертехнологиялар орқали била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш;

**киберҳақорат** – кибертехнологиялар орқали шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик ва ахлоқсизлик билан қасддан таҳқирлаш;

**2. Шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган кибержиноятлар:**

**шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш** – шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш;

**шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** – шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда ошкор этиш, тарқатиш, эгасизлантириш, ўзгартириш, ишлаб бериш, қонун билан белгиланган мулкдор ва оператор томонидан шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича зарур ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўрмаслик, шахсга доир маълумотлар ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ваколатли давлат органини хабардор этмаслик;

**алоқа, телекоммуникация ва бошқа ахборот-коммуникация технологиялари орқали хат-хабар алмашув, сўзлашувлар ва бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш** – алоқа,

телекоммуникация ва бошқа ахборот-коммуникация технологиялари орқали хат-хабар алмашув, сўзлашувлар ва бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини қасддан бузиш, уларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва техник ҳужжатлар талабларига бўйсунмаслик ёки риоя қилмаслик, шунингдек, мазкур қилмишлар орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар келтириш ёки зиён келтиришда ифодаланган қилмиш;

**кибертехнологиялардан фойдаланиб виждон эркинлигини бузиш** – кибертехнологиялардан фойдаланиб диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш ёки шахсларнинг бирон динга эътиқод қилиши ёки бирон динга эътиқод қилмаслигига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ виждон эркинлигини бузиш;

**кибертехнологиялар орқали ахборот-коммуникация технологияларига оид муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш** – кибертехнологиялар орқали ахборот-коммуникация технологияларига оид муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш, ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, ахборот-коммуникация технологияларига оид ихтиро ва бошқа кашфиётлар ва бошқа ҳолатлар хусусида муаллифнинг розилигисиз уларни ошкор қилиш;

### **3. Ижтимоий ва сиёсий кибержиноятлар:**

**киберагрессия** – кибертехнологиялар орқали босқинчилик урушини режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш, шунингдек шу ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш;

**киберагрессиянинг қуйидаги турлари мавжуд, хусусан,**

**1) флайминг** – тенг мавқега эга иштирокчилар ўртасида низоларни, оммавий ҳақоратларни ва Интернетда ҳиссий фикрлар алмашинувини кучайтириш;

**2) троллинг** – иштирокчилар ўртасида салбий ҳиссий реакция ёки низоларни келтириб чиқариш учун провокацион хабарларни Интернетга жойлаштириш;

**3) ҳейтинг** – салбий шарҳлар ва хабарлар, маълум бир шахс ёки ҳодисани мантиқсиз танқид қилиш, киберсталкинг электрон воситалардан фойдаланиб безовталиқ ва ачиниш ҳиссини келтирадиган такрорий хабарлар орқали жабрланувчини таъқиб қилиш;

**4) кибербуллинг** – ожиз аҳволдаги шахсларга нисбатан бир гуруҳ шахслар ёки битта шахс томонидан содир етилган тажовузкор, қасддан, такрорий ва узоқ муддатли ҳаракатлар;

**5) харассмент** – номаълум шахсларга доимий равишда такрорланадиган ҳақоратли хабарлар юбориш йўли билан уларнинг безовталанишини, асабийлашини келтириб чиқариш;

**б) очернение-қоралаш киберагрессия жинояти** – ижтимоий тармоқларда шахсларнинг тасвирларини бузиб кўрсатиш йўли билан шахс ҳақида ўзгалар руҳиятида ҳақиқатга тўғри келмайдиган, ёлғон ва бузуғунчилик характеридаги ахборотлар пайдо бўлишини келтириб чиқариш;

**7) имперсонация** – ўзини тутиш, сохта номдан фойдаланиш, қалбаки деган маънони англантиб, жабрланувчининг ахборот тизимларига кириб,



унинг akkaунтидан фойдаланган ҳолда унинг дўстларига ҳақиқатга тўғри келмайдиган, сохта, нотўғри, тухматона маълумотлар юбориш, шахсий маълумотларни ошкор қилиш, Интернетда жабрланувчини ҳақорат қилиш ёки шантаж қилиш мақсадида унга тегишли шахсий, махфий маълумотларини тарқатиш, эксклюзия, остракизм (ижтимоий ўзини ўзи яққалаш) виртуал оламдан ёки ижтимоий тармоқдаги махсус гуруҳлардан четлатиш, бошқалар билан мулоқот қилишни чеклаш, бошқалар билан виртуал оламда дўст бўлишининг олдини олиш, жабрланувчининг ўзига бўлган ишончини пасайтириш, ижтимоий ўлимини келтириб чиқариш, жимоний зўравонлик ўтказиш бўйича очидан-очиқ виртуал оламда таҳдид қилиш;

**8) хеппислепинг** – жисмоний зўравонлик ёки ҳақоратли ҳужумни назарда тутувчи онлайн тартибда видеоларни жойлаштириш йўли билан жабрланувчининг хўрланишини ташкил қилиш;

**9) астротурфинг** – махсус дастурий таъминот ва/ёки махсус ёлланган фойдаланувчилар ёрдамида Интернет алоқаси муҳитида кенг қўламли шарҳлаш орқали жамоат фикрини сунъий равишда шакллантириш ёки жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш орқали содир этиладиган кибержиноий ҳаракатлардир.

**кибергеноцид** – миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб, бир гуруҳ шахсининг кибертехнологиялар орқали жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасддан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тўла ёки қисман қириб юбориш, кибертехнологиялар орқали бола туғилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш, шунингдек, бундай ҳаракатлар содир этиш тўғрисида буйруқ бериш;

**киберёлланиш** – ўзининг ёки ўзга шахсининг манфаатларини кўзлаб, моддий ва бошқа наф қўриш мақсадида ўзга давлат ёки хусусий сектордаги шахсларнинг кибертехнологияларга нисбатан бўладиган киберҳужумда қатнашиш, уни молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳарбий ва бошқа ҳаракатларда фойдаланиш;

**кибертерроризм** – кибертехнологиялар орқали халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуроли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга оширишга бўлган таҳдид, вазиятни беқарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд

қилиш ёки унинг баданига шикаст етиши сабаб бўладиган бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар;

**кибертеррористик таълим олиш ёки таълим бериш ёхуд ҳаракатланиш** – кибертерроризмни амалга ошириш, унга шарт-шароит яратиб бериш ёки кўмаклашиш мақсадида махсус кибертеррористик ўқув ёки тайёргарликдан ўтиш, тайёргарлик орқали махсус билимга ёки кўникмага эга бўлиш, ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтиши ёки шундай билим ва таълимни бериш;

**кибертерроризмни молиялаштириш** – кибертеррорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, кибертеррорчилик ёки бошқа террористик ҳаракатларда иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, кибертеррорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, кибертеррорчилик ташкилотларига ёхуд кибертеррористик ҳаракатларга кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият;

**киберэкстремизм** – миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, муросасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган кибертехнологиялар орқали қасдан қилинган ҳаракатлар, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш ёки шундай мақсадда сақлаш, диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш ёки шундай мақсадларда тайёрлаш, сақлаш;

**давлат раҳбарига ёки бошқа мансабдор шахсига нисбатан кибертажовуз** – кибертехнологиялар орқали давлат раҳбарига ёки бошқа мансабдор шахсларнинг ҳаётига тажовуз қилиш, уларни омма олдида ҳақоратлаш ёки уларга тухмат қилиш;

**кибертехнологиялар орқали давлатнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш** – кибертехнологиялар орқали давлат Конституциясида назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузишга қаратилган жиноий фаолият;

**кибержосулик** – чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиш мақсадида давлат сири ҳисобланган маълумотларни кибертехнологиялар

орқали қўлга киритиши, йиғиши ёки сақлаши ва бошқа ҳаракатларни амалга оширишига оди жинойий фаолият;

**киберқўпоровчилик** – давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадида кибертехнологиялар орқали одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган киберҳаракатлар;

**кибертехнологиялар орқали давлат сирларини ошкор қилиш** – давлат сири, ҳарбий сир ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларнинг, бу маълумотлар ишониб топширилган ёки хизмати ёхуд касб фаолияти юзасидан улардан хабардор бўлган шахс томонидан давлатга хоинлик қилмаган ҳолда кибертехнологиялар орқали ошкор қилиш;

**кибертехнологиялардан фойдаланиб пора олиш** – давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни кибертехнология орқали пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига кибертехнологиялар орқали шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулккий манфаатдор бўлиши;

**кибертехнологиялардан фойдаланиб пора бериш** – давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни кибертехнологиялар орқали пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали кибертехнологиялардан фойдаланиб моддий қимматликлар бериш ёки уни мулккий манфаатдор этишга оид қилмиш;

**кибертехнологиялар орқали давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш** – кибертехнологиялардан фойдаланиб давлат рамзлари бўлган давлат байроғи, давлат герби, давлат мадҳияси ва бошқа рамзларга нисбатан қилинган истаган ноқонуний ҳаракатлар;

**кибертехнологиялар орқали йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш** – кибертехнологиялардан фойдаланиб ноқонуний равишда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоишлар уюштиришни тарғиб қилиш, қонуний ўтказилаётган митинг, йиғилишлар, кўча юришлари ва намоишларига кибертехнологиялар орқали ноқонуний тўсқинлик қилишга ифодаланган ҳаракатлар;

**кибертехнологиялар орқали тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш** – кибертехнологиялардан фойдаланиб ғаразли мақсадларда тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш, шунингдек, фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд

ташкilotлар ишига тўсқинлик қилиш мақсадида иш ташлаш ҳақида ноқонуний чақириқлар билан чиқишга оид қилмиш;

**кибертехнологиялар орқали ҳужжатлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш** – корхоналар, муассасалар, ташкilotларнинг қатъий ҳисобидаги ҳужжатлар, бланкаларини ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда кибертехнологиялардан фойдаланиб эгаллаш, уларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказишга оид қилмиш;

**электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни қалбакилаштириш, сохталаштириш ва улардан фойдаланиш** – сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган электрон рақамли имзо ва расмий электрон ҳужжатларни кибертехнологиялар орқали тайёрлаши, қалбакилаштириши, бундай электрон расмий ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкilotнинг қалбаки электрон бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш ва ушбу электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатлардан фойдаланишига оид жиноят<sup>1</sup>;

**кибертехнологиялар орқали далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)** – исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан далилларнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб кибертехнологиялар орқали ёлғон маълумотларни киритишда ва ўзга бузиб кўрсатишларда намоён бўладиган сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши)га оид қилмиш;

**кибертехнологиялар орқали суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш** – суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг рухсатисиз кибертехнологиялар орқали ошкор қилишда ифодаланган қилмиш;

**кибертехнологиялар орқали жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш** – жиноий фаолият натижасида топилган мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк)ни кибертехнологиялар орқали ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини кибертехнологиялар орқали яшириш ёхуд сир сақланишини таъминлашга оид қилмиш;

**кибертехнологиялар орқали ёлғон маълумотлар тарқатиш** – кибертехнологиялар орқали ҳақиқатга тўғри келмайдиган, аҳолини ваҳима ва

<sup>1</sup> А.Анорбоев. Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни тайёрлаш ва фойдаланиш қоидаларини бузишнинг ҳуқуқий ҳолати. – Т. “Қонун ижодкорлигининг замонавий тенденциялари: миллий, хорижий ва халқаро тажриба” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2019 йил 30 май. “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази. – 198-219 б.

саросимага соладиган миллий, ирқий, этник, диний материалларни, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатишга оид жиноий фаолият;

**кибертехнологиялар орқали шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш** – гаров сифатида тутқунликка олинган шахсни озод қилиш шarti билан кибертехнологиялар орқали давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсдан бирон-бир ҳаракат содир этиш ёки бирон-бир ҳаракат содир этишдан ўзини тийиб туришни талаб қилиш мақсадида шахсни кибертехнологиялар орқали гаров тариқасида тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туришга оид жиноят;

**киберконтрабанда** – кибертехнологиялар орқали божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб кибертехнологиялар орқали ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқдориларни, шунингдек гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни давлатнинг божхона чегарасидан ўтказишга қаратилган жиноий фаолият;

**ўқотар қурол, ўқдорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмаларини, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни, радиоактив материалларни, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни портлатиш қурилмалари киберўғрилик ёки киберфирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш** – кибертехнологиялар орқали ўқотар қурол, ўқдорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмаларини, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни, радиоактив материалларни, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни портлатиш қурилмалари киберўзлаштириш, киберрастрата, киберталончилик, кибербосқинчилик, кибертовламачилик, киберўғрилик, киберфирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллашга қаратилган жиноий фаолият;

**киберпиротехника** – пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда кибертехнологиялар орқали ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда давлат худудига олиб кириш ёки давлат худудидан олиб чиқиш ёхуд ўтказишга қаратилган жиноий фаолият;

**кибертехнологиялар орқали нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш** – нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини, шунингдек технологик жиҳатдан улар билан боғлиқ бўлган объектларни, иншоотларни, алоқа, автоматика, сигнализация воситаларини уларнинг нормал ишлаши, бузилишини таъминлаш мақсадида кибертехнологиялар орқали уларни қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёки бошқа усул билан уларни фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтиришга қаратилган жиноятлар;

**кибертехнологиялар орқали транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар** – кибертехнологиялар орқали ёки махсус роботлар орқали автомобил, темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти воситалари, алоқа йўллари, улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари, алоқа ёки бошқа транспорт ускуналарини қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёхуд уларни бошқа усулда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш, рухсатномада кўрсатилган учиш йўналишига, қўниш жойларига, ҳаво дарвозаларига, учиш баландлигига риоя қилмаслик ёки халқаро учиш қоидаларини бошқача тарзда бузишда ифодаланган ижтимоий хавли қилмиш;

**кибергиёхвандлик**– гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда киберўғрилиқ, киберфирибгарлик, кибербосқинчилик, кибертовламачилик, киберўзлаштириш, киберрастрата, киберталончилик йўли билан эгаллаш, қонунга ҳилоф равишда кибертехнологиялар орқали тайёрлаш, олиш, сақлаш, ўтказиш, намоиш қилиш, реклама қилиш, тарқатиш, фойдаланиш, истеъмол қилишга жалб қилиш ва бошқа ҳаракатлар қилишда ифодаланган ижтимоий хавfli қилмиш;

**кибербезорилик** – шахснинг кибертехнологиялар орқали жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслигида ифодаланган ҳар қандай қилмиш;

**киберқиморбозлик** – кибертехнологиялар орқали қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга ҳилоф равишда ташкил этиш, ўтказиш, хизматлар кўрсатиш;

#### **4. Иқтисодий кибержиноятлар:**

**кибербосқинчилик** – ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш мақсадида кибертехнологиялар орқали киберҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган киберзўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитида ифодаланган ижтимоий хавfli қилмиш;

**кибертовламачилик** – жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни кибертехнологиялар орқали ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгандан кибертехнологиялар орқали мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир

этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш;

**киберталончилик** – кибертехнологиялар орқали ўзганинг мулкини очикдан-очик талон-торож қилиш;

**киберўзлаштириш ёки киберрастрата** – айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини кибертехнологиялар орқали ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш;

**киберфирибгарлик** – кибертехнологиялар орқали алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш;

**киберфирибгарлик эса, қуйидаги асосий турларга бўлинади<sup>1</sup>:**

**1) фишинг** – инглизча балиқ ови деган маънони билдиради ва у жиноят банклар ва тўлов тизимлари номидан электрон хатлар юбориш орқали, фойдаланувчини банк ва тўлов тизимлари билан бир хил кўринишда бўлган махсус сайтга киришга ундаш ва фойдаланувчининг махсус сайтга кириши ва унда шахсий маълумотларини қолдириш орқали киберфирибгар тузоғига тушишга оид жиноятдир<sup>2</sup>;

**2) кардинг** – фишинг сайтлар яратиш ва унда арзон нархдаги товарларни жойлаштириш ҳамда ундан харидорлар томонидан ўзининг шахсий маълумотларини (пластик картаси ҳақидаги маълумотларни) киритиш орқали киберфирибгарга пластик карта ҳақида маълумот берувчи, аммо бирон бир олди-сотдини амалга ошириш имконини бермайдиган киберфирибгарликнинг бир туридир<sup>3</sup>;

**3) фарминг** – фишинг сайтлар орқали содир этиладиган фирибгарликнинг юқори кўриниши бўлиб, унда фойдаланувчи сайт номини тўғри киритса ҳам сохта сайтга кираверади ва шу орқали ўзининг шахсий маълумотларини ўзи билмаган ҳолда киберфирибгарнинг қўлига топширига оид киберфирибгарлик жиноятининг бир туридир<sup>4</sup>;

**4) скимминг** – банкоматларга ўрнатилган махсус скимминг воситалари ёрдамида пластик карталар ҳақидаги маълумотларни билиб олиб, тайёрланган сохта пластик карталар ёрдамида ҳақиқий пластик карталардаги пулларни ўмаришга оид киберфирибгарликнинг бир туридир<sup>5</sup>;

**5) нигерия хатлари** – васият ва меросни топшириш билан боғлиқ сафсатани фойдаланувчининг электрон манзилига йўллаш, васият ва меросни яқунлаш учун фойдаланувчидан алдов йўли билан ёрдам сўраш ва унга молиявий зарар келтиришга оид киберфирибгарликнинг бир туридир<sup>6</sup>;

**6) вишинг** – интернетдаги тўлов тизимлари орқали Интернет тармоғидан фойдаланувчига смс хабарнома юбориш ва шу орқали алдов йўли

<sup>1</sup> А.Анорбоев. Киберфирибгарлик жинояти: жиноий-ҳуқуқий ва криминологик тавсифи. – Т.: 2020 й., Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2-махсус сон. – Б. 300-309.

<sup>2</sup> Что такое фишинг и как от него защититься // <https://rb.ru/story/what-is-fishing/>.

<sup>3</sup> Кардинг (Carding) // <https://www.anti-malware.ru/threats/carding>.

<sup>4</sup> Что такое фарминг? [https://club.cnews.ru/blogs/entry/chto\\_takoe\\_farming\\_i\\_kak\\_s\\_nim\\_borotsya](https://club.cnews.ru/blogs/entry/chto_takoe_farming_i_kak_s_nim_borotsya).

<sup>5</sup> Скимминг (Skimming) // <https://www.anti-malware.ru/threats/skimming>.

<sup>6</sup> «Нигерийские письма» // <http://nigeria.mfa.gov.by/ru/letters/>.

билан фойдаланувига мулкый зарар келтиришга оид киберфирибгарликнинг бир туридир<sup>1</sup>;

**7) смишинг** – фишингга қараганда хийлакорроқ тусга эга бўлган, банклар, йирик компаниялар, лотарейлар ва бошқа таниқли компаниялардан фойдаланувчига СМС-хабарнома шаклидаги фойдаланувчидан махсус хаволаларга кириш орқали, ўзи томонидан ютиб олинган пул маблағларини олиш ёки олиши мумкин бўлган кетма-кетликни амалга оширишга қаратилган фойдаланувчини тузоққа туширишга ихтисослашган, фойдаланувчини ўйлантириб қўядиган, ташвишга солидиган хабарномалар юбориш ва ундаги хаволаларга киришга оид киберфирибгарликнинг бир туридир<sup>2</sup>;

**киберўғрилик** – кибертехнологиялар орқали ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш;

**алдаш ва ишончи суистеъмол қилиш орқали кибертехнологиялардан фойдаланиб зарар етказиш** – талон-торож қилишнинг аломатлари бўлмаган ҳолда кибертехнологиялар орқали алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулкдорга зарар етказиш;

**кибертехнологиялар орқали жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш** – кибертехнологиялар орқали мулкнинг жиноий йўл билан топилганини била туриб, уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиш ёки ўтказиш;

**кибертехнологиялар орқали мулкни қасдан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш** – кибертехнологиялар орқали ўзганинг мулкни қасдан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш;

**кибертехнологиялар орқали қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш** – ўтказиш мақсадида кибертехнологиялар орқали қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаш ёки уларни ўтказиш;

**кибертехнологиялар орқали валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш** – фуқароларнинг қонунга хилоф равишда кибертехнологиялар орқали валюта қимматликларини олиш ёки ўтказиш;

**кибертехнологиялар орқали солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш** – фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни кибертехнологиялар орқали қасдан яшириб, камайтириб, давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товлашда ифодаланган қилмиш;

<sup>1</sup> Р.Х.Аюпов. Г.Р.Болтабоева. Интернетдаги иқтисодий фирибгарликлардан химояланиш усуллари // – Т.: 2014 й., – Б.26-49.

<sup>2</sup> Фишинг, вишинг, смишинг, фарминг — в чем разница // <https://www.protectimus.com/blog/ru-phishing-vishing-smishing-pharming/>.



**кибертехнологиялар орқали электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш** – умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига кибертехнологиялар орқали ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг plombаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга кибертехнологиялар орқали ташқаридан аралаштириш;

**кибердоришунослик** – сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида уларни кибертехнологиялар орқали ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказишда ифодаланган қилмиш;

**ноқонуний кибертадбиркорлик** – давлат рўйхатидан ўтмасдан ахборот-коммуникация технологияларига оид тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, у орқали даромад топишда ифодаланган қилмиш;

**кибер “молиявий пирамида”** – кибертехнологиялар орқали мулкрий манфаат бериш бўйича зиммага мажбурият олиш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятни амалга ошириш ва бунда илгари олинган мажбуриятни жисмоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулки ҳисобидан бажариш, шунингдек бундай фаолиятга раҳбарлик қилиш ҳамда шундай фаолият кўрсатилишини таъминлаш, худди шунингдек мазкур фаолиятда иштирок этишга жалб қилиш мақсадида ушбу фаолиятни кибертехнологиялар орқали реклама қилишда ифодаланган қилмиш;

**кибертехнологиялар орқали қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш** – сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни кибертехнологиялар орқали эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида кибертехнологиялар орқали ҳар қандай усулда тўплаш, ошкор қилиш ёки ундан фойдаланишда ифодаланган қилмиш;

**кибертехнологиялар орқали рақобатчини обрўсизлантириш** – кибертехнологиялар орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатишда ифодаланган қилмиш;

**5. Ахборот-коммуникация технологияларнинг қонуний муомаласига қарши қаратилган кибержиноятлар:**

**ахборотлаштиришга оид қонун ҳужжатларини бузиш** – ахборотлаштиришга оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга лозим даражада риоя қилмай ёки умуман риоя қилмаган ҳолда ахборот-коммуникация тизимлари, тармоқлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган

манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига зарар ёхуд жиддий зиён етказилишида ифодаланган қилмиш;

**компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш** – ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотларни йўқ қилиш, тўсиб қўйиш, ундан нусха кўририлиши, модификациялаштирилиши, унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўладиган қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишда ифодаланган қилмиш;

**ахборот-коммуникация тизими, тармоғига кириш имконини берувчи ёки ундан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун кибертехнологияларни ўтказиш мақсадида уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ўтказиш, тарқатиш, фойдаланиш ва сотиш** – химояланган ахборот-коммуникация тизими, тармоғига кириш имконини берувчи ёки ундан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун кибертехнологияларни ўтказиш мақсадида уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ўтказиш, тарқатиш, фойдаланиш ва сотишда ифодаланган қилмиш;

**компьютер ахборотини модификациялаштириш** – компьютер тизими, тармоғи ва воситаларида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлфон ахборотни киритиш орқали иқтисодиёт соҳасига қарши қаратилмаган фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида ифодаланадиган қилмиш<sup>1</sup>; агарда мазкур қилмиш мулкӣ тусдаги жиноятни кўзлаб амалга оширилган бўлса, ушбу жиноятдан кўзланган мақсад ўзга шахсга мулкӣ зарар келтириш бўлганлиги сабабли иқтисодиёт соҳасидаги кибержиноят сифатида квалификация қилиниши зарур. Бироқ, Ўзбекистон жиноят кодексининг 278-4-моддасида бу ҳолат етарлича эътибор қаратилмаган ва шу сабабли амалиётда деярли барча ҳолатларда тергов ва суд органлари айбдор шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида ЖКнинг 167-моддасининг 3-қисми “г”-банди ёки 168-моддасининг 2-қисми “в”-банди ёхуд 169-моддасининг 3-қисми “б”-банди билан бир вақтда ушбу модда билан Ўзбекистон жиноят кодексининг 4, 10, 14, 16-моддаларига хилоф равишда тергов ҳаракатларини олиб боришади. Шу сабабли қонун чиқарувчи орган мазкур ҳолатларни чуқурроқ таҳлил қилиб, қонунчиликка тегишли ўзгартириш киритиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, мазкур ҳаракатлар алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан содир этилса, қилмиш Арманистон жиноят кодексининг 252-моддасида назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Уголовный Кодекс Республики Беларусь // [https://kodeksy-by.com/dictionary/m/modifikatsiya\\_komp\\_yuternoј\\_informatsii.htm](https://kodeksy-by.com/dictionary/m/modifikatsiya_komp_yuternoј_informatsii.htm).

<sup>2</sup> Уголовный кодекс Республики Армения // <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=rus#:~:text=1..%D0%B5%D0%B3%D0%BE%20%D0%B4%D0%BE%D1%81%D1%82%D0%BE%D0%B8%D0%BD%D1%81%D1%82%D0%B2%D0%BE%20%D0%BE%D0%B1%D1%80%D0%B0%D1%89%D0%B5>

**компьютер саботаж** – қасддан ўзганинг ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер техникасини ишдан чиқариш, компьютер тизимини бузиш, компьютер маълумотлари ва дастурларини йўқ қилиш, блокировка қилиш, ўчириб қўйишда ифодаланган қилмиш. Ўзбекистон жиноят кодексининг 278-5-моддасида унга қисқароқ тушунча берилган, бироқ бунга Белеруссия жиноят кодексининг 351-моддасида тўлиқ ва аниқроқ тушунчага эга бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

**зарарли дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш** – ахборот-коммуникация технологияларида, унинг тизими ва тармоқларида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб махсус зарарли дастурларни яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш, дастурлашда ифодаланган қилмиш.

Кўриб ўтганидек, кибертехнологияларнинг ривожини юқоридаги жиноятларнинг тури кенгайишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди, шу сабабли ҳам бу жиноятларни ўзаро турларга ажратиш орқали таснифлар ёрдамида биз қуйидаги натижаларга эришамиз, хусусан:

бу турдаги жиноятларнинг таснифланиши ушбу турдаги жиноятлар ҳақида аниқроқ тушунча ҳосил бўлишга ва уларни бошқалар билан ўзаро таққослаш имконини беради;

бўлиши мумкин бўлган бошқа жиноятлар фож этилиши мумкин;

жиноятларни квалификация қилиш, тергов қилиш ва суд ҳукмини чиқаришда ваколатли органларга таққослаш имконини беради;

бу турдаги жиноятлар учун ягона суд амалиёти шаклланишига ёрдам беради;

жиноят қонунчилигимизга киритилмаган, бироқ унинг содир этилиши шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар келтириш эҳтимоли бўлган бошқа жиноятлар учун ҳам жавобгарлик муқаррарлиги учун норма ижодкорлиги такомиллашувига ёрдам беради;

халқаро ва хорижий ҳамкорликда ўзаро тушунмовчиликларнинг олдини олади ва энг муҳими ўзаро ҳамкорлик натижаларини мустаҳкамлайди;

жиноят учун одилона жазо тайинланишига ёрдам беради;

бу турдаги жиноятларни доктринал томондан ўрганишда тадқиқотчилар ва олимларга тўғри йўналиш беради.

---

[D0%BD%D0%B8%D1%8E%20%D0%B8%D0%BB%D0%B8%20%D0%BD%D0%B0%D0%BA%D0%B0%D0%B7%D0%B0%D0%BD%D0%B8%D1%8E.](https://kodeksy-by.com/ugolovnyj_kodeks_rb/351.htm)

<sup>1</sup> Уголовный Кодекс Республики Беларусь // [https://kodeksy-by.com/ugolovnyj\\_kodeks\\_rb/351.htm](https://kodeksy-by.com/ugolovnyj_kodeks_rb/351.htm).

## II БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАВСИФИ

### 2.1-§. Шахнинг ҳаёти, соғлиғи, ахлоқи, ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилган кибержиноятларнинг юридик тавсифи

Кибержиноятларнинг юридик тавсифини ушбу жиноятнинг томонлари ташкил қилади. Кибержиноятнинг объектини ахборот-коммуникация технологиялари орқали муҳофаза қилинадиган ёки мазкур технологиялар орқали бошқа ижтимоий муносабатларга таҳдид солиш мумкин бўлган, бироқ муҳофазаланадиган ижтимоий муносабатлар ташкил қилади. Шу сабабдан ҳам, ахборот-коммуникация технологиялари нисбатан содир этиладиган ёки улардан фойдаланиб ёхуд улар орқали амалга ошириладиган жиноятлар кибержиноятлар деб аталади. Кибержиноятлар амалиётда деярли барча ҳолатда қасддан (тўғри ёки эгри) содир этилади. Аммо, баъзи ҳолатларда жабрланувчилар ёки айбдорларнинг эҳтиётсизлиги натижасида кибержиноятлар эҳтиётсизликдан ҳам содир этилиши мумкин. Кибержиноятлар учун жавобгарлик ёши дунё давлатларида турличадир. Ушбу жиноятлар ичида энг юқори поғонада шахсга қаратилган кибержиноятлар ётади.

**Киберқотиллик.** Шахснинг ҳаётига оид кибержиноятлар объектив томондан ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли технологиялар ёки робототехнадан иборат бўлган кибертехнологиялар орқали ўзга шахсни қонунга хилоф равишда ҳаётдан маҳрум қилинишида кўринади ёки ахборот-коммуникация технологиялари жиноят содир этилишида мотив вазифасини ўтайди, мисол учун, эрнинг телефон ёки ижтимоий тармоқларда аёлнинг хиёнат қилаётганлигини аниқлаб, ўч олиш ёки рашк орқали аёлини ўлдиришга оид жиноятлар киради. Мазкур жиноят безорилик, миллий, ирқий, диний таассублар замирида, бошқа шахсларнинг ҳаёти ёки мулкига қилинган тажовуз қилиниши оқибатида, жабрланувчининг айбдорга нисбатан хусумати, таъмагирлик, ғаразгўйлик, оммавий тартибсизликлар, босқинчилик, фирибгарлик, талончилик, товламачилик ва бошқа жиноятлар амалга оширилган вақтда ҳам содир этилади, бироқ бунда айбдор субъектив томондан жабрланувчига тўғри қасд қилади ҳамда айнан қандай жиноят содир этаётганини англайди ва буни хоҳлайди. Мазкур жиноятнинг объектини ўзга шахсларнинг ҳаёти ташкил этиб, ҳар бир давлатнинг жиноят қонунчилигида белгиланган ёшдаги шахс мазкур жиноятнинг субъекти бўлади. Ахборот-коммуникация технологиялари, робототехника, кибертехнологиялар, юқори технологиялар, нонотехнологиялар, биотехнологиялар, экотехнологиялар ва бошқа технологиялар (бундан буён монографияда кибертехнологиялар деб юритилади) жиноят қуроли ёки жиноят воситаси бўлиши мумкин ва бунда улар айбдорга жабрланувчига нисбатан мотив вуждга келишида аҳамиятлидир. Шунингдек, ушбу жиноятда жабрланувчининг биологик ўлими бошланган вақтдан бошлаб мазкур жиноят тугалланган деб топилади. Албания жиноят кодексининг 84а-моддасида миллий, ирқий ёки диний таассубликда компьютер тизимлари орқали одам

ўлдирганлик ёки унга шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 22 миллиондан ошқроқ қисми тўғридан тўғри ахборот-коммуникация технологиялари билан алоқа қилишини ва уларнинг ҳеч бири мазкур жиноят қурбони бўлмайди деб айтиш имконсизлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси талабларига асосан, жиноят кодексининг 97-моддасини монография 1-иловасининг 1-бандида ҳамда мазкур жиноятлар 13 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан кибертехнологиялар, рақамли технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа технологияларнинг техник имкониятлари бўйича бемалол амалга ошириш имкони борлиги сабабли Жиноят кодексининг 17-моддасига монография 1-иловасининг 2-бандида назарда тутилган тартибда ўзгартиш киритиш таклиф қилинади.

**Кибертехнологиялар орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш.** Кибертехнологиялар орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти объектив томондан кибертехнологиялардан фойдаланиб шахсни кўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш орқали содир этилади. Мазкур жиноят шахснинг ўзини ўзи ўлдириши ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиши вақтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади, ушбу жиноятнинг ҳам объектини ўзга шахснинг ҳаёти ташкил этади ва субъектив томондан мазкур жиноят эгри қасддан содир этилади, жиноят субъекти эса давлатларнинг жиноят қонунчилигида белгиланган ёшга тўлган ақли расо жисмоиний шахсдир.

Маълумки, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига асосан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунга асосан, телекоммуникациялар тармоғи узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуидир. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг “Телекоммуникация

<sup>1</sup> [Criminal Code of the Republic of Albania // https://www.legislationline.org/download/id/8235/file/Albania\\_CC\\_1\\_995\\_am2017\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8235/file/Albania_CC_1_995_am2017_en.pdf).

хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги 208-мх-сон буйруғи (30.06.2020 йилдаги рўй.: 3275-сон) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидаларига асосан, Интернет тармоғи ягона адрес ва номлар маконидан фойдаланиладиган, шлюзлар ёрдамида бирлаштирилган, ягона ТСР/ІР протоколига мувофиқ ишлайдиган кўплаб тармоқлардан иборат глобал халқаро тармоқдир.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан, ахборот технологияси ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлардир. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисида”ги низомга асосан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги алоқа, ахборотлаштириш, почта, радиочастота спектри, телекоммуникациялар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги махсус ваколатли орган ҳисобланади. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг (Ўзстандарт) 09.03.2018 йилдаги 05-934-сонли қарори (O’z DSt 1047: 2018)нинг 22-банди ва Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат кўмитаси “UNICON.UZ” – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази Давлат унитар корхонаси (“UNICON.UZ” ДУК) томонидан ишлаб чиқилган Электрон ҳужжат айланишига оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғатига асосан, ахборот-коммуникация технологиялари – Шахсий, оммавий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотни тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиш, шунингдек, санаб ўтилган жараёнларни интеграл таъминловчи барча технологиялар ва соҳалар билан боғлиқ объектлар, ҳаракатлар ва қоидалар комплекси. **Изоҳ** – Ахборот коммуникация технологиялари тушунчаси микроэлектроника, компьютерлар ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш, телекоммуникациялар, Интернетдан фойдаланиш, Интернет ахборот ресурсларини таъминлаш, шунингдек, фаолиятнинг ушбу соҳасини тартибга солувчи (расмий, норасмий) фаолият ва қоидаларнинг санаб ўтилган соҳалари билан боғлиқ турли маданий фено-менларни ўз ичига олади.

2. Ахборотни яратиш, узатиш, қайта ишлаш ва бошқариш билан боғлиқ технологиялардир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясининг 3-боби 7-бандига асосан, технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш топширилган (монографияда кейинги ўринларда – кибертехнологик ҳуқуқий асослар деб юритилади).

Шунингдек, Ўзбекистон жиноят кодексининг 103-моддасининг 2-қисми “г”-банди, Қозоғистон жиноят кодексининг 105-моддасида телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, деб номланиб, бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>.

Шунга кўра, вужудга келган вақтда электрон ҳисоблаш машиналари деб номланган компьютер тизимлари бугунги кунда ўзининг техник имкониятлари ва бошқа ахборот тизимлари компьютер тизимларига кирмаслигини, улар техник имкониятлари бўйича компьютер тизими деб аталмаса-да, бироқ ахборот технологияси ёки телекоммуникация воситалари бўлиб ҳисобланишини инобатга олиб, ўзининг техник имконияти бўйича ахборот технологияси ёки компьютер тизимлари, ускунаси, техникаси, воситаси, қурилмаси телекоммуникация технологияларини ўзида қамраб олмаслигини ва ишлатилиши жиҳатидан бугунги кунда ўз ўрнини ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли технологиялар ва кибертехнологияларга тўлиқ бўшатиб бераётганлигини, ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддалари талабларидан келиб чиқиб, жиноят учун жазо Жиноят кодексида албатта белгиланган бўлиши зарурлигини ва ушбу Кодексда назарда тутилмаган қилмишларни жиноят деб аташ мумкин эмаслигини, телекоммуникация ва Интернет тармоғидан ташқари бошқа кибермуҳитда ўзга технологиялар орқали мазкур шарҳлаб ўтилатган жиноятларни амалга ошириш имкони мавжудлигини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 103-моддаси 2-қисми “г”-бандини монография 1-иловасининг 3-бандига мувофиқ ўзгартиш киритиш таклиф қилинади.

**Кибертехнологиялар орқали ўзини ўзи ўлдиришга ундаш-киберсуицид.** Киберсуицид жинояти учун жавобгарлик Ўзбекистон жиноят кодексининг 103-1-моддасининг 2-қисми “в”-бандида назарда тутилган бўлиб, унга кўра, телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган бўлса, шахс жиноий жавобгарликка тортилади<sup>2</sup>. Умуман олганда киберсуицид жинояти кибертехнологиялар орқали кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотади ва шу орқали шахс ўзини ўзи ўлдиради ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қиладиган даражасига келтириш йўли билан содир этилади.

Мазкур жиноят Белоруссия жиноят кодексининг 342-1-моддасида ўз жонига қасд қилишни тарғиб қилиш деб аталади. Шунингдек, мазкур

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда.

килмиш учун кўпчилик давлатларда, жумладан, Арманистон жиноят кодексининг 111-моддасида, Қирғизистон жиноят кодексининг 137-моддасида, Белоруссия жиноят кодексининг 146-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>. Ушбу жиноят субъектив томондан тўғри қасд орқали амалга оширилади, ушбу жиноятнинг субъектини ҳам 16 ёшга тўлган ақли расо шахс ташкил этади ва бунда объект ўзга шахснинг ҳаёти ҳисобланади. Киберсуицид тушунчасини 2004 йилда фанга С.Раджгапал киритган<sup>2</sup> ва у ўзбек тилида “киберсуиқасд” деб номланади ва илк киберсуицид Японияда 2000 йил октябрь ойида аниқланган бўлиб, у кўпроқ Интернет тармоғи орқали жабрланувчи ва айбдорнинг виртуал оламдаги ўзаро мулоқоти орқали бошланади ва мулоқоти натижасида яқун топадиган ўз жонига қасд қилиш жиноятидир.

Статистик маълумотларга қараганда, ҳар куни дунёда 3 минг, йилига эса, 1 млн. киши ўз жонига қасд қилади ва бу жиноят барча ўлимларнинг 1,5 фоизини ташкил қилади<sup>3</sup>. Мазкур ўлимларнинг содир этилишига турли сабаблар мавжуд. Айнан ушбу жиноятларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда кибертехнологиялар орқали амалга оширилаётганлиги, бу борада изчил ислохотларни давом эттириш лозимлигини кўрсатади, бунда хорижий мамлакатлар тажрибасига назар солсак, АҚШда айнан киберсуицид ҳолатларини аниқлайдиган ва унинг олдини оладиган United States Substance Abuse and Mental Health Services Administration (SAMHSA) номли махсус ташкилот борлигига, Россия Ҳукуматининг “Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими тўғрисида” 2012 йил 1 ноябрдаги 1101-сон қарори, Япония, Жанубий Корея, Австралия каби давлатларда киберсуицидликни чеклайдиган алоҳида қонунлар қабул қилинганлигига, 2005 йил Исроилда САҲАР кўнгиллилар гуруҳи (САҲАР)дан иборат махсус дастур яратилганлигига<sup>4</sup> ва бу амалиёт Германия, Швеция ва Францияда йўлга қўйилганлигига, унга кўра, ушбу гуруҳ интернет провайдерлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш йўли билан киберсуицид қурбонлари бўлиши мумкин бўлган шахслар тоифасини аниқлайдилар ва уларни мазкур жиноят қурбони бўлишдан сақлаш чораларини кўрадилар<sup>5</sup>. Юқоридаги таклифларни ҳам Ўзбекистонда қўллаш орқали бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш таклиф қилинади. Киберсуицид суицид жиноятлари вужудга келишининг энг ёрқин чўққиси ҳисобланади<sup>6</sup>. Шунингдек, бу борадаги жиноятларнинг содир этилиши усулига аниқлик киритиш мақсадида, кибертехнологиялар орқали

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўяхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўяхатида берилган.

<sup>2</sup> Suicide pacts and the internet // British Medical Journal (BMJ). – 04.12.2004. – Интернет-ресурс. Режим доступа: <http://www.bmj.com/content/329/7478/1298>.

<sup>3</sup> А.Анорбоев. Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи киберхавфнинг олдини олиш масалалари. –т.: “Bola va zamon” 3/2019, –Б.70. ISSN 2181-5496.

<sup>4</sup> Suicide Prevention Lifeline Update // United States Substance Abuse and Mental Health Services Administration (SAMHSA) – Интернет-ресурс. Режим доступа: [http://www.samhsa.gov/samhsaNewsletter/Volume\\_18\\_Number\\_2/SuicidePreventionLifeline.aspx](http://www.samhsa.gov/samhsaNewsletter/Volume_18_Number_2/SuicidePreventionLifeline.aspx).

<sup>5</sup> Е.И.Ключко. Воздействие Интернета на суицидальное поведение молодежи // Общество. Среда. Развитие (Terra Humana). 2014. №1 (30). – С.69-72.

<sup>6</sup> Т.Васильев. Негативные аспекты виртуальной коммуникации и их пастырская оценка // Христианское чтение. 2016. №6. – С. 320.



ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятига нисбатан берган тушунтиришимиздан ҳамда кибертехнологик ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 103-1-моддаси 2-қисми “в”-бандини монография 1-иловасининг 4-бандига мувофиқ ўзгартиш киритиш таклиф қилинади.

### **Шахснинг соғлиғига қарши қаратилган кибержиноятлар**

**Кибертахдид.** Мазкур жиноят сиёсий, ижтимоий ёки бошқа мақсадларга еришиш учун виртуал кибермаконга ноқонуний кириб бориш вақтида жабрланувчига зарар келтириш мақсадида объектив томондан кибертехнологиялар орқали ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш йўли билан содир этилади. Бунда, шахснинг ҳаёти ва соғлиғига киберхужумчи хавф солиши учун етарли асослар мавжуд бўлиши зарурлиги жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида тергов ва суд органлар томонидан инобатга олинади лозим. Чунки, Интернет тармоғида турли хил муҳокамали масалаларга билдирилган индивидуал фикрлар, агарда жабрланувчига нисбатан таҳдид солиш учун етарли асослар бўлмаса, у ҳолда мазкур ҳаракатларни ушбу жиноят билан квалификация қилиш мумкин эмас.

Ушбу жиноят объекти ўзга шахснинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар бўлиб, ақли расо шахс томонидан тўғри қасддан амалга оширилган тақдирда жиноят деб эътироф этилади. Франция жиноят кодексининг 222-17-моддасида ҳар қандай усулда, шу жумладан ёзма, график ва бошқа усуллар орқали шахс томонидан ўзга шахсни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитганлик, 222-18-моддасида эса, жиноят содир этиш учун шахсга қарши ҳар қандай усул билан таҳдид қилганлик, Руминия жиноят кодексининг 226-моддасида шахсий ҳаётга тажовуз қилганлик, Қозоғистон жиноят кодексининг 134-моддасининг 3-қисми 1-1-бандида телекоммуникация тармоғи ёки Интернетдан фойдаланган ҳолда вояга етмаган шахсни зўрлик ишлатиб ёки ундан фойдаланиш билан кўрқитганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>.

Кибержиноятчи мазкур жиноятни амалга ошириш ниятини жабрланувчига ошкор айтиши натижасида унинг ҳаёти ва соғлиғига тўғридан-тўғри таҳдид қилади ва унинг жабрланувчини оғир аҳволга солиб кўяди. Бунда, кибержиноятчи жабрланувчининг мол-мулкига нисбатан эмас, балки жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига нисбатан қасд қилади. Шу жиҳатдан ҳам, мазкур жиноят кибертовламачиликдан фарқ қилади.

Мазкур жиноят ҳақида кибержиноятчи томонидан жабрланувчига маълум қилганидан бошлаб, ахборот жабрланувчига таъсир қилган ёки қилмаганидан қатъий назар жиноят тугалланган ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 112-моддаси учинчи қисмини монография 1-иловасининг 5-бандига мувофиқ таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади.

### **Ахлоққа қарши қаратилган кибержиноятлар**

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

**Кибертехнологиялар орқали вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш.** Кибертехнологиялар орқали вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш жинояти энг оғир жиноятлардан бири ҳисобланади, сабаби вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш орқали, уларга ҳам рухий, ҳам жисман зарар келтириш мумкин, қолаверса, уларнинг келажагини барбод қилиш орқали бутун бир жамиятнинг кейинги ривожига салбий таъсир кўрсатиш мумкин. Мазкур жиноят объектив томондан вояга етмаган шахсни кибертехнологиялар орқали спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган ёки ҳисобланмаганидан қатъий назар кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол қилишга ёки порнографик маҳсулотлар тайёрлаш билан боғлиқ ўзга юмушларга жалб қилиш орқали содир этилади ва ушбу жиноятнинг объектини вояга етмаган шахснинг нормал ҳаётига, ахлоқий ва жисмоний ривожланиши, унинг соғлиғи, жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Ушбу жиноят тўғри қасддан 18 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан кибертехнологиялардан фойдаланган ҳолда содир этилади ва юқорида саналган ҳаракатларга вояга етмаган шахс томонидан содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Интернет ёки телекоммуникация тармоқлари орқали вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий қилмишларга жалб қилганлик учун Қоғоғистон жиноят кодексининг 132-моддасининг 2-қисмида учун жинойий жавобгарлик белгиланган. Бироқ, Ўзбекистон жиноят кодексининг 127-моддасида, Литва жиноят кодексининг 159-моддасида, Тожикистон жиноят кодексининг 166-моддасида, Қирғизистон жиноят кодексининг 180-моддасида<sup>1</sup> бу ҳолат назарда тутилмаган. Шунга кўра, бу тоифадаги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, жамиятда соғлом муҳитни яратиш, вояга етмаган шахсларнинг жиноятчилигига қарши тизимли курашиш, виртуал оламда содир этилаётган ва содир этилиши учун шарт-шароит яратиб берилаётган бу каби жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош қилиш, одатий ҳолатга нисбатан кибермуҳит орқали жиноят содир этиш ҳам вақт, ҳам иктисодий жиҳатдан қулайлигини, эскирган техник сўзлардан фойдаланмаслик, қонунчиликда ягона тушунчалар бўлишини таъминлаш мақсадида ва кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддаси учинчи қисмини монография 1-иловасининг 6-бандида назарда тутилган тартибда “г” банд билан тўлдириш таклиф қилинади.

**Киберпорнография.** Киберпорнография жинояти ҳам киберсексуализм каби кенг тарқалган жиноятлардан бири ҳисобланади ва ушбу жиноят объектив томондан кибертехнологиялар орқали вояга етмаган шахс тасвирланган ёки тасвирланмаганидан қатъий назар порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки шундай мақсадда тайёрлаш

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

ёхуд давлат ҳудудига олиб кириш ёки шундай мақсадларда вояга етмаган шахсни жалб қилиш орқали содир этилади.

Статистик маълумотларга қараганда ҳафтасига америкаликлар 10 соатга қадар порнографик маҳсулотлардан баҳрамад бўлишар экан ва уларнинг кўпчилиги киберсекс тузоқларга тушиб қолган шахслардир<sup>1</sup>. Э.Л.Кочкинанинг фикрича, киберпорнография вояга етмаган фуқароларнинг порнографик филмлари, видеолари ва фотосуратларини жойлаштиришга имкон берадиган порнографик сайтлардир. Аммо, наздимизча, киберпорнографияда вояга етмаган шахсларни жалб қилиш билан боғлиқ ҳолатлар жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этилиши ва порнографик характердаги барча маҳсулотлар жамланган ва кўриш, баҳрамад бўлиш имконини берадиган истаган сайтлар, видео, аудиороликлар, ёзувлар ва бошқа порнографик хусусиятга эга воситаларнинг барчасини юқорида таъкидланган ҳолатлар аниқланганлиги жиноятни квалификация қилиш имконини беради. Ушбу жиноятларнинг объектини жамиятнинг ахлоқи ва ёшларнинг нормал ҳаёт кечириши ва соғлиғини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Мазкур жиноят предмети кибертехнологиялар орқали узатилаётган истаган бир порнографик маҳсулотлар ҳисобланади ва бунда кибертехнологиялар мазкур жиноятни амалга ошириш учун восита бўлиб хизмат қилади. Қозоғистон жиноят кодексининг 311-моддасида телекоммуникация тармоқлари ёки Интернет орқали порнографик материаллар ёки объектларни тарқатганлик, реклама қилганлик, кино-, видео материаллар, расмлар кўринишида тайёрлаганлик, ноқонуний давлат чегарасидан олиб ўтганлик, сотганлик, қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик<sup>2</sup>, Тожикистон жиноят кодексининг 241-моддасининг 3-қисми “б”-бандида ахборот ва телекоммуникация тармоқларидан (шу жумладан Интернет) фойдаланган ҳолда Тожикистон Республикасининг давлат чегараси орқали ноқонуний ўтказганлик, ҳар қандай шаклда тарқатганлик, оммавий намоиш қилганлик, реклама қилганлик, вояга етмаган шахслар орасида шундай маҳсулотлар ва буюмларни тарқатганлик, намоиш этганлик, реклама қилганлик, Тожикистон Республикасининг 241-2-моддасининг “г” ва “д”-бандларида ахборот ва телекоммуникация тармоқларидан (шу жумладан Интернет) фойдаланган ҳолда вояга етмаган шахсни порнографик материаллар ёки буюмларни ишлаб чиқаришга жалб қилганлик, Руминия жиноят кодексининг 374-моддасида, Франция жиноят кодексининг 227-23-моддасида вояга етмаган, яъни 18 ёшга тўлмаган шахснинг фотосурати ёки бундай суратни порнографик ҳолатга келтириб, уни тарқатиш мақсадида фиксация қилганлик, ёзиб олганлик ёки суратни юборганлик, бундай шаклдаги маҳсулотларни ҳар қандай усулда тарқатганлик, шу жумладан, телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиб порнографик маҳсулотларни тарқатганлик, Қирғизистон жиноят кодексининг

<sup>1</sup> Киберпорнография. <https://www.med74.ru/infoitem2910.html>.

<sup>2</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

168-моддасида, Турманистон жиноят кодексининг 155-моддасида, Литва жиноят кодексининг 162-моддасида, Литва жиноят кодексининг 308-моддасида, 312-моддасида вояга етмаганларнинг порнографик тасвирлари бўлган материаллар ёки буюмларни тарқатганлик, омма олдида намоёиш қилганлик ёки реклама қилганлик, тарқатганлик чегара орқали олиб ўтганлик, ушбу маҳсулотларни тайёрлаш учун вояга етмаган шахсни актёр сифатида иштирок этишга жалб қилганлик, вояга етмаганни порнографик маҳсулотлар билан муомала қилишга жалб қилганлик, Украина жиноят кодексининг 301-моддасида порнографик тусдаги кинофилмлар, видеофилмлар, компьютер дастурларини вояга етмаганларга сотиш ёки уларни бундай маҳсулотларга жалб қилганлик, Белоруссия жиноят кодексининг 343- ва 343-1-моддаларида компьютер, телекоммуникация, Интернет тармоғи орқали порнография материалларини ёки вояга етмаган шахсларни жалб қилган ҳолда порнографик мазмундаги тасвирлар, филмлар, видеофилмлар ёки бошқа порнографик объектларни тарқатганлик, реклама қилганлик, эфирга узатганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлаш ва экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатга асосан порнографик маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасига олиб кириши тақиқланган нарсалар рўйхатига киритилган<sup>2</sup>. Шу сабабдан ҳам мазкур жиноят порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш ёки шундай мақсадда тайёрлаш ёхуд давлат ҳудудига олиб кириш бошланган ёки шундай мақсадларда вояга етмаган шахсни жалб қилиш орқали содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Жиноят 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс томонидан тўғри қасддан содир этилади.

Порнография муомаласининг олдини олиш мақсадида ҳозирги кунда Ўзбекистонда изчил ишлар амалга оширилмоқда, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 июндаги 132-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги низом қабул қилинган бўлиб, ушуб низом асосида порнографик хусусиятдаги босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази томонидан тизимли мониторинг олиб борилмоқда.

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлаш ва экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сон Фармони // НБДЗ, 16.12.2017 г., № 06/17/5286/0418.

Таъкидлаш жоизки, киберпорнография жинояти содир этилиши вақтида нафақат жабрланувчи зарар кўриши, балки унга унинг хизмат ёки бошқа компютери орқали зарар келтириши оқибатида, у бошқа шахсларнинг олдида айбдор бўлиб қолиши, мазкур жиноят содир этилиши натижасида ўзга жиноятлар амалга оширилиши учун шарт-шароит яратиб берилиши, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларига кирмаган воситалар орқали порнографик маҳсулотлар тарқатилиши мумкин.

Шу сабабдан ҳам, ахборот-коммуникация технологиялари (кибертехнологиялар) орқали содир этиладиган киберпорнографиянинг олдини олиш, бу турдаги жиноятлар одатий порнографияга оид жиноятларга қараганда кўпроқ зарар келтириши мумкинлигини, қонунчиликда ягона, аммо эскирмаган тушунчалардан фойдаланиш зарурлигини, бугунги кунда ахборот технологиялари ўзининг техник имкониятлари жиҳатидан ахборот-коммуникация технологиялари ёки рақамли технологиялар ёхуд кибертехнологияларни ўзида қамраб ололмастлигини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130-моддаси учинчи қисмини монография 1-иловасининг 7-бандига мувофиқ ўзгартиш киритиш таклиф қилинади.

**Киберзўравонлик.** Киберзўравонлик жинояти объектив томондан кибертехнологиялар орқали зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки шундай мақсадда тайёрлаш ёхуд давлат ҳудудига олиб кириш йўли билан содир этилади ва жамоат одоб-ахлоқи, ёшларнинг нормал ахлоқий ривожланиши, маънавий ва ахлоқ тамойилларни муҳофазаловчи иижтимоий муносабатлар жиноят объектини, 16 ёшга тўлган ақли расо жимоний шахс жиноят субъектини ва тўғри қасд жиноят субъектив томонини ҳамда зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи истаган нарса ва буюмлар жиноят предметини ва ахборот-коммуникация технологиялари жиноят воситасини ташкил қилади.

Киберзўравонлик интернет орқали мутассил давом этувчи, такрорий ва узоқ вақт давомида бировнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларни амалга оширишда ифодаланади. Бунда, рухий зўравонлик орқали зулм ўтказётган шахс анонимлиги, Интернет орқали ёқимсиз хабарлар тун-у кун кенг оммага тарқалиши билан фарқланиб, жабрланувчига ғоят катта азоб-уқубат келтириши билан бошқа зўравонликлардан кескин фарқланади. Мазкур жиноят Интернет тармоғидан фойдаланиб, иш ёки ўқиш жойи, оилада турли хил ҳақоратлар, тухмат, таъна, миш-мишлар, уйдирма хабарлар тарқатишда ифодаланади. Шунингдек, Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали инсонинг руҳиятига қаттиқ таъсир этувчи, уни изтиробга солувчи бешафқат муносабат ва зўравонлик сахналарини намойиш этишни ҳам шахсга бўлган зўравонлик, деб эътироф этиш мумкин<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Зўравонликдан жабрланганлар ҳуқуқларини химоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш [Матн]: услубий қўлланма / Ш. А. Пулатова, А. Ш. Муродов — Тошкент: Baktria press, 2020. – 11 б.

Ўзбекистон жиноят кодексининг 130-1-моддасида зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, бунда жиноятнинг қай йўл орқали содир этилганлиги аҳамиятга олинмаган, бироқ ҳозирги кун талаби ва ахборот соҳасининг ривожига мазкур жиноят моддасини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Франция жиноят кодексининг 227-24-моддасида инсон қадр-қимматига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай маълумотлардан, зўравон ёки порнографик тусдаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш, ташиш, тарқатиш ёки бундай хабарни сотиш учун жавобгарлик белгиланган ва бунда босма ёки аудиовизуал воситалар ёрдамида содир этилган бўлса, жавобгарликни аниқлаш учун оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг махсус қоидалари қўлланилишлиги кўрсатиб ўтилган, Қозоғистон жиноят кодексининг 134-моддасининг 3-қисми 1-1-бандига асосан, телекоммуникация тармоғи ёки Интернетдан фойдаланган ҳолда вояга етмаган шахсни зўрлик ишлатиб ёки ундан фойдаланиш билан кўрқитиш, ўзига қарам бўлган мавқеидан фойдаланиш, шантаж қилиш, мулкни йўқ қилиш ёки бузиш ёхуд алдаш йўли билан фоҳишалик билан шуғулланиш ҳамда вояга етмаган шахсни фоҳишалikka жалб қилиш учун, 313-моддасида шафқатсизлик ва зўравонлик маданиятини тарғиб қилувчи қонуний равишда тарқатиш ёки реклама қилиш, тарқатиш, реклама қилиш, фильм ва видео материаллар ва бошқа асарларни намойиш этиш, шунингдек шафқатсизлик ва зўравонлик маданиятини тарғиб қилувчи босма оммавий ахборот воситаларини, кино ёки видео материалларни ноқонуний сотиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, киберзўравонлик жинояти содир этилиши вақтида нафақат жабрланувчи зарар кўриши, балки унга унинг хизмат ёки бошқа компютери орқали зарар келтириши оқибатида, у бошқа шахсларнинг олдида айбдор бўлиб қолиши, мазкур жиноят содир этилиши натижасида ўзга жиноятлар амалга оширилиши учун шарт-шароит яратиб берилиши, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларига кирмаган воситалар орқали зўравонлик маҳсулотлар тарқатилиши мумкин. Шу сабабдан ҳам, кибертехнологиялар орқали содир этиладиган киберзўравонликнинг олдини олиш, бу турдаги жиноятлар одатий зўравонликка оид жиноятларга қараганда кўпроқ зарар келтириши мумкинлигини, қонунчиликда ягона, аммо эскирмаган тушунчалардан фойдаланиш зарурлигини, бугунги кунда ахборот технологиялари ўзининг техник имкониятлари жиҳатидан кибертехнологияларни ўзида тўлиқ қамраб ололмастлигини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130-1-моддаси иккинчи қисмини монография 1-иловасининг 8-бандига мувофиқ ўзгартиш таклиф қилинади.

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

**Киберқўшмачилик.** Киберқўшмачилик бутун дунё томонидан ахлоққа қарши қаратилган жиноятларнинг энг юқори чўққисига етишини таъминлайдиган жиноят сифатида таърифланади. Кибермаконда ғаразли ва бошқа паст ниятларда киберқўшмачи ўзининг маҳсулотларини, яъни шахслар доирасини реклама қилади<sup>1</sup>, уларнинг олди-сотдисини амалга оширади, бу орқали пул ишлайди ёхуд ўзга паст ишларни бажариши орқали жамиятга иснод келтиради ва зиён етказди. Ҳозирги кунда киберқўшмачилик кўпайиб кетишига Интернет оламининг тезкорлиги ва маълумот алмашинувининг кундан-кунга ўсаётганлиги, энг муҳими иқтисодий ва ташкилий томондан ушбу жиноятни амалга ошириш хавфсиз бўлганлиги сабаб бўлмоқда.

Ушбу жиноят объектини жамиятда ўрнатилган нормал ахлоқий муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Мазкур жиноят фақатгина тўғри қасдан амалга оширилган тақдирда жиноят таркибли сифатида эътироф этилади. Жиноят ғаразли ва бошқа паст ният хусусида манфаатдор шахсга ахборот берилган вақтдан бошлаб, ўртада ўзаро келишув бўлган ёки бўлмаганидан қатъий назар тугалланган ҳисобланади. Жиноят кибертехнологиялар орқали амалга оширилганлиги сабабли жиноятчини топиш жуда мушкулдир. Ҳозирги кунда жиноятчилар уларнинг IP-манзилини (IP-адрес) қидириш ёки сохта манфаатдор шахсларни киберқўшмачилар билан юзма-юз учрашувини ўтказиб, олди-сотдини амалга ошириш вақтида тезкор-қидирув органлари томонидан рейд (тезкор-қидирув) ҳаракатлари амалга оширилган вақтда ушланмоқдалар. Ҳозирги кунда Интернет оламида турли хил веб-сайт сифатида рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганлигидан қатъий назар ўзга телекоммуникация воситалари орқали кибержиноятчилар пул ишлаш мақсадида ўзларининг ёки ўзга шахсларнинг шахвоний ҳаракатларини акс эттирувчи ахборотларни тўғридан-тўғри узатиши орқали жабрланувчиларга зарар келтираётганлигини ҳар қадамда кузатиш мумкин. Мазкур жиноят жиноятчи учун ҳам иқтисодий, ҳам вақт нуқтаи назаридан самарали бўлганлиги, жиноят ўзининг жуда кенг аудитория вакиллари ўзида жалб қилиш имкониятига эга бўлганлиги ва жиноят натижасида келиб чиққан зарар жуда катта бўлиши мумкинлиги, жиноят қонунчилигида ягона тушунча қўлланилиши ҳам қонунийлик, ҳам адолат нуқтаи назаридан зарурлиги, техник жиҳатдан кибертехнологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари жиноят қонунчилигида назарда тутилган технологияларни ўзида тўлиқ қамраб олишлигини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 131-моддасининг тўртинчи қисмини монография 1-иловасининг 9-бандида назарда тутилган таҳрирда “т” банд билан тўлдириш таклиф қилинади.

## **Шахснинг шаън ва қадр-қимматига қарши қаратилган кибержиноятлар**

<sup>1</sup> О.В.Зотова Организация и содержание притонов для занятия проституцией как негативное социальное явление и особенности ее криминологической характеристики // ЮП. 2008. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/organizatsiya-i-soderzhanie-pritonov-dlya-zanyatiya-prostitutstsey-kak-negativnoe-sotsialnoe-yavlenie-i-osobennosti-ee-kriminologi>.

**Кибертухмат.** Кибертухмат жинояти Ўзбекистон жиноят қонунчилигида Жиноят кодексининг 139-моддасининг 2-қисмида наشر қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш деган шаклда баён қилинган, бироқ hozirgi кундаги телекоммуникация тармоқлари ва Интернет оламининг чексизлиги ва оммавий ахборот воситаси билан телекоммуникация ҳамда Интернет тармоқларида баён қилинган уйдирмалар ўртасида фарқ мавжудлигини, қонунчиликда ягона тушунчанинг қўлланишлиги жиноят учун жавобгарликнинг қонуний ва адолатли бўлишини таъминлашлигини инобатга олиб, жиноят қонунчилигимизга кибертухмат, яъни кибертехнологиялар орқали била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган, шаън ва кадр қимматини камситадиган ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборотни тарқатганлик, шундай маълумотлардан ғаразли мақсадларда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқдир. Шунга кўра, ушбу жиноятни квалификация қилишда мазкур жиноят учун жавобгарлик ёши 16 ёш ҳисобланишини, ақли расо шахс жиноий жавобгарликка тортилишини, ўзга шахснинг шаън ва кадр-қимматини муҳофазаловчи ижтимоий муносабатлар жиноят объекти бўлишини, жиноят тўғри қасддан содир этилишини ва ушбу жиноят кибертехнологиялар орқали истаган шахсга етказилганидан бошлаб тугалланган деб топилишини инобатга олиш зарур. Туркменистон жиноят кодексининг 133-моддаси 2-қисми, Арманистон жиноят кодексининг 135-моддасининг 2-қисми, Литва жиноят кодексининг 154-моддаси, Словакия жиноят кодексининг 373-моддасига асосан, наشر қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали тухмат қилганлик, яъни кибертухмат учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Хитой жиноят кодексининг 433-моддасида мазку ҳолат уруш вақтига нисбатан олинган бўлиб, унга кўра хоҳ кибертехнологиялар орқали хоҳ бошқа усулларда бўлсин, уруш вақтида тухмат қилиш, бўхтон ва уйдирмаларни тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бироқ, Франция жиноят кодексининг 717-2-моддасида кибертухмат учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик белгиланмаган ҳолда, ҳар қандай усулда тухмат қилганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган. Қозоғистон жиноят кодексининг 130-моддаси 2-қисми телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиб тухмат қилганлик, Беларуссия жиноят кодексининг 188-моддасида Интернетда, бошқа умумий телекоммуникация тармоғида ёки алоҳида телекоммуникация тармоғида бошқа одамга тухмат қилганлик учун жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>. Юқоридагиларга асосан, жиноят қонунчилигида ягона тушунчаларни қўллаш зарурлиги, жиноятни квалификация қилишда аниқлик муҳим аҳамият касб этилишини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.



139-моддасининг иккинчи қисмини монография 1-иловасининг 10-банди назарда тутилган таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади.

**Киберҳақорат.** Киберҳақорат жинояти Ўзбекистон жиноят қонунчилигида Жиноят кодексининг 140-моддасининг 2-қисмида нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш деган шаклда баён қилинган, бироқ ҳозирги кундаги телекоммуникация тармоқлари ва Интернет оламининг чексизлиги ва оммавий ахборот воситаси билан телекоммуникация ва Интернет тармоқларида баён қилинган ахборотлар ўртасида фарқ мавжудлигини, қонунчиликда ягона тушунчанинг қўлланишлиги жиноят учун жавобгарликнинг қонуний ва адолатли бўлишини таъминлашлигини инобатга олиб, жиноят қонунчилигимизга киберҳақорат, ахборот-коммуникация тармоқлари орқали ўзга шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш орқали содир этиладиган жиноятни киритиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу жиноятнинг объектини ўзга шахснинг шаън ва кадр қиммати ташкил қилади, 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан тўғри қасддан содир этилган тақдирда жиноят тўлиқ квалификацияга эга бўлади. Кибертехнологиялар орқали ўзга шахс таҳқирланган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади. Турманистон жиноят кодексининг 132-моддаси 2-қисми, Арманистон жиноят кодексининг 136-моддаси 2-қисми, Хитойнинг 246-моддаси, га асосан, нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали, Белоруссия жиноят кодексининг 189-моддасида телекоммуникация тармоғи ёки Интернет тармоғи орқали ҳақорат қилганлик, яъни киберҳақорат учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Қозоғистон жиноят кодексининг 131-моддаси 2-қисми телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиб, Тожикистон жиноят кодексининг 330-моддаси 2-қисмида интернет орқали, Туркманистон жиноят кодексининг 212-моддасида ҳокимият вакилини ўз хизмат вазифаларини бажаришда ёки уларнинг хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан оммавий таҳқирлаганлик, ҳақорат қилганлик учун жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>.

Жиноят қонунчилигида ягона тушунчаларни қўллаш зарурлиги, жиноятни квалификация қилишда аниқлик муҳим аҳамият касб этишини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 140-моддасининг иккинчи қисмини монография 1-иловасининг 11-банди назарда тутилган таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади.

### **Шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган кибержиноятлар**

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

**Кибертехнологиялар орқали шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш.** Кибертехнологиялар орқали шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш жинояти Конституциямизнинг 27-моддасида кўрсатилган шахсий ҳаётга аралишишдан ҳимояланиш ҳуқуқининг амалий ифодаси ҳисобланади ва унга кўра, шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш учун Ўзбекистон жиноят кодексининг 141-1-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу қилмишнинг кибертехнологиялар орқали амалга оширилиши наздимизча кибертехнологиялар орқали шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш деб эътироф этилиши ёки ушбу қилмишнинг кибертехнологиялардан фойдаланиб содир этилиши жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат деб топилиши керак. Мазкур жиноятнинг объектини шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади, жиноят объектив томондан шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда кибертехнологиялар орқали йиғиш ёки тарқатиш орқали 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан тўғри қасдан содир этилади. Шахсий ҳаёт дахлсизлигини ташкил қилувчи маълумотлар йиғилган ёки тарқатилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш жинояти Ўзбекистон жиноят кодексининг 141-1-моддасида, Франция жиноят кодексининг 226-18-моддасида, Украина жиноят кодексининг 183-моддасида, Арманистон жиноят кодексининг 144-моддасида шахсий ёки оилавий ҳаётни ноқонуний йиғиш, сақлаш, ундан фойдаланиш ёки тарқатиш жинояти кибертехнологиялар орқали содир этилиши тўғридан-тўғри кўрсатилмаган. Бироқ, ушбу ахборотларнинг деярли барчаси жиноятчи томонидан кибертехнологиялар орқали йиғилади ва қайта ишланади. Словакия жиноят кодексининг 374-моддасида шахсий маълумотлардан рухсатсиз фойдаланганлик<sup>1</sup> учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Тан олиш керакки, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузувчи маълумотларнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали ошкор қилиниши жабрланувчиларга жуда катта зарар келтириши ва ўзида жуда кўп аудиторияни қамраб олиши билан мазкур турдаги жиноятлар ўзига хос аҳамият касб этади. Шу сабабли жиноят қонунчилигимизда қонунийлик ва адолат нуқтаи назаридан келиб чиқиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, юқоридагиларга асосланган ҳолда Ўзбекистон жиноят кодекси 141-1-моддасининг иккинчи қисмини монография 1-иловасининг 12-бандида назарда тутилган тахрирдаги “г” банд билан тўлдириш таклиф қилинади.

**Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш.** Мазкур жиноят шахсга доир маълумотлар муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

ахборот бўлгани учун ҳам ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этиладиган жиноят ҳисобланади. Бунда, шахсга доир маълумотлар субъекти (субъект) шахсга доир маълумотлар ўзига тааллуқли бўлган жисмоний шахс бўлиб, унга тегишли маълумотлар базаси, яъни таркибида шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот тизими тарзидаги маълумотлар базасидаги ахборот ноқонуний равишда йиғилган, тўлдирилган, ўзгартирилган, фойдаланилган, ишлов берилган ёки тарқатилганидан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади. Ушбу жиноят кўпроқ ушбу маълумотлар учун масъул бўлган шахслар ёки шундай маълумотлар билан ишлаш кўникмасига эга шахслар томонидан тўғри қасддан, 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс томонидан содир этилади. Жиноят объектив томондан шахсга доир қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларнинг кибержиноятчи томонидан бузиши орқали содир этилади. Ўзбекистонда шахсга доир маълумотлар соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ–547-сон Қонуни билан тартибга солинади. Шу сабабли ушбу қонун ҳамда мазкур қонун асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар бузилган тақдирда Жиноят кодексининг 141-2-моддасида назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади. Латвия жиноят қонунининг 281-моддасида, Туркманистон жиноят кодексининг 146-моддасида, Литва жиноят кодексининг 167-моддасида, Қозоғистон жиноят кодексининг 147-моддаси 3-қисмида, Қирғизистон жиноят кодексининг 186-моддасида, Украина жиноят кодексининг 182-моддасида шахсга доир қонун ҳужжатларини бузганлик учун, Белоруссия жиноят кодексининг 376-моддасида шахсга доир маълумотларни махсус техник воситалар орқали эгаллаб олганлик учун, 179-моддаси 2-қисмида бошқа шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёт тўғрисидаги маълумотни унинг розилигисиз бемалол олишга мўлжалланган махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда ноқонуний тўплаганлик ёки тарқатганлик, Словакия жиноят кодексининг 376-моддасида аудио, видео ёзувлар ва компьютер ахборотининг ошкор этилиши учун, Тожикистон жиноят кодексининг 144-моддасида бировнинг шахсий ёки оилавий сирини тўғрисидаги маълумотни унинг розилигисиз ноқонуний тўплаш ёки тарқатиш ёки оммавий ахборот воситаларида нутқда, ишда, оммавий ахборот воситаларида ёки Интернетда, агар бу хатти-ҳаракатлар худбинлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб содир этилган бўлса ва бундай маълумотларни тарқатган бўлса. фуқаронинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни ва у асосида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 февралдаги 71-сон қарори билан тасдиқланган “Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестри тўғрисида”ги низом талабларидаги нормалар билан Жиноят кодексининг 141-2-моддасида назарда тутилган қоидалар ўзаро лозим даражада мувофиқ бўлмаганлиги

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

сабабли, мазкур қонун ҳужжатларининг талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 141-2-моддасининг биринчи қисми диспозициясини монография 1-иловасининг 13-бандида назарда тутилган тахрирда баён қилиш таклиф қилинади.

**Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш.** Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш жинояти Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 143-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга кўра, маъмурий жазо қўлланилгандан кейин хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини қасддан бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Мазкур жиноят объекти фуқароларнинг хати-ёзишмалари, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларни сир сақлаш ҳуқуқидан фойдаланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этиб, жиноят объектив томондан хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини субъектив томондан тўғри қасддан бузган ҳолда 16 ёшга тўлган ақли расон шахс томонидан содир этилади. Ушбу жиноят хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг мазмуни билан улар эгасининг рухсатисиз ёки ҳуқуқий асослар мавжуд бўлмаганда танишиш вақтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Бунда, жиноятни фош этиш, аниқлаш ва жиноятчини ушлаш мақсадида қонун ҳужжатларига асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўзларининг фаолияти давомида аниқланган ёзишмалар мазкур жиноят таркибини ташкил қилмайди. Мазкур жиноят учун жавобгарлик деярли барча давлатларнинг жиноят қонунчилигида кўзда тутилган, хусусан, Швеция жиноят кодексининг 2-қисми 4-бобидаги 8-10-моддаларида, Туркменистон жиноят кодексининг 250-моддасида почта ёки телекоммуникация компанияси томонидан почта орқали жўнатиш ёки телекоммуникация шаклида амалга оширилган ёки узатилган алоқаларга ноқонуний йўл билан кирган шахс томонидан почта ва телекоммуникация сирларини бузганлик, қонунга хилоф равишда хат ёки телеграммани очиш ёки бошқа тарзда муҳрланган ёки кулфланган ёхуд бирон-бир тарзда беркитилган ҳар қандай нарсадан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бузиш, шахсий сирларни ўқиш, ахборот-коммуникация технологиялари орқали қонунга хилоф равишда ахборот тўплаганлик, уни ошкор қилганлик ёки ундан фойдаланганлик, Руминия жиноят кодексининг 227-моддасида бирор кишига зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни ошкор этганлик, Қозоғистон жиноят кодексининг 148-моддасида, Хитой жиноят кодексининг 252-253-моддаларида Арманистон жиноят кодексининг 146-моддасида, Тожикистон жиноят кодексининг 146-моддасида фуқароларнинг ёзишмалари, телефон сўзлашувлари, почта, телеграф ёки бошқа хабарларининг махфийлигини қонунга хилоф равишда бузганлик, Албания жиноят кодексининг

255-моддасида почта хабарлари сирларини бузганлик<sup>1</sup>, Словакия Республикаси жиноят кодексининг 196-моддасида почта сирларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Телефондан ташқари бошқа телекоммуникация ёки алоқа воситалари орқали хабар алмашиш ва сўзлашиш имконияти мавжудлиги ва технологияларнинг ривожини ушбу моддани қайта кўриб чиқишни тақозо этаётганлиги сабабли, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 143-моддасини монография 1-иловасининг 14-бандида назарда тутилган таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади.

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларига бўлган муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш.** Мазкур жиноят бугунги кунда энг кенг тарқалган жиноятлардан бири ҳисобланади. 2019 йилда Ўзбекистон 1996 йил 20 декабрдаги Женевада имзоланган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномасига қўшилди<sup>2</sup>, Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини яратиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш борасида алоҳида қонун ҳужжати мавжуд<sup>3</sup>, бироқ ахборот технологиялар соҳаси кенгайган сари бу тоифадаги жиноятлар сони ҳам ошмоқда. Мазкур жиноятнинг объектини интеллектуал мулкнинг, хусусан, муаллифлик ва ихтирочилик ҳуқуқининг ҳимоя қилинишига оид фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади ва объектив томондан кибертехнологиялар орқали тафаккур мулки объектига бўлган муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошқор қилиш орқали субъектив томондан тўғри қасддан 16 ёшга тўлган шахс томонидан содир этилади. Жиноят предмети дастурий маҳсулотлар, ахборот ресурслари, ахборот тизими, телекоммуникация воситалари, алоқа воситалари ва бошқа технологиялар бўлиши мумкин. Кибертехнологиялар ёки бошқа ахборот-коммуникация технологиялари орқали муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 149-моддасида жинойий жавобгарлик назарда тутилмаган, бироқ, Хитой жиноят кодексининг 217-моддасида фойда олиш мақсадида ўзга шахснинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали муаллифлик ҳуқуқининг бузилишининг ҳар қандай турини содир этиш учун жинойий жавобгарлик белгиланган ва бунда жиноятнинг содир этилиши ноқонуний ҳаракатлар ёки бошқа

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида” 2019 йил 16 февралдаги ЎРҚ–520-сон Қонуни // ҚХММБ, 16.02.2019 й., 03/19/520/2626-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-ХП-сон Қонуни // “Халқ сўзи”, 1994 й., 104(859)-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 136-модда.

оғирлаштирувчи ҳолатлар вужудга келишига сабаб бўлса, жиноят оқибатида жиноятчи катта миқдордаги маблағ олган бўлса, жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида квалификация қилинади. Қирғизистон жиноят кодексининг 199-моддасида ЭҲМ билан боғлиқ, Украина жиноят кодексининг 176-моддасида компьютер дастурлари ва маълумотлар базаларига оид муаллифлик ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” 2006 йил 20 июлдаги ЎРҚ–42-сон, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” 2002 йил 29 августдаги 397-II-сон, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060–XII-сон Қонунлар талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги ПҚ–4168-сон қарори билан тасдиқланган Интеллектуал мулкнинг самарали ҳимоясини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси”нинг 4-банди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ–5446-сон “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 8 февралдаги ПҚ–4168-сон ва “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 июлдаги ПҚ–4380-сон қарорларида назарда тутилган қатъий топшириқларни бажариш, ундаги қоидаларга амал қилиш, халқаро умумэътироф этилган қоидаларга тўлиқ риоя қилиш, Ўзбекистон 1996 йил 20 декабрдаги Женевада имзоланган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси талабларига амал қилиш, дастурий маҳсулотлар ва бошқа ахборот-коммуникация технологиялари ёки бошқа ихтироларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқларнинг бузилиши ҳам шахс, ҳам жамият, ҳам давлат, шунингдек, тарих ва келажакка, энг муҳими ушбу ҳуқуқларнинг бузилиши оқибатида жуда катта миқдордаги моддий ва маънавий зарар келиб чиқиши мумкинлиги, айбдорнинг маъмурий жавобгарликка тортилиб, аслида бир неча марта фойда келтирган муаллифлик ҳуқуқини қайта бузиши аниқ эканлиги кўриниб турганлиги, интеллектуал мулк бўйича шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилиш зарурлигини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон жиноят кодексининг 149-моддасини монография 1-иловасининг 15-бандида назарда тутилган таҳрирдаги иккинчи қисм билан тўлдириш таклиф қилинади.

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

## 2.2-§. Ижтимоий-сиёсий кибержиноятлар

**Кибертехнологиялар орқали урушни тарғиб қилиш.** Кибертехнологиялар, шу жумладан ижтимоий тармоқ орқали бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан кўзғатиш учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатиш йўли билан ушбу жиноят субъектив томондан тўғри қасддан ақли расо шахс томонидан амалга оширилади. Ушбу жиноятнинг объектини тинчликни муҳофаза қилиш ва халқларнинг тинч-тотувлигини таъминловчи ҳамда муҳофазаланадиган ахборот-коммуникация технологияларига оид ижтимоий муносабатлар ташкил қилади. Жиноят босқинчилик урушни бошлаб юборишга қаратилган қарашлар, ғоялар ва чақириқлар кибертехнологиялар орқали тарқатилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Бунда, ушбу жиноят хусусида ўзининг фикрини билдирган ёки бунга ўз муносабатини, хусусан, “лайк” сатрини босган фойдаланувчилар мазкур жиноятнинг субъекти ҳисобланмайди. Мазкур жиноят учун Ўзбекистон жиноят кодексининг 150-моддасида жинойий жавобгарлик назарда тутилмаган. Бирок, Қозоғистон жиноят кодексининг 161-моддаси 2-қисмида телекоммуникация тармоқлари орқали агрессив урушни тарғиб қилиш ёки оммавий чақириқлар учун, 274-моддасининг 2-қисми 3-бандида телекоммуникация тармоғидан фойдаланиб жамоат тартибини бузиш ёки фуқаролар ёки ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига ёки жамият ёки давлатнинг манфаатларига, қонун билан кўрикланадиган давлат манфаатларига жиддий зарар етказиш хавфини туғдирадиган била туриб ёлғон маълумот тарқатганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланган. Тожикистон жиноят кодексининг 396-моддаси 2-қисмида интернет орқали урушга даъват этиш учун жинойий жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>. Айтиш керакки, мазкур тоифадаги жиноятлар тармоқда ёки тизимда содир этилиши вақтида жуда катта аудиторияни ўзида қамраб олади ва шу сабабли ҳам унинг жабрланувчилари жуда кўп бўлади, қолаверса, бу тоифадаги жиноятлар ўзга жиноятлар содир этилиши ва жуда катта миқдордаги зарур келтириб чиқариши мумкинлиги билан бошқа тоифадаги жиноятлардан ажралиб туради ва бу тоифадаги жиноятлар учун жавобгарлик ушбу технологияларсиз одатий ҳолатда содир этиладиган бу турдаги жиноятлардан фарқ қилиши, жиноят адолатли бўлиши лозимлиги сабабли, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150-моддасини монография 1-иловасининг 16-бандида назарда тутилган таҳрирдаги иккинчи қисм билан тўлдириш таклиф қилинади.

**Киберагрессия.** Киберагрессия жинояти объектив томондан кибертехнологиялар орқали босқинчилик урушини режалаштириш, унга тайёргарлик кўриш, шу ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш, босқинчилик урушини бошлаш ва уни олиб бориш орқали субъектив томондан тўғри қасддан 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томондан

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

содир этиладиган жиноят бўлиб, ушбу жиноятнинг объектини давлатлар хавфсизлиги ва уларнинг тинч ҳаёт фаолият юритишини, давлатларнинг миллий манфаатлари, сиёсий мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминловчи ва кибертехнологиялар соҳасини муҳофазаловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади. Мазкур жиноятнинг объектив томонида назарда тутилган ҳаракатларнинг биттаси содир этилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган саналади.

Киберагрессия тушунчаси 2007 йилда фальсафа доктори Д.Шабро томонидан фанга киритилган<sup>1</sup>. Қозоғистонда киберагрессиянинг дастлабки босқичи сифатида жиноят кодексининг 130-131-моддаларида кибертухмат ва киберҳақорат учун жиноий жавобгарлик белгиланган холос, бироқ биргина жиноят ишлари бўйича Олмаота вилояти судларида Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 130-моддаси доирасида 2018 йилда 63 та ишдан 59 киши, 2019 йилда 53 та ишдан 52 киши, 2020 йил 14 апрель кунга бўлган маълумотларга кўра, 2020 йилда 8 та ишдан 10 кишига нисбатан суд ҳукмлари чиқарилган, шунингдек, АҚШнинг 50 та штатидан 44 тасида бу каби жиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган, Янги Зеландияда эса, бу каби жиноятлар учун қамоқ жазоси, Германияда 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади<sup>2</sup>. Тан олиш керакки, қисқа вақт ичида яхши инсонларнинг йиллар давомида мисқоллаб йиғган обрў ва эътиборлари биргина киберагрессия оқибатида бир пул бўлиши ва бир секунд олдин яхши бўлиб турган инсон бошқалар кўз ўнгида жуда ёмон аҳволга келиб қолиши мумкин, энг ачинарлиси, бу инсон баъзан нимада айбланаётганлигини англагунча бутун борида ҳам айрилиш эҳтимоли мавжуд.

Киберагрессия жуда хавфли жиноят бўлиб, биргина Россиянинг 23 фоиз ёшлари ҳозирги кунда киберагрессия қурбони бўлишмоқда, Интернет оламида таҳқирланмоқда, ачинарлиси Ўзбекистон ёшлари ҳам бугунги кунда бемалол Интернет оламидан фойдаланиши мумкинлиги бу борадаги ҳужумлар қурбони улар ҳам бўлиши мумкинлигини келтириб чиқаради ва ушбу киберагрессия қурбони ўзбекистонлик ёшлар ҳам бўлаётганлигини ҳеч ким инкор қилолмайди, хатто баъзи ҳолатларда ўзлари ҳам ушбу жиноятларда билиб-билмай иштирок этаётганлиги, энг ачинарлиси бунинг учун Ўзбекистон қонунларида жиноий жавобгарлик аниқ белгилаб қўйилмаганлиги бугунги кунда Ўзбекистон олдида кенг кўламли ислохотлар амалга ошириш зарурлигини тақозо этмоқда, юқорида саналган киберагрессия жиноятлари учун Ўзбекистонда ҳам жиноий жавобгарлик белгилаб қўйиш, бунинг учун Ўзбекистон жиноят кодексининг 151-моддасини қайта кўриб чиқиш ва Интернетдаги киберагрессияни тартибга солиш, шунингдек, 2020 йилги давлат дастурига киритилган “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун лойиҳасидан ташқари

<sup>1</sup> J.S.Chibbaro School counselors and the cyberbully: interventions and implications. Professional School Counseling, 11 (1), 2007. – Pp. 65–67.

<sup>2</sup> Кибербуллинг. Или немного об интернет-травле (С. Авганов, Руководитель отдела по информационному обеспечению Алматинского областного суда) // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=37000746#pos=5:-88](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=37000746#pos=5:-88).



“Киберагрессия тўғрисида”ги Қонун ҳам қабул қилиниши ва бу тоифадаги жиноятларга оид муносабатлар тўғридан-тўғри Қонун билан тартибга солиб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Қолаверса, Ўзбекистонда ёшларнинг онгини захарлаш ва бошқа таҳдидлар орқали келажагимизга раҳна солаётган мазкур жиноятларга қарши тизимли асосда курашиш мақсадида ҳар йили Бош прокуратура томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 октябрдаги ПФ-5566-сон Фармони талабларидан келиб чиқиб, киберагрессия жиноятларининг ҳуқуқий статистик ҳолати, шунингдек, “Статистика тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан, Давлат статистика қўмитаси томонидан киберагрессия бўйича давлат органлари томонидан олиб борилган статистик кўрсаткичлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати ҳузуридаги “Киберхавфсизлик маркази” ДУК эса, ўзи томонидан киберагрессиянинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг статистик ҳолатларини юритиши ва ушбу кўрсаткичлар мазкур давлат органлари ҳамда Очик маълумотлар порталида очик маълумот сифатида кўрсатиб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларга асосан, бугунги кунда киберагрессия билан боғлиқ ҳаракатлар Интернет оламининг чексизлиги, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожини, Республика аҳолисининг 20 млн. ортиғи тўғридан-тўғри Интернет хизматларидан фойдаланиши ва бу давлат аҳолисининг ярмидан ортиқроғини ташкил этиши, Интернет тармоғини тўлиқ жиловлаш техник томондан имконсизлиги, киберсуцид, кибертерроризм, киберэкстремизм ва бошқа кибержиноятларнинг вужудга келишига киберагрессия тўғридан-тўғри шарт-шароит яратиш беришлиги, ҳозирги кунда соҳанинг ривожини АҚШ, Европадаги давлатлар, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Сингапур, Малайзия, Индонезия ва бошқа ривожланган давлатлардан “Киберагрессия тўғрисида” алоҳида Қонун ишлаб чиқиш ва бу борадаги муносабатларни тартибга солишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганлигини, кибержиноятлар юқоридаги саналган давлатлардаги технологиялар билан ўзаро боғлиқ эканлиги, соҳадаги ихтиро ва кашфиётларни олдиндан ҳеч ким айтиб беролмаслиги, ушбу жиноятнинг амалга оширилиши жуда катта фожияларга сабаб бўлишини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 151-моддасини монография 1-иловасининг 17-бандида назарда тутилган таҳрирдаги 151-1-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

**Кибергеноцид.** Кибергеноцид жинояти объектив томондан миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб, бир гуруҳ шахснинг кибертехнологиялар орқали жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасдан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тўла ёки қисман қириб юбориш, кибертехнологиялар орқали бола

туғилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш, шунингдек, бундай ҳаракатлар содир этиш тўғрисида буйруқ бериш орқали, субъектив томондан тўғри қасддан 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс томонидан содир этилади. Ушбу жиноятнинг объектини одамлар, миллий, этник, ирқий, диний гуруҳларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминловчи, ахборот-коммуникация соҳасидаги муносабатларни муҳофазаловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Мазкур жиноятнинг объектив томонида назарда тутилган ҳаракатларнинг биронтаси бажарилганидан бошлаб, у қандай оқибатларни келтириб чиқаришидан қатъий назар тугалланган ҳисобланади. Ушбу жиноят учун Ўзбекистон жиноят кодексининг 153-моддасида жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса, Қозоғистон жиноят кодексининг 174-моддасида миллий, қабилавий ёки ирқий мансублик, агар ушбу ҳаракатлар оммавий ёки оммавий ахборот воситалари ёки телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда, шунингдек ишлаб чиқариш ёки тарқатиш орқали содир этилган жиноят содир этиш, Албания жиноят кодексининг 74а-моддасида инсониятга қарши жиноятларни маъқуллайдиган ёки оқлайдиган материалларни компьютер тизимлари орқали қасддан оммага тарқатишни тақлиф қилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган<sup>1</sup>.

АҚШда яратилган вирус орқали бутун бир давлат органларидаги компьютер тизими блокраниб, уларнинг бошқаруви ушбу вирус яратувчиларига ўтиши мумкинлиги исботланганлиги<sup>2</sup>, чет давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон жиноят кодексининг 4, 10, 14, 16-моддалари талабларига асосан, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 153-моддасини монография 1-иловасининг 18-бандида назарда тутилган таҳрирдаги 153-1-модда билан тўлдириш тақлиф қилинади.

**Кибержиноятчи сифатида ёлланиш.** Кибержиноятчи сифатида ёлланиш жинояти объектив томондан ўзининг ёки ўзга шахснинг манфаатларини кўзлаб, моддий ва бошқа наф кўриш мақсадида ўзга давлат ёки хусусий сектордаги шахсларнинг кибертехнологияларга нисбатан бўладиган киберҳужумда қатнашиш, уни молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳарбий ва бошқа ҳаракатларда фойдаланиш орқали 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан тўғри қасддан амалга оширилади. Ушбу жиноятнинг объектини ўзга давлат ёки шахсларнинг манфаатларини, мулкни ва бошқа ҳуқуқларини, шунингдек, кибертехнологиялар соҳасини муҳофазаловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади. Бу жиноятнинг объектив томонидан кўрсатилган ҳолатлардан бирининг содир этилганидан бошлаб жиноят тугулланган ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги,

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>2</sup> <https://amp.topwar.ru/19076-buduschee-za-kibertehnologiyami.html>.

шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Конституциянинг 24-моддасига мувофиқ, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ҳозирги кунда киберёлланма шахслар учун Ўзбекистон жиноят қонунчилигида жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган.

Бироқ, Ўзбекистон жиноят кодексининг 154-моддасида ёлланиш учун жиноий деб қайд этилган ҳолда, ушбу жиноятнинг қайси субъектлар томонидан қандай ҳолатларда содир этилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган, бироқ ушбу модда жуда тор ҳолатда кўрсатилган бўлиб, ҳозирги кундаги ахборот технологияларининг ривожини, ижтимоий муносабатларнинг кенг қамровлиги, ҳарбий тўқнашувлардан кўра, ахборот хуружларига бўлган эътибор одатдагига қараганда бир мунча ошганлигини инобатга олиб, ушбу кодекс моддасидаги таҳрир қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур жиноят жуда кенг қамровли жиноят бўлиб, биргина “Desert Falcons” деб номланган 2014 йилда 50 дан ортиқ мамлакатларда кенг қамровли араб киберхужуми амалга оширилган ва 3 000 дан ортиқ фойдаланувчига нисбатан амалга оширилган киберхужумда Миср, Фаластин, Исроил, Иордания, Россия каби давлатларнинг фуқаролари азият чекишган<sup>1</sup>.

Инсониятнинг хавфсизлигини таъминлаш, робототехника ва кибертехнологияларнинг ривожидан ҳар ким турли мақсадларда фойдаланиши мумкинлиги, ҳозирги кунда давлатлар ёки маълум бир қатламдагилар ўртасида кураш турли хил қурол-яроғлар билан эмас, балки ахборот уруши билан бўлаётганлиги, ахборот урушининг кейинги ривожини эса, кибертехнология орқали амалга оширилишини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 154-моддасини монография 1-иловасининг 19-бандида назарда тутилган таҳрирдаги 154-1-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

**Кибертерроризм.** Кибертерроризм атамасини илк мартаба 1980-йилларда АҚШдаги Хавфсизлик ва разведка институти (Institute for Security and Intelligence) катта илмий ходими Барри Коллин томонидан ишлатилган<sup>2</sup>.

Олим А.Темуров кибертерроризмни электрон усул, халқаро интернет тармоғи орқали амалга оширилаётган террористик жиноят деб атаса<sup>3</sup>, Л.Буранов кибертерроризмга террористик мақсадлар йўлида компьютер ва телекоммуникация технологиялари (асосан Интернет)дан фойдаланиш деб таъриф беради<sup>4</sup>, бу борада В.С.Овчинский янада кенгроқ тушунтириш

<sup>1</sup> Эксперты раскрыли ближневосточную сеть кибершпионажа, от которой пострадали более 50 стран // <https://tass.ru/obschestvo/1775202>.

<sup>2</sup> Collin B. The Future of Cyberterrorism // Crime & Justice International Journal. 1997. Vol. 13. – P. 23–26.

<sup>3</sup> А.Темуров. Кибертерроризм нима? –Термиз. Сурхон тонги. 2019 йил 4 июлдаги сони. Интернетдаги манзили: <http://surxontongi.uz/kiberterrorizm-nima/>.

<sup>4</sup> Л.Буранов. Кибержиноятчиликка қарши курашишда Интернет-маданиятнинг аҳамияти. <https://blog.xabar.uz/post/kiberjinoatchilikka-qarshi-kurashishda-internet-madaniyatning-a>.

беришга ҳаракат қилган, жумладан, у кибертерроризм ва киберэкстремизм хусусида аниқроқ фактлар беришга ҳаракат қилган.

Кибертерроризм хусусида Е.В.Старостиной ва Д.Б.Фролова тўхталиб, биринчи навбатда унинг ҳар қандай замонавий ахборот қуролидан фойдаланган ҳолда содир этилишини, ўзининг содир этилиш тактикаси, усулларига кўра, сиёсий терроризмдан фарқ қилишини таъкидлайдилар<sup>1</sup>, А.В.Соколов ва О.М.Степанюк ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали алоқа йўлларининг ишламай қолишига сабабчи бўлган ҳолда, ахборот фойдаланувчилари учун сунъий тўсиқларни келтириб чиқарадиган жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатадиган жиноятлар мажмуи сифатида тушунтириш беради.

Булардан ташқари, ушбу тушунча ва унинг моҳияти хусусида В.А.Васенин, В.А.Галатенко, Ма Хуайдэ, Р.Ф.Азизов, Г.Ибрагимова, Т.А.Полякова, Л.П.Зверьянская ва бошқалар ҳам ушбу тушунчага таъриф беришга ҳаракат қилишган.

Кибертерроризм деганда, баъзи олимлар баъзан одамлар ўлими, катта мулкий зарар етказилиши ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар таҳдидини юзага келтирадиган ахборот тизимларини издан чиқариш ҳаракатлари (агар улар махсус ижтимоий хавфсизликни бузиш, аҳолини кўрқитиш ёхуд ҳокимият органларининг қарор қилишига таъсир кўрсатиш мақсадида содир этилган бўлса), шунингдек, ана шу мақсадларда мазкур ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш тушунилиши ҳақида фикр юритади.

Олим Д.Турдиева кибертерроризм аслида ахборот технологиялари ички фаолиятига ноқонуний аралаштириш, компьютерда мавжуд дастурлар ёки маълумотларни мақсадли равишда йўқ қилиш, зарар келтириш, давлат органларининг муҳим қисмлари фаолиятини издан чиқариш билан бирга инсонлар ҳаётига хавф солиш, моддий зарар келтириш ёки оммавий кўрқитиш, ҳарбий низолар каби турли зарарли оқибатларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатдир деб атайди<sup>2</sup>.

Грузия Республикасида, кибертерроризм, яъни компьютер томонидан муҳофаза қилинадиган маълумотни қонунга ҳилоф равишда олиб қўйиш, уни ишлатиш ёки фойдаланиш орқали аҳолини кўрқитиш ва (ёки) ҳокимиятга таъсир кўрсатиш учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавф-хатар сифатида тушунилади<sup>3</sup>.

Олим А.Расулев ҳам ушбу фикрларга ўхшаш фикрларни берган. Аммо, у “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ушбу тушунча киритилиши ва Жиноят кодексига кибертерроризм алоҳида битта модда сифатида киритилиши таклифини беради<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>2</sup> Д.Турдиева. Кибертерроризм: миллий ва халқаро хавфсизликка таҳдид. 2018 й. <http://darakchi.uz/uz/44666>.

<sup>3</sup> Грузия Жиноят кодекси. <https://matsne.gov.ge/ka/document/download/16426/143/ru/pdf>.

<sup>4</sup> Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Фикримизча, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни<sup>1</sup>дан келиб чиққан ҳолда кибертерроризмга таъриф бериш мақсадга мувофиқ. Кибертехнологиялар орқали халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуроли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун киберзўрлик ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга оширишга бўлган кибертахдид, вазиятни беқарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига қасд қилиш, киберқотиллик орқали содир этиладиган жиноят кибертерроризм деб аталади. Кибертерроризм учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Жиноят кодексининг 155-моддасида, Литва жиноят кодексининг 250-моддасида, Латвия жиноят қонунининг 88-моддасида, Арманистон жиноят кодексининг 217-моддасида, Хитой жиноят кодексининг 120-моддасида, Қирғизистон жиноят кодексининг 239-моддасида, Туркменистон жиноят кодексининг 271-моддасида, Украина жиноят кодексининг 258-моддасида, Белоруссия жиноят кодексининг 124-моддасида, Белоруссия жиноят кодексининг 289-моддасида назарда тутилмаган бўлса-да, бироқ Франция жиноят кодексининг 421-1-моддасининг 2-қисми ва 421-3-моддасида информатика соҳасида терроризм, Тожикистон жиноят кодексининг 179-моддаси, 179-1-моддаси 2-қисми “г”-банди Интернетдан фойдаланган ҳолда терроризмни амалга оширганлик<sup>2</sup> учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Франциянинг терроризмга қарши курашиш миллий кўмитаси расмий вакили Н.Синцовнинг фикрича Францияда терроризм бўлишига биринчи навбатда, миллий манфаатлар, сиёсий носоғломлик тўғрисида аниқ фикрларнинг йўқлиги, тор корпоратив манфаатларнинг устунлиги, касбий фаолиятнинг умумий ва барча журналистлар томонидан қабул қилинган қоидалар йўқлиги, иш берувчига, нашрнинг егасига, муҳаррирга боғлиқлик ҳолатлар, ҳиссий ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи бошқариш қобилятининг йўқлиги, бемаънилиқ ва ҳар қандай ҳолатда эксклюзив бўлиш истаги, фуқаролик жамияти томонидан оммавий ахборот воситаларининг назорати йўқлиги сабаб бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда, биргина блогерлар борасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасида ҳали етарлича тартибга солиб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги 167-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 15-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда.

<sup>2</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

кўйилмаганлиги оқибатида ўзини блогер ниқоби остида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг нормал иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган ёки 2019 йилда бошланган ва 2020 йилда ҳам давом этаётган коронавирус инфекциясининг дунё бўйлаб кенг тарқалиши, пандемияга айланиши оқибатида дунё мамлакатларида карантин қоидалари учун жавобгарлик чораларини кучайтирилиб, дунё аҳолиси соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида карантинга олинган бўлса-да, ушбу қоидаларни сўзсиз бузаётган шахслар доираси кенгайиб бормоқда, бунда аҳолининг, айниқса блогер ниқоби остидаги шахсларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти етарли эмаслиги, давлатларда ўрнатилган қонун ва қоидаларни била туриб менсимаслиги ва буни исботловчи турли хил видео ва аудио ёзувларни телекоммуникация ва интернет тармоғига жойлаштириши оқибатида жамиятимиздаги соғлом муҳит зарарланмоқда. Айнан мана шу ҳолатларнинг барчаси Франция жинойт кодексида мукаммал тарзда ифодаланган бўлиб, аҳолининг ҳар қандай юқорида саналган хатти-ҳаракатлари агарда жинойт таркиби мавжуд бўлса, терроризм деб тўғри баҳо бериб келинади. Тўғри, бунда айбдорларнинг субъектив нуқтаи назаридан қандай мақсадларни кўзлаганлиги ва жинойт мотиви ҳам аҳамиятга эга. Шунга кўра, жамиятимиз ривож ва мамлакатимиз равнақи учун ҳам кибертерроризмга оид тушунчалар қонунчилигимизда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. “Терроризм тўғрисида” Европа Иттифоқи Парламент Ассемблеясининг “Оммавий ахборот воситалари ва терроризм тўғрисида” 2005 йил 20 июндаги 1706 (2005)-сон тавсиясида кўрсатилишича аҳоли ўртасида даҳшат, қўрқув ва тартибсизлик ҳисси тарқалиши кўп жиҳатдан “расм” ва оммавий ахборот воситаларининг террорчилик ҳаракатлари ва таҳдидлари тўғрисида берган изоҳларига боғлиқ. Оммавий ахборот воситаларининг глобал миқёсда мавжудлиги кўпинча ушбу ҳодисаларнинг таъсирини мутлақо номутаносиб равишда кучайтиради<sup>1</sup>. Демак, кибертерроризмга қарши курашиш учун олдин миллий жинойт қонунчилигимизни мавжуд ижтимоий муносабатларга боғлаш мақсадга мувофиқ. Ушбу фирқларнинг исботи сифатида айтишимиз жозки, олим Г.Б.Романовский француз жинойт қонунчилигимизда терроризмнинг барча ҳолатлари тўлиқ ва аниқ кўрсатиб кўйилганлиги, бу борадаги муносабатларда бўлиши мумкин бўлган хавфларнинг олди олинишига ҳам ёрдам беришини, сабаби террорчи ўз жинойтини амалга оширишда олдин ўша давлатнинг қонунчилигини ҳам кўриб чиқиши зарурлиги бу борада бўлиши мумкин бўлган хавфлар бартараф этилишига ёрдам беришини таъкидлаган эди<sup>2</sup>. Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, кибертерроризм бошқачароқ шакли, кибертерроризмни тарғибот қилиш жинойти бўлиб, бунинг учун Қозоғистон жинойт кодексининг 256-моддасининг 2-қисмида

<sup>1</sup> Рекомендация Парламентской Ассамблеи Совета Европы 1706 (2005) «Средства массовой информации и терроризм» (принята 20 июня 2005 года) // <https://www.presscouncil.ru/teoriya-i-praktika/dokumenty/751-rekomendatsiya-parlamentskoj-assamblei-soveta-evropy-1706-2005-sredstva-massovoj-informatsii>.

<sup>2</sup> Г.Б.Романовский. Уголовная ответственность за акты терроризма во Франции // Наука. Общество. Государство. 2017. №3 (19). <http://esj.pnzgu.ru> ISSN 2307-9525.

телекоммуникация тармоғи орқали, Украина жиноят кодексининг 258-2-моддасида, Қирғизистон жиноят кодексининг 242-моддаси 2-қисмида интернет тармоғи орқали терроризмни тарғиб қилганлик<sup>1</sup> учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мазкур жиноят объектив характер касб этган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади, тўғри қасддан 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан содир этилган тақдирда жиноят таркибини ташкил қилади ва ушбу жиноят объектини халқаро ва давлатларнинг, шунингдек, иносониятнинг хавфсизлигини таъминлайди ва кибертехнологиялар соҳасини муҳофазалайдиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Хитой, АҚШ, Эстония, Украина, Голландия, Испания, Австрия, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда кибертерроризмга қарши курашиш бўйича алоҳида қонун қабул қилинган ёки қонунчилигига тегишли ўзгартириш киртилган. Мисол учун Хитой Халқ Республикасида “ХХРнинг давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонун 01.07.2015 йилда, “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун 06.07.2015 йилда, “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун 2016 йилда қабул қилинган. Ушбу қонунларга асосан, мамлакатда кибержиноятларга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, шунингдек, ушбу қонунлар кибертерроризмнинг олдини олиш чораларини ўзи ичига олган<sup>2</sup>.

Россия<sup>3</sup>, Украина<sup>4</sup>, Грузия<sup>5</sup>, Қозоғистон<sup>6</sup>, Эстония<sup>7</sup> қонунчилигида эса, аллақачон, ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг терроризмдаги ўрни аниқ кўрсатиб берилган. Масалан, Украинанинг 2018 йил 21 июндаги №2469-VIII-сон “Киберхавфсизликни таъминлашнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасига асосан, кибертерроризм киберфазода ёки ундан фойдаланган ҳолда террористик фаолиятни амалга оширишга қаратилган фаолиятдир<sup>8</sup>.

Буюк Британиянинг 2000 йилдаги “Терроризм тўғрисида”ги қонунида компьютер, унинг тизимига ёки тармоғига ноқонуний кириб уларга жиддий зарар етказган ҳолда ёки ушбу компьютер маълумотларидан фойдаланган

<sup>1</sup> Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>2</sup> Обзор к уголовного законодательства о борьбе с терроризмом и «Закона о борьбе с терроризмом» Китая» / Евразийский Научный Журнал, №5, 2016 (май). Цзан Цземэй [https://chinalaw.center/administrative\\_law/china\\_state\\_security\\_law\\_2015\\_russian/](https://chinalaw.center/administrative_law/china_state_security_law_2015_russian/) / Е.Ю.Макарова, А.А. Василенко профилактика и борьба с кибертерроризмом в Китае. Китайский опыт в России. <https://core.ac.uk/download/pdf/155234277.pdf>.

<sup>3</sup> Федеральный закон России Федерации от 06.03.2006 № 35-ФЗ «О противодействии терроризму» // Собрание законодательства Российской Федерации, 2006, № 11, ст.1146; № 31, ст.3452; 2011, № 19, ст.2713.

<sup>4</sup> Закон України від 5 жовтня 2017 року № 2163-VIII «Про основні засади забезпечення кібербезпеки України» / (Відомості Верховної Ради (ВВР), 2017, № 45, ст.403, 2018, № 31, ст.241. / <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/2163-19>.

<sup>5</sup> Закон Грузии от 27 июня 2007 года № 5071-вс «О борьбе с терроризмом» // <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/21796/9/ru/pdf>.

<sup>6</sup> Закон Республики Казахстан от 13 июля 1999 года № 416 «О противодействии терроризму» // «Казахстанская правда» от 30.07.99 г. № 182-183; (Ведомости Парламента РК), 1999 г., N 19, ст. 649.

<sup>7</sup> Küberturvalisuse seadus Vastu võetud 09.05.2018 // <https://www.riigiteataja.ee/akt/122052018001/>

<sup>8</sup> Закон України від 5 жовтня 2017 року N 2163-VIII «Про основні засади забезпечення кібербезпеки України» / (Відомості Верховної Ради (ВВР), 2017, № 45, ст.403, 2018, № 31, ст.241.

ҳолда оммавий тартибзликни келтириб чиқариш террористик ҳаракатларга тенглаштирилади, шунингдек, бунга ўхшаш қоида Франция Жиноят кодексининг 421<sup>1</sup>-моддасида “Информатик соҳасидаги ҳаракатлар билан боғлиқ террористик ҳаракатлар” деб баҳоланади. Бундан ташқари, Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг 389-моддасига асосан кибертерроризм халқаро терроризм сифатида алоҳида битта моддада кўрсатилган<sup>1</sup>, Грузия Жиноят кодексининг 324<sup>1</sup>-моддасига асосан, кибертерроризм, яъни компьютер томонидан муҳофаза қилинадиган маълумотни қонунга хилоф равишда олиб қўйиш, уни ишлатиш ёки фойдаланиш орқали аҳолини кўрқитиш ва (ёки) ҳокимиятга таъсир кўрсатиш жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавфни келтириб чиқариш, 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади, ушбу модданинг иккинчи қисмига асосан, ушбу ҳаракатлар натижасида одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабабчи бўлса, 12 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади, шунингдек, Франция Жиноят кодексининг 421-1-моддасига асосан, информатика соҳасидаги террористик ҳаракатлар учун, Украинада эса, террорчиларга террористик фаолиятни амалга оширишга кўмаклашганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Бу тоифадаги ижтимоий муносабатларни аниқ тартибга солиб қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 4, 10, 14, 16-моддалари, Жиноят-процессуал кодексининг 1, 11, 83, 333-моддалари ва кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасини монография 1-иловасининг 20-бандида назарда тутилган таҳрирдаги 155-1-модда билан тўлдириш ва амалдаги 151-1-153-3-моддаларнинг ўрнини бир поғона кейинга, яъни 151-2-15-4-модда, деб номлаш таклиф қилинади.

**Кибертеррористик таълим олиш ёки таълим бериш ёхуд ҳаракатланиш.** Мазкур жиноят объектив томондан юқорида қайд этилган кибертерроризмни амалга ошириш, унга шарт-шароит яратиш бериш ёки кўмаклашиш мақсадида субъектив томондан тўғри қасддан 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан махсус кибертеррористик ўқув ёки тайёргарликдан ўтиш, тайёргарлик орқали махсус билимга ёки кўникмага эга бўлиш, ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтиши ёки шундай билим ва таълимни бериш орқали содир этилади ва ушбу жиноят юқорида саналган ҳаракатлардан бирининг амалда реал ҳолатда содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Мазкур жиноят учун жавобгарлик Ўзбекистон жиноят кодексида етарлича кўрсатиб ўтилмаган ва ёлланиш жиноятининг баъзи қисмлари ўзгача ҳолатда Ўзбекистон жиноят кодексининг 155-2-моддасида кўрсатиб ўтилган, наздимизча, терроризм билан боғлиқ жиноятларни белгилашда қонун чиқарувчи киберурушлар ва кибертеррористик ҳаракатлар билан боғлиқ қоидалардан келиб чиқиб, қонунчиликни қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Умуман

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.



олганда, кибертеррорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида хаккерликка оид ўқувдан ўтиш учун Ўзбекистон жиноят кодексининг 155-2-моддасидан ташқари Арманистон жиноят кодексининг 223-моддасида, Хитой жиноят кодексининг 295-моддасида, Белоруссия жиноят кодексининг 290-3-моддасида, жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса, Қозоғистон жиноят кодексининг 256-моддасининг 2-қисми, 260-моддасида телекоммуникация тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган террористик ҳаракатлар учун ўқувдан ўтганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Тожикистон жиноят кодексининг 179-1-моддасининг 2-қисми “г”-кичик бандида Интернет орқали террористик характердаги жиноятлар содир этишда иштирок этиш ёки уларни содир этишда бошқа ёрдам бериш учун жиноий жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>.

Юқоридагиларга асосан, кибертеррористик ҳаракатлардан ўз вақтида ҳимояланиш, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш, кибертерроризм билан боғлиқ жиноятлар вужудга келишининг олдини олиш ҳамда жиноятчиларга нисбатан лозим даражада қонуний ва адолатли жазо тайинлаш мақсадида, кибертехнологик ҳуқуқий асослардан талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон жиноят кодексининг 155-2-моддасини монография 1-иловасининг 21-бандида назарда тутилган таҳрирда баён қилиш таклиф этилади.

**Кибертерроризмни молиялаштириш жинояти.** Мазкур жиноят объектив томондан кибертеррорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Республика ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, кибертеррорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, кибертеррорчилик ташкилотларига ёхуд кибертеррорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган жиноий фаолият бўлиб, мазкур жиноят тўғри қасддан 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан содир этилиши мумкин, шунингдек, ушбу жиноят объектив томонида назарда тутилган ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган деб топилади ва жиноят объектини тинчлик ва хавфсизликни таъминловчи ва кибертехнологиялар соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Кибертерроризмни молиялаштирганлик учун Ўзбекистон жиноят кодексининг 155-2-моддасида, Туркманистон жиноят кодексининг 271-1-моддасида, Қирғизистон жиноят кодексининг 240-моддасида, Украина жиноят кодексининг 258-5-моддасида, Белоруссия жиноят кодексининг 290-1-моддасида жавобгарлик назарда тутилмаган. Бироқ, Франция жиноят кодексининг 421-1- ва 421-2-моддасида информатика соҳасидаги терроризмни молиялаштириш борасида, Қозоғистон жиноят кодексининг 256-моддасининг 2-қисми ва 258-моддасида

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

телекоммуникация тармоғи орқали<sup>1</sup>, Тожикистон жиноят кодексининг 179-моддаси 2-қисми “г”-банди, 179-2-моддасида Интернет ёрдамида содир этилган терроризмни молиялаштирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Кибертеррористик ҳаракатларнинг амалга ошиши учун асосий ёрдамчи бўлган молиялаштириш билан боғлиқ ҳаракатларнинг ўз вақтида бартараф этилиши, тайёргарлик кўрилаётган жиноятларнинг олди олинишини таъминлаш, энг муҳими халқаро пул маблағларига оид ижтимоий муносабатларнинг муҳофазаланишини таъминлаш мақсадида, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон жиноят кодексининг 155-3-моддаси иккинчи қисмини монография 1-иловасининг 22-бандида назарда тутилган таҳрирдаги “г”-банд билан тўлдириш таклиф қилинади.

**Кибертехнологиялардан фойдаланиб миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатиш ёки кибертарғибот ёхуд киберпропаганда жинояти ёки киберэкстремизм.** Мазкур жиноят объектив томондан миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида кибертехнологиялардан фойдаланган ҳолда тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш орқали содир этилади.

Шу ўринда баъзи ҳолатларни кўриб ўтсак, ушбу жиноят учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184-3-моддасида, алоҳида миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, деб номланган маъмурий жавобгарлик белгиланган ва бунда ушбу жиноятнинг такрор содир этилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 156-моддасида назарда тутилган жавобгарликни келтириб чиқаради, шунингдек, Ўзбекистон жиноят кодексининг 244-1-моддасининг 3-қисми “г” бандида телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоийиш этиш ёки шундай материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоийиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш учун, Ўзбекистон жиноят кодексининг 244-3-моддасида шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин диний мазмундаги

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

материалларни тарқатиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш учун жиноий, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184-2-моддасида диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Фақатгина ЖКнинг 244-1-моддасининг 3-қисми “г”-бандидан ташқари барча ҳолатларда юқоридаги қилмишларнинг кибертехнологиялар орқали содир этилган ёки этилмаганлиги жиноятни квалификация қилишга таъсири йўқ, аммо кўриб ўтганимиздек, бир бирини такрорловчи қоидалар орқали ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддалари тўғридан-тўғри бузилмоқда, мазкур ҳолатда бу тоифадаги жиноятларни аниқлаштириш мақсадида қуйидагиларни таклиф қиламиз, Жиноят кодексига киберхужумга оид материалларни тарқатиш, сақлаш, тайёрлаш, фойдаланиш ёки бошқача тарзда қўллаш учун ва киберэкстремизм учун алоҳида жавобгарлик белгилаш орқали Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184-2- ва 184-3-моддалари, Жиноят кодексининг 155, 156, 244-1-моддаларни тўлиқ қайта кўриб чиқиш ва уларнинг юқоридаги қоидаларга номувофиқлиги ҳақидаги қоидаларни бекор қилиш таклиф қилинади. Биргина мисол, шахснинг мақсади кибертерористик ҳаракатлар амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш, у шундай мақсадда диний мазмундаги материалларни бошқа дин вакиллари йўқотиш ёки уларни тартибга чақириш орқали содир этди, хўш ушбу шахснинг ҳаракатларини қандай баҳолаш керак, бу шахс, яъни судьяга боғлиқ бўлиши керакми, фикримизча асло, шахс амалда қилган ҳар бир қилмиши учун биттадан жазо олиши керак.

Кўпчилик айтиши мумкин, жиноятларни либераллаштириш бўйича ислохотлар кетаётган бир вақтда бу нотўғри қоида деб, аммо тан олиш керакки, тадқиқотларимиз шуни кўрсатаптики, киберэкстремизм ва кибертерроризм ҳамда киберхужумни тарғиб қилишга оид жиноятларни содир этган шахслар бошқа шахсларга қараганда ўзларининг қилмишларини яна давом эттиришга мойилроқ бўлади, кибертехнологияларнинг кенг имконияти яна бу қилмишларни такроран, аммо ўзгача усулларда содир этилиши бўйича ўзига жалб қилади, аммо ҳуқуқий демократик давлатда қонун устуворлиги таъминланиши учун битта айб учун битта жазо бўлиши керак, аслида битта айб бўлиб, бу каби жиноятларни квалификация қилишда бошқа жиноят қонунчилигиимздаги моддалар билан шахсни айбдор қилиш ёки уни оқлаш наздимизча, қонуқийлик ва адолат тамойилларига умуман тўғри келмайди.

Кибертехнологиялар орқали миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзгатганлик учун Туркменистон жиноят кодексининг 177-моддасида, Франция жиноят кодексининг 212-1-моддасида, Арманистон жиноят кодексининг 226-моддасида жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган. Бироқ, ушбу қилмиш агарда оммавий ахборот воситалари орқали содир этилса, Арманистон жиноят кодексининг 226-моддасининг 2-қисми 1-бандига, телекоммуникация тармоқлари орқали содир этилган бўлса, Қозоғистон

жиноят кодексининг 174-моддасига асосан, Интернет орқали содир этилган бўлса, Қирғизистон жиноят кодексининг 313-моддасига асосан, Албания жиноят кодексининг 84а-моддасига асосан компьютер тизимлари орқали миллати, элати, ирқи ёки динга мансублиги сабабли жиддий таҳдид солганлик, Қирғизистон жиноят кодексининг 315-моддаси 2-қисмига асосан, телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ва диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этганлик, Тожикистон жиноят кодексининг 307-1-моддаси 2-қисмида интернет орқали экстремистик фаолиятга ва (ёки) экстремизмни оммавий оқлашга даъват қилганлик, Альбания жиноят кодексининг 119/а-моддасида ирқчилик ёки ксенофобик мазмундаги ҳақиқатга тўғри келмайдиган материалларни оммавий равишда ёки қасдан компьютер тизимлари орқали оммага тарқатганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>.

Киберэкстремизм кибертехнологиялардан фойдаланиб, диний, сепаратистик, кўпоровчилик, экстремистик, миллий, ирқий ва бошқа амалдаги қонунчилик билан тақиқланган муносабатларни келтириб чиқариш, шундай ғоялар ва фикрлар акс эттирилган материалларни йиғиш, сақлаш, фойдаланиш, тарқатиш, реклама ва намойиш қилиш, юқоридаги ҳолатлардан биридан фойдаланиб бошқа шахсларга устунлик бериш ёки ўзга шахсларга таъсир ўтказиш, уларга зарар етказиш, тинчилиги ва тотувлигини бузиш, шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар келтиришга оид барча ҳаракатларни тарғибот рукнида амалга оширишга оид ноқонуний ҳаракатлардир. Бунда, телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланаётган фойдаланувчи томонидан ушуб тармоқлардаги диний экстремистик фаолият билан боғлиқ материалларни томоша қила туриб ёки эшитиб ёхуд кўрган вақтида уларга “лайк” босиши бутун дунёдаги давлатларнинг жинойят қонунчилиги ва олимларнинг доктринал қарашларига асосан, жинойят деб ҳисобланмаслиги керак. Ушбу жинойят учун жавобгарлик

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

ЖКнинг 244-1-моддасига киритилаётган вақтга назар ташлайдиган бўлсак, ҳали Республикада телекоммуникация ва Интернет тармоғи етарлича ривожланмаган бўлиб, ўша вақтда тармоқда “лайк” босиш билан боғлиқ техник имкониятлар йўқлиги сабабли ушбу жиноят учун жавобгарлик киритиш вақтида инобатга олинмаган эди, бироқ технологиянинг кейинги ривожига бу борада биздан ислохотлар ўтказишни талаб қилмоқда.

Ҳали ўзи англаб тушунмаган ёки эҳтиётсизлиги орқали тармоқдаги “лайк” тугмасини босиши оқибатида шахсларнинг жавобгарликка тортилиши ҳам қонунийлик ҳам адолатлилик принциплари, шунингдек, ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддаларига асосан нотўғри бўлади.

Юқоридагиларга асосан, аҳолини ваҳима ва саросимага соладиган, миллий, ирқий, этник, диний, карантинга оид мазмундаги материалларнинг тармоқ орқали тарқатганлик ҳолати билан Жиноят кодексининг 156-, 244-1-, 244-3-моддаларнинг мазмуни том маънода бир хил эканлигини ҳисобга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон жиноят кодексининг 156-моддасини монография 1-иловасининг 23-бандида назарда тутилган тартибда ўз кучини йўқотган деб топиб, Ўзбекистон жиноят кодексининг 244-1-моддасини қўшимча равишда монография 1-иловасининг 24-бандида назарда тутилган таҳрирдаги 244а-модда билан тўлдириш ва шу орқали 244-1-моддани қайта кўриб чиқиш таклиф қилинади.

Шунингдек, бу моддадан келиб чиқиб ҳамда “лайк” босиш билан боғлиқ ҳаракатлар жиноят бўлмаслигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

**Давлат раҳбарига ёки бошқа мансабдор шахсига нисбатан кибертажовуз.** Мазкур тоифадаги жиноятлар бошқа тажовузкор руҳдаги жиноятларга қараганда оғирроқ оқибатларни келтириб чиқариши ва бошқа шахсларнинг ҳам ҳаёти ва соғлиғига таъсир етиши мумкинлиги билан характерли бўлиб, мазкур жиноят объектив томондан кибертехнологиялар орқали давлат раҳбарига ёки бошқа мансабдор шахсларнинг ҳаётига тажовуз қилиш, уларни омма олдида ҳақоратлаш ёки уларга туҳмат қилиш йўли билан субъектив томондан 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан тўғри қасдан содир этилади, ушбу тоифадаги жиноятларнинг объектини давлатнинг суверинетини, давлат раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғини, шаъни ва қадр қимматини таъминловчи ҳамда кибертехнологиялар соҳасини муҳофазаловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилиб, жиноят кибертехнологиялар орқали жиноят объектив томонида назарда тутилган шахсларга нисбатан тажовуз қилинган вақтдан бошлаб, у қандай оқибатларни келтириб чиқаришидан қатъий назар тугалланган ҳисобланади.

Кибертехнологиялар орқали Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилганлик учун Ўзбекистон жиноят кодексининг 158-моддасида, Литва жиноят кодексининг 115-моддасида, Латвия жиноят қонунининг 86-моддасида, Туркменистон жиноят кодексининг 176-моддасида жинойий жавобгарлик назарда тутилмаган. Бироқ, Қозоғистон жиноят кодексининг 375-моддаси 2-қисмида телекоммуникация тармоғи орқали, Тожикистон

жиноят кодексининг 137-моддаси 2-бандига асосан интернет тармоғи орқали Президентнинг шаъни ва қадр-қимматини оммавий таҳқирлаш ёки бошқа тарзда ҳақорат қилиш, Албания жиноят кодексининг 119/б-моддасида шахсинг миллати, миллати, ирқи ёки дини туфайли жамоат олдида, компьютер тизими орқали қасддан ҳақорат қилиш<sup>1</sup>, Тожикистон жиноят кодексининг 310-моддасида интернет орқали конституциявий тузум ва давлат хавфсизлигини таъминлаш асосларини заифлаштириш мақсадида, шунингдек давлат фаолиятини ёки бошқа сиёсий фаолиятни тугатиш мақсадида ёки ушбу фаолият учун (террорчилик ҳаракати) ўч олиш мақсадида Тожикистон Республикаси давлат ва жамоат арбобининг ҳаётига тажовуз қилиш, Белоруссия жиноят кодексининг 367-моддасида Президентга интернет тармоғи орқали тухмат қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Қозоғистон жиноят кодексининг 376-моддаси 2-қисмида, 378-моддаси 2-қисми телекоммуникация тармоғида Қозоғистон Республикаси парламенти депутатининг депутатлик вазифасини бажариши ёки унинг бажариши муносабати билан уни, ҳокимият вакилини ўз хизмат вазифаларини бажаришда ёки уларнинг вазифаларини бажариши муносабати билан ҳақорат қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Тожикистон жиноят кодексининг 137-1-моддаси 2-қисмида Тожикистон тинчлиги ва миллий бирлиги асосчисини интернет тармоғи орқали оммавий таҳқирлаганлиги ёки тухмат қилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган<sup>2</sup>.

Соҳадаги технологиялар орқали содир этиладиган қилмишларни аниқлаш, уларни тўғри бартараф этиш, бу турдаги жиноятларни тўғри квалификация қилиш, ягона қонунчилик амалиётидан фойдаланиш, ахборот технологияларининг ҳозирги ва кейинги ривожда соҳага қандай технологиялар киришини олдиндан айтиб бериш имконсизлиги, кибержиноятларга оид жиноятларни янада махсулаштириш зарурлигини, Интернет ва телекоммуникация тармоғидан ташқари телекоммуникация воситаларидан фойдаланиб, бошқа ахборот-коммуникация технологиялари орқали ҳам кибержиноятлар содир этиш мумкинлигини, кибержиноятларнинг барчаси, хусусан, юқорида саналган жиноятлар кибермуҳит-виртуал муҳитда содир этилиши мумкинлиги, робототехниканинг ривожини, шунингдек, юқоридаги қонунлар орқали соҳа янада такомиллашувини инobatга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 158-моддасининг учинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади:

“Ўзбекистон Республикаси Президентини омма олдида ҳақоратлаш ёки унга тухмат қилиш, шунингдек, матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан, шунингдек, кибертехнология (ахборот-коммуникация

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>2</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

технологиялари)дан фойдаланган ҳолда уни ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилиш —

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.”.

**Кибертехнологиялар орқали давлатларнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш.** Мазкур жиноят хусусида аниқроқ тушунчага эга бўладиган бўлсак, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-1-моддасига назар ташлашимиз зарур, ушбу Қонуннинг мазкур моддасига мувофиқ, веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан:

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш;

уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш;

давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзгатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш;

ғиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

порнографияни тарғиб қилиш;

қонунга мувофиқ жинсий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт.

Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни жойлаштиришдан аввал унинг тўғрилигини текшириши, шунингдек жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда уни дарҳол ўчириб ташлаши шарт.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган мажбуриятлар веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер томонидан бажарилмаган тақдирда мазкур веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда махсус ваколатли орган томонидан чекланиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган талабларни бузганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади<sup>1</sup>.

Шунга кўра, фикримизча, кибертехнологиялар орқали мавжуд конституциявий тузумга нисбатан қилинган ҳар қандай ҳаракат учун Ўзбекистон ўз жинойт қонунчилигида жавобгарлик белгилаб қўйилиши даркор, бироқ бунинг учун Ўзбекистон жинойт кодексининг 159-моддасида, Туркманистон жинойт кодексининг 175-моддасида, Хитой жинойт кодексининг 294-моддасида, Украина жинойт кодексининг 109-моддасида, Белоруссия жинойт кодексининг 357-моддасида, Руминия жинойт кодексининг 397-моддасида, Латвия жинойт қонунининг 80-моддасида жинойт жавобгарлик назарда тутилмаган. Тожикистон жинойт кодексининг 307-моддаси 2-қисми “г”-бандига асосан, интернет орқали Тожикистон Республикаси конституцион тузумини зўрлик билан ўзгартиришга чақирувчи оммавий чақириқлар билан чиққанлик учун жинойт жавобгарлик белгиланган. Қирғизистон жинойт кодексининг 310-моддасида ҳокимиятни зўрлик билан эгаллашга жалб қилиш, Руминия жинойт кодексининг 404-моддасида хабарлар ёки ҳар қандай воситалар, янгиликлар, маълумотлар ёки сохта ёки қалбаки ҳужжатларни тарқатиш, уларни сохталаштириш хусусиятини билиб, агар бу миллий хавфсизликка таҳдид солганлик<sup>2</sup> учун эса, жинойт жавобгарлик белгиланган. Мазкур жинойт объекти конституциявий тузум асослари, давлат ҳокимияти тузилмалари, шахсларнинг тхаёти ва соғлиғи ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини муҳофазаловчи ижтимоий муносабатлардир, ушбу жинойт объектив томондан бирон бир давлатнинг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш орқали содир этилади ва бунда шундай қилмишларнинг реал ҳолатда содир этилган вақтдан бошлаб жинойт тугалланган ҳисобланади.

Ўзбекистон жинойт кодексининг 159-моддасида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш жинойти Ўзбекистон жинойт кодексининг 155, 155-1, 155-2, 155-3, 156, 244-1, 244-2-моддаларида назарда тутилган жинойтлар билан деярли бир хил таҳрирда баён қилинган бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимият қонун ҳужжатларида назарда тугилаётган жавобгарликни келтириб чиқарувчи қонун диспозициясини баён қилишда такрорий қоидалардан воз кечган ҳолда, аниқ қоидаларни қонунчиликда белгилаб кетиши, Жинойт кодексининг 4, 10, 14, 16-моддаларига асосан жуда зарур эканлигидан келиб чиқиб, ушбу модда таҳририни қайта кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ушбу тоифадаги жинойтлар субъектив томондан тўғри қасддан 16 ёшга тўлган шахс томонидан содир этилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-П-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

<sup>2</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.



Конституциянинг 11-моддасига асосан, конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Демак, кибертехнологиялар орқали давлатнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш жинояти объектив томондан кибертехнологиялар орқали давлат Конституциясида назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузишга қаратилган ижтимоий хавфли ҳаракатлар ва ҳаракатсизликлар орқали содир этилади.

конституциявий тузумга қарши кураш борасидаги жиноятлар ҳозирги кунда ахборот технологияларининг ривожини сабабли кўпроқ ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан телекоммуникация ва Интернет тармоғи орқали содир этилмоқда, ушбу жиноят ўзида жуда катта аудиторияни қамраб олиши ва жуда кўп инсонлар гуруҳини бир вақтнинг ўзида бирлаштириши ҳамда жамият аъзоларини бир вақтнинг ўзи рухий захарлаш қобилиятига эга бўлганлиги сабабли кибертехнологик ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 159-моддаси учинчи қисмини монография 1-иловасининг 25-бандида назарда тутилган таҳрирдаги “в” банд билан тўлдириш таклиф қилинади.

**Кибержосуслик.** Кибержосуслик жинояти бир сўз билан айтганда руҳсатсиз, ноқонуний, турли мақсадларда ҳимояланган маълумотларга кириш жинояти бўлиб, бу жиноят компьютер хавфсизлик тизимларини четлаб ўтиш натижасида юз беради. Жиноятни амалга оширишда махсус жосуслик дастурлари ва троянлар ишлатилади. Киберхужум маҳаллий ва халқаро тармоққа хужум қилиш орқали амалга оширилади<sup>1</sup>. Ушбу жиноят сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва аралаш тоифада содир этилади. У минтақавий, давлат ичида ёки халқаро миқёсда содир этилиши мумкин. Киберхужум юқори малакали ва обрўли шахслар, корпорациялар ёки давлатларга нисбатан қаратилган бўлади. Жорий 2020 йилда рус фуқароси ва жосуси Дмитрий Бадин Германия канцлери Ангела Меркелнинг электрон почтасига киберхужум уюштирган ва унинг махфий маълумотларини ўғирлаган, бундан ташқари 2015 йилда АРТ28 яширин гуруҳ аъзоси сифатида фаолият юритган бу шахс ўша даврда канцлер ва бундестаг депутатларининг электрон почталаридаги маълумотларни ўзлаштирган. Шу сабабли 2020 йил 5 майда Германия федерал прокурори ушбу шахсга нисбатан ҳисбга олиш ҳақида ордер берган<sup>2</sup>.

Шунга кўра, таъкидлаш керакки, мазкур тоифадаги жиноятлар объектив томондан чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиш мақсадида

<sup>1</sup> Кибершпионаж // <https://www.anti-malware.ru/threats/cyber-espionage>.

<sup>2</sup> S.Salim. Rus josusi Angela Merkelning elektron pochtaga o'g'rincha kirdi. Rasmiy Berlin bundan darg'azab... // <https://www.xabar.uz/uz/xorij/rus-josusi-angela-merkelning-elektron>.

давлат сири ҳисобланган маълумотларни кибертехнологиялар орқали қўлга киритиши, йиғиши ёки сақлаши ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириши орқали субъектив томондан тўғри қасддан 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан содир этилади, ушбу жиноятнинг объекти давлат суверенитети, худудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа қобилияти, иқтисодий асослари ҳамда кибертехнологиялар соҳасида муҳофазаланадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Ушбу жиноят объектив томонида назарда тутилган ахборотлардан истаган бири етказилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган саналади.

Кибержосуслик учун Ўзбекистон жиноят кодексининг 160-моддасида, Хитой жиноят кодексининг 311-моддасида, Франция жиноят кодексининг 411-1-моддасида, Литва жиноят кодексининг 119-моддасида, Қозоғистон жиноят кодексининг 176-моддасида, Тожикистон жиноят кодексининг 308-моддасида, Қирғизистон жиноят кодексининг 308-моддасида, Украина жиноят кодексининг 114-моддасида, Белоруссия жиноят кодексининг 358-моддасида, Латвия жиноят қонунининг 85-моддасида<sup>1</sup> жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган.

Бирок, бу дегани бу тоифадаги муносабатларни ортиқча тартибга солишга зарурат йўқ дегани эмас, ахборот технологияларининг кейинги ривож, робототехниканинг турли мақсадларни кўзлаб яратаётганлиги, технологиянинг ўзи инсониятга қарши курашиш учун восита бўлиши мумкинлиги, давлатларнинг хавфсизлиги ва суверинетини сақлаш ва юқорида таъкидланган ҳолат Республика худудида ҳам содир этилишининг олдини олиш мақсадида наздимизча кибержосуслик жинояти учун алоҳида жавобгарлик белгилаб қўйишимиз мақсадга мувофиқдир.

Шунга кўра, юқоридагилар ва кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 160-моддасини монография 1-иловасининг 26-бандида назарда тутилган тахрирдаги 160-1-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

**Киберқўпоровчилик.** Киберқўпоровчилик жинояти кибертерроризм ва киберагрессия каби хаккерликка оид жуда хавфли жиноятлардан бири бўлиб, киберқўпоровчилик объектив томондан давлатнинг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадида робототехника орқали одамларни кириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, кибертехнологиялар орқали мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар орқали субъектив томондан тўғри қасддан 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан содир этилади. Ушбу жиноятнинг объектини давлат органларининг барқарорлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи, мулки ва мулкый ҳуқуқларини, давлат иқтисодиётини таъминловчи, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини муҳофазаловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этиб, ушбу жиноят объектив томонида назарда тутилган ҳаракатлардан бирининг содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Киберқўпоровчилик учун Ўзбекистон жиноят кодексининг 161-моддасида, Франция жиноят кодексининг 411-4-моддасида жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган ҳолда, телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда Қозоғистон Республикасининг яхлитлиги ва яхлитлигини, унинг ҳудудининг дахлсизлиги ва дахлсизлигини ёки давлатнинг парчаланишини бузишга, шунингдек бундай таркибдаги материалларни тарқатиш ёки тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлашга қаратилган ташвиқот ёки оммавий чақириқлар учун Қозоғистон жиноят кодексининг 180-моддаси 2-қисмида жиноий жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>.

2015 йилда Украинанинг “Прикарпатьеэнерго” ва “Киевоблэнерго” электр компанияларига “BlackEnergy” номли кибердиверсиячилар томонидан кибердиверсия амалга оширилган ва натижада 80 мингдан ортиқ украиналиклар 2015 йил декабрь ойида бир неча соат электр энергиясиз қолган, жиноят эса, очиқ файлдаги зарарли дастур бўлган ва бу дастур орқали бутун бир энергия тизими блокляниб қолган<sup>2</sup>.

И.Сачковнинг фикрича, бугунги кунда дунёдаги барча кибер жиноятларнинг деярли 99% молиявий активларни ўғирлаш билан боғлиқ<sup>3</sup>.

Маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунига асосан<sup>4</sup> атом энергиясидан фойдаланиш чоралари кўрилмоқда, Ядро фалокатининг олдини олиш бўйича Люксембург форуми президенти Вячеслав Канторнинг фикрига таянадиган бўлсак, кибертехнологиялар рухсатсиз ядротехнологиялардан ўзга шахслар томонидан фойдаланиш имкониятини яратиб берадиган бўлса<sup>5</sup>, бу мамлакатимизнинг кейинги фаолиятига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин, хатто зарарли кибертехнологиялар шахс, жамият ва давлат манфаатларига жуда катта зарар келтириш эҳтимолини келтириб чиқариши мумкин, шу сабабдан ҳам бу тоифадаги жиноятлар учун жавобгарлик тезроқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Киберқўпоровчилик соҳасидаги муносабатларни лозим даражада таъминлаш ва бу борадаги жиноятларнинг олдини олиш, жиноятлар учун қонуний ва адолатли жазо тайинлаш мақсадида кибертехнолоик ҳуқуқий асосларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 161-моддасини монография 1-иловасининг 27-бандида назарда тутилган тахрирдаги 161-1-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

**Кибертехнологиялар орқали давлат сирларини ошкор қилиш.** Мазкур жиноят объектив томондан давлат сир, ҳарбий сир ёки хизмат сир

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>2</sup> Кибервойна, кибердиверсии и кибертерроризм // <https://book.cyberiozh.com/ru/kibervojna-kiberdiversii-i-kiberterrorizm/>.

<sup>3</sup> Кибердиверсии настоящего и будущего // 13:48 17.10.2017 Анастасия Толстухина, редактор журнала “Международная жизнь” // <https://interaffairs.ru/news/show/18554>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида” 2019 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ–565-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари миллий базаси, 10.09.2019 й., 03/19/565/3724-сон.

<sup>5</sup> Названа причина начала ядерной войны. <https://www.tvc.ru/news/show/id/173856>.

ҳисобланган маълумотларнинг, бу маълумотлар ишониб топширилган ёки хизмати ёхуд касбий фаолияти юзасидан улардан хабардор бўлган шахс томонидан давлатга хоинлик қилмаган ҳолда кибертехнологиялар орқали ошкор қилиш орқали билан боғлиқ 16 ёшга тўлган ақли расо субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади ва бу Ўзбекистон жиноят қонунчилигида ҳам юқорида таъкидлангани каби “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни ва кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабидан келиб чиқиб белгиланиши керак бўлган жиноятлардан бири бўлиб, ушбу жиноятнинг объектини давлат сирлари ва кибертехнологиялар соҳасидаги муҳофазаланадиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, мазкур жиноят предметини давлат сирлари, хизмат ва ҳарбий сирлар ташкил этади. Жиноят воситаси кибертехнологиялар ҳисобланади ҳамда жиноят объектив томонида назарда тутилган қилмишларнинг биттаси содир этилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

Кибертехнологиялар орқали давлат сирларини ошкор қилиш ёки ўзгага бериш, яъни кибертехнологиялар орқали давлат сирини, ҳарбий сир ёки хизмат сирини ҳисобланган маълумотларнинг, бу маълумотлар ишониб топширилган ёки хизмати ёхуд касб фаолияти юзасидан улардан хабардор бўлган шахс томонидан ошкор қилиниши бўйича Ўзбекистон жиноят кодексининг 162-моддасида, Хитой жиноят кодексининг 282-моддасида, Руминия жиноят кодексининг 395-, 407-моддаларида, Литва жиноят кодексининг 125-моддасида, Украина жиноят кодексининг 328-моддасида, Туркменистон жиноят кодексининг 179-моддасида, Латвия жиноят қонунининг 94-95-моддасида жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган.

Франция жиноят кодексининг 413-9-413-12-моддаларида давлат сирларидан ташқари, ҳарбий, технология, ахборот, ҳужжатлар ва бошқа маълумотларга эга бўлган сирларнинг ҳар қандай усулда, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари ёки оммавий ахборот воситалари орқали ошкор этилганлиги, бундай маълумотларни ноқонуний йиғганлиги, сақлаганлиги, фойдаланганлиги учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган<sup>1</sup>.

Юқоридагиларга асосан, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 4, 10, 14, 16-моддаси талабидан келиб чиқиб, давлат сирининг кибертехнология орқали ошкор этилиши кенг жамоатчиликка маълум бўлиши мумкинлиги, давлат сирларининг жамоатчиликка маълум бўлиши орқали бўлиши мумкин бўлган зарарлар миқдорлари йирик бўлиши мумкинлиги, шахс, жамият ва давлат манфаатлари тўридан-тўғри жиддий зиён етишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 162-моддаси иккинчи қисмини монография 1-иловасининг 28-бандида назарда тутилган таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади.

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

**Киберпора ва шахсни тутқунликда ушлаб туриш жиноятлари.** Икала жиноят ҳам ижтимоий-сиёсий кибержиноятлар тоифасига киради ва фақатгина уларнинг амалга ошириш усули ўзаро фарқ қилади.

Арманистон Жиноят кодексининг 199-моддасига асосан эса, махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда тижорат ёки банк сирига эга бўлган шахслар ёки уларнинг қариндошларининг алоқа воситаларига, компьютер ёки дастурий таъминот тизимига ёки тармоғига ноқонуний кириб, уларга тегишли ҳужжатларини ўғирлаб, тижорат ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тўплаш, шунингдек ушбу ахборотни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида пора бериш ёки бошқа ноқонуний йўллар орқали таҳдид қиоувчи ҳаракатларни амалга оширган айбдорларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима жазоси тайинланиши мумкин. Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, тижорат ёки банк сирларидан ғайриқонуний ёки бошқа шахсий ниятларда фойдаланиш орқали тижорат ташкилотига ёки якка тартибдаги тадбиркорга катта зарар етказган ҳолда ёки касбий ёки расмий фаолияти билан боғлиқ бўлган шахслар томонидан мазкур сирлар ошкор этилса ёки ундан ноқонуний фойдаланса энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга ёки уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва энг кам иш ҳақининг юз бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима билан жазоланади<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Алоқа тўғрисида”, “Телекоммуникация тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунлар, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 3, 24-моддалари, Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2020 йил 3 апрелдаги 40-сон баёни ижросини таъминлаш мақсадида, ҳозирги кундаги ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларнинг сони ва салмоғи, уларни амалга ошириш усуллари кўпайганлиги, бу технологиялар орқали амалга ошириладиган жиноятларни содир этиш ҳозирги кунда кенгайганлиги ва бу технологиялар орқали пора олиш ва бериш усуллари унинг иштирокчилари учун осон ва хавфсизроқ эканлигини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 210-моддаси иккинчи қисмини монография 1-иловасининг 29-бандига мувофиқ шаклда “д” банд билан, 211-модда иккинчи қисмини монография 1-иловасининг 30-бандига мувофиқ шаклда “в” банд билан, 245-модда иккинчи қисмини монография 1-иловасининг 31-бандига мувофиқ шаклда “г” банд билан тўлдириш таклиф қилинади.

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Мазкур уч тоифадаги жиноятлар тўғри қасддан, Жиноят кодексининг 210-211-моддалари 18 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан, 245-моддаси эсада назарда тутилган қилмиш эса, 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан содир этилади ва бунда Жиноят кодексининг 210-моддасидаги субъект махсус субъект ҳисобланади.

Киберпора олиш жиноятидаги мазкур махсус субъект давлат улуши бўлган истаган корхона, ташкилот, муассаса ёки давлат органи ва идораси мансабдорлик вазифаси юклатилган шахс бўлиши мумкин.

**Кибербезорилик.** Кибербезорилик 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан тўғри қасддан, объектив томондан кибертехнологиялар, рақамли технологиялар ёки бошқа ахборот-коммуникация технологиялари орқали ёки жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ўзганинг ахборот-коммуникация технологиясига нисбатан киберҳужумлар қилиш ва шу орқали ўзганинг мулкига маълум бир миқдорда зарар келтириш ёки мулкни нобуд қилиш йўли билан содир этилади. Мазкур қилмишларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси содир этилиши жиноятни квалификация қилиш учун етарли бўлади. Жиноят объектини ўзга шахснинг мол-мулки, ҳаёти ва соғлиғи, жамиятда юриш-туриш қоидаларини белгилловчи ва ахборот-коммуникация технологияларини муҳофазаловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади. Шунга кўра, жиноятни квалификация қилишда суд ва тергов органлари айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англаган ёки англамаганлигига етарлича эътибор қаратишлари лозим. Кибербезорилик турли йўллар орқали содир этилиши мумкин, хусусан, ўзганинг ахборот-коммуникация технологиясини яроқсизлантириш ёки шундай технологиялардан фойдаланган ҳолда ўзга шахслар гуруҳига нисбатан менсимаслик, ҳурматсизлик, ахлоқсизлик ва беодоблик муносабатларини ифодалаш йўли билан содир этилиши мумкин.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 140-моддаси учинчи қисми “а” банди ва 277-моддасининг учинчи қисми “г” банди ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41 ва 183-моддаларини квалификация қилиш вақтида тергов ва суд органлари мазкур хатти-ҳаракатлар билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шартлигини инобатга олишлари зарур<sup>1</sup>.

Юқоридагиларга асосан, ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддалари, ЖПКнинг 321-333-моддалари талаблари, бугунги кундаги кибертовламачиликка оид муносабатлар учун аниқ жавобгарлик чораларини белгилаш, жиноят ҳуқуқий соҳасида ягона тушунчани қўллаш, кибербезориликка оид муносабатлар кибербосқинчилик жиноятлари каби бир вақтнинг ўзида оғирлаштирувчи ҳолатда, бир вақтнинг ўзида енгилроқ тусда бўлиши мумкинлиги, енгил тусда содир этилган шахсга нисбатан оғирроқ қилмишни содир этган қилмишни содир этганлиги учун шахсга рнисбатан оғирроқ жазо тайинлаш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” 2002 йил 14 июндаги 9-сон қарори // <https://lex.uz/docs/1452654>.

хам қонунан ва адолат нуқати назаридан нотўғри бўлишини, ҳозирги кунда кибербезорилик оқибатида бошқа жиноятлар содир этилишига шарт-шароит яратилиши, хатто кибертерроризм билан боғлиқ жиноятларнинг вужудга келишига ушбу жиноят бевосита боғлиқ эканлигини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддасини монография 1-иловасининг 32-бандида назарда тутилган таҳрирдаги 277-1-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

**Киберқуморбозлик.** Жиноят кодексининг 278-моддасида, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Хитой жиноят кодексининг 303-моддасида қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этганлик ҳамда ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига асосан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади.

Ушбу Қонуннинг 16-моддасига асосан, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил қилиш, ўтказиш ва иштирок этишда унда қатнашувчи шахсларнинг доираси жуда кенг бўлади, шу сабабли у орқали бутун бир жамият аъзолариза бўлган хавф-хатар жуда юқори ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 278-1-моддасида ахборотлаштириш қонунини бузиш учун ҳам жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Конституциянинг 20- ва 26-моддаларига асосан, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Конституциянинг 26-моддасига асосан, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясининг 6-бандига асосан, рағбатлантирувчи нормаларни, жумладан жазони енгиллаштириш ёки шахсни жиноий жавобгарлик ёхуд

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 44-бандига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унда маъмурий жазо чоралари тизимини либераллаштириш топширилган.

Юқоридагиларга асосан, жиноятларни либераллаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этиладиган қилмишлар учун жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек, бу тоифадаги жиноятлар жуда катта одамлар жамоасини қамраб олиши билан, жамият манфаатларига тўғридан-тўғри зарар етказишини, ҳуқуқий ва техник жиҳатдан эскирган тушунчаларнинг ўрнига барча ижтимоий муносабатларни қамраб олувчи, жиноятларни квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этувчи тушунчаларнинг қўллаш зарурлигини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-моддасининг тўртинчи қисмини монография 1-иловасининг 33-бандида назарда тутилган таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади.

Шунга кўра, бу тоифадаги жиноятлар объектив томондан кибертехнологиялар (ахборот-коммуникация технологиялари)дан фойдаланиб, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш йўли билан, субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади ва муҳофазаланадиган ўзга шахснинг соғлиғи, соғлом жамият ва ахборот-коммуникация технологияларини муофазаловчи ижтимоий муносабатлар мазкур жиноятнинг объектини ташкил қилади. Мазкур тоифадаги жиноятлар кибертехнологиялар (ахборот-коммуникация технологиялари)дан фойдаланиб, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш бошланган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган саналади.

### **2.3-§. Иқтисодиёт соҳасидаги кибержиноятларнинг жинойий-ҳуқуқий тавсифи**

Иқтисодиёт соҳасидаги кибержиноятлар турфа бўлиб, дунё мамлакатлари ушбу жиноятлар ичида энг муҳимларини ва мавжуд ижтимоий муносабатлар ривожланишига қараб жиноят қонунчилиги билан тартибга солиб қўйишган, хусусан, иқтисодиёт соҳасида содир этиладиган энг оғир кибержиноятлар бири бўлган **кибербосқинчилик**, яъни ўзганинг мол-мулкани талон-торож қилиш мақсадида махсус кибертехнологиялар орқали ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд



шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этиладиган жиноят бўлиб, бу жиноят ҳозирги кунда кўпроқ уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда содир этилмоқда<sup>1</sup>. Бу каби жиноятлар ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш билан бошланган, лекин жабрланувчи ёки бошқа шахслар томонидан сезиб қолинганига қарамасдан айбдор томонидан мулкка эгалик қилиш мақсадида уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлмаган киберзўравонлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб қилинган киберҳаракатлар киберталончилик деб, ҳужум қилиб ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган киберзўрлик ишлатганда ёхуд шундай киберзўрлик ишлатиш билан кўрқитганда бу жиноятлар кибербосқинчилик деб тавсифланади. Киберзўрлик ишлатиш ҳаракатлари айбдор томонидан ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиши тугагандан кейин қўлга тушишдан қутилиш мақсадида содир этилган бўлса, бундай ҳаракат киберталончилик ёки кибербосқинчилик деб қаралмайди. Киберзўрлик ишлатишнинг хусусияти ва келиб чиққан оқибатларга қараб қилмишни ўғрилиқ деб, бошқа жиноятларнинг белгилари бўлганда жиноятлар мажмуи бўйича тавсифлаш лозим<sup>2</sup>.

Шунга кўра, наздимизча, кибертехнологиялар орқали ўзганинг мол-мулкани талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб субъектив томондан тўғри қасдан ақли расо шахс томонидан содир этиладиган жиноят кибербосқинчилик жинояти ҳисобланади, ушбу жиноят объектини ўзга шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, мол-мулки ва мулкый ҳуқуқларини таъминловчи ҳамда кибертехнологиялар соҳасидаги муносабатларни муҳофазаловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Бу тоифадаги жиноятларда киберҳужум амалга оширилган вақтдан бошлаб, айбдор томонидан жабрланувчининг мол-мулки ва мулкый ҳуқуқлари қўлга киритилганидан қатъий назар тугалланган ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, ҳозирги кунда ёлланма хаккерларнинг деярли барчаси мазкур тоифадаги жиноятларни содир этишади. Ушбу жиноятларнинг бошқа жиноятлардан энг муҳим характерли хусусияти шундаки, деярли барча ҳолатларда бу каби жиноятлар бошқа жиноятлар содир этилишига имконият яратиб беради, мисол учун биргина компьютер ўйинларига муккасидан кетиши натижасида Ўзбекистон ЖК нинг 97-моддаси 2-қисми “и”-бандида ва 164-модда 3-қисми “г”-бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун Ғ.Қулибаевга 2018 йилда Тошкент шаҳар жиноят суди 18 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Е.В.Харанжевская. Криминалистические основы компьютерно-технологического обеспечения деятельности по выявлению и раскрытию преступлений тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.09, кандидат юридических наук. – Н.: Нижегородской академии МВД России. 2008 г., – С.179.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкани ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” 1999 йил 30 апрелдаги 6-сон қарори // <https://lex.uz/docs/1448644>.

<sup>3</sup> Игрок в тотализатор получил 18 лет за разбой и убийство // <https://www.gazeta.uz/ru/2018/10/04/games/>.

Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг “Ўғрилик, талончилик ва босқинчилик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2002 йил 27 декабрдаги 29-сон қарорининг 23-бандида компьютер техникасининг босқинчилик, ўғрилик ва талончилик жиноятларида жиноят қуроли ёки воситаси бўлиши ҳақида сўз юритилади<sup>1</sup>.

Ушбу жиноятлар хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида турлича тартибга солинган, хусусан, Литва жиноят кодексининг 180-моддасида, Латвия жиноят кодексининг 176-моддасида, Испания жиноят кодексининг 243-моддасида, Украина жиноят кодексининг 187-моддасида, Туркменистон жиноят кодексининг 231-моддасида, Япония жиноят кодексининг 236-241-моддаларида<sup>2</sup>, Белоруссия жиноят кодексининг 207-моддасида, Озорбойжон жиноят кодексининг 181-моддасида кибербосқинчилик ёки компьютер босқинчилиги учун жинойий жавобгарлик белгиланмаган, бироқ Арманистон жиноят кодексининг 175-моддаси учинчи қисми 4-бандида компьютер техникасидан фойдаланиб босқинчилик жиноятини содир этганлик учун<sup>3</sup> жинойий жавобгарлик белгилаб қўйилганлиги Арманистон Республикасининг бу борадаги муносабатлари етарлича тартибга солиб қўйилганлигини кўрсатади.

Юқоридаги хорижий тажриба ва миллий ижтимоий муносабатларда бу каби жиноятларни тартибга солишда Ўзбекистонда ҳам зарурат борлигини ва қонунийлик ва адолат тамойиллари амалда жиноят қонунчилигимизда ўз исботини топиши учун ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддалари ва ЖПКнинг 83-84, 322-333-моддалари талаблари, энг муҳими Конституциямизнинг 26-моддаси талабларидан келиб чиқиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, кибербосқинчилик жинояти кенг аудиторияни қамраб олиши мумкинлиги, 2012 йилдаги Москвада содир этилган кибербосқинчилик жиноятларининг кенг кўламда содир этилганлиги сабабли бу жиноятлар одатий ҳолатда содир этиладиган босқинчилик жиноятларидан оғирроқ жазога тортилиши адолатли бўлишини, бироқ бир вақтнинг ўзида бу жиноят ўзининг ҳуқуқий оқибати бўйича одатий босқинчилик жинояти келтирган оқибатлардан-да энгил ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги, ЖКнинг 164-моддасида назарда тутилган босқинчилик жиноятини шахс турли ҳолатда содир этиши мумкинлиги, босқинчи ва кибербосқинчига нисбатан суд томонидан қўлланиладиган жазо қонуний ва адолатли бўлиши зарурлигини инобатга олиб, Ўзбекистон жиноят кодексининг 164-моддасини монография 1-иловасининг 34-бандида назарда тутилган таҳрирда 164-1-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

Юқоридаги таклифдан келиб чиқиб, Ўзбекистон жиноят кодексининг 112, 247, 251, 252, 267, 271-моддаларини қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

<sup>1</sup> Постановление Пленума Верховного Суда РФ от 27 декабря 2002 г. № 29 «О судебной практике по делам о краже, грабеже и разбое». // <http://base.garant.ru/1352873/#ixzz6LOILzLrq>. // Л.В.Иногамовой-Хегай. Актуальные проблемы уголовного права. Часть Особенная. Учебник. – М.: Издательство «Проспект». 2015 г., // <https://books.google.co.uz/books?id>.

<sup>2</sup> Д.А.Колмаков. Грабежи и разбой в уголовном законодательстве зарубежных стран // Вестник ТГУ. 2011. №12. – С.387-392.

<sup>3</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

**Кибертовламачилик.** Кибертовламачилик жинояти объектив томондан жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига кибертехнологиялар ёрдамида зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгача мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш орқали амалга ошириладиган жиноят бўлиб, бунинг учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон жиноят кодексининг 165-моддасида, Испания жиноят кодексининг 243-моддасида, Япония жиноят кодексининг 249-моддасида<sup>1</sup>, Грузия жиноят кодексининг 181-моддасида, Арманистон жиноят кодексининг 182-моддасида, Франция жиноят кодексининг 312-1-312-9-моддаларида<sup>2</sup>, Белоруссия жиноят кодексининг 208-моддасида Литва жиноят кодексининг 181-моддасида, Сан-Марино жиноят кодексининг 196-моддасида, Латвия жиноят кодексининг 183-моддасида, Швейцария жиноят кодексининг 1-моддаси, 9-боб 2-қисмидаги 4 ва 11-моддаларида, Сингапур жиноят кодексининг 17-бобидида<sup>3</sup>, Туркманистон жиноят кодексининг 232-моддасида назарда тутилмаган. Бироқ, Голландия Жиноят кодексининг 317-моддасида компьютер ускунаси ёки тизими орқали товламачилик жиноятини содир этганлик<sup>4</sup>, Украина жиноят кодексининг 362-моддасида компьютер маълумотларини ўғирлаш, ўзлаштириш, талаб қилиш ёки уни фирибгарлик ёки мансабдор шахснинг мансаб ваколатини суистеъмол қилиш йўли билан эгаллаганлик учун<sup>5</sup>, Арманистон жинояти кодексининг 182-моддасининг иккинчи қисми ва учинчи қисми 3-бандида компьютер техникасидан фойдаланиб товламачилик жиноятини содир этганлик учун<sup>6</sup> жиноий жавобгарлик белгиланган.

Умуман олганда, кибертовламачилик дастлаб АҚШда рўйхатдан ўтган бўлиб, ўшанда америкалик кибержиноятчи алоҳида сайт яратиш, унда ўзининг “Тоби” лақабли куёни билан бўлган таъсир ҳолатни баён қилувчи видеоларни жойлаштира бошлайди ва шу орқали куёнларни яхши кўрувчи инсонларнинг эътиборини ўзининг сайтига жалб қилади, бироз вақт ўтганидан кейин ушбу куёнини агарда фойдаланувчилар 50 АҚШ доллари бермаса, уни сўйиб истеъмол қилишини таъкидлайди, натижада бир неча ойда куённи яхши кўрувчи жабрланувчилар куёнга раҳми келишиб

<sup>1</sup> Л.С.Аистова. Уголовное право зарубежных стран: учебное пособие / Л.С. Аистова, Д.Ю.Краев. — Санкт-Петербург: СанктПетербургский юридический институт (филиал) Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2013 г., – С.109.

<sup>2</sup> Л.С.Терещенко, Д.В.Шебанов. О некоторых спорных аспектах определения вымогательства // Проблемы экономики и юридической практики. 2013. №6. – С.85-89.

<sup>3</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>4</sup> Б.В.Волженкин. Уголовный кодекс Голландии. СПб.: Изд-во “Юрид. центр Пресс”, 2001 г., 510 с.

<sup>5</sup> Ю.А.Кармазин, Е.Л.Стрельцова. Уголовный кодекс Украины. Комментарий: Под редакцией Ю.А.Кармазина и Е.Л.Стрельцова. – Харьков, ООО «Одиссей», 2001 г., – С.960.

<sup>6</sup> Уголовный Кодекс Республики Армения // <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=rus>.

кибержиноятчининг товламачилиги оқибатида 20 АҚШ долларига зарар кўришади<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда бу каби ҳолатлар Интернет оламида шунчалик кўпки, баъзи ҳолатларда кибержиноятчилар ўз вақтида пул тўпланмаса, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолиши ва у ҳалок бўлиши мумкинлиги ниқоби остида, шу жумладан Республикамизда ҳам кибертовламачилик (кибершонтаж) йўли орқали кибержиноятчилар жабрланувчиларга жуда катта миқдорда зарар келтирашади.

DDoS-Distributed Denial of Service, RansomA, Trojan-Ransom.Win32.Vkont.a. каби зарарли дастурлар орқали киберхужум уюштирилган вақтида дунё давлатларида жуда кўп аҳоли, хатто телекоммуникация провайдер ва операторлари кибержиноятчиларга жуда катта миқдордаги зарардан қочиб қолиш учун ҳам, ўз ихтиёрига кўра, кибержиноятчилар талаби бўйича кўрсатилган пул маблағларини ўтказиб бериш ҳолатлари ҳозирда жуда кўп учраб туради<sup>2</sup>. Биргина 2008 йил сентябр ойида Бошқиристон фуқароси Г.Шелске Саранск корхоналаридан бирининг сайтларини тўсиб қўйган ва тизим маъмури билан боғланиб, зарарли хужумни тўхтатиш учун 110 минг рубл талаб қилдган. Ушбу ҳаккернинг хужуми бошқа кибержиноятчиларга ҳам қўл келишидан ва корхона сайтлари доимий равишда бузилишидан кўрққан компания раҳбари кибержиноятчи ҳисобига 60 минг рубл ўтказиб берган. Бироқ, ўзганинг мулкига зарар етказиш таҳдиди остида товламачилик қилгани учун Саранскнинг Октябр туман суди Г.Шелскени шартли равишда бир йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилган<sup>3</sup>.

Кибертовламачилик жинояти субъектив томондан тўғри қасддан 14 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан содир этилади ва ушбу жиноятнинг объектини талон-тарож қилинаётган мол-мулкни тартибга солувчи, кибертехнологиялар соҳасидаги муносабатлатни муҳофазаловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади, бунда жабрланувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари жиноятнинг қўшимча объекти ҳисобланади. Мазкур жиноят предметларига, мол-мулк, мулкый манфаатлар, мулкый йўсиндаги ҳаракатлар, мол-мулкка бўлган ҳуқуқ ва муҳофазаланадиган кибертехнологиялар киради. Ушбу жиноят ўзганинг мулкани, мулкка бўлган ҳуқуқини топшириш ёки мулкый йўсиндаги ноқонуний талаб кибертехнологиялардан узатилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосан, соҳадаги технологиялар орқали содир этиладиган қилмишларни аниқлаш, уларни тўғри бартараф этиш, бу турдаги жиноятларни тўғри квалификация қилиш, ягона қонунчилик амалиётидан фойдаланиш, ахборот технологияларининг ҳозирги ва кейинги ривожда

<sup>1</sup> Т.М.Лопатина. Условноцифровое вымогательство, или кибершантаж // Журнал российского права. 2015. №1 (217). – С.118-126.

<sup>2</sup> Т.М.Лопатина. Условноцифровое вымогательство, или кибершантаж // Журнал российского права. 2015. №1 (217). – С.118-126.

<sup>3</sup> Н.А.Лопашенко. Преступления в сфере экономики. Авторский комментарий к уголовному закону. – М.: Волтерс Клувер, 2007 г., – С.538.

соҳага қандай технологиялар киришини олдиндан айтиб бериш имконсизлиги, кибержиноятларга оид жиноятларни янада махсуслаштириш зарурлигини, Интернет ва телекоммуникация тармоғидан ташқари телекоммуникация воситаларидан фойдаланиб, бошқа ахборот-коммуникация технологиялари орқали ҳам кибержиноятлар содир этиш мумкинлигини, кибержиноятларнинг кибермухит-виртуал мухитда содир этилишини, робототехниканинг ривожини, шунингдек, юқоридаги қонунлар орқали соҳа янада такомиллашувини, лойиҳа 4-моддаси, ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддалари, ЖПКнинг 321-333-моддалари талаблари, бугунги кундаги кибертовламачиликка оид муносабатлар учун аниқ жавобгарлик чораларини белгилаш, жиноят ҳуқуқий соҳасида ягона тушунчани қўллаш, кибертовламачиликка оид муносабатлар кибербосқинчилик жиноятлари каби бир вақтнинг ўзида оғирлаштирувчи ҳолатда, бир вақтнинг ўзида енгилроқ тусда бўлиши мумкинлиги, енгил тусда содир этилган шахсга нисбатан оғирроқ қилмишни содир этган қилмишни содир этганлиги учун шахсга нисбатан оғирроқ жазо тайинлаш ҳам қонунан ва адолат нуқати назаридан нотўғри бўлишини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 165-моддасини монография 1-иловасининг 35-бандида назарда тутилган таҳрирдаги 165-1-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

Юқоридаги таклифдан келиб чиқиб, Ўзбекистон жиноят кодексининг 112, 247, 251, 252, 267, 271-моддаларини қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

**Киберталончилик.** Дунёдаги деярли барча мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ўзганинг мулкани талон-торож қилиш мулкка тажовуз қилишнинг энг хавфлиси ҳисобланади<sup>1</sup>. Бунда, айбдор, жабрланувчи ва бошқаларнинг кўз олдида ўзганинг мулкани киберҳужум орқали эгаллаб олаётганлигини ва улар унинг ҳаракатларининг жинойий хусусиятини тушунганлигини англаганда, ўзганинг мулкани ошқора талон-торож қилиш киберталончилик ҳисобланади. Ушбу қилмишни квалификация қилишда руҳий зўрлик мавжуд бўлиши ва ушбу зўрлик вақтида шахс жисмоний оғриқлар ва руҳий таҳдидлар натижасида жабрланувчига айланаётганлиги, зўрлик ёки уни қўллаш билан кўрқитиш мулк ихтиёрида, тасарруфида ёки кўриқловида бўлган шахсга нисбатан, шунингдек, ўзганинг мулкани очикдан-очик эгаллик қилишга қаршилик қилувчи шахсларга нисбатан ҳам қарши йўналтирилган бўлиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Тўғри, Ўзбекистон жиноят кодексининг 166-моддасида, Озорбойжон жиноят кодексининг 180-моддасида, Испания жиноят кодексининг 241-моддасида, Украина жиноят кодексининг 186-моддасида, Жанубий Корея жиноят кодексининг 350-моддасида, Швеция жиноят кодексининг 8-боби, 2-қисмидаги 12-13-моддаларида, Сингапур жиноят кодексининг 17-бобида, Туркманистон жиноят кодексининг 230-моддасида<sup>2</sup>, Исроил

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Иқтисодиёт соҳасидаги жинойий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида” 1998 йил 17 апрелдаги 11-сон қарори // <https://lex.uz/docs/1443984#1444575>.

<sup>2</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

жиноят қонунининг 402-404-моддасида<sup>1</sup> кибер талончилик учун жиноий жавобгарлик белгиланмаган, бироқ Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексининг 263а-параграфига кўра, электрон ҳисоблаш машиналари, зарарли дастурлар ёки рухсат этилмаган ўзга суллар орқали ўзига ёки учинчи шахсга ноқонуний мулккий фойда олиш учун қилинган ҳаракатлар учун 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш<sup>2</sup> ёки жарима жазоси тайинланиши белгилаб қўйилган<sup>3</sup>. Шунингдек, Арманистон жиноят кодексининг 176-моддаси учинчи қисми 4-бандида компьютер техникасидан фойдаланиб, талончилик жиноятини содир этганлик учун<sup>4</sup> жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилганлиги орқали айтишимиз мумкинки, жамиятда бу каби жиноятлар содир этилмайди деган қарашлардан бутунлай воз кечиш фикримизча мақсадга мувофиқдир. Мисол учун, дунёдаги энг катта киберталончилик жинояти 2015 йилда содир этилган бўлиб, киберталончилар томонидан Украина, Россия, Яқин шарқ, Шанубий-Шарқий Осиё, Африкадаги банкларга нисбатан содир этилган бўлиб, жами 1 млрд доллар миқдоридаги мулк кибержиноятчилар томонидан ноқонуний эгаллаб олинган<sup>5</sup>.

Киберталончилик объектив томондан ўзга шахснинг мол-мулки ва мулккий ҳуқуқларини кибертехнологиялар орқали очикдан очик эгаллаш, уларни талон-тарож қилиш орқали, субъектив томондан тўғри қасддан ғаразгўйлик ва бошқа паст мақсадларда 14 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан содир этилиши мумкин, ушбу жиноят предмети айбдор тасарруфига ўтган вақтдан бошлиб тугалланган саналади.

Юқоридагиларга асосан, соҳадаги технологиялар орқали содир этиладиган қилмишларни аниқлаш, уларни тўғри бартараф этиш, бу турдаги жиноятларни тўғри квалификация қилиш, ягона қонунчилик амалиётидан фойдаланиш, ахборот технологияларининг ҳозирги ва кейинги ривожиди соҳага қандай технологиялар киришини олдиндан айтиб бериш имконсизлиги, кибержиноятларга оид жиноятларни янада махсуслаштириш зарурлигини, Интернет ва телекоммуникация тармоғидан ташқари телекоммуникация воситаларидан фойдаланиб, бошқа ахборот-коммуникация технологиялари орқали ҳам кибержиноятлар содир этиш мумкинлигини, кибержиноятларнинг барчаси кибермухит-виртуал мухитда содир этилишини, робототехниканинг ривожиди, шунингдек, юқоридаги қонунлар орқали соҳа янада такомиллашувини, ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддалари, ЖПКнинг 321-333-моддалари талаблари, бугунги кундаги киберталончиликка оид муносабатлар учун аниқ жавобгарлик

<sup>1</sup> Закон об уголовном праве Израия // <http://www.crimpravo.ru/codecs/izr/2.pdf>.

<sup>2</sup> С.Я.Бойко. Мошенничество в уголовном законодательстве стран романо-германской системы // Вестник КРУ МВД России. 2017. №2 (36). – С.58-62.

<sup>3</sup> Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии. В редакции от 13 ноября 1998 г. по состоянию на 15 мая 2003 г. /Ассоциация юридический центр; Пер. с нем. Н.С.Рачковой; Науч. ред., вст. ст. Д.А.Шестакова; Предисл. Г.-Г. Йешека. -СПб: Юридический центр Пресс,2003. –522 с.

<sup>4</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>5</sup> Самое крупное киберграбление банков в истории на 1 миллиард долларов // <https://zen.yandex.ru/media/moneytime/samoe-krupnoe-kiberograblenie-bankov-v-istorii-na-1-milliard-dollarov-5c08d270ede3d000aa9e92b2>.

чораларини белгилаш, жиноят ҳуқуқий соҳасида ягона тушунчани қўлаш, киберталончиликка оид муносабатлар кибербосқинчили жиноятлари каби бир вақтнинг ўзида оғирлаштирувчи ҳолатда, бир вақтнинг ўзида энгилрок тусда бўлиши мумкинлиги, энгил тусда содир этилган шахсга нисбатан оғирроқ қилмишни содир этган қилмишни содир этганлиги учун шахсга нисбатан оғирроқ жазо тайинлаш ҳам қонунан ва адолат нуқати назаридан нотўғри бўлишини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 166-моддасини монография 1-иловасининг 36-бандида назарда тутилган таҳрирдаги 166-1-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

Юқоридаги таклифдан келиб чиқиб, Ўзбекистон жиноят кодексининг 112, 247, 251, 252, 267, 271-моддаларини қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

Мазкур жиноят иқтисодий характерга эга бўлганлиги учун у кибертовламачилик деб юритилади, аммо амалиёт шуни кўрсатадики, кибержиноятчи мулкый бўлмаган, шахсий номулкий масалаларни ҳам жабрланувчидан талаб қилиши мумкин, мазкур ҳолат учун эса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига алоҳида жавобгарлик белгилаб қўйилмаган, шунга кўра, кибертехнологик ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4, 10, 14, 16-моддалари талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 141-моддасини монография 1-иловасининг 37-бандида назарда тутилган таҳрирдаги 141-3-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

**Киберрастрата.** Киберрастрата жиноятининг объектини ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулки ва мулкый ҳуқуқлари ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини муҳофазаловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади ва ушбу жиноят субъектив томондан тўғри қасдан, объектив томондан кибертехнологиялар орқали айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш орқали 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан содир этилади ва ушбу жиноят ишониб топширилган мулк кибертехнологиялар орқали бегоналаштирилган вақтдан бошлаб тугалланган саналади.

Ўзбекистон Жиноят кодексининг 167-моддасининг 3-қисми “Г”-бандига асосан, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлик, Арманистон жиноят кодексининг 179-моддасининг учинчи қисми 3-бандига кўра, компьютер техникаси ёрдамида ўзлаштириш ва растрата жиноятини содир этганлик учун, яъни киберрастрата жиноятлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Эстония жиноят кодексининг 140<sup>1</sup>-моддасида ва 141<sup>1</sup>-моддасида, Швеция жиноят кодексининг 2-қисм 10-бобидаги 1-10-моддаларида, Озорбойжон, Сан-Марино жиноят кодексининг 195-моддасида, Латвия жиноят кодексининг 179-моддасида, Литва жиноят кодексининг 184-моддасида, Беларуссия жиноят кодексининг 211-моддасида, Грузия жиноят кодексининг 182-моддасида, Қозоғистон жиноят кодексининг

189-моддасида, Тожикистон жиноят кодексининг 245-моддасида, Қирғизистон жиноят кодексининг 205-моддасида, Хитой жиноят кодексининг 270-моддасида, Жанубий Кореянинг 355-360-моддаларида, Туркменистон жиноят кодексининг 229-моддасида, Украина жиноят кодексининг 191-моддасида, Молдова жиноят кодексининг 197-моддаси 3-қисмида, Россия жиноят кодексининг 160-моддасида<sup>1</sup>, Япония жиноят кодексининг 252-моддасида<sup>2</sup> мазкур ҳолат назарда тутилмаган.

Юқоридагиларга асосан, соҳадаги технологиялар орқали содир этиладиган қилмишларни аниқлаш, уларни тўғри бартараф этиш, бу турдаги жиноятларни тўғри квалификация қилиш, ягона қонунчилик амалиётидан фойдаланиш, ахборот технологияларининг ҳозирги ва кейинги ривожда соҳага қандай технологиялар киришини олдиндан айтиб бериш имконсизлиги, кибержиноятларга оид жиноятларни янада махсуслаштириш зарурлигини, Интернет ва телекоммуникация тармоғидан ташқари телекоммуникация воситаларидан фойдаланиб, бошқа ахборот-коммуникация технологиялари орқали ҳам кибержиноятлар содир этиш мумкинлигини, кибержиноятларнинг барчаси кибермухит-виртуал мухитда содир этилишини, робототехниканинг ривожини, шунингдек, юқоридаги қонунлар орқали соҳа янада такомиллашувини, бугунги кундаги киберўзлаштириш ёки киберрастратага оид муносабатлар учун аниқ жавобгарлик чораларини белгилаш, жиноят ҳуқуқий соҳасида ягона тушунчани қўллаш, киберўзлаштириш ёки киберрастратага оид муносабатлар кибербосқинчилик жиноятлари каби бир вақтнинг ўзида оғирлаштирувчи ҳолатда, бир вақтнинг ўзида енгилроқ тусда бўлиши мумкинлиги, енгил тусда содир этилган шахсга нисбатан оғирроқ қилмишни содир этган қилмишни содир этганлиги учун шахсга нисбатан оғирроқ жазо тайинлаш ҳам қонунан ва адолат нуқати назаридан нотўғри бўлишини инобатга олиб, компьютер техникаси воситаларидан ташқари бошқа технология орқали ҳам мазкур тоифадаги жиноятларни содир қилиш мумкинлиги, шунингдек, кибертехнологик ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 167-моддасини монография 1-иловасининг 38-бандида назарда тутилган таҳрирдаги 167-1-модда билан тўлдириш ва шу муносабат билан Ўзбекистон жиноят кодексининг 167-моддаси учинчи қисми “г” бандини монография 1-иловасининг 39-бандида назарда тутилган тартибда чиқариб ташлаш таклиф қилинади.

Юқоридаги таклифдан келиб чиқиб, Ўзбекистон жиноят кодексининг 112, 247, 251, 252, 267, 271-моддаларини қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

Ҳозирги кунда энг замонавий жиноят тури дея эътироф этилаётган, азалдан қораланиб келган фирибгарлик жиноятининг бугунги кундаги тезкор кўриниши **киберфирибгарлик** жинояти бўлиб, Ўзбекистон Жиноят кодексининг 168-моддасининг 2-қисми “в”-бандида компьютер техникаси

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>2</sup> М.В.Пальчик. Отдельные признаки хищения чужого имущества, совершенного путем присвоения или растраты на примере законодательства зарубежных государств // Юридическая наука. 2017. №4. – С.138-142.



воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш деб қайд этилган бўлиб, Россия жиноят кодексининг 159-3-моддасига асосан, электрон тўлов воситаларидан фойдаланган фирибгарлик жиноятини содир этганлик<sup>1</sup>, 159-6-моддасига асосан эса, компьютер ахбороти соҳасидаги фирибгарлик<sup>2</sup>, Дания жиноят кодексининг 284-моддасига асосан компьютер фирибгарлиги<sup>3</sup>, 279а-моддасига асосан, компьютер ахбороти фирибгарлиги<sup>4</sup>, Испания жиноят кодексининг 248-моддасида ахборотни манипуляция қилиш, компьютер дастурлари орқали кредит ёки дебет карталари ёхуд чекларга нисбатан фирибгарлик жиноятини амалга оширганлик учун<sup>5</sup>, 255-моддасига асосан, телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан алдашга ихтисослаштирилган механизмлардан фойдаланган ҳолда, телекоммуникация воситаларининг кўрсаткичларини бузиб кўрсатган ҳолда ёки бошқа ноқонуний йўллар орқали ўзга шахснинг мулкани эгаллаб олганлик, 256-моддасига асосан эса, терминал телекоммуникация воситаларини эгаллаб олиш орқали унинг мулкдорига зарар етказганлик, Япония жиноят кодексининг 246-II-моддасига асосан ҳақиқатга тўғри келмайдиган электронмагнит ёзувини киритиш орқали фирибгарлик жиноятини амалга оширганлик учун, Руминия жиноят кодексининг 249-моддасида компьютер фирибгарлиги учун, Албания жиноят кодексининг 143b-моддасида компьютер фирибгарлиги, Жанубий Корея жиноят кодексининг 347-2-моддасида электрон ҳисоблаш машиналари орқали, Туркия жиноят кодексининг 504-моддаси 3-бандида жиноят қуроли сифатида почта, телеграф, телефон алоқасидан фойдаланиш орқали, Арманистон жиноят кодексининг 178-моддасининг учинчи қисми 3-бандида компьютер техникаси ёрдамида фирибгарлик жиноятини амалга оширганлик, Германия Федератив Республикаси жиноят кодексининг 263а параграфига асосан эса ўзига ёки учинчи шахсга ноқонуний мулкый фойда олиш учун ҳаракат қиладиган ва шу билан компьютер маълумотларини қайта ишлаш, нотўғри дастурларни яратиш, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлардан фойдаланиш, маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш ёки таъсир қилиш натижасида бошқа шахснинг мулкига зарар етказиш орқали компьютер фирибгарлигини амалга оширганлик<sup>6</sup>, Швейцария жиноят кодексининг 9-боби 1-моддасига асосан, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотни тақдим этиш ёки дастурга ҳисобот бериш йўли билан ёки бошқа усуллар билан

<sup>1</sup> Н.С.Юрочкин. Кибермошенничество: характеристика, приемы и методы его совершения // Таврический научный обозреватель. 2016. №12-2 (17). – С.156-159.

<sup>2</sup> В.К.Барчуков. Терминология мошенничества в сфере компьютерной информации // Пробелы в российском законодательстве. 2017. №4. – С.163-165.

<sup>3</sup> Уголовный кодекс Дании. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001 — 230 с.

<sup>4</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>5</sup> Уголовный кодекс Испании / МГУ им. М. В. Ломоносова. Юрид. фак. Каф. уголов. права и криминологии; Под ред. докторов юрид. наук, профессоров Н. Ф. Кузнецовой и Ф. М. Решетникова; Пер. с исп. В. П. Зыряновой, Л.Г.Шнайдер. –М.: ЗЕРЦАЛО, 1998 г., – С.213.

<sup>6</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

ўзгартириш орқали, ахборотни автоматик қайта ишлаш ёки бошқа шунга ўхшаш автоматик ишлов бериш натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир қилиш орқали жабрланувчига зарар келтирганлик, Швейцария жиноят кодексининг 147-моддасида маълумотларга ишлов бериш орқали фирибгарлик жинояти, яъни ноқонуний равишда маълумотларни ўзлаштириб ёки ушбу маълумотларга ўзгартириш киритиш оқали шахслар мулкига зарар келтирганлик учун жавобгарлик назарда тутилганидан ҳам билиш мумкинки, ривожланган давлатларду бу қилмиш жуда қаттиқ қораланади ва ушбу жиноят билан курашиш чораларини кўриб боришади. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз жоизки, киберфирибгарлик турли кўринишда содир этилиши мумкин, мисол учун сохта сайт яратиш орқали ўзга шахсларнинг маълумотлари ўзлаштирилади ва бу ҳолат бошқа жиноятлар содир этилишига шарт-шароит яратиб берилади, яна бир усули турли хил ижтимоий тармоқларда ногиронлиги бор шахсларга ёки ночор шахсларга ёрдам бериш ниқоби остида жабрланувчиларнинг мулкни ўзлаштиришади, бунда жабрланувчилар ўзлари бераётган мулкни нима мақсадда берилганлигидан қатъий назар улар кўрган зарар қилмишни квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Литва жиноят кодексининг 182-моддасида, Сан-Марино жиноят кодексининг 204-моддасида, Латвия жиноят кодексининг 177-моддасида, Украина жиноят кодексининг 190-моддасида, Сингапур жиноят кодексининг 224-боб, 417-қисмида, Туркменистон жиноят кодексининг 228-моддасида, Молдова жиноят кодексининг 190-моддасида, Исроил жиноят қонунининг 439-446-моддасида<sup>1</sup>, Буюк Британиянинг 2006 йилдаги “Фирибгарлик тўғрисида”ги Қонунида<sup>2</sup>, Германия жиноят кодексининг 246-моддасида<sup>3</sup> киберфирибгарлик учун жавобгарлик ҳолати назарда тутилмаган, бироқ компьютер соҳасидаги жиноятлар қисмида бу жиноятнинг умумий қоидаларни таснифлаб ўтишган.

Киберфирибгарлик жинояти тўғри қасддан, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш орқали амалга оширилади ва бунда алдаш мисол учун киберфирибгарликни амалга ошириш усули сифатида рекламада бой бўлишни фойдаланувчига билдириш ва унинг пул маблағларини алдов йўли билан 16 ёшга тўлган ҳар қандай жисмоний шахс<sup>4</sup> томонидан содир этилади ва бу орқали ўзга шахснинг мулки ва (ёки) мулкий ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатларига таъсир қилади.

Мазкур ҳолатни янада аниқроқ кўриб ўтадиган бўлсак, Умумреспублика процессинг маркази мижозларини Uzcard бренди ишлатилган киберфирибгарлик ҳақида огоҳлантирган бўлиб, унинг баёнитига асосан Uzcard брендидан киберфирибгарлик мақсадида расмий

<sup>1</sup> Закон об уголовном праве Израия // <http://www.crimpravo.ru/codecs/izr/2.pdf>.

<sup>2</sup> Fraud Act 2006. <http://www.legislation.gov.uk/ukpga/2006/35/contents>. // <https://www.cps.gov.uk/legal-guidance/fraud-act-2006>.

<sup>3</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>4</sup> М.Х.Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. IV том. Махсус қисм. “Илм-зиё” нашриёт уйи. 2011 й. – Б.56.

сайт интерфейси кўчириб олиниб, бонуслар олиш учун карта рақамини киритиш таклиф қилинган<sup>1</sup>.

Ишончни суиистеъмол қилишда эса, фойдаланувчи ўзининг пул маблағларининг кўпайиши учун ўз хоҳишига асосан ишониб пул маблағини сақловчига топширади ва сақловчи эса ахборот технологиялари ва коммуникацияларидан фойдаланган ҳолда ишониб топширилган мулкка ёки мулккий ҳуқуқларга эга бўлади. Киберфирибгарликнинг предмети ҳам фирибгарлик предмети каби ўзга шахснинг мулки ёки мулккий ҳуқуқларидир.

Юқоридагиларга асосан, соҳадаги технологиялар орқали содир этиладиган қилмишларни аниқлаш, уларни тўғри бартараф этиш, бу турдаги жиноятларни тўғри квалификация қилиш, ягона қонунчилик амалиётидан фойдаланиш, ахборот технологияларининг ҳозирги ва кейинги ривожда соҳага қандай технологиялар киришини олдиндан айтиб бериш имконсизлиги, кибержиноятларга оид жиноятларни янада махсуслаштириш зарурлигини, Интернет ва телекоммуникация тармоғидан ташқари телекоммуникация воситаларидан фойдаланиб, бошқа ахборот-коммуникация технологиялари орқали ҳам кибержиноятлар содир этиш мумкинлигини, кибержиноятларнинг барчаси кибермухит-виртуал мухитда содир этилишини, робототехниканинг ривож, шунингдек, юқоридаги қонунлар орқали соҳа янада такомиллашувини, бугунги кундаги киберфирибгарликка оид муносабатлар учун аниқ жавобгарлик чораларини белгилаш, жиноят ҳуқуқий соҳасида ягона тушунчани қўллаш, киберфирибгарликка оид муносабатлар кибербосқинчили жиноятлари каби бир вақтнинг ўзида енгилроқ тусда бўлиши мумкинлиги, енгил тусда содир этилган шахсга нисбатан оғирроқ қилмишни содир этган қилмишни содир этганлиги учун шахсга нисбатан оғирроқ жазо тайинлаш ҳам қонунан ва адолат нуқати назаридан нотўғри бўлишини инобатга олиб, компьютер техникаси воситаларидан ташқари бошқа технология орқали ҳам мазкур тоифадаги жиноятларни содир қилиш мумкинлиги, шунингдек, кибертехнологик ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 168-модасини монография 1-иловасининг 403-бандида назарда тутилган таҳрирдаги 168-1-модда билан тўлдириш ва шу муносабат билан Ўзбекистон жиноят кодексининг 168-моддаси иккинчи қисми “в” бандини монография 1-иловасининг 41-бандида назарда тутилган тартибда чиқариб ташлаш таклиф қилинади.

Юқоридаги таклифдан келиб чиқиб, Ўзбекистон жиноят кодексининг 112, 247, 251, 252, 267, 271-моддаларини қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

Киберфирибгарлик билан бир қаторда турувчи кейинги жиноят тури, **киберўғрилиқ** бўлиб, бу жиноят Ўзбекистон Жиноят кодексининг 169-моддасининг 3-қисми “в” бандида компьютер тизимига рухсатсиз кириб ўғрилиқ, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда компьютер тизимига рухсатсиз кириб талон-торож қилиш деб таснифланган. Испания жиноят

<sup>1</sup> Киберфирибгарлар Uzcard брендидан фойдаланаётгани хабар қилинди.  
<https://www.gazeta.uz/uz/2019/01/22/uzcard/>.

кодексининг 239-моддасида эса, ушбу ҳолат янада аниқлаштирилган ҳолда баён қилинган, яъни унга кўра, кўчар мулкни олиш учун тўсиқ бўлган ва қулфланган нарсаларни махсус дастурий воситалар орқали очиб ўғрилиқ содир этилганлик учун жавобгарлик белгиланган ва бу тоифадаги жиноятларни квалификация қилишда судларга энгиллик туғдиради<sup>1</sup>. Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг 181-моддасида компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ўғрилиқ, яъни компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда катта миқдордаги мулкни ўғирлаганлик ёки ушбу жиноятни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёхуд жуда катта миқдорда зарар келтириб, Озорбойжон Жиноят кодексининг 177.2.3-1-моддасига асосан электрон сақлаш воситаларидан ёки ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, Беларуссия жиноят кодексининг 212-моддасида электрон ҳисоблаш машинасида сақланаётган ёки маълумотларни узатиш тармоқларида узатиладиган компьютер тизимида қайта ишланган маълумотни ўзгартириш ёки компьютер тизимида сохта маълумотларни киритиш орқали мулкни ўғирлаганлик<sup>2</sup>, Албания жиноят кодексининг 137/а-моддасида Электрон алоқа тармоғининг ўғирлаганлик, Сан-Марино жиноят кодексининг 194-моддасининг учинчи қисми 2-бандига асосан, фирибгарлик воситаларидан фойдаланган ҳолда, Хитой жиноят кодексининг 265-моддасига асосан, бошқа одамларнинг алоқа каналларини ноқонуний егаллаб олиш, бировнинг электрон почта манзилига ўхшаш манзил орқали, ускуналар ва бошқа қурилмалардан фойда олиш учун фойдаланиш қасдан фойдаланиш орқали ўзга шахснинг мулкни ўғрилаш йўли билан, Франция жиноят кодексининг 226-15-моддасида телекоммуникация воситалари ёрдамида, Польша жиноят кодексининг 278-моддаси 2 параграфига асосан, ўзганинг кўчар мулкни ЭХМ ёрдамида, Болгария жиноят кодексининг 195-моддасининг биринчи қисми 4-бандида махсус воситалар орқали ўғрилиқ қилганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу махсус воситаларга махсус ахборот-коммуникация технологиялари ҳам кирилади. Бироқ, Латвия жиноят кодексининг 175-моддасида, Жанубий Кореянинг 329-332-моддаларида, Швеция жиноят кодексининг 8-боби, 2-қисмидаги 1-13-моддаларида, Сингапур жиноят кодексининг 17-бобида, Туркменистон жиноят кодексининг 227-моддасида<sup>3</sup> киберўғрилиқ учун жинойий жавобгарлик назарда тутилмаган.

Юқоридагиларга асосан, соҳадаги технологиялар орқали содир этиладиган қилмишларни аниқлаш, уларни тўғри бартараф этиш, бу турдаги жиноятларни тўғри квалификация қилиш, ягона қонунчилик амалиётидан фойдаланиш, ахборот технологияларининг ҳозирги ва кейинги ривожиди соҳага қандай технологиялар киришини олдиндан айтиб бериш

<sup>1</sup> О.В.Журкина. Преступления против собственности в Испании: сравнительный анализ // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2014. – Т. 20. – С. 421–425. – URL: <http://e-concept.ru/2014/54347.htm>.

<sup>2</sup> <http://pravo.kulichki.com/vip/uk/>.

<sup>3</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

имконсизлиги, кибержиноятларга оид жиноятларни янада махсуслаштириш зарурлигини, Интернет ва телекоммуникация тармоғидан ташқари телекоммуникация воситаларидан фойдаланиб, бошқа ахборот-коммуникация технологиялари орқали ҳам кибержиноятлар содир этиш мумкинлигини, кибержиноятларнинг барчаси кибермуҳит-виртуал муҳитда содир этилишини, робототехниканинг ривожини, шунингдек, юқоридаги қонунлар орқали соҳа янада такомиллашувини, ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддалари, ЖПКнинг 321-333-моддалари талаблари, бугунги кундаги кибертовламуҳитга оид муносабатлар учун аниқ жавобгарлик чораларини белгилаш, жиноят ҳуқуқий соҳасида ягона тушунчани қўллаш, киберўғрилиқга оид муносабатлар кибербосқинчилик жиноятлари каби бир вақтнинг ўзида енгилроқ тусда бўлиши мумкинлиги, енгил тусда содир этилган шахсга нисбатан оғирроқ қилмишни содир этган қилмишни содир этганлиги учун шахсга нисбатан оғирроқ жазо тайинлаш ҳам қонунан ва адолат нуқати назаридан нотўғри бўлишини инобатга олиб, компьютер техникаси воситаларидан ташқари бошқа технология орқали ҳам мазкур тоифадаги жиноятларни содир қилиш мумкинлиги, шунингдек, кибертехнологик ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 169-модасини монография 1-иловасининг 42-бандида назарда тутилган таҳрирдаги 169-1-модда билан тўлдириш ва шу муносабат билан Ўзбекистон жиноят кодексининг 169-моддаси учинчи қисми “б” бандини монография 1-иловасининг 43-бандида назарда тутилган тартибда чиқариб ташлаш таклиф қилинади.

Юқоридаги таклифдан келиб чиқиб, Ўзбекистон жиноят кодексининг 112, 247, 251, 252, 267, 271-моддаларини қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

**Солиқлар ва мажбурий тўловлардан бўйин товлаш жинояти** давлат ва аҳоли манфаатларига жуда катта зарар келтириши ва сиёсий жиҳатдан мамлакат равнақига раҳна солувчи жиноят ҳисобланади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 44-бандига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унда маъмурий жазо чоралари тизимини либераллаштириш топширилган.

Литва жиноят кодексининг 219-моддасида, Туркманистон жиноят кодексининг 262-моддасида ахборот-коммуникация технологиялари орқали солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Мазкур жиноят объектив томондан давлатларнинг солиқ қонунчилигига асосан солиқ тўловчи деган мақомга эга бўлган ёки мақомга эга бўлиши белгилаб қўйилган шахслар томонидан солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлардан кибертехнологиялардан фойдаланган ҳолда қочиб қолиш, солиқ ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатларни кибертехнологиялар ёрдамида қалбакилаштириш, сохта маълумотларни

тизимга киритиш ёки тармоққа жойлаштириш орқали солиқ тўловчини бузиб кўрсатишда ифодалангани ва ушбу жиноят доимо тўғри қасддан 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан содир этирлади.

Шунга кўра, кибертехнологик ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4, 10, 14, 16-моддалари ҳамда юқоридагиларга асосан, Солиқ кодексининг 184-моддасини либераллаштириш ва ушбу моддани монография 1-иловасининг 44-бандида назарда тутилган тахрирда баён қилиш таклиф қилинади.

Иқтисодий тоифадаги кибержиноятларга юқоридаги жиноятлардан ташқари бошқа кибержиноятлар ҳам киради ва бунинг учун дунё мамлакатларининг жиноят қонунчилигида турлича жавобгарликлар белгилаб қўйилган, хусусан, Белорус Жиноят кодексининг 216-моддасига асосан, фирибгарлик, ишончни бузиш ёки компьютер маълумотларини ўғирлаш аломатлари бўлмаган тақдирда мулкий фойда олиш натижасида жиддий зарар етказиш – жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки қамок билан жазоланади. ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёки муайян лавозимларни егаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириш ёки кўп миқдорда содир этилган ўғирлик аломатларисиз мулкка зарар етказиш эса, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Польша жиноят кодексининг 285-моддасида ўзганинг телефон алоқасига уланган ҳолда унинг ҳисобидан кўнғироқларни амалга оширганлик, Албания жиноят кодексининг 123-моддасида телефон, телеграф ва бошқа ҳар қандай алоқа воситаларини узиб қўйганлик, 156-моддасида электр, телеграф, телефония, радиоешиттириш ёки бошқа алоқа тармоқларини қасддан йўқ қилганлик ёки бузганлик, ушбу ҳаракатларни оғирлаштирувчи сифатида бир неча марта содир қилганлик учун, шунингдек, ушбу ҳаракатлар жиддий оқибатларга олиб келган бўлса, Литва жиноят кодексининг 179-моддасида ўзга шахснинг телекоммуникация ва алоқа тармоқларига уланиб, унга зарар етказганлик, жиний жавобгарлик белгиланган бўлса, Ўзбекистон Жиноят кодексининг 173-моддасида, Литва жиноят кодексининг 188-моддасида, Польша жиноят кодексининг 288-моддасида, Украина жиноят кодексининг 194-моддасида, Жанубий Кореянинг 366-моддасида, Туркменистон жиноят кодексининг 235-236-моддаларида, Малдова жиноят кодексининг 197-моддасида<sup>1</sup> кибертехнологиялар орқали ўзганинг мулкни йўқ қилганлик ёки унга зарар етказганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган.

Ўзбекистон жиноят кодексининг 191-моддасида, сир тугиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўплаш, қасддан ошкор қилиш ёки ундан

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектга кўп миқдорда зарар етказган бўлса, жиноий жавобгарлик белгиланган, Арманистон Жиноят кодексининг 199-моддасига асосан эса, махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда тижорат ёки банк сирига эга бўлган шахслар ёки уларнинг қариндошларининг алоқа воситаларига, компьютер ёки дастурий таъминот тизимига ёки тармоғига ноқонуний кириб, уларга тегишли ҳужжатларини ўғирлаб, тижорат ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тўплаш, шунингдек ушбу ахборотни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида пора бериш ёки бошқа ноқонуний йўллар орқали таҳдид қиоувчи ҳаракатларни амалга оширган айбдорларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима жазоси тайинланиши мумкин. Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, тижорат ёки банк сирларидан ғайриқонуний ёки бошқа шахсий ниятларда фойдаланиш орқали тижорат ташкилотига ёки яқка тартибдаги тадбиркорга катта зарар етказган ҳолда ёки касбий ёки расмий фаолияти билан боғлиқ бўлган шахслар томонидан мазкур сирлар ошкор этилса ёки ундан ноқонуний фойдаланса энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга ёки уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва энг кам иш ҳақининг юз бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима билан жазоланади<sup>1</sup>.

**Кибертехнологиялар (ахборот-коммуникация технологиялари) орқали сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ўтказганлик ёки реклама қилганлик жинояти** учун Украина жиноят кодексининг 321-1-моддасига ва Албания жиноят кодексининг 284/d-моддасига асосан жиноий жавобгарлик белгиланган<sup>2</sup>.

Ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация, Интернет тармоғида сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ўтказганлик ёки реклама қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортишга оид қоидалар белгиланиши мумкинлигидан келиб чиқиб, жиноятни либераллаштириш мақсадида, кибертехнологик ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-3-моддасини монография 1-иловасининг 45-бандида назарда тутилган таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади.

Мазкур тоифадаги жиноятлар 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан тўғри қасддан содир этилади ва жиноят объектини инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи, дори воситалари ва кибертехнологияларнинг

<sup>1</sup> <http://law.edu.ru/norm/norm.asp?normID=1241378&subID=100095305,100095318,100095891,100095990,100096022#text>. // <http://parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=rus#9a>.

<sup>2</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади. Жиноят объектив томондан кибертехнологиялар (ахборот-коммуникация технологиялари) орқали сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш йўли билан содир этилади.

Иқтисодиёт соҳасидаги кибержиноятларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, уларнинг жиноят қонунчилигида белгилаб қўйилиши ҳар бир давлатдаги ижтимоий муносабатларнинг ривожига бевосита боғлиқ бўлади, мисол учун, Россия Жиноят кодексининг 185-3-моддасига асосан, ахборот ва телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан Интернет) орқали бозорни манипуляция қилиш, ахборот ва телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан Интернет) орқали била туриб ёлғон маълумотлар тарқатиш ёки фойдаланиш орқали Россия Федерацияси қонунлари билан белгилаб қўйилган бозор фаолиятига оид қасддан тўсқинлик қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар уч юз мингдан беш юз минг рублгача жарима ёки маҳкумнинг иш ҳақи ёки бир йилдан уч йилгача бўлган бошқа даромадлари ёки тўрт йилгача муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан тўрт йилгача мажбурий меҳнат билан жазоланади. Мазкур модданинг иккинчи қисмига асосан, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса ёки фуқароларга, ташкилотларга ёки давлатга жуда катта миқдорда зарар етказса ёхуд ортиқча даромад олишга ёки жуда катта миқдорда йўқотишлар келиб чиқишига сабаб бўлса, беш юз минг рублдан бир миллион рублгача жарима ёки икки йилдан беш йилгача маҳкумнинг ойлик маоши ёки бошқа даромадлари ёхуд беш йилгача муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб беш йилгача мажбурий меҳнат билан жазоланади<sup>1</sup>. Аммо, Ўзбекистон жиноят кодексининг 173-моддасида, Япония жиноят кодекси 247-моддасида<sup>2</sup>, Литва жиноят кодексининг 186-моддасида, Украина жиноят кодексининг 192-моддасида, Малдова жиноят кодексининг 196-моддасида кибертехнологиялар орқали ўзга шахснинг мулкига зарар етказганлик, Литва жиноят кодексининг 189-моддасида мулкнинг жиноий йўл билан топилганини била туриб, уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда кибертехнологиялар орқали олганлик ёки ўтказганлик, Литва жиноят кодексининг 203-моддасида, Украина жиноят кодексининг 205-моддасида кибертехнологиялар орқали сохта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлик, Литва жиноят кодексининг 209-моддасида, Туркманистон жиноят кодексининг 241-моддасида кибертехнологиялар орқали ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлик, Украина жиноят кодексининг 218-моддасида, Туркманистон жиноят кодексининг

<sup>1</sup> <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102041891&rdk=>.

<sup>2</sup> Уголовный кодекс Японии. С изменениями и дополнениями на 1 января 2002 г.: Перевод с японского / Науч. ред.: Коробеев А.И.; Пер.: Еремин В.Н. – СПб.: Юрид. центр Пресс, 2002 г., – С. 226 .



259-моддасида кибертехнологиялар орқали сохта банкротлик жинояти, Литва жиноят кодексининг 219-моддасида, Туркманистон жиноят кодексининг 262-моддасида ахборот-коммуникация технологиялари орқали солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик, Литва жиноят кодексининг 220-моддасида ахборот-коммуникация технологиялари орқали мулкнинг жинойий йўл билан топилганини била туриб, уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олганлик ёки ўтказганлик, Литва жиноят кодексининг 222-моддасида ахборот-коммуникация технологиялари орқали бюджет ва смета-штат интизомини бузганлик, Латвия жиноят кодексининг 192-моддасида, Украина жиноят кодексининг 224-моддасида, Жанубий Кореянинг 207-213-моддаларида, Туркманистон жиноят кодексининг 252-253-моддаларида, Туркия жиноят кодексининг 321-324-моддаларида кибертехнологиялар орқали қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаганлик, уларни ўтказганлик, Украина жиноят кодексининг 230-моддасида, Туркманистон жиноят кодексининг 245-моддасида кибертехнологиялар орқали рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган ҳолда, Украина жиноят кодексининг 200-моддасида<sup>1</sup> кибертехнологиялар орқали пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият ёки хатти-ҳаракатлар учун жинойий жавобгарлик назарда тутилмаган. Бирок, Япония Жиноят кодексининг 246-II-моддасида ҳақиқатга зид бўлган электромагнит ёзувни ёзиб олиб, ноқонуний даромад олганлик, Жанубий Корея жиноят кодексининг 248-2-моддасида ноқонуний равишда автоматик машиналар воситасидан фойдаланган ҳолда бошқа шахсдан бирон бир мулкий ёки моддий фойда олганлик, Ўзбекистон жиноят кодексининг 188-1-моддасининг биринчи қисмида мулкий манфаат бериш бўйича зиммага мажбурият олиш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятни амалга ошириш ва бунда илгари олинган мажбуриятни жисмоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулки ҳисобидан бажариш, шунингдек бундай фаолиятга раҳбарлик қилиш ҳамда шундай фаолият кўрсатилишини таъминлаш, худди шунингдек мазкур фаолиятда иштирок этишга жалб қилиш мақсадида ушбу фаолиятни реклама қилиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда реклама қилганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланган.

Қолаверса, Литва жиноят кодексининг 214-моддасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар учун мўлжалланган сохта тўлов воситаларини ишлаб чиқариш ёки ноқонуний тасарруф етганлик, Польша жиноят кодексининг 293-моддасида компьютер дастурлари орқали мазкур қилмишни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлса, Литва жиноят кодексининг 216-моддасида, Туркманистон жиноят кодексининг 260-моддасида

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

кибертехнологиялар орқали валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олганлик ёки ўтказганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган. Ўзбекистон жиноят кодексининг 228-моддасида ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш бўйича жавобгарлик белгиланган. Тожикистон жиноят кодексининг 340-моддаси 2-қисми “в”-бандига асосан компьютер техникасидан фойдаланиб ҳужжатларни қалбакилаштирганлик Украина жиноят кодексининг 216-моддасида компьютер дастурларини қалбакилаштирганлик<sup>1</sup> учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ҳозирги кундаги технологиянинг ривожини натижасида электрон ҳужжат айланиши ва электрон тижорат борасидаги муносабатлар жуда кенг ривожланиши натижасида бу борадаги муносабатлар тартибга солиб қўйилишини тақозо этмоқда. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Жиноят кодексидида алоҳида модда сифатида сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган электрон рақамли, электрон расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки электрон расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши ёки бу қалбаки ҳужжатлардан била туриб фойдаланганлик ҳолати бўйича жиноий жавобгарлик белгиланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу қилмишлар учун ҳам дунё мамлакатларида турлича жавобгарликлар белгиланган, хусусан, Арманистон жиноят кодексининг 208-моддасида аксиз маркаларни қалбакилаштирганлик, 270-моддасида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда тарқатганлик ёки уларни олишга ҳуқуқ берадиган кўрсатмалар ёки бошқа ҳужжатларни сохталаштирганлик, 202-моддасида сохта пуллар ёки қимматли қоғозларни тайёрлаганлик, сақлаганлик ёки сотганлик, 203-моддасида сохта тўлов ҳужжатларини тайёрлаганлик ёки сотганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган<sup>2</sup>.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги низом расмий давлат ҳужжатларини (кейинги ўринларда “расмий ҳужжатлар” деб аталади)тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва топшириш тартибини белгилайди.

Расмий ҳужжатлар бланкалари, шу жумладан бунга Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган матбаа корхоналари томонидан “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқарилган, қалбакилаштиришдан ҳимоя қилувчи элементлари бўлган махсус қоғозда тайёрланади.

Шунга кўра, фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзиш, паспорт тизими, прописка, коммунал тўловлар, солиқ, давлат хизматларига оид барча қонун ҳужжатларида расмий ҳужжатни қалбакилаштирганлик ёки

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>2</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

сохталаштирганлик жавобгарликка олиб келиши алоҳида қонун ҳужжатларининг бандларида кўрсатиб қўйилган шунингдек, электрон ҳужжатлар айланишига оид барча жавобгарлик аҳолига эмас, балки давлат органлари мансабдор шахсларига юкланган, қолаверса, аҳолига фақатгина ўзи томонидан тақдим этадиган маълумотлар ҳаққоний бўлмаганда, уларга давлат хизматлари тақдим этилмаслиги, давлат хизматларига оид барча Вазирлар Маҳкамасининг қарорида аниқ кўрсатиб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон жиноят кодексининг 228-моддасида ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш бўйича жавобгарлик белгиланган. Тожикистон жиноят кодексининг 340-моддаси 2-қисми “в”-бандига асосан компьютер техникасидан фойдаланиб ҳужжатларни қалбакилаштирганлик, Украина жиноят кодексининг 216-моддасида компьютер дастурларини қалбакилаштирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ҳозирги кундаги технологиянинг ривожини натижасида электрон ҳужжат айланиши ва электрон тижорат борасидаги муносабатлар жуда кенг ривожланиши натижасида бу борадаги муносабатлар тартибга солиб қўйилишини тақозо этмоқда. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Жиноят кодексидан алоҳида модда сифатида сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган электрон рақамли, электрон расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки электрон расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши ёки бу қалбаки ҳужжатлардан билад туриб фойдаланганлик ҳолати бўйича жиноий жавобгарлик белгиланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагиларга асосан, расмий ҳужжатнинг нусхасини қалбакилаштирганлик бутун дунё жиноят қонунчилигида жиноят ҳисобланмаслигини, миллий қонунчилигимизда ҳам бунаг тақик йўқлигини, сабаби ҳужжатнинг нусхаси расмий характерда эмаслигини мантиқан ҳамма биледи ва ҳаммага маълум бўлган қоидалар қонунчиликда такроран белгилаб ўтишга эҳтиёж йўқ.

Шунга кўра, ҳозирги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни келишиш электрон режимда амалга оширилаётганлиги, ташқи савдо операциялари электрон ҳужжат айланишига оид қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётганлиги, электрон рақамли имзо билан бугунги кунда давлат органларидан ташқари, тадбиркорлик субъектлари ҳам, аҳоли ҳам бирдек баҳраманд бўлаётганлигини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятни шахслар бажармаса ёки уларга амал қилмаганлик учун жавобгарлик белгиланишини, электрон ҳукумат бўйича ваколатли орган Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бўлиб, унинг томонидан ЯИДХП орқали аҳолига хизмат кўрсатиш вақтида интегратор аҳоли томонидан тақдим этаётган ҳужжатларнинг қалбаки ёки ҳақиқий эканлигини аниқлаш имкониятига эга эмаслиги, ҳужжатларнинг тўғри берилганлиги учун уларни тақдим этган органлар, мисол учун ФХДЁ, Ички ишлар, нотариал органлар, суд ва бошқалар жавоб бериши амалдаги

қонун ҳужжатлари билан аниқ белгилаб қўйилганлиги, бироқ баъзи шахслар томонидан электрон рақамли имзони қалбакилаштириш орқали электрон ҳужжатларни сохталаштириш имконияти техник томондан мавжуд бўлиш мумкинлигини ва электрон рақамли имзони қалбакилаштирилмаслигини ёки электрон ҳужжатнинг сохталаштирилишини ҳеч ким қафолат беролмаслигини инобатга олиб, кибертехнологик ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддасини монография 1-иловасининг 46-бандида назарда тутилган таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади.

Мазкур тоифадаги жиноятлар содир этилиши учун ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан кибертехнологиялар, рақамли технологиялар жиноятни амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади ва жиноятни квалификация қилишда улар алоҳида аҳамиятга эга.

Жиноят 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан тўғри қасддан сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалардан четлаб ўтган ҳолда, муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган ва аслида аниқ давлат органи ёки ташкилоти томонидан берилиши амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган расмий ҳужжатларни ноқонуний тайёрлаши ёки улар томонидан берилган расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд қалбакилаштирилган ёки сохталаштирилган бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкалари, электрон рақамли имзо калитларини тайёрлаш, сотиш ёки фойдаланиш, шунингдек, электрон рақамли имзони қалбакилаштирган ҳолда электрон ҳужжатларга ҳақиқатга тўғри келмайдиган сохта маълумотлар киритиб, ундан фойдаланиш орқали содир этилади.

Юқоридагилар орқали хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир давлатнинг жиноят қонунчилиги ўша мамлакатдаги ижтимоий муносабатлар ривожига қараб тартибга солиниши зарурлигини инобатга олиб, кибербосқинчилик, кибертовламачилик, киберфирибгарлик, киберталончилик, киберўзлаштириш ёки киберрастрата, киберўғрилик, кибертехнологиялар орқали алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкний зарар етказиш, жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш, мулкни қасддан nobud қилиш ёки унга зарар етказиш, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш, қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш, чет эл валютасини яшириш, сохта банкротлик, банкротликни яшириш, қасддан банкротликка олиб келиш, Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, бюджет ва смета-штат интизомини бузиш, қимматбаҳо металллар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш, электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан

фойдаланиш қоидаларини бузиш, ноқонуний тадбиркорлик фаолияти, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш, рақобатчини обрўсизлантириш, хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш, имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш, пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият учун жиноий жавобгарлик белгилаш ва бундаги мавжуд қонунчилигимиздаги компьютер техникаси, телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда мазкур қилмишларни содир этганлик ҳолатини ҳозирги кундаги робототехниканинг ривожидан келиб чиқиб, янада бу соҳадаги тўлиқ тушунча бўлган ахборот-коммуникация технологияларининг бир қисми бўлган “кибертехнологиялар” деган ягона ва умумий тушунча билан алмаштириш, юқоридаги жиноятлар учун жавобгарлик моддаси алоҳида бўлиши ва бунда уларнинг иерархик кетма-кетлиги наздимизча фақатгина кибержиноятларга нисбатан олиниши ва жиноятлар учун жавобгарлик моддаси жиноят қонунчилигимиздаги объектларга нисбатан белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

#### **2.4-§. Ахборот-коммуникация технологияларнинг қонуний муомаласига қарши қаратилган кибержиноятларнинг юридик тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари**

Ахборот-коммуникация технологияларнинг қонуний муомаласига қарши қаратилган кибержиноятлар шундай ўзига хос хусусиятга эгаки, у бошқа жиноятлар амалга оширилиши учун сўзсиз шарт-шароит яратади, бошқа жиноятлар амалга оширилишини енгиллаштиради, жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки, сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий, маънавий ва бошқача шаклда зиён етказишига ёки зарар келтиришига тегишли бўлган ахборотлар ва маълумотларни ноқонуний ўзлаштириб олади, унга тегишли бўлган ахборот-коммуникация технологияларининг ишдан чиқиши, бузилиши, йўқ қилиниши таъминлайди, барча технологияга зарар етказиши, жабрланувчига тегишли технология киберхужумчи манфаатлари учун хизмат қилишини, бу орқали фойда кўришини, жабрланувчи ва бошқаларга сўзсиз зарар етказишини, жабрланувчи ва бошқаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавф солишини, уларга зарар етказишини, уларни оғир аҳволга солиб қўйишини, уларнинг ўзга жиноят содир этишини, давлат сиёсатига путур етишини, иқтисодиёт таназзулга учрашини, инфратузилмалар йўқ қилишини ёки

бошқача зарар кўришини, давлатлар ва халқлар ўртасида низолар пайдо бўлишини таъминлайди, жаҳон урушини вужудга келтириши мумкин, давлатлар ва халқлар бутунлай қудратли кучлар орқали йўқ қилинишини, ер юзи йўқ бўлиб кетишини, ўз ўқи изидан чиқиб кетишини, маълум бир шахсларнинг бой бўлиб кетишини таъминлайди, ўзга халқлар, давлатлар ёки маълум бир кишилар тоифасига хавф солиши мумкин, уларни ўз йўриғига юришга мажбур қилиш қудратига эга. Биргина мисол, Ўзбекистон жиноят кодексининг 97-моддасининг 1-қисми рашк оқибатида ўз турмуш ўртоғини ўлдирган қотил фақатгина битта шахсга зарар етказиши билан жиноят тўлиқ тамомланиши мумкин ёки бу шахслар доираси чекланган бўлади, аммо бу турдаги жиноятларда кишилар, жамият ва давлатлар тоифаси жуда катта бўлиши мумкин. Шу сабабдан ҳам мазкур жиноятлар учун жавобгарликни белгигаши дунё давлатлари алоҳида эътибор қаратишади, шунингдек, технологиянинг ривожини ҳам буни зарурат эканлигини кўрсатади. Шу жиҳатдан ҳам Ўзбекистон жиноят кодексига Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–137-сон Қонуни билан “XX<sup>1</sup> боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” деб номланган алоҳида боб билан тўлдирилди<sup>1</sup>. Натижада кодексимизда, 278<sup>1</sup>-модда-Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, 278<sup>2</sup>-модда-Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, 278<sup>3</sup>-модда-Компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, 278<sup>4</sup>-модда-Компьютер ахборотини модификациялаштириш, 278<sup>5</sup>-модда-Компьютер саботажини, 278<sup>6</sup>-модда-Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш учун, 278<sup>7</sup>-модда-Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XX<sup>1</sup>-боби “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар”, деб баён қилинган.

Бироқ, ҳозирги кунда ахборот технологияларининг ривожини сабабли бу соҳа бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари деб, кейинги ривожини рақамли технологиялар, ундан кейинги ривожини кибертехнологиялар деб номланади.

Шунингдек, “Алоқа тўғрисида”ги Қонунга асосан, алоқа соҳасидаги муносабатларнинг объектлари почта жўнатмаларини қабул қилиб олиш, ташиш ва кўрсатилган жойга етказиб бериш воситаларининг йиғиндиси

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–137-сон Қонуни // “Халқ сўзи”, 2007 й., 254 (4407)-сон; ЎР ҚХТ, 2007 й., 52-сон, 532-модда // М.Х. Рустамбаев, Ўзбекистон жиноят қонунчилиги: яратилиши тарихи, бугунги куни, ривожланиши истикболлари. – Т.: Адолат, 2017 й., [http://old.adolatnashr.uz/page/uzbekiston-zhinoyat-konunchiligi-yaratilishi-tarihi-bugungi-kuni-rivozhlanishi-istikbollari#\\_ftnref15](http://old.adolatnashr.uz/page/uzbekiston-zhinoyat-konunchiligi-yaratilishi-tarihi-bugungi-kuni-rivozhlanishi-istikbollari#_ftnref15).

бўлган почта алоқаси тармоқларидан ҳамда бир ёки бир нечта узатиш турларини: телефон, телеграф, факсимил узатишларни, хужжатли хабарларнинг бошқа турлари маълумотларини узатишни, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникациялар воситалари йиғиндиси бўлган телекоммуникациялар тармоқларидан иборат<sup>1</sup>.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга асосан, ахборот технологияси ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлардир<sup>2</sup>.

“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунга асосан, телекоммуникациялар сигналлар, белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар ёки ахборотнинг бошқа турларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электрмагнит тизимларидан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш ҳисобланади<sup>3</sup>.

“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонунга асосан, электрон давлат хизмати ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” 2002 йил 30 майдаги ПФ–3080-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарорига асосан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини ишлаб чиқиш, республика, тармоқ ва маҳаллий ахборот-коммуникация тармоқларини шакллантириш ҳамда ахборот-коммуникация тармоқлари ва хизматлари конвергенциясини назарда тутган ҳолда мамлакатнинг барча ҳудудида ахборот-коммуникация технологияларининг техникавий инфратузилмасини, шу жумладан кўчма алоқа, IP технологиялари, бошқа замонавий телекоммуникация ва маълумот узатиш воситаларини жадал ривожлантириш компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи галдаги энг муҳим вазифалари деб ҳисобланган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 3, 159-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги 822-I-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 9, 414-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрда қабул қилинган “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги ЎРҚ-395-сонли Қонуни // “Народное слово”, 2015 й., 237 (6420)-сон; ЎР ҚХТ, 2015 й., 49-сон, 611-модда.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг “Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги 208-мх-сон буйруғи (30.06.2020 йилдаги рўй.: 3275-сон) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидаларига асосан, GSM-шлюз мобил алоқа тармоқлари ва телекоммуникацияларнинг бошқа тармоқлари ўртасида трафикни ўтказиш учун мўлжалланган аппарат-дастурий восита, IP-шлюз IP тармоқлар ва телекоммуникацияларнинг бошқа тармоқлари ўртасида трафикни ўтказиш учун мўлжалланган аппарат-дастурий восита, SMS-шлюз мобил телефондан фойдаланмасдан SMS хабарлар жўнатиш ва олиш имконини берадиган аппарат-дастурий восита ҳисобланади.

Амалдаги Жиноят кодексининг 278-3 ва 278-7-моддаларида кўрсатилган ёки лойиҳанинг 346- ва 350-моддасида назарда тутилаётган телекоммуникация тармоғидан ноқонуний фойдаланишга оид махсус воситага GSM-шлюз, IP-шлюз, SMS-шлюз ўзининг техник имконияти бўйича ахборот технологиясига эмас, балки телекоммуникация воситасига киради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 26 мартдаги 2419-III/КҚ-523-III-сон қўшма қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти талабига асосан, тушунча ёки атаманинг таърифи унинг мазмунини тўлиқ очиб бериши керак. Тушунча ёки атамани айнан шу тушунча ёки атама билан, шунингдек ўзлари таърифланишга муҳтож бўлган бошқа тушунча ва атамалар орқали таърифлашга йўл қўйилмайди.

Юқоридагиларга асосан, ушбу Кодекснинг 20-бобининг номини монография 1-иловасининг 47-бандида назарда тутилган таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади.

**Ахборотлаштиришга оид қонун ҳужжатларини бузиш.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-1-моддасида ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунига асосан, ахборотлаштириш юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёндин, ахборот ресурси ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги



ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси, ахборот технологияси ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар, ахборот тизими эса, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари, деб юритилади ва мазкур Қонуннинг мақсади ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат<sup>1</sup>.

“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунга асосан, телекоммуникация воситалари электрмагнит ёки оптик сигналларни ҳосил қилиш, узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш, коммутация қилиш ҳамда уларни бошқариш имконини берувчи техник қурилмалар, асбоб-ускуналар, иншоотлар ва тизимлардир<sup>2</sup>.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-1-моддасида назарда тутилган ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси ахборот тизимига киради.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга асосан, ахборот ресурсларида сақланадиган ва ишлов бериладиган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ахборот электрон ҳужжат бўлиб, қоғоз ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга<sup>3</sup>.

Жиноят кодексининг 228-моддасида эса, сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши учун жавобгарлик белгиланган.

Жиноят кодексининг 8-моддасига асосан, ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Мазкур ҳолатда расмий ҳужжат ахборот технологиялари орқали қалбакилаштирилиши мумкинлигини инобатга олсак, шахс айнан битта қилмиш учун икки марта, яъни Жиноят кодексининг 228-моддаси ва 278-1-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши одиллик принципларига зид келиши нуқтаи назаридан мазкур моддани қайта кўриб чиқиш ва ЖКнинг 228-моддасини фарқ қилишидан аниқ қоидалар билан мустаҳкамлаб қўйиш зарур.

Жиноят қонунчилигимизда жиддий зиён тушунчаси белгилаб берилмаган. Шу сабабли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-П-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги 822-И-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 9, 414-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-П-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

Қонуннинг 24-моддаси талабига асосан, ЖКнинг 278-1-моддасидаги жиддий зиён тушунчасини чиқариб ташлаш лозим.

Руминия жиноят кодексининг 361-моддасида компьютердан маълумотларни узатишни ноқонуний равишда қўлга олиш, унга бўлган ҳуқуқни эгаллаб олиш, оммавий бўлмаган ва тизим учун мўлжалланган ахборотни бундай тизимдан келиб чиққан ёки ахборот тизимида амалга оширилганлик, Албания жиноят кодексининг 293/d-моддасида маҳсулотларни/сим-карталарни тарқатиш, сотиш ва етказиб бериш бўйича қоидаларни бузиш, Арманистон жиноят кодексининг 257-моддасида ЭҲМ, компьютер тизими ёки тармоғига кириш ҳуқуқига ега бўлган шахс томонидан компьютер, компьютер тизими ёки тармоғидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, агар бу хатти-ҳаракатлар қонун билан ҳимояланган компьютер маълумотларини йўқ қилишга, блокировка қилишга, ўзгартиришга олиб келган бўлса, компьютер ускуналарининг ишлашини бузган ёки бошқа жиддий зиён келтиргани<sup>1</sup> учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга асосан, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими қуйидагиларни белгиловчи нормалар билан аниқланади:

ахборотни ҳужжатлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ахборот тизимларини яратиш тартибини;

ахборот ресурсларига ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқини;

ахборот ресурсларининг улардан эркин фойдаланиш даражаси бўйича тоифасини;

ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш тартибини;

ахборот тизимларининг тармоқлараро уланиши тартибини.

Юқоридагиларга асосан ва кибертехнологик ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-1-моддасини монография 1-иловасининг 48-бандида назарда тутилган таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади.

Мазкур жиноят 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан тўғри қасддан, эгри қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин ва жиноят объектив томондан ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими бўлган ахборотни ҳужжатлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ахборот тизимларини яратиш тартибини, ахборот ресурсларига ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқини, ахборот ресурсларининг улардан эркин фойдаланиш даражаси бўйича тоифасини, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш, ахборот тизимларининг тармоқлараро уланиши тартибини бузиш ёки уларга риоя қилмаслик оқибатида кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар келтириб чиқаришида кўринади. Жиноятнинг объектини ахборотлаштиришга оид қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

ташқил этади ва бунда мотив ҳамда мақсад жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

**Компьютер ахборотидан қонунга хилоф рухсатсиз фойдаланиш.** Ўзбекистон жиноят кодексининг 278-2-моддасида, Арманистон жиноят кодексининг 251-моддасида компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлса ёки ўша ҳаракат бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги, 254-моддасида, компьютер маълумотларидан ноқонуний фойдаланиш, яъни компьютерда, компьютер тизимида, тармоғида ёки компьютер воситасида сақланадиган маълумотни рухсатсиз нусхалаш ёки уни бошқа йўл билан ноқонуний равишда эгаллаб олиш ёки компьютер алоқасидан фойдаланган ҳолда узатилаётган маълумотни яшириш, ушбу маълумотдан шахс ёки унинг қариндошлари тўғрисида номақбул маълумотлар тарқатиш учун фойдаланиш, бу маълумотни тарқатиш билан кўрқитиб, шунингдек жабрланувчини сир сақламоқчи бўлган ёки шахсга ёки унинг қариндошларига нисбатан зўравонлик билан кўрқитиш йўли билан мажбурлаганлик, шахснинг, унинг қариндошларининг ёки ушбу маълумот юрисдикциясида ёки ҳимоясида бўлган шахсларнинг мулкани йўқ қилиш ёки мулкка зарар етказиш хавфи билан мазкур қилмиш содир этилган бўлса, мазкур ҳаракатлар шахсга ёки унинг қариндошларига нисбатан зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлса, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жабрланувчига жиддий шикаст етказиб, муайян аҳамиятга эга бўлган маълумотларни олиш мақсадида содир этилган бўлса, мазкур ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан, эҳтиётсизлик орқасида соғлиққа зарар етказиш ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келиши билан боғлиқ бўлганда<sup>1</sup>, Руминия жиноят кодексининг 360-моддасида эса, компьютер тизимида ноқонуний кирганлик, ушбу жиноятни бир гуруҳ шахслар иштирокида, маълумотлар олиш ёки махсус воситалар орқали содир этганлик, 364-моддасида, компьютер маълумотларини ўзбошимчалик билан узатиш, компьютер тизимидан ёки маълумотларни сақлаш воситаларидан рухсатсиз узатиш, Албания жиноят кодексининг 192/б-моддасида хавфсизлик чораларини бузган ҳолда, компьютер тизимида ёки унинг бир қисмига кириш ҳуқуқидан ортиқча рухсатсиз фойдаланиш ёки кириш, 293/а-моддасида компьютер маълумотларини ноқонуний ўтказиш, 294/б-моддасида компьютер маълумотларига аралashiш, 293/с-моддасида компьютер тизимларига аралashiш, 184/а-моддасида яратилган маълумотларнинг

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

тўғридан-тўғри ўқилиши ёки тушунарли бўлишига қарамай, компьютер маълумотларини киритиш, ўзгартириш, йўқ қилиш ёки уларни ҳақиқий қилиб тақдим этиш мақсадида сохта маълумотларни яратиш, шунингдек, ушбу қилмиш компьютер маълумотларини сақлаш ва бошқариш вазифасини ўз зиммасига олган шахс томонидан, бир неча маротаба ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказган тарзда содир этилганлиги<sup>1</sup>, ахборот тизимининг бирон бир қисмига ёки компьютерда, компьютер тизимида, тармоқда ёки компьютер воситаларида сақланадиган ва қонун билан ҳимояланган, ҳимоя тизимини бузган ҳолда ва бепарволик, ўзгартириш, нусхалаш, йўқ қилиш натижасида рухсатсиз кириш (кириш). ахборотни блокировка қилиш ёки компьютернинг, компьютер тизимининг, тармоғи ёки компьютер ускунасининг ишдан чиқиши ёки бошқа жиддий зарар етказилишига сабаб бўлганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-1-моддасида ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга асосан, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими ахборотни ҳужжатлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ахборот тизимларини яратиш тартибини, ахборот ресурсларига ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқини, ахборот ресурсларининг улардан эркин фойдаланиш даражаси бўйича тоифасини, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш тартибини, ахборот тизимларининг тармоқлараро уланиши тартибини белгиловчи нормалар билан аниқланади.

Мазкур ҳолатда ахборот тизимларининг тармоқлараро уланиши тартибини бузиш ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш ҳисобланишлигини инобатга олиб, иккала моддани қайта кўриб чиқиши зарур.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, Жиноят кодексининг 278-5-моддасида компьютер тизимини бузиш (компьютер саботаж) учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қолаверса, Жиноят кодексининг 278-4-моддасида компьютер ахборотини модификациялаштириш, яъни компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жиноят кодексининг 8-моддасига асосан, ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Шунга кўра, такрор нормаларнинг мавжудлиги натижасида одиллик принципларига зид нормалар бўлишининг олдини олиш мақсадида мазкур моддаларни ўзаро бирхиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзганинг мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш анча миқдорни ташкил этганлик учун Ўзбекистон Жиноят кодексининг 173-моддасига асосан, жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясининг 6-бандига асосан, рағбатлантирувчи нормаларни, жумладан жазони енгиллаштириш ёки шахсни жиноий жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 44-бандига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унда маъмурий жазо чоралари тизимини либераллаштириш топширилган.

Шунга кўра, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида бир хил маънода акс эттирилганлиги сабабли, жиноятларни либераллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-2, 278-4-моддаларни ушбу Кодексдан чиқариб Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар кодексига киритиш таклиф қиламиз.

**Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш жинояти.** Ўзбекистон жиноят кодексининг 278-3-моддасида химояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш ёки ўша ҳаракатларни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилгани, Албания жиноят кодексининг 293/с-моддасида компьютер тизимига ёки унинг қисмига кириш

имконини берувчи компьютер дастурий таъминоти, компьютер пароли, кириш коди ёки бошқа шунга ўхшаш маълумотларни ишлаб чиқариш, яратиш, созлаш, сақлаш, фойдаланишга бериш, тарқатиш ёки бошқа ҳар қандай ҳаракатлар учун, 294/а-моддасида, назарда тутилган компьютер маълумотларини ноқонуний ўтказиш, 294/б-моддасида назарда тутилган компьютер маълумотларига аралашиш, 293/с-моддасида назарда тутилган компьютер тизимларига аралашиш жиноятини ушбу қурилмалар ёрдамида амалга оширганлик, Арманистон жиноят кодексининг 255-моддасида ҳимояланган маълумотларга рухсатсиз кириш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини сотиш ёки маркетинг мақсадида сотиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон жиноят кодексининг 278-4-моддасида компьютер ахборотини модификациялаштириш, яъни компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлгани ёки ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этганлик, Руминия жиноят кодексининг 362-моддасида компьютер маълумотларини ноқонуний ўзгартириш, йўқ қилиш ёки бузиш ёки бундай маълумотларга кириш ҳуқуқини чеклаш, Арманистон жиноят кодексининг 252-моддасида компьютерда, компьютер тизимида, тармоғида ёки компьютер воситаларида сақладиган маълумотни ўзгартириш ёки бировнинг мулкни ўғирлаш аломатлари бўлмаган тақдирда уларга нотўғри маълумотлар киритиш ёки фирибгарлик ёки ишонччи бузиш орқали мулкка зарар етказиш<sup>1</sup> учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон жиноят кодексининг 278-5-моддасида ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасдан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботажи) ёки ўша ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилгани, Арманистон жиноят кодексининг 253-моддасида компьютер маълумотларини ёки дастурларини йўқ қилиш, блокировка қилиш ёки уларнинг ишини ёмонлаштириш, компьютер ускуналарини ўчириш ёки компьютерга, компьютер тизимига, тармоққа ёки машина воситаларига зарар етказиш (саботаж), Руминия жиноят кодексининг 363-моддасида операцион тизимларнинг ишламай қолиши, компьютер маълумотларини киритиш, узатиш, ўзгартириш, йўқ қилиш ёки бузиш ёки компьютер маълумотларига киришни чеклаш билан жиддий, тўғри бўлмаган ҳолда тизимнинг бузилишига олиб келиши, учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Ўзбекистон жиноят кодексининг 278-б-моддасида компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш ёки ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилгани, Арманистон жиноят кодексининг 256-моддасида компьютерда, компьютер тизимида, тармоғида ёки компьютер воситаларида сақланадиган маълумотни рухсатсиз йўқ қилиш, блокировка қилиш, ўзгартириш ёки нусхалаш ёки махсус вирусли дастурларни ишлаб чиқиш ёки бундай дастурлар ёрдамида оммавий ахборот воситаларини тарқатиш мақсадида компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартириш киритиш, учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон жиноят кодексининг 278-7-моддасида ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш ёки ўша ҳаракатларни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, хизмат мавқеидан фойдаланиб, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этганлик, Руминия жиноят кодексининг 365-моддасида компьютер тизимида тўлиқ ёки қисман кириш имконини берадиган пароллар, кириш кодлари ёки бошқа компьютер маълумотларидан ноқонуний фойдаланиш, шундай қурилмалар ва дастурлар билан ноқонуний операциялар ўтказиш ёки қонуний тартибда фойдаланиладиган шундай қурилмаларга бўлган эгалик ҳуқуқини ноқонуний қўлга киритиш, у орқали жиноят содир қилиш, шундай қурилмаларни ишлаб чиқариш, тарқатиш, бошқаларни таъминлаш<sup>1</sup> учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Юқорида тавсифланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-2-278-7-моддасида назарда тутилган жиноятлар 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан тўғри қасддан содир этилади ва ушбу бобдаги барча моддаларнинг объектини ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги муҳофазаланадиган ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

Жиноятнинг объектив томонини эса, юқоридаги моддалардаги қоидалар ташкил қилади.

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Юқорида назарда тутилган моддаларда назарда тутилган компьютер ускунаси, компьютер тизми, компьютер техникаси, ахборот-ҳисоблаш тизими каби тушунчаларни ҳозирги кун талабига техник томондан эскирганлиги сабабли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси талаби ва кибертехнологик ҳуқуқий асосларга асосан мазкур тушунчаларни ягона тушунчаларга келтириш зарур.

Жиноят кодексига “278<sup>3</sup>-модда. Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш” учун жавобгарлик моддаси Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга ҳилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–137-сон Қонуни билан киритилган<sup>1</sup>. Мазкур модда жиноят қонунчилигига дастлаб киритилган вақтида компьютер тизимидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, деб номланган бўлса, 2018 йилда компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, деб номи кенгайтирилган ва телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш учун жавобгарлик киритилган<sup>2</sup>.

Бирок, ушбу модда бўйича амалиётда учраётган ҳолатларни тергов қилишда бир қатор олдимизда турган муаммоларнинг борлиги, мазкур моддани чуқурроқ ўрганишимиз зарурлигини кўрсатади.

Хусусан, Жиноят кодексининг 278<sup>3</sup>-моддасининг рус ва давлат тилларидаги шакллари турлича таржимага эга, яъни рус тилидаги шаклида модда – “изготовление с целью сбыта либо сбыт и распространение специальных средств для получения незаконного (несанкционированного) доступа к компьютерной системе, а также к сетям телекоммуникаций”, деб номланган ҳолда, у ўзбек тилига расмий равишда “Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш”, деб таржима қилинган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга ҳилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–137-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 532-модда. “Халқ сўзи” газетаси, 2007 йил 26 декабрь, 254 (4407)-сони.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 22 октябрдаги ЎРҚ–503-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон.



Агарда ушбу таржимага оид муаммо келиб чиқса, уни Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунига асосан ўзбек тили давлат тили, шу сабабдан ҳам Жиноят кодекси 278<sup>3</sup>-моддасининг давлат тилидаги шакли тўғри, рус тилидаги шакли нотўғри деб айтишимиз мумкин<sup>1</sup>. Бироқ, мазкур модданинг рус тилидаги шакли аниқроқ мазмунга эга эканлиги, шу пайтга қадар деярли кўпчилик қонун ҳужжатларимизнинг лойиҳалари рус тилида тайёрлангани орқали хулоса қилишимиз мумкинки, ушбу модданинг давлат тилидаги шакли билан келишиб бўлмайди. Масаланинг нечоғлик чуқур эканлигини тушуниш учун хорижий тажрибага назар ташласак, қуйидагиларга гувоҳ бўламиз, жумладан, Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг 255-моддасида компьютер тизимидаги маълумотларга ноқонуний кириш ихтисослашган махсус воситаларни ишлаб чиқариш ёки сотиш учун, Белоруссия Жиноят кодексининг 353-моддаси ва Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 302-моддасида компьютер тизими ёки тармоғига рухсатсиз қира оладиган махсус воситаларни ишлаб чиқариш ёки сотиш учун, Грузия Жиноят кодексининг 286-моддасига асосан, компьютер маълумотларидан ва компьютер тизимини бузганлик учун, Украина Жиноят кодексининг 363<sup>1</sup>-моддасида электрон-ҳисоблаш машиналари, автоматлаштирилган тизимлар, компьютер тизими, тармоғи ёки электрон алоқа тармоғида электроналоқа хабарларини оммавий тартибда тарқатиш орқали уларнинг ишлашига халақит қилганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган<sup>2</sup>. Маълумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва раvon тилда баён этилади<sup>3</sup>. Бироқ, Жиноят кодекси 278<sup>3</sup>-моддасининг давлат тилидаги шакли матни жуда мураккаб ва тушунарсиз баён қилинганлиги бу борада бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 9-моддасига асосан, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Жиноят кодексининг 8-моддасига асосан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бироқ, жиноят қонунчилигининг ўзи икки хил тилдаги маънога эга бўлса ва турлича шарҳлаш имконини берса, бу орқали айбдорга қўлланилган жазо одилона бўлиши мумкинми? Фикримча, асло бунинг имкони йўқ. Шунга кўра, мазкур

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги Қонунининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 257-модда.

<sup>2</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги 160–II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–342-сонли Қонуни таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 333-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда.

модданинг давлат ва рус тилларидаги шакллариغا аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ.

Олим М.Ҳ.Рустамбоевнинг фикрларига асосан, мазкур жиноятни квалификация қилаётганимизда унинг ҳозирги кўринишига эътибор берган ҳолда, компьютер ахборотининг хавфсизлигини ва ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки уларнинг тармоқлари нормал ишлашини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлар деб таъриф берган<sup>1</sup>.

Жиноят кодексининг 278<sup>3</sup>-моддасида назарда тутилган “компьютер тизими”, “компьютер тизими ёки телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш” каби тушунчаларнинг моҳияти кодекснинг VIII бўлимида кўзда тутилмаган. Ваҳоланки, жиноят қонунчилигида назарда тутилаётган тушунчаларнинг мазмун-моҳияти кодекснинг VIII бўлимида назарда тутилган бўлиши керак.

Маълумки, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар ахборот технологияси, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари ахборот тизими<sup>2</sup>, узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи телекоммуникациялар тармоғи<sup>3</sup>, хусусий, умумий ва ишлоаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиш билан боғлиқ бўлган объектлар, ҳаракатлар, қоидалар, ахборотни яратиш, узатиш, бошқариш ва унга ишлов бериш билан боғлиқ бўлган барча технологиялар, коммуникация қурилмалари, шунингдек, уларни бирлаштирган соҳалар мажмуи<sup>4</sup>, тугунлар ва уларни бирлаштирувчи шохчалар чизмаси тармоқ<sup>5</sup>, маълум натижага эришиш учун бирлаштирилувчи бир бутун ёки жами турли хил объектлар сифатида ўрганилувчи ихтиёрий объект тизим<sup>6</sup> ҳисобланади. Бундан чиқадикки, мазкур биз шарҳлаётган жиноят қонунчилиги моддаси истаган ахборот технологияси ёки коммуникациялари орқали ёки уларга нисбатан содир этилиши мумкин, бунинг натижасида қонун билан ҳимояланган

<sup>1</sup> М.Ҳ. Рустамбоев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: “Адолат” нашриёти. 2016 й., 861-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-П-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги 822-И-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 9, 414-модда.

<sup>4</sup> Муаллифлар жамоаси: Д.Амиров ва бошқалар. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Қайта ишланган, тўлдирилган иккнчи нашри. – Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010 й., 31-бет.

<sup>5</sup> Ўша таҳрирда. 222-бет.

<sup>6</sup> Ўша таҳрирда, 238-бет.

хукуқларга путур етади. Шунга кўра, наздимизча, жиноят қонунчилигимизда компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш учун деб номланган ЖКнинг 278<sup>3</sup>-модданинг номини қайта кўриб чиқиш ва монография 1-иловасининг 52-бандида назарда тутилган таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш тартиби бўйича ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳали хануз ишлаб чиқилмаган, ваҳоланки, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими маазкур ҳолатни белгиловчи нормалар билан аниқланиши 2003 йилдаёқ қонун ҳужжатларимизда кўрсатиб қўйилган эди<sup>1</sup>. Шунга биноан, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режимини акс этувчи ягона ҳужжат ишлаб чиқиш, мазкур ҳужжатда ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, ҳимояланган тизим ҳуқуқий ҳолати, ахборот-коммуникация технологиялари, тизими, тармоғи, муҳофазаси каби тушунчаларнинг ягона таърифи, уларни қўллаш механизми, ахборот-коммуникация технологиялари, тизими ва тармоғига кирувчи технологияларнинг ягона реестри белгилаб қўйиш тақлиф этилади.

Мазкур жиноят қачонки ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғига қонунга хилоф (рухсатсиз) киришни кўзлаб ёки уларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш мақсадида махсус восита ишлаб чиқилган ёки тайёрланганидан бошлаб ёки сақлаш учун қабул қилинган ёхуд топширилганидан бошлаб ёки реклама қилиш учун жойлаштирилганидан ёхуд бошқа шахсга ўзга усулларда ўтказилган ёки ўзгача тарқатилган ёхуд улар орқали ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғининг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш бошланганидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Шунга кўра, ушбу жиноят фикримизча, объектив томондан ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғига қонунга хилоф (рухсатсиз) киришни кўзлаб ёки уларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш мақсадида махсус воситаларни тайёрлаш, сақлаш, ўтказиш, реклама қилиш, сотиш, тарқатиш ёки улар орқали ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғининг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш орқали содир этилади.

Мазкур жиноят субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади ва бунда жиноятчи ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғига қонунга хилоф (рухсатсиз) киришни кўзлаб ёки уларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш мақсадида махсус воситаларни тайёрлаётганлигини, сақлаётганлигини, уни ўзга шахсга ноқонуний ўтказаётганлигини, реклама қилаётганлигини, сотаётганлигини, тарқатаётганлигини ёки улар орқали ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғининг нормал

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-П-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

ишлашига тўсқинлик қилиши мумкинлигини англайди ва буни оқибатларини билган ҳолда шундай бўлишини хоҳлайди.

Шунга кўра, мазкур жиноятда кўзланган мақсад жиноятчи ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғига қонунга хилоф (рухсатсиз) киришни кўзлаб ёки уларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш мақсадида махсус воситаларни тайёрлаши, сақлаши, уни ўзга шахсга ноқонуний ўтказиши, реклама қилиши, сотиши, тарқатиши ёки улар орқали ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғининг нормал ишлашига тўсқинлик қилишида кўринади.

Жиноят субъекти борасида сўз кетганда миллий қонунчилигимиз бу борадаги жиноятларни 16 ёшга тўлган ақли расо шахс содир этсагина жавобгарликка тортиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади, бироқ бу тоифадаги жиноятларни 16 ёшдан кичик бўлган шахслар ҳам амалга ошириш мумкинлигини, ихтиро ёш танламаслигини, фуқаролик қонунчилигимиз бўйича 14 ёшдан катта, аммо 18 ёшдан кичик шахслар ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларининг розилигисиз ўз иш ҳақи ва бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга оширишга ҳақли<sup>1</sup> эканликларини инобатга олиб, ушбу жиноят учун жавобгарлик ёшини 14 ёш этиб белгилаш таклифини берамиз.

Жиноят кодексининг 16-моддасига асосан, ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Шунга кўра, юқорида саналган ҳолатлар, яъни жиноят таркиби бўлган, жиноят объекти, субъекти, объектив ва субъектив томонлардан бирининг мавжуд эмаслиги ушбу қилмишни миллий жиноят қонунчилигимиз билан жавобгарликка тортиш мумкин эмаслигини ифодалайди.

Мазкур жиноятнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши жиноятнинг Жиноят кодексининг 278<sup>3</sup>-моддаси иккинчи қисми бўйича жавобгарликка тортишни тақазо этади ва ушбу ҳолатлар жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-И-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-И-сонли қонунлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда.

тутилганлиги сабабли жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан ҳисобга олинмайди<sup>1</sup>.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жиноят агарда бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлиги жазонинг ЖКнинг 278<sup>3</sup>-моддасининг 2-қисмига мувофиқ тайинланишини талаб қилади, шунга асосан иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд ҳар қайси айбдорнинг жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини, шунингдек, ҳар қайси иштирокчининг шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар суд томонидан фақат шу иштирокчининг ўзига жазо тайинлашда ҳисобга олиши мақсадга мувофиқ.

Бу тоифадаги жиноятларни тергов қилиш жуда мураккаб бўлиб, иштирокчиликда бу тоифадаги шахслар томонидан ЖКнинг 278<sup>3</sup>-моддасида назарда тутилган жиноят содир этилган бўлса, судлар жазо тайинлашда бир гуруҳ шахслар томонидан ушбу жиноят олдиндан тил бириктирилган ёки тил бириктирилмаган, шунингдек, жиноят уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган ёки ўзгача ҳолатларда содир этилганлигини аниқлашлари жуда муҳим. Сабаби икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик ҳисобланади, бироқ икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади. Шунга кўра, судлар иккита жиноятчи агарда олдиндан тил бириктирмаган ҳолда мазкур жиноятни содир этган бўлса, бу жиноятчиларга нисбатан ЖКнинг 278<sup>3</sup>-моддасининг 1-қисмига мувофиқ жазо тайинлаши зарур.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жинойий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади. Уюшган гуруҳ манфаатлари қачонки унинг аъзолари томонидан эътироф этилган ёки уларнинг ушбу жиноят ёки ўзга жиноятни содир этишга кўмаклашиш мақсадида амалга оширилганлигини исботловчи ҳолатлар ва далиллар бўлсагина судлар бу каби ҳолатлар учун жазо ЖКнинг 278<sup>3</sup>-моддасининг 2-қисмига мувофиқ тайинланишини эътиборда тутишлари лозим. Сабаби ушбу жиноят бошқа бир жиноят амалга оширилиши учун

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда.

шарт-шароит яратиб бериши ва бу ўзга жиноятчилар учун қўл келиши мумкин.

Мазкур жиноят учун жазо тайинлашда ушбу жиноятнинг тайёргарлик кўриш ёки суиқасд этиш вақтини аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур ҳолатлардан бирида содир этилган бўлса, жиноят учун жазо ЖКнинг 278<sup>3</sup>-моддасининг санкциясида белгиланган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак, бундан оммавий қирғин қуроли яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган ускуналарни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлаш мустасно. Мазкур ҳолатда жиноятлар ушбу модда билан эмас, балки контрабанда билан боғлиқ модда, яъни Жиноят кодексининг 246-моддасига асосан жазо тайинланади<sup>1</sup>.

Жиноятнинг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилиши ва бунда жиноятчи ўзининг қилмишини амалга ошириш учун зарур билимга ҳамда имкониятларга эга бўла туриб, ўз қилмишини осонликча амалга ошириши мумкинлигини Қонун чиқарувчи ҳокимият олдиндан прогноз қилиб, бу каби қилмишлар учун Грузия, Хитой Жиноят кодекси бўйича хорижий тажрибаган таянган ҳолда жиноятчи ЖКнинг 278<sup>3</sup>-моддасининг 2-қисмига мувофиқ жавобгар бўлишини кўрсатиб ўтган. Бироқ, Украина, Белоруссия, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон<sup>2</sup> Жиноят кодексига асосан бу каби қилмишлар хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилмаган.

Маълумки, Жиноят кодексининг 55-моддаси биринчи қисмининг “а” ва “б” бандларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва ушбу Кодекс 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги керак. Шунингдек, Жиноят кодексининг 57-моддасига асосан, суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин. Суд шу асосларни эътиборга олиб, ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида қўлланилиши шарт деб кўрсатилган қўшимча жазони тайинламаслиги ҳам мумкин. Шунга кўра, бу тоифадаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланиши вақтида жиноятнинг ижтимоий хавфлилик масаласини бартараф қилиш учун, айбдор юқоридагилардан ташқари, ўзи яратган махсус қурилмаси орқали бирон бир жиноятни амалга оширмасдан, уни давлат хавфсизлиги органларига ихтиёрий топширганида ёки бу каби қилмишларни содр этиб юрган шахслар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2016 йил 29 июлдаги 13-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3036169>.

<sup>2</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

кўлидаги мавжуд махсус қурилмани яратган шахс, яъни дастурий маҳсулот муаллифи ўз хоҳишига асосан ўзга шахслар томонидан жиноят амалга оширилишининг олдини олиш ва уларни аниқлаш бўйича зарур чораларни кўриб, хавфсизлик органларига кўмаклашган, зарар келиб чиқишининг олдини олган ҳамда яратилган дастурий маҳсулот учун муаллифлик ихтиёрий равишда давлат тасарруфига берилишини таъминлаган ҳолатлар ҳам жиноятни енгиллаштирувчи ҳолат бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, Жиноят кодексининг 55-моддасининг биринчи қисмини монография 1-иловасининг 50-бандида назарда тутилган таҳрирдаги “к” банд билан ва 56-модда биринчи қисмини монография 1-иловасининг 51-бандида назарда тутилган “п” банд билан тўлдириш таклиф этилади.

### **III БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ ВА КИБЕРЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

#### **3.1-§. Кибержиноятлар учун жавобгарлик ва жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Кибержиноятлар учун жавобгарлик ва жазо тайинлашда уларни квалификация қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Сабаби кибержиноятнинг таркибини аниқлаш бу борадаги жиноятларни квалификация қилишда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Жиноят кодексининг 16-моддасига асосан, ушбу Кодекста назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади<sup>1</sup>.

Жиноят таркибини эса, жиноят қонунчилигида жиноят деб топиш учун зарур бўлган жиноят объекти, субъекти ва ушбу жиноятнинг объектив ва субъектив томонлари ташкил этади. А.С.Якубовнинг фикрича эса, жиноят таркиби жиноят қонунчилигида аниқ бир ижтимоий хавfli қилмишни жиноят деб таърифловчи энг кам ва етарли объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидир<sup>2</sup>. Жиноят томонлари албатта ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиши зарур. Энг ками дегани ушбу қилмишда жиноят таркибининг зарурий элементларидан ҳеч бўлмаганда бири бўлмаган тақдирда шахсни жинoий жавобгарликка торитиш мумкин эмаслигини ифодалайди<sup>3</sup>.

Кибержиноятнинг таркибини аниқлаштиришда олимлар фикрлари ҳам турличадир, хусусан, кибержиноятнинг қай тариқа содир этилиши хусусида А.Норов кибержиноят инсонлар томонидан бойлик орттириш ёки бошқа ғаразли мақсадларда ахборот технологияларидан ноқонуний фойдаланган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар.

<sup>2</sup> А.С.Якубов. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы. – Т.: 1996. –95 с.

<sup>3</sup> Муаллифлар жамоаси. А.С.Якубов, Р.Кабулов, З.С.Зарипов, М.М.Қодиров, Қ.Мирзажанов, Б.А.Миренский, Ю.С.Пулатов, А.А.Отажанов. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. // –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 91 б.



ҳолда содир этилган хавфли жиноятдир деган фикр юритади<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам, ушбу жиноятда ғараз бўлади ва қилмиш тўғри қасддан содир этилади. Ушбу ҳолат хусусида ҳам олимлар турлича тушунтириш беришган, аксарият олимлар бундай жиноятнинг содир этилишида айб кўпинча эҳтиётсизлик ёки эгри қасд билан тавсифланади, дейдилар<sup>2</sup>. Н.И.Коржанский ушбу жиноят кўпинча бепарволик оқибатида содир этилади, деб ҳисобласа<sup>3</sup>, Д.И.Элмурзаев Россия Федерациясининг қонунчилигига асосан шахс қасддан таҳдид ва ғараз ниятида ушбу жиноят содир этади, деб тушунтириш беради<sup>4</sup>, А.Н.Прикмета ҳақиқатан ҳам ушбу жиноятларнинг субъектив томонини айбнинг тўғри қасддан содир этилгани ташкил этади деб таъкидлайди<sup>5</sup>, А.А.Цыркалюк эса, ушбу жиноятларнинг ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизликдан содир этилиши ҳақида сўз юритади<sup>6</sup>, М.В.Арзамасцевнинг фикрига кўра, ушбу жиноятларнинг субъектив томондан қай тариқа содир этилиши етарлича жиноят қонунчилигида кўрсатиб берилмаган деб таъкидласа<sup>7</sup>, А.Наумов, Б.Здравомыслов, И.Козаченко, З.Незнамов ушбу жиноятларнинг субъектив томонини бевосита эгри қасд билан таърифлайди<sup>8</sup>. Фикримизча эса, олим Д.И.Элмурзаев, А.Н.Прикмета ва А.Норовнинг фикрларига кўшилиш керак, сабаби кибержиноятчи олдиндан қандай мудҳиш жиноят содир этаётганини билади, хатто жабрланувчи билан ўзаро курашда унинг ютқазишини таъминлаш мақсадида унга турли хил ҳужумларни ўзи хоҳлаб, онгли равишда унга қандай зарар келтираётганини билган ҳолда амалга оширади. Хатто, баъзи ҳолларда, бундан ғурурланиш ҳиссигача боради. Биз ушбу ҳолатни тушунтиришимиз учун истаган Интернет кафеларда ўтирган болаларнинг ўзаро гуруҳ шаклида, уларнинг соғлиғи ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган интернет ўйинларини ўйнашлари ва ўзларининг мақсадини амалга ошириш, ўйинда ғолиб бўлиш ҳамда ҳимояланиш учун қандай чораларни кўраётганлиги билан боғлиқ визуал ҳолатни кўз олдимизга келтирсак, ушбу жиноятни ҳақиқатан ҳам тўғри қасддан содир этилишлигини билиб олишимиз мумкин.

Юқоридаги фикрларнинг исботи сифатида Озорбойжон жиноят қонунчилигида ҳам ушбу жиноят субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади, жиноятчи мазкур жиноятни содир этишни тўғридан-тўғри ният

<sup>1</sup> А.Норов. Ахборот хавфсизлиги – давр талаби. – Қарши. Қашқадарё газетаси. 25.07.2019. Манба: <http://qashqadaryogz.uz/oz/read/akhborot-khavfsizligi-davr-talabi>.

<sup>2</sup> Д.С.Злыденко. Категории преступлений и их субъекты: Уголовно-правовые аспекты тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук.– Краснодар. 2003., –52 с.

<sup>3</sup> Н.И.Коржанский. Квалификаций преступлений против личности и собственности. –Волгоград, 1984., –с.18.

<sup>4</sup> Д.И.Элмурзаев. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –М.: 2004. –24 с.

<sup>5</sup> А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 29.

<sup>6</sup> А.А.Цыркалюк. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –Тамбов, 2011, –10 с.

<sup>7</sup> М.В.Арзамасцев. К вопросу об уголовно-правовой классификации киберпреступлений. –М.: Уголовное право. Актуальные вопросы права и отраслевых наук: 1(3)/2017. – С. 12.

<sup>8</sup> А.С.Абдуллаев. Уголовно-правовой и криминологический анализ надругательства над телами умерших и местами их захоронения тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук. – Махачкала. 2002., – С. 168.

билан тавсифланади. Шундай қилиб, компьютер тизимига ёки унинг бир қисмига ноқонуний равишда кирган киши ўз ҳаракатларининг ноқонунийлиги ва ижтимоий хавфлилигини билади ва уни ўзи хоҳлайди. Шунингдек, бу ерда ёки бошқа шахсий мақсадларда сақланадиган компьютер маълумотларини олиш учун киши ўзга шахсининг компьютер тизимига кириши керак<sup>1</sup>.

Кибержиноятчиликнинг субъекти хусусида ҳам олимларнинг фикрлари турличадир, мисол учун Э.Харина<sup>2</sup>, И.Глотина<sup>3</sup> техник имкониятларни билишга қодир истаган шахс–махсус субъект ушбу жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар, В.Робулнинг фикрига асосан, истаган фойдаланувчи жиноят субъекти бўлиши мумкин<sup>4</sup>, А.Г.Волеводз эса, вояга етган ва ахборот технологиялари ва коммуникациялари бўйича мутахассис ушбу жиноятнинг субъекти деб атайди<sup>5</sup>, Н.Лимож, М.Косовичнинг фикрига кўра эса, ахборот технологияси ва коммуникация воситалари ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган шахслар ҳам, кибержиноятчиликнинг субъекти бўлиши мумкин ва бунда уларнинг ёши аҳамиятга эга эмас, деб ҳисоблайдилар<sup>6</sup>.

Бизнинг фикримизча эса, Жиноят кодексининг 17-моддасига асосан, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортилишини ва ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари бўйича тўлиқ билимга эга бўлмаган шахслар ҳам кибержиноятчиликни содир этиши мумкинлигини инобатга олиб айтадиган бўлсак, миллий қонунчилигимизга кибержиноятчилик тушунчаси ва механизми киритилса, бу жиноят субъектининг ёшини 16 ёшга тўлган ҳақ қандай ақли расо шахсни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги ҳолатларнинг исботи сифатида айтиб ўтишимиз жоизки, Озорбойжон жиноят қонунчилигида ҳам ушбу ҳолат кузатилади, яъни ушбу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахсдир. Бу компьютер тизимига ёки унинг қисмига кириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан амалга оширилади<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Характеристика киберпреступлений против банковской деятельности в законодательстве Азербайджанской Республики. Евразийский юридический журнал. № 6 (85) 2015. <http://www.eurasiafinace.ru/naunye-stati/item/914-kharakteristika-kiberprestuplenij-protiv-bankovskoj-devatelnosti-v-zakonodatelstve-azerbajdzhanskoj-respubliki.html>.

<sup>2</sup> Э.Харина. Киберпреступления: уголовно–правовой и криминалистический аспект. –М.: Вестник университета имени О.Е. Кутафина, № 5. 2017. –169 с.

<sup>3</sup> И.Глотина. Киберпреступность: основные проявления и экономические последствия. –М.: Вопросы экономики и права. № 8. 2014. –12 с.

<sup>4</sup> В.И.Робул. К вопросу о проблемах расследования киберпреступлений. // Научное сообщество студентов: Междисциплинарные исследования: сб. ст. по мат. LVI междунар. студ. науч.-практ. конф. № 21(56). URL: [https://sibac.info/archive/meghdis/21\(56\).pdf](https://sibac.info/archive/meghdis/21(56).pdf).

<sup>5</sup> А.Г.Волеводз. Конвенция о киберпреступности: новации правового регулирования. –М.: Правовые вопросы связи. 2007. № 2. – 17-25 с.

<sup>6</sup> Н.Лимож, М.Косович. Киберпреступления: особенности совершения и предупреждения. Манба: [http://bii.by/tx\\_dll?id=301093](http://bii.by/tx_dll?id=301093).

<sup>7</sup> Характеристика киберпреступлений против банковской деятельности в законодательстве Азербайджанской Республики. Евразийский юридический журнал. № 6 (85) 2015. <http://www.eurasiafinace.ru/naunye-stati/item/914-kharakteristika-kiberprestuplenij-protiv-bankovskoj-devatelnosti-v-zakonodatelstve-azerbajdzhanskoj-respubliki.html>.

Шунингдек, А.Н.Прикмета ҳам ушбу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахс деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Кибержиноятчиликнинг объекти хусусида ҳам олимлар турлича ўз муносабатларини билдиришади, хусусан, А.Г.Волеводз фикрига кўра, жиноят қилиш мақсадида қонунга хилоф равишда ахборотларга эга бўлиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга оид ҳуқуқий муносабатлар ушбу жиноятнинг объектини ташкил қилади<sup>2</sup>, фикримизча, кибержиноятчилик объекти кенгроқдир, сабаби ушбу жиноят субъекти мазкур жиноятни амалга ошириш учун фойдаланувчига оид бирон бир маълумотлардан ташқари, унинг мулкига ҳам таъсир кўрсатиш чораларини кўради.

В.Робулнинг фикрига асосан, ахборот тизими, ахборот маълумотлари ва ахборот-коммуникация тармоғи кибержиноятнинг объекти ҳисобланади<sup>3</sup>.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга асосан, ахборот тизими – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларидир<sup>4</sup>.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан, ахборот маҳсулотлари (маҳсулот) — фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ тайёрланган ва фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ёки қўлланиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот ҳисобланади<sup>5</sup>.

“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунга асосан, телекоммуникациялар тармоғи – узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуидир<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 30 с.

<sup>2</sup> А.Г.Волеводз. Противодействие компьютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. – М.: ООО “Издательство “Юрлитинформ”, 2001. – 57, 60 с.

<sup>3</sup> В.И.Робул. К вопросу о проблемах расследования киберпреступлений. // Научное сообщество студентов: Междисциплинарные исследования: сб. ст. по мат. LVI междунар. студ. науч.-практ. конф. № 21(56). URL: [https://sibac.info/archive/meghdis/21\(56\).pdf](https://sibac.info/archive/meghdis/21(56).pdf).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-П-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

<sup>5</sup> Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 17-модда.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги 822-І-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 9, 414-модда; 2011 йил, № 12/2, 366-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда.

В.Робулнинг фирқларига қўшилган ҳолда, унга қўшимча равишда ахборот-коммуникациялари орқали ахборотга эга бўлиш, уни қайта ишлаш, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот-коммуникация ва рақамлаш тизими ҳам ушбу жиноятнинг объекти бўлиши мумкин.

М.Назыковнинг фикрига асосан, бугунги кунда ушбу жиноятнинг объектини турли хил мамлакатларнинг фуқаролари, бизнес ташкилотлари ва хайрия фондлари, институтлар ва органлар, шунингдек, тижорат ёки маданий фаолиятни амалга ошириш, Интернетда сиёсий жараёнларни ва давлат ҳокимиятини бошқариш жараёнларида иштирок этувчи давлат хизматчилари ташкил этади<sup>1</sup>.

Фикримизча эса, М.Назыковнинг фирқларига қўшилиб бўлмади, сабаби кибержиноятнинг объекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, жинорий тажовузлар шуларга қаратилган бўлади<sup>2</sup>.

Озорбойжон жиноят қонунчилиги бўйича ушбу жиноят объектини жамоатчилик билан алоқалар, ошкор этилиши ва махфий сақланиши лозим бўлган компьютер маълумотлари ташкил этади<sup>3</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу таъкидланган муносабатлар, мазкур жиноятнинг объектини ташкил этади, аммо кибержиноят юқорида таъкидлаганимиздек, кенгроқ тушунча бўлганлиги сабабли, ушбу давлатнинг жиноят қонунчилигида кўрсатилган жиноят белгилари мазкур жиноят объектига тегишли белгилардан эканлигини таъкидлаш, фикримизча, ўринлидир.

А.Н.Прикмета мазкур жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини, шунингдек, маълумотлардан қонуний ва хавфсиз фойдаланишга оид муносабатлар ташкил этади, деб таъкидлайди<sup>4</sup>. Биз, мазкур, фикрларга тўлиқ қўшилолмаимиз, сабаби кибержиноят ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали содир этилган тақдирдаги ёки улар билан ҳимояланадиган тизимни бузиб кириш орқали содир этилгандаги ушбу жиноятларни кибержиноят деб аташимиз мумкин, қолган ҳолларда, бошқача усуллар билан мазкур ижтимоий муносабатларга нисбатан қилинган тажовуз ёки тажовузкорноа ҳаракат кибержиноят ҳисобланмайди ва бунда жиноятнинг қандай усулда содир этилгани ёки қай

<sup>1</sup> М.А.Назыков. Борьба российской федерации против киберпреступности на национальном и международном уровне. Направление 41.04.04 – «Международные отношения» Основная образовательная программа магистратуры «Мировая политика». – Санкт-Петербург. 2018. – с.18.

<sup>2</sup> Муаллифлар жамоаси: А.С.Якубов, Р.Кабулов, З.С.Зарипов, М.М.Қодиров, Қ.Мирзаянов, Б.А.Миренский, Ю.С.Пулатов. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълимнинг 380000 – “Ҳуқуқ” соҳаси 5380100 – “Юриспруденция” йўналиши бўйича дарслик сифатида рухсат берилган. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2009. – 111 б.

<sup>3</sup> Характеристика киберпреступлений против банковской деятельности в законодательстве Азербайджанской Республики. Евразийский юридический журнал. № 6 (85) 2015. <http://www.eurasiainace.ru/naunye-stati/item/914-kharakteristika-kiberprestuplenij-protiv-bankovskoj-devatelnosti-v-zakonodatelstve-azerbajdzhanskoj-respubliki.html>.

<sup>4</sup> А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 30 с.

мақсадда содир этиганип аҳамиятга эга эмас. Энг муҳими, ахборот технологияси ва коммуникацияси билан ҳимояланмаган тизимга оид муносабатларми, бўлди, мазкур ижтимоий қилмишларни биз кибержиноятларга алоқадор деган фикрга келишимиз ва шу асосда мазкур жиноятларни квалификация қилишимиз мумкин.

Мазкур жиноятлар объектив томондан турлича усуллар орқали содир этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, олимлар ушбу жиноятнинг объектив томони ҳақида сўз юритишар экан, мазкур жиноятнинг объектив томони ҳақида турлича тушунтириш берадилар. Жумладан, А.Г.Волеводз фикрига кўра, объектив томондан ушбу жиноят ҳар доим муайян ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ва компьютерда сақланиши мумкин бўлган маълумотларга ноқонуний кириш орқали содир этилади<sup>1</sup>, А.Тер-Акопованинг фикрига кўра, ушбу жиноят объектив томондан жисмоний, ахборот ва норматив-дастурий асосда амалга оширилади<sup>2</sup>, М.В.Арзамасцевнинг фикрига кўра, ушбу жиноятларнинг қай тариха содир этилиши жиноят қонунчилигида белгилаб қўйилади<sup>3</sup>,

Озорбойжон жиноят қонунчилиги бўйича ушбу жиноят объектив томонини жамоатчилик билан алоқалар, ошкор этилиши ва махфий сақланиши лозим бўлган компьютер маълумотларининг бузилиши ташкил этади<sup>4</sup>.

Олим А.Н.Прикмета мазкур жиноятнинг объектини бу компьютер дастурларини ёки компьютер маълумотларини рухсатсиз йўқ қилиш, блокировкалаш, ўзгартириш, нусхалаш ёки компьютер маълумотларини ҳимоя қилиш воситаларини зарарсизлантиришга оид муносабатлардир деб тушунтириш беради<sup>5</sup>.

2001 йил 23 ноябрдаги Кибержиноятчилик бўйича Будапешт конвенциясида кибержиноятнинг субъекти ақли расо вояга етган истаган шахс бўлиши мумкин деб тушунтириш берилган. Шунингдек, мазкур конвенцияга асосан, кибержиноятларнинг объекти ишлаб чиқариш, йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, қидириш, узатиш, тарқатиш ва бошқа функцияларни амалга оширувчи, истемол бўйича ахборот жараёнларини амалга оширишга ихтисослашган компьютер техникаси ёки унинг қисми, тизими ва тармоқлари оид ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Объектив томондан ушбу жиноятлар яхлит, бут, ўзга шахс учун сир маълумотлар ва тизимни бузиш орқали, компьютер билан, компьютер қисми, контент билан,

<sup>1</sup> А.Г.Волеводз. Противодействие компьютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. – М.: ООО “Издательство “Юрлитинформ”, 2001. – С. 57, 60.

<sup>2</sup> Тер-Акопов, А. А. Преступление и проблемы нефизической причинности в уголовном праве: монография [Текст] / А. А. Тер-Акопов. – М.: «ЮрКнига», 2003. – 480 с.

<sup>3</sup> М.В.Арзамасцев. К вопросу об уголовно-правовой классификации киберпреступлений. – М.: Уголовное право. Актуальные вопросы права и отраслевых наук: 1(3)/2017. – С. 12.

<sup>4</sup> Характеристика киберпреступлений против банковской деятельности в законодательстве Азербайджанской Республики. Евразийский юридический журнал. № 6 (85) 2015. <http://www.eurasiainace.ru/naunye-stati/item/914-kharakteristika-kiberprestuplenij-protiv-bankovskoj-deyatelnosti-v-zakonodatelstve-azerbajdzhanskoj-respubliki.html>.

<sup>5</sup> А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 30 С.

муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузиш орқали содир этилади. Ушбу жиноятнинг субъекти юқорида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширган истаган шахс бўлиши мумкин. Конвенцияда назарда тутилган барча жиноятлар фақат қасддан содир этилган тақдирда жавобгарликка сабаб бўлади<sup>1</sup>.

И.Г.Чекуновнинг фикрига кўра, зарарли компьютер дастурлари орқали компьютер тармоғига ёки уяли алоқа операторига уланган дастурий таъминотга кириш орқали содир этилади<sup>2</sup>.

Юқоридагиларга қўшилган ҳолда, уни қисқа қилиб, ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали ҳимояланган ижтимоий муносабатлар кибержиноятларнинг объектини ташкил этади, деб аташимиз мумкин. Шунга кўра, мазкур ижтимоий муносабатларга эса, қилинган хужум тавсифи кибержиноятларнинг объектив томонини кўсатади. Кибержиноятчиликнинг турлари ва шакллари турлича бўлганлиги сабабли ҳам унинг объектив томонини аниқ кўрсатиш мураккаб ва ҳар бир кибержиноятнинг тури бўйича объектив томон жиноят содир этилиши шаклига қараб турлича ифодаланади. Шу ўринда табиий савол туғилади, нима сабабдан мазкур жиноятлар кўпайиб кетмоқда, Олим А.Расулев, кибержиноятчиликнинг вужудга келишига сабаб сифатида фойдаланувчиларнинг бепарволиги, уларнинг етарлича билимга эга эмаслиги ва ҳуқуқбузарлик содир этганларнинг жавобгарлигини таъминловчи ҳуқуқий механизмнинг кучсизлиги деб кўрсатади. Ушбу фикрларга қисман қўшилган ҳолда, айтишимиз зарурки, кибержиноятчи учун фойдаланувчининг етарлича билимга эга эканлиги, унинг эътиборли бўлишлиги ва ҳуқуқбузарлик содир этганларнинг жавобгарлигини таъминловчи ҳуқуқий механизмнинг кучсизлиги иккиламчи аҳамиятга эга. Сабаби кибержиноятчи ўз жиноятини содир қилиш учун олдиндан тайёргарлик кўради ва ўзининг ўлжаси деб ҳисобланган фойдаланувчининг қурилмасидаги нозик жиҳатларини ўрганади, қандай ҳимояга эга бўлса, шундан ҳам кучлироқ зарарловчи дастур яратади ҳамда ҳимояланган тизимни бузади.

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз керакки, мазкур жиноятлар ўзининг оғир оқибатларга олиб келиши билан ҳамда кам масъулиятни олган ҳолда, тезкор равишда кўп фойдага олиб келиши билан бошқа жиноятларга нисбатан алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу сабабли ҳам тергов жараёнида ушбу жиноятнинг қайси ҳудуддан ва қачон содир этилгани ҳамда мазкур жиноятга оид изларнинг тезкорлик билан йўқ қилиниши мумкинлигига эътибор қаратиш жоиз.

<sup>1</sup> Convention on cybercrime. Budapest, 23.XI.2001. Манба: [http://www.europarl.europa.eu/meetdocs/2014\\_2019/documents/libe/dv/7\\_conv\\_budapest\\_/7\\_conv\\_budapest\\_en.pdf](http://www.europarl.europa.eu/meetdocs/2014_2019/documents/libe/dv/7_conv_budapest_/7_conv_budapest_en.pdf).

<sup>2</sup> И.Г.Чекунов. Криминологическое и уголовно-правовое обеспечение предупреждения киберпреступности: автореферат дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. –М, 2013. – 7 с.

### 3.2-§. Кибержиноятлар профилактикаси ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари

Жиноят ҳуқуқида кибержиноятчиликнинг ҳуқуқий оқибати у туфайли келиб чиққан зарар ва бой берилган фойда билан ўлчанади. Бу зарар ёки бой берилган фойда нафақат моддий, балки шахсий номулкый, маънавий зарардан ҳам иборат, энг ачинарлиси инсонларнинг тақдири билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин. Стастик маълумотларга қараганда ҳозирги вақтда 7 млрд.га яқин инсон электр алоқасининг кўчма тармоқлари билан қамраб олинган ва йилига кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ЯИМнинг 1 фоизини ташкил этади<sup>1</sup>. 2019 йилда жаҳондаги компаниялар кўрадиган киберхужумлар оқибатида кўрган зарар 2018 йил билан таққослаганда 1,6 мартага ошди, агар 2018 йилда киберхужумлар оқибатида кўрилган зарар миқдори 1,5 трлн долларни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу рақам 2,5 трлн долларни ташкил этди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, экспертларнинг таъкидлашича, киберхужумлар кўлами йилдан-йилга ортиб бораверади ва 2030 йилда бунинг оқибатида жаҳон иқтисодиёти 120 трлн. доллар миқдоридан зарар кўради<sup>2</sup>.

Киберхавфнинг қанчалик зарарли эканлигини кўриб ўтадиган бўлсак, биргина мисол, Киберхужумлар бўйича хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро Symantec Security ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирда ҳар секунда дунёдаги 12 нафар инсондан биттаси киберхужум қурбони бўлмоқда ва дунёда ҳар йили 556 млн. дан кўпроқ киберхужум уюштирилади ҳамда бунда жабрланувчилар кўрадиган зарар миқдори 100 млрд. АҚШ долларида кўпроқдир<sup>3</sup>.

Cybersecurity Ventures халқаро экспертларнинг фикрича эса, дунё бўйлаб ҳар ҳар 14 сонияда битта киберхужум содир этилмоқда, Жаҳон иқтисодий форумининг прогнозига кўра, киберхужумлар натижасида 2022 йилда дунё 8 трлн. доллар миқдоридан зарар кўради<sup>4</sup>.

Ўзбекистон киберхужумга учраётган давлатлар рейтингида 68 ўринни, Осиё давлатларида эса, 3 ўринни эгаллайди<sup>5</sup>.

Статистик кўрсаткичларга қараганда Ўзбекистонда “uz” доменида ўзининг интерактив хизмат ва ахборотларини таклиф этаётган 66 мингдан зиёд сайт бўлиб, 2018 йилда “uz” доменида жойлашган ушбу сайтларга жами 475 марта хуруж уюштирилган. Шундан 223 таси сайтларнинг бош саҳифасини ўзгартириш, 245 таси контентни берухсат юклаб олиш билан

<sup>1</sup> А.Расулев. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашининг жиноят-ҳуқуқий ва кримнологик чораларини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича докторлик диссертация автореферати. – Т.: 2018 й., – 5 б.

<sup>2</sup> Interpress.uz веб-сайтидан: Киберхужумлардан кўрилаётган зарар ортиб бормоқда. <http://interpress.uz/archives/4170>.

<sup>3</sup> Д.Н.Карпова. Киберпреступность: глобальная проблема и ее решение. – М.: Власть. 2014. (№8). –46 с.

<sup>4</sup> [https://www.tadviser.ru/index.php/%D0%A1%D1%82%D0%B0%D1%82%D1%8C%D1%8F:%D0%9F%D0%BE%D1%82%D0%B5%D1%80%D0%B8\\_%D0%BE%D1%80%D0%B3%D0%B0%D0%BD%D0%B8%D0%B7%D0%B0%D1%86%D0%B8%D0%B9\\_%D0%BE%D1%82\\_%D0%BA%D0%B8%D0%B1%D0%B5%D1%80%D0%BF%D1%80%D0%B5%D1%81%D1%82%D1%83%D0%BF%D0%BD%D0%BE%D1%81%D1%82%D0%B8.](https://www.tadviser.ru/index.php/%D0%A1%D1%82%D0%B0%D1%82%D1%8C%D1%8F:%D0%9F%D0%BE%D1%82%D0%B5%D1%80%D0%B8_%D0%BE%D1%80%D0%B3%D0%B0%D0%BD%D0%B8%D0%B7%D0%B0%D1%86%D0%B8%D0%B9_%D0%BE%D1%82_%D0%BA%D0%B8%D0%B1%D0%B5%D1%80%D0%BF%D1%80%D0%B5%D1%81%D1%82%D1%83%D0%BF%D0%BD%D0%BE%D1%81%D1%82%D0%B8.)

<sup>5</sup> <https://cybermap.kaspersky.com/ru/stats/>.

боғлиқ бўлиб, таҳдидларнинг 14 таси давлат ташкилотлари веб-сайтларига бўлганлиги масалага жиддий ёндашиш кераклигини кўрсатади<sup>1</sup>.

UZCERT-Ахборот хавфсизлиги инцидентларига чора кўриш хизматининг маълумотларига кўра, давлат органларининг ахборот тизимларида 2018 йил ва 2019 йил биринчи чорагида ахборот хавфсизлиги ҳодисалари мониторинги ўтказилганида 54.953.759 та ахборот хавфсизлиги бузилиши аниқланган бўлиб, улардан 2.502.353 тасининг хавфи юқори даража бўлган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат орган бўлиб, унинг маълумотларига кўра, жорий 2019 йилнинг 1 январь кунидан бошлаб 26 июнь кунига қадар агентлик томонидан мазкур қонун асосида ўтказилган мониторингда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи 815 та ҳолат аниқланган ва бу кўрсаткич ўтган 2018 йилда 897 тани ташкил этган<sup>3</sup>.

Юқорида келтирилган зарарни фақатгина ҳар бир мамлакатда хавфсиз кибермаконни яратишга оид ислохотлар орқали камайтириш имкони мавжуд. Ушбу ислохотлар айнан нимадан бошланиши зарурлиги ҳақида ҳар ким турлича тушунтириш беришга ҳаракат қилиб кўради, хусусан, олим В.С.Харламовнинг фикрича, ушбу муаммонинг ягона ечими кибержиноятчилик тушунчасини мамлакат жиноят қонунчилигига киритиш керак<sup>4</sup>. Ҳақиқатан ҳам, жиноят қонунчилигимизга ушбу тушунча киритилиши лозим. Биргина мисол, Болгария жиноят кодексининг 319<sup>a</sup>-319<sup>f</sup>-моддаларини бирлаштириб турган боб кибержиноятлар деб номланади, Грузиянинг жиноят кодексининг 284-286-моддаларини ўзида бирлаштирган 35-боб “Кибержиноятлар”, деб номланади, 324-1-моддасида кибертерроризм учун жиной жавобгарлик белгиланган, Белеруссия жиноят кодексининг 24-бобининг 1-изоҳ қисмида компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда мулкка зарар кетирганлик, Дания жиноят кодексининг 279-а-моддасида, Франция жиноят кодексининг 263а-моддасида, Эстония жиноят кодексининг 268-моддасида компьютер фирибгарлиги, Италия жиноят кодексининг 640-ter-моддасида компьютер тизимларига аралашганлик, Хитой Халқ Республикаси Жинойт кодексининг 287-моддасида ўзгалар мулкни компьютер орқали талон-тарож қилганлик, Нидерландия Жинойт кодексининг 138ab-моддасининг “а” бандининг учинчи хатбошисида виртуал фирибгарлик, Польша Республикаси Жинойт

<sup>1</sup> С.Турсунов. Киберхужумлар: янги замоннинг янги таҳдидлари. Манба: <http://mahalladosh.uz/post?id=6134#>.

<sup>2</sup> С.Садиков. Кибербезопасность Узбекистана в цифрах: итоги 2018 года. // <https://uzcert.uz/blog/saidakbar/kiberbezopasnost-uzbekistana-v-tsifrah-itogi-2018-goda/>.

<sup>3</sup> Муаллифнинг сўровига жавобан юборилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги 2019 йил 2 июлдаги 14/2-2187-сон хати.

<sup>4</sup> В.С.Харламов. Теория и практика противодействия преступному насилию в семье (системное криминологическое и уголовно-правовое исследование). Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Санкт- Петербург. 2019. –721 с.



кодексининг 287-моддасида компьютер ахборотини модификация қилганлик, ўзгартирганлик, йўқ қилганлик, фирибгарлик қилганлик, Украина Жиноят кодексининг 190-моддаси 3-қисмида электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида ноқонуний операцияларни амалга оширганлик, Жанубий Корея Жиноят кодексининг 247-2-моддасида техник воситалар, шунингдек, компьютер орқали маълумотларни ноқонуний равишда эгаллаганлик, уларни сохталаштирганлик, ноқонуний равишда қайта ишлаганлик, Испания Жиноят кодексининг 478-моддасида компьютер маълумотлари ва компьютер воситасида савдо сирларини ўз ичига олган маълумотларга рухсатсиз кирганлик, Финландия Жиноят кодексининг 30-боби 4-моддаси 1-бандида компьютер тизимига ноқонуний равишда кирган ҳолда савдо сирларини ўғирлашга оид жосуслик қилганлик, Швейцария Жиноят кодексининг 143-моддасида электрон усулда санот жосуслиги, Австрия Жиноят кодексининг 148а-моддасида махсус дастурлардан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган қайта ишлаш жараёнларига таъсир ўтказганлик, маълумотларни киритганлик, уларни ўзгартирганлик, йўқ қилганлик ёки бу жараёнларга ўзгача усулларда таъсир кўрсатиб, ўзи ёки ўзга шахслар учун ноқонуний равишда фойда келтириб жабрланувчига мулкый зарар келтирганлик<sup>1</sup> учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Олим В.С.Харламовнинг фикрларига қарама-қарши равишда У.Зинина мазкур тушунчанинг ўрнига компьютер ахбороти тушунчасини жиноят қонунчилигига киритиш ва бунинг учун алоҳида жавобгарлик белгилаб қўйиш зарур деб ҳисоблайди<sup>2</sup>.

Юқоридаги икки олим фикрларини умумлаштирган ҳолда Я.Попыева иккала тушунча ҳам фанга киритилиши ва бу бўйича жиноят қонунчилигида уларнинг механизми ва бунинг учун жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ деб тушунтириш беради<sup>3</sup>.

М.А.Ефремова эса, юқоридаги фикрлардан умуман ўзгача фикрлаган ҳолда, электрон ахборот тушунчасини жиноят қонунчилигига киритиш ва унга оид истаган жиноят қонунчилиги билан кўриқланадиган ахборотнинг бузилиши жиноят деб аталашини ва бу бўйича давлатлар қонунчилигини тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблайди<sup>4</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, айтишимиз жоизки, 1978 йилда Италия, 1979 йилда Австралия, 1981 йилда Буюк Британия, 1980 йилда АҚШ, 1985 йилда Дания ва Канада, 1986 йилда Германия, 1987 йилда Австрия, Япония ва Норвегия, 1988 йилда Франция ва Грециянинг жиноят ва маъмурий қонунчилигида

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>2</sup> У.В.Зинина. Преступления в сфере компьютерной информации в российском и зарубежном уголовном праве. Специальность 12.00.08 – уголовное право и криминология: уголовно-исполнительное право. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата юридических наук. – М.: 2007. – 13-14 с.

<sup>3</sup> Я.А.Попыева. Криминалистическое исследование средств совершения компьютерных преступлений. Бакалаврская работа. – Томск. 2016. – 40 с.

<sup>4</sup> М.А.Ефремова. Уголовно-правовая охрана информационной безопасности. Специальность: 12.00.08 – «Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право». Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – М.: 2017. – 365 с.

ушбу тушунча белгиланган<sup>1</sup> бўлса, бизда ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини тартибга солилмаганлиги орқали айтишимиз зарурки, Ўзбекистон маъмурий ва жиноят қонунчилигида ҳам киберхавфсизлик, кибержиноят, кибермакон каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва уларга оид жиноят қонунчилигимиз билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар келтирганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, электрон ахборот бўйича олим М.А.Ефремованинг таклифига тўлиқ қўшилишнинг имкони йўқ, сабаби агарда бутун дунёдаги давлатларнинг жиноят қонунчилигига электрон ахборотнинг бузилиши бўйича жавобгарликни белгилаб қўйган билан масала тўлиқ ҳал этилмайди, сабаби кибержиноят электрон бўлмаган, мураккаб кўринишларда ҳам содир этилиши мумкин, оддийгина бир мисол, банкоматдаги ўғирлик учун фақатгина электрон ахборотнинг ўзгартирилганлиги ёки модификация қилинганлиги билан жиноятни тугаллаш доим ҳам имконсиздир.

Юқоридаги фикрларимизни умулаштирган ҳолда, Россия тарихига назар ташласак, Л.В.Григорьева 1996 йилда, В.С. Карпов 2002 йилда, Т.Л.Тропина 2005 йилда берган таклифи натижасида 2012 йил 29 ноябрь куни Россия Жиноят кодексига 159.6-модда компьютер ахбороти соҳасидаги фирибгарлик (компьютер фирибгарлиги) киритилди.

Шунга асосан, таклиф сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссияга киберқотиллик, кибертехнологиялар орқали шахсни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, киберсуицид, кибертахдид, кибертехнологиялардан фойдаланиб фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, кибертуҳмат, киберҳақорат, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, алоқа, телекоммуникация ва бошқа ахборот-коммуникация технологиялари орқали хат-хабар алмашув, сўзлашувлар ва бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, кибертехнологиялардан фойдаланиб виждон эркинлигини бузиш, кибертехнологиялар орқали ахборот-коммуникация технологияларига оид муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш, кибертехнологиялардан фойдаланиб пора олиш ёки пора бериш ёхуд воситачилик қилиш, кибертехнологиялар орқали давлат рамзларига хурматсизлик қилиш, кибертехнологиялар орқали тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш, кибертехнологиялар орқали суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш, кибертехнологиялар орқали ёлғон маълумотлар тарқатиш,

<sup>1</sup> А.Э.Побегайло. Борьба с киберпреступностью: учебное пособие. – М.: Университет прокуратуры Российской Федерации, 2018. –13 с.

кибертехнологиялар орқали валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш, кибертехнологиялар орқали электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш, кибердоришunosлик, ноқонуний кибертадбиркорлик, кибер “молиявий пирамида”, кибертехнологиялар орқали қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошқор қилиш ёки ундан фойдаланиш, кибертехнологиялар орқали рақобатчини обрўсизлантириш, киберсексуализм, кибертехнологиялардан фойдаланиб вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, киберпорнография, киберзўравонлик, киберқўшмачилик, кибертехнологиялар орқали йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш, кибертехнологиялар орқали ҳужжатлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш, электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни қалбакилаштириш, сохталаштириш ва улардан фойдаланиш, кибертехнологиялар орқали далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), кибертехнологиялар орқали жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, кибертехнологиялар орқали шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмаларини, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни, радиоактив материалларни, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни портлатиш қурилмалари киберўғрилик ёки киберфирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш, киберпиротехника, кибертехнологиялар орқали нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш, кибертехнологиялар орқали транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар, кибергиёҳвандлик, кибербезорилик, киберқиморбозлик, кибербосқинчилик, кибертовламачилик, киберталончилик, киберўзлаштириш ёки киберрастрата, киберфирибгарлик, киберўғрилик, алдаш ва ишончи суистеъмол қилиш орқали кибертехнологиялардан фойдаланиб зарар етказиш, кибертехнологиялар орқали жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, кибертехнологиялар орқали мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, кибертехнологиялар орқали қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар яшаш, уларни ўтказиш, кибертехнологиялар орқали солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, ахборот-коммуникация тизими, тармоғига кириш имконини берувчи ёки ундан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун кибертехнологияларни ўтказиш мақсадида уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ўтказиш, тарқатиш, фойдаланиш ва сотиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер саботаж, зарарли дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, киберагрессия, кибергеноцид, киберёлланиш, кибертерроризм, кибертеррористик таълим олиш ёки таълим бериш ёхуд ҳаракатланиш, кибертерроризмни молиялаштириш, киберэкстремизм, давлат раҳбарига ёки бошқа мансабдор шахсига нисбатан кибертажовуз, кибертехнологиялар

орқали давлатнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш, кибержосуслик, киберқўпоровчилик, кибертехнологиялар орқали давлат сирларини ошкор қилиш, киберконтрабанда учун жиноий жавобгарлик белгилаш, жиноят кодексимизга ва жиноят ҳуқуқимизга кибержиноят тушунчаси, шунингдек, кибержиноят билан боғлиқ барча тушунчаларнинг механизми билан бирга киритиш таклиф қилинди, шу билан бирга тадқиқот ишида ҳам мазкур таклифларни жиноят ҳуқуқимиз ва жиноят кодексимизга киритишни таклиф қиламиз<sup>1</sup>.

Олим М.А.Простосердовнинг таъкидлашича, кибержиноятлар сони ва миқдорини камайтириш учун қайси киберхужумлар учун оғирроқ жазо белгиланиши бўйича рўйхат ишлаб чиқилиши ва у амалиётга татбиқ этилиши зарур деб ҳисоблайди<sup>2</sup>.

Ушбу фирклардан келиб чиққан ҳолда, Ю.М.Батурин кибержиноятчиларни ёлланган кибержиноятчилар, эҳтиётсизлик орқали оқибатини ўйламаган ҳолда кибержиноятни содир этадиганлар, жосуслар, ҳаккерлар, кракер (компьютер безори)лари каби тоифаларга бўлган ва улар томонидан содир этган жиноятлар учун жавобгарлик ҳам шунга мутаносиб бўлиши керак деб тушунтириш беради<sup>3</sup>.

Т.М.Лопатина эса, ушбу рўйхатни ўзгача фанат (мухлис)лар, рухий касаллар ва профи (тарозига солиб қўядиган)ларга тоифалаган ҳолда классификация қилади<sup>4</sup>.

Р.И.Дремлюга уларни “Интернет фирибгарлари”, “Интернет-кракер хакер (компьютер безори)лари” ва “Интернет-вирус яратувчилари”га ажратган ҳолда таснифлашни таклиф қилади<sup>5</sup>.

Бироқ, Ўзбекистон жиноят кодексининг 4-моддасига асосан, содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

ЖКнинг 8-моддасига асосан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 30-моддасига мувофиқ, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Олдиндан тил бириктирган гуруҳ, жиноий гуруҳ ва жиноий уюшманинг ташкилотчилари ҳамда аъзолари тайёргарлик кўрилиши ёки

<sup>1</sup> A.U.Anorboyev. Cybercrime in legislation Republics of Uzbekistan // European Journal of Research volume 5 issue 5 2020 pages 20-28/ ISSN 2521-3261 (Online)/ ISSN 2521-3253 (Print) DOI 10.37057/2521-3261 <https://journalofresearch.info/>.

<sup>2</sup> М.А.Простосердов. Экономические преступления, совершаемые в киберпространстве, и меры противодействия им Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовноисполнительное право Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2016. –36 с.

<sup>3</sup> Ю.М.Батурин. Право и политика в компьютерном круге. –М.: место издания Наука Москва, 1987. –111 с.

<sup>4</sup> Т.М.Лопатина. Криминологические и уголовно-правовые основы противодействия компьютерной преступности: автореф. дис. ... докт.юрид.наук. – М.: 2006. –30-31 с;

<sup>5</sup> Р.И.Дремлюга. Интернет-преступность. дис. ... канд. юрид. наук. – Владивосток. 2007. – 143 с.

содир этилишида ўзлари қатнашган барча жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Шунга кўра, наздимизча, янги таҳрирда қабул қилинадиган жиноят кодексига кибержиноятни содир этган субъектлар доирасини киритиш мақсадга мувофиқ эмас, шунингдек, юқоридаги олимлар томонидан таъкидланган тоифаларга кирувчи шахслар томонидан содир этилган қилмиш ўзаро мутаносиб бўлса-ю, оғирроқ тоифага кирувчи шахс томонидан содир этилган энгил қилмиш учун энгилроқ тоифага кирувчи шахс томонидан содир этилган оғир қилмишга нисбатан оғирроқ жазо белгилаш, жиноят қонунчилигидаги одиллик тамойилига зиддир. Шу билан бирга, ахборот технологиялари ривожлангани учун ушбу субъектлар доирасини аниқ қилиб қўйиш имконсиздир.

М.А.Зубова АҚШ, Канада, Франция, Германия, Англия, Италия, Испания, Австрия, Бельгия, Дания, Финляндия, Греция, Ирландия, Люксембург, Голландия, Португалия, Австралия, Швеция, Польша каби давлатларнинг қонунчилигини тадқиқ қилган ҳолда, дунёдаги барча мамлакатларнинг кибержиноятга алоқадор қонунчилигини бир-бири билан унификация қилиш зарурлигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Ушбу фикрларга ўхшаш фикрларни Т.Лопатина ҳам таъкидлаган ҳолда, аввало, ушбу жиноятнинг олдини олиш учун трансчегаравий кибержиноятчилик тушунчасини фанга олиб кириш ва унинг механизмини белгилаб қўйиш керак деб ҳисоблайди<sup>2</sup>.

Фикримизча, икки олимнинг ҳам фикрларида жон бор, сабаби трансчегаравий кибержиноятчиликни фанга олиб кирмасдан ва унинг тартиб-таомилини белгиламасдан ҳамда унинг нечоғлик заруриятини қўшни давлатларга тушунтирмасдан туриб, кибержиноятчилик билан ялпи курашиш имконсиздир. Шунингдек, иқтисодий секторга жуда катта зарарни келтириб чиқаришни мақсад қилган кибержиноятчи ўз қилмишини ўзга мамлакат ҳудудидан туриб содир этади ва бунда трансчегаравий кибержиноятчиликнинг икки давлат томонидан бирдек эътироф этилганлиги ва бир-бирининг ушбу соҳадаги қонунчилиги ўхшаш эканлиги мавжуд муаммоларнинг тезкор ҳал этилишини таъминлайди.

Юқоридаги фикрларга нисбатан қўшимча сифатида халқаро давлатларнинг жиноят қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги ҳолатларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хусусан: Россия Федерацияси жиноят кодексининг жамоат тартиби ва умумий хавфсизликка қарши жиноятлар деб номланган 28-бобида, жумладан, РФ ЖКнинг 272-моддаси-компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, 273-модда-зарарли компьютер дастурларини яратиш, тарқатиш, фойдаланиш, 274-модда-

<sup>1</sup> М.А.Зубова. Компьютерная информация как объект уголовно-правовой охраны. Специальность: 12.00.08 – уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Казань. 2008. – 25 с.

<sup>2</sup> Т.Лопатина. Криминологические и уголовно-правовые основы противодействия компьютерной преступности. Тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, доктор юридических наук. – М.: 2006. – 418 с.

ахборот-телекоммуникация ва компьютер ахборотини сақлаш, қайта ишлаш, ўтказиш қоидаларини бузиш ва порнографик маҳсулотларни тарқатиш, 274<sup>1</sup>-модда-Россия Федерациясининг ахборот тузилмасига ноқонуний равишда таъсир кўрсатиш деб номланади ва ушбу соҳадаги жиноятлар учун жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилган.

Германия Федератив Республикаси жиноят кодексига эса, ушбу кодекснинг § 202а-электрон ёки магнит ёхуд бошқа усулда кўпайтирилиши ёки узатилиши мумкин бўлган маълумотни ўзи ёки ўзга шахс томонидан рухсатсиз олинган шахсларнинг ҳаракатлари, § 206-телекоммуникация воситаларидаги сирларни бузиш, § 268-қалбаки техник ёзувларни қалбакилаштириш ёки ўзга автоматик қурилмалар томонидан тўлиқ ёки қисман ёзиб олинган ёзувларни қалбакилаштиришга оид ҳаракатлар, § 269-мавжуд ҳолатни исботловчи маълумотларни қалбакилаштириш, § 274-техник ёзувларни йўқ қилиш, ўзгартириш, қайта ишлашга оид ҳаракатлар, § 303а-маълумотларни ноқонуний равишда йўқ қилиш, ўзгартириш, ўчиришга оид ҳаракатлар, § 303б-маълумотларни қайта ишлаш ёки сақлаш воситаларини йўқ қилиш, шикастлаш, ўчириб қўйишга оид ҳаракатлар, § 317-телекоммуникация воситалари орқали ноқонуний равишда таъмагирлик қилиш бўйича жавобгарлик белгиланган<sup>1</sup>.

Люксембург жиноят кодексининг 509<sup>1</sup>, 509<sup>2</sup>, 509<sup>3</sup>, 524-моддалари бевосита кибержиноятчилик тўғрисида бўлиб, жумладан, Люксембург жиноят кодексининг 509<sup>1</sup>-моддасида қириш тақиқланган тизимга ноқонуний равишда кириш ёки шундай тизим ёки унинг қисмида ноқонуний равишда маълумотларни олганлик, қайта ишлаганлик учун 2 йилгача, 509<sup>2</sup>-моддасида автоматик қайта ишланадиган тизим функциясини ўзгартирганлик учун 3 йилгача, 509<sup>3</sup>-моддасида ваколати бўлмаган шахс томонидан электрон тизимга ноқонуний кирган ҳолда, ундаги маълумотларни ўзгартирганлик, йўқ қилганлик, ўчириб ташлаганлик учун ҳам 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган<sup>2</sup>.

Кўриб турганимиздек, ушбу давлатларнинг жиноят қонунчилиги бири-бирига яқин, мазкур ҳолатда ҳеч бўлмаганда ШХТ, МДХ га аъзо давлатлар ўзларининг жиноят қонунчилигини ўзаро бирхиллаштириши мақсадга мувофиқ.

Олим М.А.Простосердовнинг таъкидлашича, кибержиноятларнинг янада кўпайишига сабаб сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ушбу соҳада етарлича билимга эга эмаслиги натижасида латент жиноятчилик кундан-кунга кўпайиб бораётганлигини таъкидлаган ҳолда, бу борада алоҳида кадрлар тайёрлашга эътибор бериш кераклигини, айниқса, иқтисодий жиноятларга оид кибержиноятларни квалификация қилишни ва ушбу жиноятларни очишни бемалол уддалай оладиган кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини, шунингдек, ушбу жиноятлар ҳақида тушунтириш берадиган Олий суднинг юқори органи

<sup>1</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>2</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

бўлган, мисол учун Пленум қарорлари қабул қилиниши зарурлигини айтиб ўтади<sup>1</sup>.

1996 йилда АҚШ Олий суди кибержиноят ҳақида алоҳида қарор қабул қилган<sup>2</sup> бўлса, ҳали ҳамон бу хусусда мамлакатимиздаги судларда алоҳида тасаввур йўқ, шу пайтга қадар аслида кибержиноят бўлган ҳолатни Жиноят кодексининг 4, 10, 14, 16-моддасига хилоф равишда, ЖПКнинг 333-моддаси ёки 83-моддасига кўра, жинойий иш кўзғатишни рад этиш ёки кўзғатилган жиноят ишини тугатиш ўрнига аслида бошқа қилмиш учун айбдор бўлган шахсни шу кунга қадар бошқа модда билан айблаб квалификация қилиб жазо қўллаётган ҳолатлар топилмай қолмайди.

Ушбу ҳолатни судлар қилмишни содир этган шахс ижтимоий хавфли қилмишни содир этганидан кейин унга нисбатан жавобгарлик бўлиши керак деб изоҳлайди, бироқ ушбу қилмиш Жиноят кодексига киритилмаган ва бу бўйича алоҳида жавобгарликни белгилайдиган нормалар мавжуд бўлмаса, ушбу қилмишни содир этган шахсни жиноятчи ва у томонидан содир этилган қилмишни ижтимоий хавфли қилмиш деб аташимиз мумкинми? Асло йўқ. Шу жиҳатдан ҳам, ҳеч бўлмаса, судларимиз томонидан амалга оширилаётган ишларнинг бирхиллигини таъминлаш мақсадида кибержиноятчилик хусусида алоҳида Олий суд Пленуми қарори қабул қилиниши ва кибержиноятчилик бўйича у тушунтириш бериши мақсадга мувофиқ<sup>3</sup>.

Шунингдек, трансчегаравий муаммоларни ҳал қилиш борасида бугунги кунда бир қатор муаммолар бўлиб, шундай муаммолардан бири кибержиноятларнинг кўпчилиги ўзга давлат ҳудудидан туриб ҳам содир этилиши мумкинлиги ва ушбу давлат билан Ўзбекистоннинг кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича битимга эга эмаслиги ёки уларнинг биргаликда ягона халқаро конвенцияни ратификация қилмаганлиги, шу билан бирга бу борадаги жиноят қонунчилигининг турлича эканлигига оид муаммодир.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун таклиф сифатида муаллиф томонидан 2001 йилдаги Будапешт конвенциясини ратификация қилиш масаласи кўйилди, бироқ мазкур Конвенциянинг ташкилотчилари билан боғлиқ сиёсий муаммо, яъни истаган бир давлат халқаро ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ўзининг манфаатларини биринчи ўринга қўйиши табиий ҳолат эканлиги билан боғлиқ муаммо ва Конвенция қоидаларига асосан, Конвенция ташкилотчиларининг бир давлат ахборот-коммуникация технологияларидаги маълумотларни олиш билан боғлиқ қоида ва ушбу ҳолат орқали давлат ва жамият манфаатларига оид маълумотларнинг хавф остида қолиши билан боғлиқ муаммо бўлганлиги сабабли мазкур таклиф кўпчилик вазирлик ва

<sup>1</sup> М.А.Простосердов. Экономические преступления, совершаемые в киберпространстве, и меры противодействия им Специальность 12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовноисполнительное право Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2016. – С 190-191.

<sup>2</sup> Информационный ресурс «Ciec.org». Reno vs. ACLU, 117 S.Ct. 2329 (1997) (casebook at 932-53). [Электронный ресурс] // [URL:http://ciec.org/SC\\_appeal/opinion.shtml](http://ciec.org/SC_appeal/opinion.shtml).

<sup>3</sup> A.U.Anorboyev. Cybercrime in legislation Republics of Uzbekistan // European Journal of Research volume 5 issue 5 2020 pages 20-28/ ISSN 2521-3261 (Online)/ ISSN 2521-3253 (Print) DOI 10.37057/2521-3261 <https://journalofresearch.info/>.

идорларнинг жиддий эътирозлари сабаб бўлди, аммо ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан қабул қилинди. ЖКнинг 20-1-бобидаги 278-1-278-6-моддаларидаги барча қоидалар ушбу Конвенция таҳриридаги қоидалар билан деярли бир хил бўлганлиги, шунингдек, ушбу Конвенцияга аъзо бўлиш орқали, унга аъзо бўлган давлатлар билан ўзаро тансчегаравий киберхавфсизлик чоралари кўриш имконияти яратилиши мумкинлиги, агарда мазкур Конвенциядаги баъзи қоидалар Ўзбекистонга хуш келмаган тақдирда ҳам, у қисман ёки шарт билан аъзо бўлиши мумкинлиги сабабли ҳам мазкур Конвенцияга қисман қўшилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ҳакерлар ҳужумларидан ҳимоя қилиш учун барча мезонларга жавоб берувчи ягона мамлакат Сингапур ҳисобланади. Кейинга ўнталикка эса АҚШ (2-ўрин), Малайзия (3-ўрин), Уммон (4-ўрин), Эстония (5-ўрин), Маврикий (6-ўрин), Австралия (7-ўрин), Грузия ва Франция (8-ўрин), Канада (9-ўрин), Россия (10-ўрин) киради, Ўзбекистон эса, ушбу рўйхатда 41 ўринни эгаллайди<sup>1</sup>.

Британиянинг Comparitech тадқиқот компаниясининг тадқиқоти бўйича эса, киберхавфсизлик даражаси бўйича 60 та давлатлар рейтингини Япония етакчилик қилган ва охириги ўринни эса Жазоир эгаллаган. Рўйхатда Ўзбекистон 56-ўринни эгаллаган. Давлатларнинг рейтингдаги ўрнига 7 та мезон, жумладан зарарли дастурий таъминот билан зарарланган мобил қурилмалар ва компьютерлар улуши, пулларни ўғирлаш мақсадида амалга оширилган ҳакерлик ҳужумлари сони, у ёки бу давлатнинг ҳаерлик ҳужумларига тайёрланганлиги, тегишли қонунчилик мавжудлиги кабилар таъсир қилган. Ҳар бир давлат 0 дан 100 баллгача тўплаши мумкин бўлган, бунда тўпланган балл қанчалик кам бўлса, давлат кибертаҳдидлардан шунчалик яхши ҳимояланган ҳисобланади. Якуний жадвалга кўра, Япония 8,8 балл тўплаган. 2- ва 3-ўринларни Франция ва Италия эгаллаган. Ушбу давлатлар мос равишда 10,6 ва 11,2 балл тўплаган. Энг яхши давлатлар ўнталигига Дания, АҚШ, Ирландия, Швеция, Буюк Британия, Нидерландия ва Сингапур киритилган. Рейтингнинг охириги ўринни эгаллаган Жазоир 55,8 балл тўплаган. Ўзбекистон 50,5 балл билан 56-ўридан жой олган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларидан рейтингга киритилган ягона давлат бўлган. Шунингдек, алоҳида мезонлар бўйича етакчи ёки қолоқ давлатлар ҳам эълон қилинган. Мисол учун, Бангладешда мобил телефонларнинг зарарли дастурлар билан зарарлангани улуши энг юқорилиги, энг кўп компьютерлар зарарлангани Жазоирда қайд қилинган. Пул ўғирлаш мақсадида ҳакерлик ҳужумларига энг кўп Германия учраган. Киберҳужумларга энг яхши тайёрланган давлат сифатида Сингапур, энг кам тайёрланган давлат сифатида эса Вьетнам эътироф этилган. Шунингдек,

<sup>1</sup> БМТнинг 2017 йилги глобал киберхавфсизлик индекси. <https://rus.delfi.ee/daily/estonia/estoniya-priznana-pyatoj-samoj-kiberbezopasnoj-stranoj-v-mire?id=78814562>. // [https://www.itu.int/dms\\_pub/itu-d/opb/str/D-STR-GCI.01-2017-PDF-E.pdf](https://www.itu.int/dms_pub/itu-d/opb/str/D-STR-GCI.01-2017-PDF-E.pdf).



киберхавфсизлик соҳасидаги замонавий талабларга Франция, Хитой, Россия ва Германия қонунчилиги энг яхши жавоб бериши қайд қилинган<sup>1</sup>.

Бундай тоифага эга бўлиш учун эса, трансчегаравий муносабатларда Ўзбекистоннинг кибержиноятларга қарши халқаро миқёсда ялпи кураш бўйича таклиф билан чиқиши бугунги кундаги зарурий масалалардан биридир.

Кибержиноятчиликка қарши курашишдаги яна бир муаммо, бу кибержиноятчилик учун жавобгарлик ёшини белгилаш борасидаги муаммо ҳисобланади. Ўзбекистон жиноят кодексининг 17-моддасида жавобгарликнинг энг минимал ёши 13 ёш деб белгиланган бўлиб, оғирлаштирувчи ҳолатда одам ўлдирган шахсларга нисбатан бу ёш жавобгарлик ёши деб белгиланган.

Бироқ, ахборот-коммуникация технологияларининг бугунги кундаги ривожини, ёш болаларнинг ҳам ушбу технология хусусида ўзидан ёши анча катта ёшдаги шахсларга нисбатан яхшироқ тушунча эга эканлиги, баъзи вояга етмаган шахсларни хатти-ҳаракати натижасида келиб чиққан зарарни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммолар, ёши катта шахсларга нисбатан ёшроқ шахсларнинг ушбу технологияларга бўлган қизиқиши кўпроқ эканлигини, вояга етмаган шахсларнинг жинояти натижасида жамиятдаги соғлом муҳит бузилишининг олдини олишини ва мазкур вояга етмаганларни тўғри соғлом ҳаётга қадам қўйишини таъминлаш мақсадида жиноят қонунчилигимизда жавобгарлик ёшини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Биргина, Боливия давлатида ахборот-коммуникация технологияларига нисбатан ёки улардан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларни амалга оширган субъектларнинг ёши ўрганилганида ушбу шахсларнинг субъекти 12-18 ёшдаги вояга етмаган шахслар эканлиги аниқланган<sup>2</sup>.

Маълумки, барча давлатларда кибержиноятчиликка қарши курашишда ёшлар муаммоси, алоҳида ўрин тутди. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам ёшларга бўлган эътиборни янги кўринишга олиб келиш, мамлакатнинг келажагини мустаҳкам қилиш<sup>3</sup> мақсадида жиноят қонунчилигимизга болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш вақти етиб келди.

Ҳуқуқий томондан олиб қарасак, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва у асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларига асосан, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлиги

<sup>1</sup> Замин.уз. сайтдан: Киберхавфсизлик даражаси бўйича энг яхши давлатлар рейтингда Ўзбекистон нечанчи ўринда? <https://news-life.ru/186880644/>.

<sup>2</sup> БМТ Ахборот ва коммуникация технологияларини жиноий мақсадларда ишлатишга қарши курашиш Бош котибининг маърузаси. 30.07.2019 й., 43-б. [https://www.unodc.org/documents/Cybercrime/SG\\_report/V1908184\\_R.pdf](https://www.unodc.org/documents/Cybercrime/SG_report/V1908184_R.pdf).

<sup>3</sup> <https://www.youtube.com/watch?v=uuFgYjfd9mA>

белгиланган. Аммо, уларнинг қандай жавобгар бўлишлиги жиноят қонунчилигимизда аниқ белгиланмаган ва амалиётда турли хил моддалар билан жавобгарликка тортиш ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддаларига ҳилоф ҳисобланади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори<sup>1</sup> ижросини таъминлаш ҳамда жиноят қонунчилигимизда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни тарқатилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-моддасини монография 1-иловасининг 55-бандида назарда тутилган тахрирдаги 278-8-модда билан тўлдириш таклиф қилинади.

Бунга ўхшаш жавобгарликларлар Франция жиноят кодексининг 227<sup>22</sup>-моддасида, Арманистон Республикаси жиноят кодексининг 279-моддасида, Тожикистон Республикаси жиноят кодексининг 208-моддасида, Туркменистон Республикаси жиноят кодексининг 123-моддасида, Беларуссия Республикаси жиноят кодексининг 343<sup>1</sup>-моддасида<sup>2</sup>, Қозоғистон Республикаси жиноят кодексининг 137-моддасида, Молдова Республикаси жиноят кодексининг 104-моддасида, Озорбойжон Республикаси жиноят кодексининг 170-2-3-, 171-171-1-2-3-моддаларида<sup>3</sup>, Руминия Республикаси жиноят кодексининг 238-моддасида<sup>4</sup> мустаҳкамлаб қўйилган.

Маълумки, депутатларимиз томонидан “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилганида манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳам аҳолининг 1385 та таклифларини инобатга олган ҳолда, Германия, Италия, Франция, Буюк Британия, Литванинг, шунингдек АҚШ, Япония ва бошқа давлатларнинг шу соҳадаги тажрибаси ҳам эътиборга олинган ҳолда қабул қилиниши масаласи ижобий ҳал қилинган эди<sup>5</sup>.

Шу жиҳатдан ҳам мазкур қонуннинг ижроси амалда тўлиқ ижро қилиниши зарурлигини инобатга олган ҳолда, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонундан келиб чиқиб, юқоридаги таклифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жиноят

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

<sup>2</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>3</sup> Озорбойжон Республикаси жиноят кодексининг 170-2-3-, 171-171-1-2-3-моддалари // [http://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30420353#pos=350;-42](http://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353#pos=350;-42).

<sup>4</sup> Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтидан: [http://parliament.gov.uz/uz/events/chamber/22970/?sphrase\\_id=1731480](http://parliament.gov.uz/uz/events/chamber/22970/?sphrase_id=1731480).

кодексида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш вақти етиб келди.

Юқорида тақдим этилган таклифларга кўшимча равишда “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси амалда тўлиқ ижро этилиши таъминлаш мақсадида “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайтлардан ва (ёки) саҳифаларидан фойдаланиш махсус ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан қуйидаги ҳолларда чекланиши мумкинлигидан фойдаланган ҳолда<sup>1</sup>, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифаларидан фойдаланишни чеклаш тартиби тўғрисида”ги низом<sup>2</sup>га асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари бўйича олиб борилаётган ташкилий масалаларни янада кенгайтириш, бунда жисмоний ва юридик шахслар ҳар бир веб-сайтдан фойдаланилаётганида, болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар манбаси (линк)ни тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича марказига юбориш бўйича тизим ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўларди. Биргина мисол Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигининг ўзида 2 млн.дан ортиқ муурожаатлар келиб тушган<sup>3</sup> бўлиб, уларнинг кўпчилик қисми, айнан қуйида келтирилган мазмундаги ахборотларни тарқатилишини бартараф қилиш бўйича бўлиб, улар то Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази томонидан кўриб чиқилгунига қадар бўлган муддатда қанчадан қанча болаларнинг соғлиғига зарар етказмоқда. Шунга кўра, таклифларимизни амалда ижро қилиш бўйича зарур ишлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-П-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

<sup>2</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифаларидан фойдаланишни чеклаш тартиби тўғрисида”ги низом // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 йил, 9-сон, 223-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги расмий веб сайидан: [http://www.mitc.uz/uz/pages/reports\\_of\\_ministry](http://www.mitc.uz/uz/pages/reports_of_ministry).

Маълумки, ҳозирги кунга қадар тарқатилиши чекланган ахборотлар тоифаси белгиланган ҳолда, қандай ахборотлар, мисол учун фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи ахборотларга қандай ахборотлар киритилиши бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифаси орқали тарқатилаётган ахборотларнинг тоифаси маълум бир мезонларга кўра ажратилиши ҳамда ушбу мезонлар аниқ белгилаб қўйилиши, шунингдек, судлар ва ўзга шахслар ушбу ахборотдан далил сифатида фойдалана олишлари учун Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-П-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда) 12<sup>1</sup>-моддасидаги тоифаланган тарқатилиши чекланган ахборотлар келиб чиқишига кўра маълум бир мезонларга ажратилиши зарур.

Шунга кўра, ушбу қонуннинг 12<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш, давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштиришга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш, порнографияни тарғиб қилиш, қонунга мувофиқ жинсий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этишга оид ахборотлар мазкур тоифага киришлари учун маълум бир шартлар ишлаб чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясига асосан<sup>1</sup>, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмлари жорий этилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон ҳудудида бола ҳуқуқлари генезиси, эволюцияси ва унинг истиқболлари хусусида тадқиқот олиб борган Д.Каримова болаларнинг соғлиғи ва руҳиятига зарар етказувчи ахборотларнинг манбалари ўрганилиб, бундай ахборотларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унинг кўринишлари классификация қилган ва болалар учун ахборот хавфсизлигини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.

таъминлаш борасида жаҳон тажрибаси ўрганилиб, амалий аҳамиятга молик тавсиялар ишлаб чиққан<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, келажагимиз мевалари бўлган болаларнинг соғлиғига ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ахборот квалификацияланиши ва унинг нечоғлик бола онгига таъсир кўрсатиши ҳар бир оилада инобатга олинган ҳолда, фарзанд тарбияси амалга оширилиши керак.

Мамлакатда киберхавфсизликни таъминлашнинг яна бир усули бу фикримизча, мамлакатимизда ягога киберхавфсизлик бўйча стратегия ва концепция ишлаб чиқилиши ва у ижро этилиши лозим<sup>2</sup>. Мисол учун, Украина Президентининг 2016 йил 15 мартдаги 96/2016-сон Фармони билан Украина киберхавфсизлик стратегияси тасдиқланган<sup>3</sup>. Шу каби стратегиялар АҚШ, Эстония, Литва, Испания, Германия, Словакия, Япония, Швейцария, Норвегия, Янги Зеландия, Ҳиндистон, Австралия, ЖАР, Канада, Финландия, Австрия, Руминия, Полша, Франция, Чехия, Нидерландия, Люксембург<sup>4</sup> ва бошқа давлатларда қабул қилинган.

Шунга кўра, муаллиф томонидан берилган таклиф асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 243-бандида 2020-2023 йилларга мўлжалланган киберхавфсизликка доир миллий стратегияни ишлаб чиқиш белгиланди.

Ҳозир кунда мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида барча ҳужжатлар айланиши куйидаги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириб келинмоқда.

Ҳужжатларни кўриб чиқиш, ижро этиш ва сақлаш юзасидан назоратни кучайтириш, ахборотларнинг қоғоз ва электрон манбалардаги оқимини мақбуллаштириш, ҳужжатларни киритиш, кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ва сақлаш учун ягона ахборот маконини яратиш, ахборот айирбошлашнинг ҳимояланганлигини таъминлаш, қоғозни тежаш ва ундан оқилona фойдаланиш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати билан давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почта,

<sup>1</sup> Д.Каримова. Ўзбекистон худудида бола ҳуқуқлари генезиси, эволюцияси ва унинг истиқболлари. 12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи докторлик диссертацияси автореферати. –Т.: 2017. –17-18 б.

<sup>2</sup> A.U.Anorboyev. Cybercrime in legislation Republics of Uzbekistan // European Journal of Research volume 5 issue 5 2020 pages 20-28/ ISSN 2521-3261 (Online)/ ISSN 2521-3253 (Print) DOI 10.37057/2521-3261 <https://journalofresearch.info/>.

<sup>3</sup> Указ Президента України №96/2016 «Про рішення Ради національної безпеки і оборони України від 27 січня 2016 року «Про Стратегію кібербезпеки України» // <https://www.president.gov.ua/documents/962016-19836>.

<sup>4</sup> Мазкур стратегияларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

яъни “Е-Хат” химояланган ягона корпоратив электрон почта ва электрон хужжат айланиши тизими, яъни “Е-Нужат” тизимини жорий этилиши, шунингдек 2012 йил 1 январдан бошлаб улар ўртасида электрон ахборот айирбошланиши таъминланган<sup>1</sup>.

Вазирлик ва идораларнинг ўзларида эса, хужжатлар айланиши “germes”, “portal” ва бошқа ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармонининг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда “UZINFOCOM давлат ахборот хизматларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ билан биргаликда 2019 йил 1 январдан бошлаб Интернет жаҳон ахборот тармоғида пилот лойиҳаси сифатида Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) синов тариқасида ишга туширилди<sup>2</sup>. Ҳозирги вақтда барча норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳалари лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, яъни «regulation.gov.uz» порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши лозим<sup>3</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф–5017-сон фармойишига мувофиқ вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими, яъни “е-ижро”га уланиши таъминланган<sup>4</sup>. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, яъни “lex.uz” сайти норматив-ҳуқуқий хужжатлар эълон қилинадиган расмий манбадир<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 майдаги 126-сон “Вазирлар маҳкамасининг ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона химояланган электрон почтани ва электрон хужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 18-сон, 181-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 апрелдаги 284-сон “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.04.2019 й., 09/19/284/2911-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018 й., 07/18/3666/1073-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ–3962-сон “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизоми янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.10.2018 й., 07/18/3962/2004-сон.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги 160-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-342-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 333-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар).

Юқоридаги дастурларнинг биронтаси бир-бири билан ўзаро боғланмаган. Бу тизимнинг камчилиги ҳисобланади. Айнан шу хатолик орқали бутун бир дастурий таъминотга хужум уюштириш мумкин. Мазкур хужум натижасида шахс, жамият, давлат манфаатларига жудда катта миқдорда зарар келтириш мумкин. Инсонларнинг тақдири тубдан ўзгариб кетиши мумкин. Давлатнинг халқаро майдондаги обрўси тушиб кетиши мумкин. Шу сабабли муаллиф таклифи билан уларни ўзаро интеграция қилиш бўйича<sup>1</sup> Ҳукуматнинг Давлат органлари ва ташкилотларида ҳисобот ва ҳужжат айланишини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича 2020 йил 10 мартдаги чора-тадбирлар режаси (10.03.2020 йилдаги 08/1-4092-сон топшириғи) қабул қилиниб, ижро учун вазирлик ва идораларга юборилди ва ҳозирги кунда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошчилигидаги ўзининг 2020 йил 1 апрелдаги 84-фсон фармойиши асосида манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан мазкур дастурий маҳсулотларни ўзаро интеграция қилиш масалалари амалга оширилмоқда.

Энг асосийси бу соҳада ягона “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш зарур<sup>2</sup>. Биргина, Хитой, АҚШ, Эстония, Украина, Голландия, Испания, Австрия, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда кибержиноятларга қарши курашиш бўйича алоҳида қонун қабул қилинган ёки қонунчилигига тегишли ўзгартириш киртилган. Мисол учун Хитой Халқ Республикасида “ХХРнинг давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонун 01.07.2015 йилда, “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун 06.07.2015 йилда, “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун 2016 йилда қабул қилинган. Ушбу қонунларга асосан, мамлакатда кибержиноятларга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, шунингдек, ушбу қонунлар кибержиноятчиликнинг олдини олиш чораларини ўзи ичига олган<sup>3</sup>.

Россия<sup>4</sup>, Украина<sup>5</sup>, Грузия<sup>6</sup>, Қозоғистон<sup>7</sup>, Эстония<sup>8</sup> қонунчилигида эса, аллақачон, кибержиноятларнинг ўрни аниқ кўрсатиб берилган. Аммо,

<sup>1</sup> A.U.Anorboyev. Cybercrime in legislation Republics of Uzbekistan // European Journal of Research volume 5 issue 5 2020 pages 20-28/ ISSN 2521-3261 (Online)/ ISSN 2521-3253 (Print) DOI 10.37057/2521-3261 <https://journalofresearch.info/>.

<sup>2</sup> A.U.Anorboyev. Cybercrime in legislation Republics of Uzbekistan // European Journal of Research volume 5 issue 5 2020 pages 20-28/ ISSN 2521-3261 (Online)/ ISSN 2521-3253 (Print) DOI 10.37057/2521-3261 <https://journalofresearch.info/>.

<sup>3</sup> Обзор к уголовного законодательства о борьбе с терроризмом и «Закона о борьбе с терроризмом» Китая» / Евразийский Научный Журнал, №5, 2016 (май). Цзан Цземэй [https://chinalaw.center/administrative\\_law/china\\_state\\_security\\_law\\_2015\\_russian/](https://chinalaw.center/administrative_law/china_state_security_law_2015_russian/) / Е.Ю.Макарова, А.А. Василенко профилактика и борьба с кибертерроризмом в Китае. Китайский опыт в России. <https://core.ac.uk/download/pdf/155234277.pdf>.

<sup>4</sup> Федеральный закон России Федерации от 06.03.2006 № 35-ФЗ «О противодействии терроризму» // Собрание законодательства Российской Федерации, 2006, № 11, ст.1146; № 31, ст.3452; 2011, № 19, ст.2713.

<sup>5</sup> Закон України від 5 жовтня 2017 року № 2163-VIII «Про основні засади забезпечення кібербезпеки України» / (Відомості Верховної Ради (ВВР), 2017, № 45, ст.403, 2018, № 31, ст.241. / <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/2163-19>.

<sup>6</sup> Закон Грузии от 27 июня 2007 года № 5071-вс «О борьбе с терроризмом» // <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/21796/9/ru/pdf>.

<sup>7</sup> Закон Республики Казахстан от 13 июля 1999 года № 416 «О противодействии терроризму» // «Казахстанская правда» от 30.07.99 г. № 182-183; (Ведомости Парламента РК), 1999 г., № 19, ст. 649.

<sup>8</sup> Küberturvalisuse seadus Vastu võetud 09.05.2018 // <https://www.riigiteataja.ee/akt/122052018001/>

Ўзбекистонда “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун мавжуд эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур масала бўйича алоҳида қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқлигини инобатга олиниб, муаллиф томонидан 57564-s/19, 57573-s/19, 57577-s/19, 57541-s/19, 57542-s/19, 57549-s/19, 57559-s/19, 57562-s/19, 57547-s/19, 57546-s/19, 57556-s/19, 23/1110-s/19-сон электрон мурожаатлар орқали мазкур таклифлар ваколатли барча органларга юборилди.

Натижада, муаллиф томонидан берилган таклиф<sup>1</sup> асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 244-бандига Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди<sup>2</sup>.

Кибержиноятларни аниқлашда яна бир муаммо бу киберҳуқуқбузарликлардир, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 44-банди ижросига асосан ишлаб чиқиладиган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси лойиҳасида киберҳуқуқбузарликларга оид қоидаларни белгилаб кетиш орқали кибержиноятлар ва киберҳуқуқбузарликлар ўртасидаги фарқни аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, агар ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади, аммо қонунчилигимиз бўйича электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар, интеграл микросхемаларнинг топологиялари ихтиро сифатида эътироф этилмайди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> A.U.Anorboyev. Cybercrime in legislation Republics of Uzbekistan // European Journal of Research volume 5 issue 5 2020 pages 20-28/ ISSN 2521-3261 (Online)/ ISSN 2521-3253 (Print) DOI 10.37057/2521-3261 <https://journalofresearch.info/>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон; 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги 1062-ХП-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397-П-сонли Қонуни таҳририда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 355-модда; 2011 йил, №12/2, 364-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда.



ЭХМ учун дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи улар яратилгач юзага келади<sup>1</sup>.

Шунга кўра, муаллифлик ҳуқуқига путур етса, у ҳолда қай тариха масала ҳал этилиши мумкин?

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи ва ўзга ҳуқуқ эгалари амалдаги қонунчиликка асосан:

ҳуқуқлари тан олиншини;

ҳуқуқ бузилишига қадар мавжуд бўлган ҳолат тикланишини ва ҳуқуқни бузаётган ёки унинг бузилиши хавфини туғдираётган хатти-ҳаракатлар тўхтатилишини;

етказилган зарар унинг миқдорига ҳуқуқбузар томонидан ғайриқонуний олинган даромад суммасини қўшган ҳолда қопланишини;

фойда кўрган ҳуқуқбузардан етказилган зарар қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг тегишли суд қарори билан белгиланадиган йигирма баробаридан минг баробаригача бўлган миқдорда товон тўланишини;

уларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилиниши билан боғлиқ қонунларда назарда тутилган ўзга чоралар кўрилишини талаб қилишга ҳақлидир.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси муаллифи ва ўзга ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини сўраб тегишли судга мурожаат этишлари мумкин.

Суд ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг муаллифлик ҳуқуқи бузилган ҳолда тайёрланган нусхаларини мусодара этиш ва уларни йўқ қилиб юбориш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бундай нусхалар олишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар суднинг қарори билан бюджет даромадига ўтказилиши ёхуд даввогарнинг илтимосига биноан зарарларни қоплаш ҳисобига берилиши мумкин<sup>2</sup>.

Кўриб турганимиздек, амалдаги қонунчилигимизда юқорида биз таъкидлаб ўтган масалалар етарлича тартибга солилмаганлиги, айниқса, ЭХМ учун яратилмаган ёки унга кўмаклашувчи, аммо ЭХМ учун яратилмаган дастурий маҳсулотларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини белгилаш, шунингдек, ЭХМ учун яратилган бўлса-да, юқорида биз таъкидлаб ўтган муаммолар ечими бўлган тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги 1060-ХП-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги 1060-ХП-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда.

қабул қилишнинг самарали механизмлари<sup>1</sup> жорий этилмаганлиги бу борада жиддий ишларни амалга ошириш зарур эканлигини кўрсатади.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060–ХП-сон Қонунини танқидий жиҳатдан кўриб чиқиб, халқаро ва хорижий тажрибани ўрганган ҳолда юқоридаги ва амалий тизимли муаммоларни бартараф қилиш юзасидан дастурий маҳсулотларнинг муаллифлик ҳуқуқини белгилаш борасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ<sup>2</sup>.

Биргина, ҳозирги кунда “Хавфсиз шаҳар” интеграциялашган тизимини олайлик, ушбу тизим тўлиқ киберхавфсизлик талабларига жавоб берадими, фикримизча, йўқ, мисол унинг киберҳужумдан ҳимяоланиши учун зарур стратегияси ва йўналишлари ҳали хануз белгиланмаган<sup>3</sup>. Бу эса, кейинчалик, ушбу тизимга келтирилган ҳақиқий зарарни аниқлаш борасида муаммоларни келтириб чиқариши мумкин, экспертлар нимадир нарсаларга суяниши учун мазкур тизим ҳақида тўлиқроқ тушунчага эга бўлиши ва ушбу тизимнинг ҳақиқий зарари қанча бўлиши мумкинлигини аниқ ҳолатларга қараб айтиши зарур.

Шунга кўра, муаллифлик ҳуқуқига келтирилган зарарни аниқлаш борасида ягона услубиятнинг мавжуд эмаслиги мулкдор ҳуқуқларига нечоғлик зарар келтирилганлиги борасида бир қатор муаммоларни вужудга келтирмоқда, шу жиҳатдан ҳам бу борада ягона услубиёт ва уни ҳисоблаш йўриқномаси ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий қилиниши, мазкур масалаларни амалга ошириш учун муаллифлик ҳуқуқи борасидаги зарарлар ва уларни аниқлаш борасидаги ваколатли органни белгилаш ҳамда мазкур ваколатли органга келтирилган зарарни қай тариха бартараф этиш бўйича тавсия тақдим этиш ваколати берилиши, юридаги масалаларни кўриб чиқиш асносида Жиноят ва маъмурий қонунчилигимизни ҳам қайтадан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ<sup>4</sup>.

Ушбу масалалар бўйича хорижий тажрибага назар ташласак, кўйидагиларга гувоҳ бўламиз:

Россия қонунчилигида, дастурий маҳсулотларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини сақлаш борасида бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилган, хусусан, корхоналарда лицензияланган дастурий таъминотдан фойдаланиш, корхонада ишлатиладиган дастурий таъминот аудитини ўтказиш ва бунини амалга ошириш учун уни тизим маъмурларига эмас, балки бу соҳада ихтисослашган учинчи томон ташкилотларга ишониб топшириш, сотиб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони, Манба: ҚХММБ, 09.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон

<sup>2</sup> А.Анорбоев. Киберҳужум. Дастурий маҳсулот муаллифларини бундан қандай ҳуқуқий ҳимоя қилиш мумкин. – Т.: “Хабар” газетаси, 2020 йил 21 февралдаги 8 (1430)-сон. 1, 4 б.

<sup>3</sup> А.Анорбоев. Р.Хурсанов. “Хавфсиз шаҳар” интеграциялашган тизими ёхуд кибержиноятчиларни нималар қизиқтиради? – Т.: “Хабар” газетаси. 2020 йил 13 мартдаги 11 (1433)-сон. 11-б.

<sup>4</sup> А.Анорбоев. Киберҳужум. Дастурий маҳсулот муаллифларини бундан қандай ҳуқуқий ҳимоя қилиш мумкин. – Т.: “Хабар” газетаси, 2020 йил 21 февралдаги 8 (1430)-сон. 1, 4 б.

олинаётган дастур сотувчиси билан ёзишмаларни сақлаш, олинган дастурий таъминотни рўйхатдан ўтказиш, бирон бир корхона филиали ёки бўлинмасидан сотиб олинаётган дастурий маҳсулотга тегишли ҳужжатлар нотариал тасдиқланиши, дастурий таъминотдан фойдаланиш қоидалари чет тилида бўлса, уни фойдаланувчи фойдаланадиган тилга расмий таржима қилиниб, у нотариал тасдиқланиши зарур<sup>1</sup>.

Шу жиҳатдан ҳам Россия ўзининг қонунчилигида, жумладан, фуқаролик қонунчилигида интеллектуал фаолият натижаларидан ноқонуний фойдаланганлик натижасида зарар келтирганлик учун фуқаровий жавобгарлик<sup>2</sup>, даромад олиш мақсадида интеллектуал мулк натижаларидан фойдаланиш, ижарага бериш, сотиш ва бошқа шаклда фойдаланганлик учун сохта дастурий маҳсулотлар мусодара этилган ҳолда, маъмурий жавобгарлик<sup>3</sup>, шунингдек, лицензиясиз дастурлардан фойдаланиш, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектларидан ноқонуний фойдаланиш, уларнинг қалбаки нусхаларини яратиш, маркетинг мақсадлари учун сотиб олиш, сақлаш, ташиш учун жиноий жавобгарлик<sup>4</sup> белгиланган.

Мазкур масалалар билан эса, “Тезкор-қидирув фаолият тўғрисида”ги Қонунга асосан, ички ишлар органларининг тегишли бўлинмаси шуғуланишади<sup>5</sup>.

Шу жиҳатдан бўлса керак, муаллифлик ҳуқуқига келтираётган зарари сабабли Д.Вентре киберхужумларнинг замонавий шакли бу агрессия бўлиб, агрессия натижасида бутун бир компьютерлашган тизим зарар кўришини ва бу билан бир қаторда ушбу мулкка бўлган, айниқса, муаллифлик ҳуқуқига бўлган тажовуз кучайганлигини таъкидлаб ўтади<sup>6</sup>.

Киберхавфсизликни таъминлашда энг катта хавф, давлат органлари ва идораларининг лоқадлиги ҳисобланади, тан олиш керакки, аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқлиги ҳам ҳақиқат<sup>7</sup>. Шу сабабдан ҳам лоқадликка барҳам беришимиз, киберхавфсизликни таъминлаш учун зарур давлат дастурлари ва йўл-хариталарини ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга табиқ қилиш орқали жамиятимиздаги оғриқли камчиликларимизни бартараф қилишимиз, бутунги кундаги долларз вазифамиз бўлмоғи даркор.

<sup>1</sup> Пиратское по в России и мире нелицензионное ПО. [http://zdrav.expert/index.php/Статья:Пиратское\\_ПО\\_в\\_России\\_и\\_мире\\_\(Нелицензионное\\_ПО\)](http://zdrav.expert/index.php/Статья:Пиратское_ПО_в_России_и_мире_(Нелицензионное_ПО)).

<sup>2</sup> Гражданский кодекс Российской Федерации. ст.1252 и 1301. // Собрание законодательства Российской Федерации, 2006, №52, ст. 5496; 2008, №27, ст. 3122; №45, ст. 5147; 2010, №8, ст. 777; №9, ст. 899; №41, ст. 5188; 2011, №50, ст. 7364; 2013, №30, ст. 4055; 2014, №11, ст. 1100; 2017, №27, ст. 3944; 2018, №22, ст. 3040.

<sup>3</sup> Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях (Собрание законодательства Российской Федерации, ст.7.12. // 2002, №1, ст. 1; 1821; №22, ст. 2669; №25, ст. 3161; №29, ст. 3847; №30, ст. 4121, 4125, 4131; №42, ст. 5803; №49, ст. 6964; Официальный интернет-портал правовой информации ([www.pravo.gov.ru](http://www.pravo.gov.ru)), 16 декабря 2019 года, №0001201912160081; №0001201912160064; №0001201912160072.

<sup>4</sup> Уголовный кодекс Российской Федерации. ст.146. // Собрание законодательства Российской Федерации, 1996, №25, ст. 2954; 2003, №50, ст. 4848; 2010, №19, ст. 2289; 2011, №50, ст. 7362; 2015, №24, ст. 3367; 2016, №27, ст. 4258; 2017, №31, ст. 4799; 2018, №9, ст. 1292; №53, ст. 8459; 2019, №22, ст. 2668.

<sup>5</sup> Федеральный закон от 12 августа 1995 года №144-ФЗ “Об оперативно-розыскной деятельности” // Собрание законодательства Российской Федерации, 1995, №33, ст. 3349.

<sup>6</sup> Ventre D. Cyberspace et acteurs du cyber conflict. Hermes-Lavoisier, 2011 y.

<sup>7</sup> А.Анорбоев. Р.Хурсанов. Кибержиноятчилик – рақамли технологиялар кушандаси. – Т. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2020 й., – Б.5.

### 3.3-§. Кибержиноятчиликка қарши курашишда давлат органларининг ўрни ва роли

Ҳозирда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот соҳасидаги таҳдидларни бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш билан бошқа орган<sup>1</sup>, тармоқлар, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш билан бошқа орган<sup>2</sup>, мамлакатда рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида, электрон ҳукумат ва давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этиш бўйича бошқа орган<sup>3</sup>, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш билан бошқа орган<sup>4</sup>, давлат хавфсизлигини таъминлаш билан бошқа орган<sup>5</sup>, оммавий коммуникациялар соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига, техник регламентлар ёки стандартларга, лицензиялар шартларига риоя этиши устидан мониторинг олиб бориш билан бошқа орган<sup>6</sup>, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш ва муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида фонограммалар, аудиовизуал асарлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тарқатилишида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга ошириш билан бошқа орган<sup>7</sup>, ахборот хавфсизлигига ҳозирги вақтдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўплаш, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашиш, Интернетнинг миллий фойдаланувчиларини Интернет тармоғи миллий

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги 1038-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисида”ги Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2018 йил, 09/18/1038/0508-сон.

<sup>2</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисида”ги Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2018 йил, 09/18/318/1108-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5598-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 йил, 06/18/5598/2313-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 15-сон, 247-модда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 йил, 03/18/471/1022-сон.

<sup>6</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарорига 2-илова билан тасдиқланган “Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 47-сон, 486-модда.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисида”ги Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 йил, 07/18/4024/2200-сон.

сегментида ахборот хавфсизлигига пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек ахборотларни ҳимоя қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш бўйича бошқа орган<sup>1</sup>, “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини амалга ошириш бўйича эса бошқа орган<sup>2</sup>, киберхавфсизликни таъминлаш билан эса, бошқа орган<sup>3</sup> шуғулланиши натижасида соҳада бир қатор камчиликларимиз мавжуд.

Агарда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини инсон деб фараз қилсак, унинг организмидаги таъна аъзолари бу соҳанинг йўналишларидир, ушбу таъна аъзоларидан бирон бирини олиб қўйсак, инсон организми кучсизланади, шу жиҳатдан наздимизча, соҳада ягона сиёсатни битта давлат органи олиб боргани бу мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5185-сон Фармонида асосан бир-бирини такрорловчи ваколатлари бўйича давлат органларини бирхиллаштириш орқали оптималлаштириш зарурлиги белгилаб қўйилган. Аммо юқорида кўриб ўтганимиздек, 9 та давлат органи айнан кибермаконни яратиш бўйича бир-бирини такрорловчи ваколатларга эга ва биргина кибермаконни яратиш учун ҳар бир давлат органи қайси бир функцияси билан ушбу вазифани амалга оширишга ҳаракат қилади. Фикримизча, юқорида таъкидланган 9 та давлат органининг бир-бирини такрорловчи мазкур функцияларини бирхиллаштирган ҳолда, уни ягона битта давлат органига беришимиз ва алоҳида кибермаконни яратиш учун масъул бўлган ваколатли органи ташкил этишимиз даркор. Шу ўринда ушбу функцияларни бирхиллаштирган ҳолда, уни мавжуд органлардан бирига берсак бўлмайдими? – деган табиий савол туғилади. Фикримизча, унинг имконсиз эканини ўтган вақт давомида мамлакатимизда кибермаконни яратиш иши лозим даражада амалга оширилмасдан келинаётгани билан изоҳлаш мумкин. Мазкур ҳолатни кенгроқ кўриб чиқадиган бўлсак. “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги 1038-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисида”ги низомнинг 2-бандига кўра, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари, ахборот

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 йил, 07/18/4024/2200-сон.

<sup>2</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини амалга ошириш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирлар ва ягона технологик ёндашувни ташкил қилиш тўғрисида”ги 343-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2018 йил, 09/18/343/1203-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарори // ҚХММБ, 16.09.2019 й., 07/19/4452/4207-сон.

алмашиш, матбуот, ноширлик, матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси, “Алоқа тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуннинг 7-8-моддаларига кўра, ахборотлаштириш, алоқа, телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисида”ги низомга асосан, Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, бошқа ташкилотлар ва идораларда ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот ва киберхавфсизликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати устидан назорат, мониторинг олиб бориш, уни ўрганиш ва текшириш ваколатига эга бўлиб, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш ва муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида фонограммалар, аудиовизуал асарлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тарқатилишида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширувчи махсус мақомга эга ваколатли давлат органи ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисида”ги низомга асосан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлаш, муомалада бўлиши тақиқланган ёки қонун билан чекланган қурол-яроғ, бошқа предметлар ва моддаларни сотиб олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифаси қилиб белгиланган ва ушбу вазифани амалга ошириш учун у юқорида таъкидлаб ўтган функцияни амалга оширишга тўла ҳақли бўлиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасига кўра, давлат хавфсизлик хизмати давлат

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисида”ги низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 й., 07/18/4024/2200-сон.

хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади. Шунга кўра, мамлакатимизда киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш билан ушбу давлат органи ҳам шуғулланишга тўла ваколатлидир<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизликни тартибга солиш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади ва Ўзкомназорат “Киберхавфсизлик маркази” ДУК билан биргаликда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва идораларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлиги ҳолатини назорат қилиш, мониторинг қилиш, ўрганиш ва текширишни амалга оширади<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ–4699-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланиши ва рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш доирасида ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг лойиҳалари ва техник ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини мажбурий экспертизадан ўтказиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида крипто-активлар ва блокчейн технологиясини жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб белгилаб қўйилди<sup>3</sup>. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш ваколатига эга<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонун // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 йил, 03/18/471/1022-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарори // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.09.2019 й., 07/19/4452/4207-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ–4699-сон қарори // ҚХММБ, 29.04.2020 й., 07/20/4699/0520-сон.

<sup>4</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 июндаги 132-сон қарори илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 25-26-сон, 265-модда; Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги “Оммавий

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ҳамда “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, оммавий ахборот воситалари томонидан ахборотларни шакллантириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш ва унинг самарали мониторингини амалга ошириш, шунингдек шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (ҳозирги Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги), Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази (ҳозирги Маънавият ва маърифат маркази), жамоат ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссиясини (кейинги ўринларда Комиссия) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилган.

Ушбу қарор билан Комиссияга қуйидаги асосий вазифалар юкланган:

миллий ахборот макони ва оммавий коммуникация воситалари фаолияти, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдош тизимлар, Интернетнинг глобал тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари, шунингдек босма маҳсулотлар мониторинги натижаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази томонидан тақдим этиладиган мониторинг материалларини оммавий коммуникация воситаларида тарқатиладиган ахборот материалларининг ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга, фуқароларнинг ижтимоий онгига бузғунчи салбий ахборот-руҳий таъсирнинг олдини олишга, миллий-маданий анъаналар ва меросни сақлаб қолиш ва уларнинг узвийлигини таъминлашга йўналтирилган республика қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази Комиссиянинг ишчи органи этиб белгиланган<sup>1</sup>.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Идоралараро коллегиял органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 августдаги ПФ–5527-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон

---

коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 228-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 32-33-сон, 336-модда.

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 8-сон, 70-модда.



Республикаси Ҳукумати қарорлари билан тузилган идоралараро коллегиял органлар тубдан қисқартирилганлиги ҳамда уларни оптималлаштириш чора-тадбирлари белгиланган<sup>1</sup>. Шу мақсадда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 948-сон қарори билан тасдиқланган “Идоралараро коллегиял органлар тўғрисида”ги низомга асосан коллегиял органларни ташкил этишда коллегиял органларга давлат-ҳокимият ваколатларини бериш, амалий аҳамиятга эга бўлмаган, шунингдек давлат бошқарувида, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларнинг юзага келишига сабаб бўладиган коллегиял органларни ташкил этиш ва фаолият юритиши, коллегиял органларга давлат органлари вазифа ва функцияларининг ўрнини эгаллашга, қабул қилинаётган қарорлар ва аниқ натижаларга эришиш учун жавобгарликнинг сусайишига олиб келувчи такрорловчи ва параллел функцияларни юклаш тақиқланади.

Кўриб турганимиздек, мазкур Комиссияга алоҳида битта давлат органи бажарадиган функциялар берилган бўлиб, ушбу комиссия ўз фаолиятини амалга ошириш вақтида жуда катта тезлик билан ҳаракатланувчи ахборотнинг ҳолатини тартибга солиш вақтида турли хил вазирлик ва идоралар ўртасида тушунмовчиликлар, юқорида таъкидлаган бир-бирини такрорловчи функцияларни ўзида бирлаштирган 9 та давлат органи ўртасида ўзларининг нуқтаи назарларини ўтказишга ҳаракат қилиш оқибатида мавжуд муаммо тез ҳал этилиши учун сунъий тўсиқлар пайдо бўлмоқда. Юқоридагиларга асосланиб, айтиш керакки, мазкур комиссияни оптималлаштирган ҳолда, қайта ташкил этиш ҳамда мавжуд вазирлик ва идораларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги функцияларини алоҳида битта давлат органига тақдим этиш орқали мавжуд муаммоли ҳолатни ҳал этишни тақлиф қиламиз.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси(ФК)нинг 70-моддасига кўра, ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади. Шунга кўра, биз янги ташкил этиладиган ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини давлат унитар корхонаси сифатида ташкил қилмаслик сабабини берамиз. Ушбу ҳолатни қуйидагилар билан ҳам исботлашимиз мумкин:

*биринчидан*, унитар корхона ФКнинг 72-моддасига асосан уставда белгиланган мақсадлар билан шуғулланиш вақтида у тижоратчиликка таваккалчилик билан қўл уради ва у истаган бир вақт ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш орқали ўз мажбуриятларини ўзидан соқит қилиши мумкин;

*иккинчидан*, ФКнинг 80-моддасига кўра, давлат томонидан тузилган юридик шахс давлатнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари давлат ўзи тузган юридик шахснинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Идоралараро коллегиял органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5527-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2018 йил, 06/18/5527/1802-сон.

мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, деган қоидага кўра, мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни ташкил қилиш борасида ҳуқуқий ворислик бўйича муаммолар келиб чиқиши мумкин;

*учинчидан*, тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир<sup>1</sup>. Шунга кўра, Конституциямизнинг 2- ва 7-моддасига кўра, халқнинг олдида алоҳида масъулиятни ҳис қиладиган вазифаларни асосий мақсади ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор бўлган унитар корхонага аслида алоҳида давлат органи бажариши зарур бўлган вазифаларни ишониб топширишга Асосий қомусимиз нуктаи назаридан ҳақли эмасмиз.

Халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, Е.М.Якимова ва С.В.Наруттолларнинг фикрига асосан, АҚШда Миллий киберхавфсизлик маркази, Бирлашган АҚШ қуролли кучлари қўмондонлиги, Буюк Британияда Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий алоқа маркази ҳузуридаги Электрон алоқа хавфсизлиги гуруҳи, Мудофаа вазирлиги Виртуал таҳдидлардан ҳимоя қилиш бўлими шуғулланади<sup>2</sup>.

К.Берднинг фикрига асосан, ҳарбий ҳаракатлар пайтида Миллий киберхавфсизлик маркази АҚШда Пентагоннинг барча тузилмаларининг ҳаракатларини мувофиқлаштиради, федерал фуқаролик институтларига тегишли ёрдам кўрсатади, шунингдек, бошқа давлатлар билан халқаро муносабатларга киришади<sup>3</sup>. С.Завьялов ушбу ташкилотнинг вазифаси АҚШда ахборот стратегиясини амалга ошириш учун масъул бўлган махсус кўмитадир, деб тушунтириш беради<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармонига асосан, вазирликлар, давлат кўмиталари, кўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари республика давлат бошқаруви органлари жумласига киради ва инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 69-П-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ-328-сонли Қонуни таҳририда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда.

<sup>2</sup> Е.М.Якимова ва С.В.Нарутто. Международное сотрудничество в борьбе с киберпреступностью. Криминологический журнал Байкальского государственного университета экономики и права. 2016. – Т.10. № 2. –369-378 с.

<sup>3</sup> К.Берд. Война со многими неизвестными / К. Берд // Компьютерра. 2009. № 20. – 26-29 с.

<sup>4</sup> С.Завьялов Зарубежный опыт в области борьбы с пропагандой терроризма в интернете / С. Завьялов // Зарубежное военное обозрение. 2014. № 4. – 34-39 с.

ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, ташқи ва ички сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш Республика давлат бошқаруви органларининг асосий вазифалари ва функциялари ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу Фармон билан Республика давлат бошқаруви органлари рўйхати тасдиқланган бўлиб, унга ушбу Фармоннинг 1-2-банди талабларига жавоб берувчи вазирлик ва идоралар киритилган.

Демак, кибержиноятчиликка қарши курашиш ва киберхавфсизликни таъминлаш борасида ягона сиёсатни ўзга органлар эмас, фақат ва фақат республика даражасидаги давлат бошқаруви органи амалга ошириш керак, ваҳоланки, бизда юқорида саналган органлар бутун бир соҳани бошқаришиб, бу борадаги, аниқроғи киберхавфсизликни таъминловчи ягона ваколатли орган республика даражасидаги орган бўлиши керак. Шу жиҳатдан ҳам, мазкур Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармонида асосланиб фикр юритадиган бўлсак, “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонунга асосан, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 2 февралдаги ПФ–5653-сон Фармонида асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳузуридаги “Киберхавфсизлик маркази”, Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг ҳузуридаги Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 948-сон қарори билан тасдиқланган “Идоралараро коллегиял органлар тўғрисида”ги низомга асосан, Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси республика даражасидаги давлат бошқаруви органига кирмайди. Республика даражасидаги давлат бошқаруви органига талабгор сифатида, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси қолди,

аммо улар ичида Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатида республика давлат бошқаруви органи сифатида киритилмаганлиги сабабли уни ушбу рўйхатдан чиқариб ташлаймиз.

Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича энг катта муаммолардан бири, техник муаммо ҳисобланади, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон ва “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарорларига асосан, 2019 йил 1 январдан ахборот-коммуникация технологиялари, аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотлар, ҳимоя воситалари ва бошқа техник воситаларга техник топшириқлар бўйича хулосалар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳузуридаги “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонаси билан мажбурий тартибда келишилади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ–4699-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади ҳамда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш доирасида ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг лойиҳалари ва техник хужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий хужжатлари лойиҳаларини мажбурий экспертизадан ўтказди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида давлат бошқаруви бўйича махсус ваколатли орган этиб белгиланган.

Маълумки, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга асосан, ахборотлаштириш юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёнидир. Киберхавфсизлик ахборотлаштириш соҳасига кирувчи тушунча эканлигини инобатга олсак, ҳам техник, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан соҳа йўналишининг ичидаги бир кичик йўналиш бошқа идора томонидан тартибга солиниши

қанчалик тўғри, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг таркибидаги тузилма ҳисобланади, бироқ унда ҳам Ўзбекистон қонунлари амал қилади, аммо бу кичик йўналишдаги қоидалар асосий қоидалардан ўзгача бўлиши қанчалик ҳам техник, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тўғри? Буни қуйидаги мисол билан тушунтиришга ҳаракат қиламиз, яъни компьютер-процессор ўзининг клавиатура, “сичқонча”, монитор ва бошқа қурилмаларига боғлиқ ҳамда бунда ушбу қурилмалар ҳар бирининг ўзига хос функциялари мавжуд. Уларнинг ҳар бири иккинчисига ўзаро боғлиқ. Киберхавфсизлик ҳам наздимизча, шундай у ахборотлаштириш соҳасидан ўзга соҳа бўлиб ривожлана олмайди, сабаби истаган бир технологиялар киберхавфсизликка оид технология бўлиши билан бир қаторда, у ахборотлаштириш соҳасининг предмети ҳамдир. Биз олиб борилаётган ислохотларга қарши эмасмиз, фақатгина ушбу ислохотларнинг тўғри ва бардавом бўлишини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўзимизнинг конституциявий ҳуқуқимиздан фойдаланмочимиз, яъни соҳа вазирлик томонидан бошқарилса, у бу бўйича ваколатли орган бўлса-ю, унинг бир қисми ўзга ташкилотлар томонидан тартибга солишиши мантқан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармонида асосан, ташкилий жиҳатдан, ахборотлаштиришга оид қонунчилик жиҳатидан нотўғридир.

Шунингдек, масалани Интернет тармоғи орқали тушунтирадиган бўлсак, “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда телекоммуникацияларнинг халқаро тармоқларига, шу жумладан “IP-телефония” технологиясини қўллаган ҳолда чиқишни ташкил этишга алоҳида ҳуқуққа ва тегишли лицензиялар асосида ўз фаолиятини амалга оширувчи операторлар ва провайдерлар, фақат “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси техник воситалари орқали телекоммуникацияларнинг халқаро тармоқларига чиқиш ҳуқуқига эгадир<sup>1</sup>.

Демак, Интернет таъминотчиси томонидан узатилган интернет унинг етказиб берувчиларидан дастлаб “Ўзбектелеком” АКга, сўнг бошқа операторлар ва провайдерларга, кейин фойдаланувчига етиб боради. Фойдаланувчигача етиб борган тармоқни агарда биз Интернет тармоғи деб олиб қарайдиган бўлсак, Давлат хавфсизлик хизмати ҳузуридаги “Киберхавфсизлик маркази” ДУК мана бутун тармоқнинг техник ва ҳуқуқий жиҳатдан хавфсизлигини таъминлашга қодир эмас, сабаби техник томондан Интернетни тўлиқ жиловлаш имконсиз, иккинчидан, ушбу тармоқ, ахборотлаштириш соҳасидаги ваколатли органга ҳам тегишли.

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбектелеком” Акциядорлик компаниясини хусусийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2004 йил 29 сентябрдаги 453-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон, 428-модда.

Энди, махсус қоидаларга юзланиб иш юритсак, “Алоқа тўғрисида”, “Телекоммуникациялар тўғрисида”<sup>1</sup>, “Ахборотлаштириш тўғрисида”<sup>2</sup>ги Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисида”ги низом ва Вазирлар Маҳкамасининг “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори<sup>3</sup>га асосан, ушбу вазирлик ахборотлаштириш, электрон ҳукумат, электрон тижорат, электрон рақамли имзодан фойдаланиш, телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизимини шакллантириш ва унинг самарали фаолиятини таъминловчи ваколати берилган орган ҳисобланади<sup>4</sup>.

“Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунга асосан, Вазирлар Маҳкамаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини, давлат хавфсизлигини ва мудофаа қобилятини, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқилишини, тасдиқланишини ва амалга оширилишини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳамкорлигини, давлат мудофаа буюртмаларини шакллантириш ва мудофаа аҳамиятига молик ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради. Вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари ўзлари олиб бораётган давлат сиёсатининг сифатли ва самарали амалга оширилиши учун Вазирлар Маҳкамаси олдида жавобгардир<sup>5</sup>.

Вазирлар, давлат кўмиталари раислари ва бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган таклифлар, тахлилий ҳамда бошқа ҳужжатларнинг, шу жумладан норматив-ҳуқуқий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги 822-І-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-ІІ-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

<sup>3</sup> Вазирлар Маҳкамасининг “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 йил, 11-сон, 73-модда.

<sup>4</sup> Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 йил, 5-сон, 98-модда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги ЎРҚ-591-сон Қонуни // ҚХММБ, 11.12.2019 й., 03/19/591/4130-сон.

хужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ҳар томонлама ишлаб чиқилиши, шунингдек уларни амалга оширишнинг пировард натижалари ва оқибатлари учун шахсан жавобгар бўлади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари тўғрисидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Давлат бюджети ҳисобидан таъминланадиган вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ҳамда бошқа давлат бошқаруви органларининг марказий девонлари ходимларининг чекланган сони ва уларнинг таъминоти учун ажратиладиган маблағлар миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Вазирлар Маҳкамаси вазирликларни, давлат қўмиталарини ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги тақдимномаларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентига киритиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади<sup>1</sup>. Шунга кўра, айтишимиз керакки, Вазирлар Маҳкамаси кибержиноятларга қарши курашиш ва мамлакатда хавфсиз кибермаконни яратиш, киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ягона мувофиқлаштирувчи ҳамда соҳадаги давлат органлари фаолиятида ўзаро ҳамкорликни таъминловчи орган бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли технологиялар, робототехника, кибертехнологияларни экспертизадан ўтказиш бўйича ягона ваколатли органдан ташқари, кибержиноятчиликка қарши курашиш, киберхавфсизликни таъминлаш борасида ягона давлат сиёсатини юритувчи, соҳада яратилаётган технологияларнинг ахборот-коммуникация технологиялари ёки кибертехнология ёхуд рақамли технология, шу билан биргаликда уларнинг таркибий қисми ҳисобланган бошқа технологиялар эканлигини аниқловчи, кибержиноятлар ва киберҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ягона давлат сиёсатини юритувчи ва таъминловчи махсус ваколатли орган деб эътироф этилиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 1-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади. Жиноят ишларини юритишнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир. Шунга кўра, ЖПКнинг 344-моддасига асосан, дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради.

ЖПКнинг 345-моддасига асосан, Жиноят кодексининг 167-моддаси учинчи қисми “г”-бандида назарда тутилган компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш ва телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 декабрдаги ЎРҚ–591-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 03/19/591/4130-сон.

жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятни реклама қилиш жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов ишни қўзғатган орган, 168-моддаси иккинчи қисми “в”-бандида назарда тутилган компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик, 169-моддаси учинчи қисми “б”-бандида назарда тутилган компьютер тизимига рухсатсиз кириб ўғрилиқ, 244-1-моддасининг учинчи қисми “г”-бандида назарда тутилган телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш, 278-2-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавfli рецидивист томонидан, хизмат мавқеидан фойдаланиб, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилади. Жиноят кодексининг 97-103-1, 108, 116, 141-149, 175-моддаларида, 177-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 180-181-1-моддаларида, 184-моддаси учинчи қисмида, 186-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 1921-192-11, 197-1, 205-212, 215, 218-221, 229-4, 230, 231-моддаларида, 232-моддаси иккинчи қисмида, 233-236, 241-1-242, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилади. Жиноят кодексининг 150-163, 182, 223, 246-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов давлат хавфсизлик хизмати терговчилари томонидан олиб борилади. ЖПК 345-моддасининг иккинчи қисмига асосан, ушбу модданинг иккинчи-еттинчи қисмларида назарда тутилган жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт. Бунда, ЖПКнинг 344-моддасига асосан, Вазирлар Маҳкамасига ёки Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш ваколати берилмаган.

Бироқ, ЖПКнинг 345-моддасига асосан, Жиноят кодексининг 278-моддасининг учинчи қисми, 278-1-278-6-моддалари ва 278-7-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишлар айнан қайси орган терговчилари томонидан тўғри-тўғри тергов олди ёки тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида қоида белгиланмаган.

Мазкур ҳолатда ЖПКнинг 1, 11, 344-345-моддаларининг талабларига асосан, кибержиноятларни етарли даражада тергов қилиш зарурлигини инобатга олиб, киберқотиллик, кибертехнологиялар орқали шахсни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, киберсуицид, кибертахдид, кибертехнологиялардан фойдаланиб фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, кибертуҳмат, киберҳақорат, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, алоқа,



телекоммуникация ва бошқа ахборот-коммуникация технологиялари орқали хат-хабар алмашув, сўзлашувлар ва бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, кибертехнологиялардан фойдаланиб виждон эркинлигини бузиш, кибертехнологиялар орқали ахборот-коммуникация технологияларига оид муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш, кибертехнологиялардан фойдаланиб пора олиш ёки пора бериш ёхуд воситачилик қилиш, кибертехнологиялар орқали давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш, кибертехнологиялар орқали тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш, кибертехнологиялар орқали суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш, кибертехнологиялар орқали ёлғон маълумотлар тарқатиш, кибертехнологиялар орқали валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш, кибертехнологиялар орқали электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш, кибердоришунослик, ноқонуний кибертадбиркорлик, кибер “молиявий пирамида”, кибертехнологиялар орқали қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш, кибертехнологиялар орқали рақобатчини обрўсизлантиришга оид жиноятларга доир дастлабки тергов прокуратура терговчилари томонидан, киберсексуализм, кибертехнологиялардан фойдаланиб вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, киберпорнография, киберзўравонлик, киберқўшмачилик, кибертехнологиялар орқали йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоийишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш, кибертехнологиялар орқали ҳужжатлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш, электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни қалбакилаштириш, сохталаштириш ва улардан фойдаланиш, кибертехнологиялар орқали далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), кибертехнологиялар орқали жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, кибертехнологиялар орқали шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмаларини, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни, радиоактив материалларни, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни портлатиш қурилмалари киберўғрилик ёки киберфирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш, киберпиротехника, кибертехнологиялар орқали нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш, кибертехнологиялар орқали транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар, кибергиёҳвандлик, кибербезорилик, киберқиморбозлик, кибербосқинчилик, кибертовламачилик, киберталончилик, киберўзлаштириш ёки киберрастрата, киберфирибгарлик, киберўғрилик, алдаш ва ишончи суистеъмол қилиш орқали кибертехнологиялардан фойдаланиб зарар етказиш, кибертехнологиялар орқали жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки

ўтказиш, кибертехнологиялар орқали мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, кибертехнологиялар орқали қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар яшаш, уларни ўтказиш, кибертехнологиялар орқали солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, ахборот-коммуникация тизими, тармоғига кириш имконини берувчи ёки ундан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун кибертехнологияларни ўтказиш мақсадида уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ўтказиш, тарқатиш, фойдаланиш ва сотиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер саботаж, зарарли дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатишга оид жиноятларга доир дастлабки тергов ички ишлар терговчилари томонидан, киберагрессия, кибергеноцид, киберёлланиш, кибертерроризм, кибертеррористик таълим олиш ёки таълим бериш ёхуд ҳаракатланиш, кибертерроризмни молиялаштириш, киберэкстремизм, давлат раҳбарига ёки бошқа мансабдор шахсига нисбатан кибертажовуз, кибертехнологиялар орқали давлатнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш, кибержосуслик, киберқўпурувчилик, кибертехнологиялар орқали давлат сирларини ошкор қилиш, киберконтрабандага доир дастлабки тергов давлат хавфсизлик хизмати терговчилари томонидан олиб борилиши таклиф қилиниб, ЖПКнинг 345-моддаси қайта кўриб чиқилиши ёки Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ЖПКнинг 344-моддасида назарда тутилган ваколатлар берилиши ва шу орқали ЖПКнинг 345-моддаси қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги фикрларимизни хорижий тажриба нуқтаи назаридан баён қиладиган бўлсак, чет давлатларнинг қонунчилигида куйидагиларга гувоҳ бўламиз: хусусан, Австралияда Мудофаа вазирлиги, Белгияда Хавфсизлик масалалари бўйича вазирлик кўмитаси, Бразилияда Ахборот хавфсизлиги масаласи бўйича кўмита, Канадада Канаданинг компьютер тармоқлари учун фавқулодда ёрдам маркази, Эстонияда Иқтисодиёт ва алоқа вазирлиги, Финландияда транспорт ва алоқа вазирлиги, Францияда Бош вазир Администрацияси таркибидаги миллий мудофаа бош қотибияти ва Ахборот тизими хавфсизлиги миллий агентлиги, Германияда ахборот хавфсизлиги федерал агентлиги, Венгрияда информатика ва алоқа вазирлиги, Ҳиндистонда Миллий Ахборот Кенгаши, Италияда Ички ишлар вазирлиги, Японияда Вазирлар Маҳкамасининг Қотибияти, Корея Республикасида барча давлат органлари ва уларнинг таркибига кирувчи органлар, Малайзияда менежментни замонавийлаштириш ва режалаштириш бошқармаси, Голландияда Қироллик ва ички ишлар вазирлиги, Янги Зеландияда инфраструктураларни танқидий ҳимоялаш маркази, Норвегияда фуқаролик мудофааси ва инқирозни режалаштириш бошқармаси, Полшада Фан ва олий таълим вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги ва маъмуриятлари, Сингапурда Ахборот тармоғи хавфсизлиги ва алоқа бошқармаси, Испанияда Саноат, туризм ва савдо вазирлиги, Бош бошқарма вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Буюк Британияда Вазирлар Маҳкамасининг таркибига кирувчи киберхавфсизлик бошқармаси, шунингдек, Швейцария, Швецияда киберхавфсизликка оид масалалар билан бутун бир тизимдаги ташкилотлар

шуғулланишади. Венгрия Республикасида, давлат ва хусусий шерикчилик фонди киберхавфсизликни таъминлаш бўйича маблағларни тизимли ажратади ва кибержиноятларга қарши курашиш бўйича Венгрияда CERT-Vengriya фавқулодда миллий тезкор жавоб гуруҳлари шакллантирилган, Ҳиндистон Республикасида эса, кибержиноятларга қарши курашиш учун Ҳиндистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Кенгаши Котибиятининг таркибий қисми саналган 21 нафар аъзодан иборат Ҳиндистон Миллий Ахборот Кенгаши ташкил этилган, Италияда Ички ишлар вазирлиги ҳамда Инновация ва технология вазирлиги кибержиноятларга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгиланган, шунингдек, Италияда полициянинг почта хизмати ташкил этилган ҳамда у миллий ва минтақавий даражада компьютер жиноятларига тезкор жавоб қайтариш марказларини назорат қилади, Италиянинг танқидий инфратузилмаси экспертлари Ассоциацияси эса, давлат ва хусусий секторнинг киберхавфсизлиги бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб туради<sup>1</sup>.

2001 йил 23 ноябрда Будапештда қабул қилинган “Кибержиноятлар тўғрисида”ги конвенция (ETS №185)га 2009 йил феврал ойида Молдова парламенти ратификация қилди ва “Компютер маълумотлари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунини қабул қилиб, унга асосан, Ички ишлар вазирлиги махсус қидирув тадбирларини ўтказиш, жинойий жавобгарликка тортиш, халқаро ҳамкорлик ва кибер жиноятчиларни аниқлаш учун жавобгар эканлиги, Ахборот ва хавфсизлик хизмати билан биргаликда Ички ишлар вазирлиги ушбу соҳадаги маълумотлар базаларини тузиши ва доимий равишда янгилаб бориши, Ахборот ва хавфсизлик хизмати мамлакат миллий хавфсизлигига таҳдид солувчи кибер жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш билан шуғулланиши, ўз ваколатлари доирасида у махсус қидирув ишларини олиб бориши, халқаро жинойий ташкилотларнинг алоқаларини аниқлаш бўйича чора-тадбирларни кўриши белгилаб қўйилди, шунингдек, 2016 йилда Молдовада Бош прокуратура тузилмасида Уюшган жиноятларга ва махсус ишларга қарши кураш бўйича прокуратура ташкил етилди ва ўз ваколатлари доирасида, хусусан, зарар 50 минг (140 минг доллар) да ахборот жиноятлари ва телекоммуникациялар соҳасидаги жиноятлар учун жинойий иш қўзғатиш ваколатига эга бўлди, шунга кўра, у томонидан биргина 217 йилда 113 та жиноят иши қўзғатилган бўлиб, улардан 38 таси болалар порнографияси, 22 таси шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, 13 таси ёзишмаларнинг махфийлигини бузиш, 10 таси ахборот фирибгарлиги, 7 таси муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бузиш, 7 таси саноат мулки объектларига бўлган ҳуқуқлар бузиш, 6 таси телекоммуникация тармоқлари ва хизматларидан рухсатсиз фойдаланиш, 6 таси фирибгарлик, 3 таси карталарни ёки бошқа

<sup>1</sup> БМТнинг 2017 йилги глобал киберхавфсизлик индекси. <https://rus.delfi.ee/daily/estonia/estoniya-priznana-pyatoj-samoj-kiberbezopasnoj-stranoj-v-mire?id=78814562>. // [https://www.itu.int/dms\\_pub/itu-d/opb/str/D-STR-GCI.01-2017-PDF-E.pdf](https://www.itu.int/dms_pub/itu-d/opb/str/D-STR-GCI.01-2017-PDF-E.pdf).

қалбаки тўлов воситаларини тайёрлаш ёки бериш, 1 таси ахборот тизими ишлашининг бузилишига оиддир<sup>1</sup>.

Қозоғистон Республикаси Мудофаа ва Аерокосмик Саноат вазирлиги ушбу соҳада ваколатли орган бўлиб, унинг Ахборот хавфсизлиги кўмитасининг маълумотларига кўра, агар 2016 йилда давлат органларига 1 миллиард ҳужумлар қайд этилган бўлса, 2017 йил охирига келиб уларнинг сони 20 миллиардни ташкил етган<sup>2</sup>. “Электрон алоқа ва операциялар тўғрисида”ги Замбиянинг 2009 йилдаги қонунига асосан Замбияда Алоқа хизмати<sup>3</sup>, Белгияда Бельгия Адлия хизмати ва Компьютер жинояти федерал хизмати<sup>4</sup>, 2002 йилда ташкил этилган Финландия Алоқа хизмати<sup>5</sup>, БАА<sup>6</sup>, Швейцария<sup>7</sup>, Хитой<sup>8</sup> каби давлатларда алоҳида махсус гуруҳлар кибержиноятларга нисбатан зарур чораларни кўриш вазифасини бажаради. Шу ўринда табиий савол туғилади, бу борада ваколатли орган ва бошқа органларни аниқ белгилаб қўйиш бизга нима беради, аввало, ушбу органнинг белгилаб қўйилиши бу соҳадаги киберхуқуқбузарликлар ва кибержиноятларга оид муурожаатларнинг ягона амалиётга ёндашилган ҳолда асосли жавоб берилишига шарт-шароит яратади, соҳадаги хато ва камчиликлар тўлиқ бартараф этилиши имкониятлари осонлашади ва соддалашади, соҳани бошқариш имкониятлари яратилади, соҳага ажратилган пул маблағларининг мақсадли ишлатилишига ёрдам беради, коррупциявий омиллар бўлишига нисбатан таваккалчилик камади, ягона жиноий-ҳуқуқий ва техник ёндашув вужудга келади, хуқуқбузарликлар ва жиноятларни кўриб чиқиш ва айбдорларга жазо тайинлаш тартиби такомиллашади, соҳанинг ривожини учун зарур ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш имкониятлари яратилади. Хавфсиз кибермаконни яратиш борасида барча ваколатли давлат оргарлардан ташқари, Молия вазирлигининг ҳар йили хавфсиз кибермаконни яратиш учун зарур маблағлар ажратилиши ва

<sup>1</sup> Обзор законодательства Республики Молдова в сфере информационной безопасности. Часть 9: Борьба с киберпреступностью // <https://digital.report/zakonodatelstvo-moldovy-infobezopasnost-9/>.

<sup>2</sup> Т.С.Темиралиев, Е.А.Омаров. Проблемы противодействия преступлениям, совершаемым с применением информационных систем, и пути их решения // Вестник Института законодательства и правовой информации Республики Казахстан. 2019. №1 (55).– С.95.

<sup>3</sup> Mukelabai, Cybersecurity Efforts in Zambia. Presentation at ITU Regional Cybersecurity Forum for Africa and Arab States 4th – 5th June 2009 Tunis, Tunisia, available at: [www.itu.int/ITU-D/cyb/events/2008/lusaka/docs/mukelabai-cazzambia-lusaka-aug-08.pdf](http://www.itu.int/ITU-D/cyb/events/2008/lusaka/docs/mukelabai-cazzambia-lusaka-aug-08.pdf);

Natyoka, ZICTA Corner - Defining ZICTA's new mandate. Times of Zambia, 2009 // available at: [www.times.co.zm/news/viewnews.cgi?category=12&id=1262768483](http://www.times.co.zm/news/viewnews.cgi?category=12&id=1262768483). 985 Zambia Electronic Communications and Transactions Act 2009, available at: [www.caz.zm/index.php?option=com\\_docman&Itemid=75](http://www.caz.zm/index.php?option=com_docman&Itemid=75). See also ZICTA. Cybercrime Penalties (Part 1), available at: [www.caz.zm/index.php?option=com\\_content&view=article&id=76:cyber-crime-penalties-part1&catid=34:column&Itemid=38](http://www.caz.zm/index.php?option=com_content&view=article&id=76:cyber-crime-penalties-part1&catid=34:column&Itemid=38).

<sup>4</sup> Annual report 2008 Belgian Institute for postal service and telecommunication, BIPT, 2009, available at: <http://bipt.be/GetDocument.aspx?forObjectID=3091&lang=en>.

<sup>5</sup> See: Killcrece, et al, Organizational Models for Computer Security Incident Response Teams (CSIRTs). Handbook, December, 2003, available at: [www.cert.org/archive/pdf/03hb001.pdf](http://www.cert.org/archive/pdf/03hb001.pdf).

<sup>6</sup> Scarfone/Grance/Masone, Computer Security Incident Handling Guide. Recommendations of the National Institute of Standards and Technology. NIST Special Publication 800-61, 2008, available at: <http://csrc.nist.gov/publications/nistpubs/800-61-rev1/SP800-61rev1.pdf>, pp. 2-2.

<sup>7</sup> [www.ficora.fi/](http://www.ficora.fi/).

<sup>8</sup> 990 Sweden's IT Incident Centre (Sitic) is located in the ICT regulator PTS .See: PTS. Secure communications, available at: [www.pts.se/en-gb/About-PTS/Operations/Secure%20communications/](http://www.pts.se/en-gb/About-PTS/Operations/Secure%20communications/).

уларнинг ишлатилишини мониторинг қилишда<sup>1</sup>, Бош прокуратуранинг теговдан ташқари, дастлабки тергов устидан умумий назоратни амалга ошириши, ҳуқуқий статистикани юритиши, Олий суднинг судлар мустақиллигига ва ишларнинг қонуний ҳамда адолатли кўрилишини таъминлашда<sup>2</sup>, Ўзкомназоратнинг киберҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни фош этиш, уларга қарши курашиш, хавфсиз кибермаконни яратиш борасида зарур чоралар кўришда, Солиқ органларининг аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа субъектлар томонидан солиқ ва бошқа мажбуриятлар юзасидан тўланган пул маблағларининг лозим даражада давлат хазинасига келиб тушишида<sup>3</sup>, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш мақсадлари ва таркибий ислохотлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, инсон капитални ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, зарур инфратузилмани шакллантиришга асосланган иқтисодий ривожланишнинг концептуал йўналиш ва вазифаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришиш чора-тадбирларини амалга оширишда<sup>4</sup> зарур чораларни кўриш билан боғлиқ маъмурий тартиб-таомиллар белгилаб қўйилиши ва улар ўзи тизимлилик асосида кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, сўнгги йиллардаги жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, киберхужумларни муваффақиятли тергов қилиш имконияти атиги 0,05% ни ташкил этади! Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2021 йилгача дунё иқтисодиётига кибер жиноятлардан етказилган зарар 6 триллион АҚШ долларига тенг бўлади. Таққослаш учун, бу жиноий дунё “анъанавий” жиноятлардан: гиёҳванд моддалар савдоси, фоҳишалик, талончилик, қурол сотиш ва бошқалардан икки баравар кўпдир<sup>5</sup>. Шу жиҳатдан ҳам, бу борада

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 13-сон, 201-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон, 27.12.2018 й., 07/18/4086/2354-сон; 08.03.2019 й., 06/19/5687/2723-сон, 11.10.2019 й., 06/19/5848/3901-сон; 19.03.2020 й., 06/20/5968/0331-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ–5268-сон Фармони // ҚХММБ, 01.12.2017 й., 06/17/5268/0341-сон.

<sup>3</sup> Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 5 июндаги 359-сон қарори // ҚХММБ, 06.06.2020 й., 09/20/359/0726-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5975-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон.

<sup>5</sup> Борьба с киберпреступностью - что происходит с законом, когда закон не может быть приведен в исполнение? <https://tace.uz/articles/borba-s-kiberprestupnostyu-chto-proiskhodit-s-zakonom-kogda-zakon-ne-mozhet-byt-priveden-v-ispolneni/>.

ваколатли орган бошчилигида бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, халқаро майдонда ўзга давлатларнинг бу соҳага масъул ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш чораларини кўриш, бу соҳада жиноятларнинг тезроқ фож этилишига, жиноятлар сожир этилишининг олди олинишига, бу турдаги жиноятларнинг сони ва уларнинг зарари камайишига имкон бериши жиҳатидан ҳам, бу борада тегишли органларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

## ХУЛОСА

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида бугунги кунда кибержиноятларнинг сони ва салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Уларга қарши лозим даражада кураш олиб бориш мақсадида эса, мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни яратиш чораларини кўрилмоғи лозим. Шунга кўра, айнан кибержиноятчиликка қарши курашиш ва мамлакатимизда киберхавфсизликни таъминлашга бағишланган ушбу тадқиқот натижасида олиб борилган ишларимиз бўйича қуйидаги хулосаларга келдик:

кибержиноятчилик тушунчасига фикримизча қуйидагича таъриф берган мақсадга мувофиқ:

Кибержиноятчилик – ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли технологиялар, кибертехнологиялар, робототехника ва бошқа технологиялар орқали кибермуҳитда содир этиладиган давлатларнинг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солиб қўйилган ва жиноят деб баҳоланган жазо кўллаш таҳдиди бўлган ижтимоий хавфли қилмишлар йиғиндиси;

		<p>амалга ошириш ёки унга суиқасд қилиш, –  ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:</p> <p>а) одам ўлишига;  б) кўп ва жуда кўп миқдорда зарар келиб чиқишига;  в) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —  ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш  ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.</p>
21.	<p>155-2-модда. Террорчилик фаолиятни амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш</p> <p>Шахсинг террорчилик ёки кибертеррористик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 188, 194, 195, 197, 297, 302, 314, 316 ва (ёки) 329-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтиши, шу жумладан мазкур жиноятларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаши, махсус кибертеррористик ўқув ёки тайёргарликдан ўтиш, тайёргарлик орқали махсус билимга ёки кўникмага эга бўлиш, ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтиши ёки шундай билим ва таълимни бериши, ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш</p>	<p>155-2-модда. Террорчилик ёки кибертеррорчилик фаолиятни амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш</p> <p>Шахсинг террорчилик ёки кибертеррористик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 188, 194, 195, 197, 297, 302, 314, 316 ва (ёки) 329-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтиши, шу жумладан мазкур жиноятларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаши, махсус кибертеррористик ўқув ёки тайёргарликдан ўтиш, тайёргарлик орқали махсус билимга ёки кўникмага эга бўлиш, ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтиши ёки шундай билим ва таълимни бериши, ўқув чоғида</p>



<p>қурилмалари, портловчи, захарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўрганиши, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетиши ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиши, — базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача жарима ёки уч йилгача иш ҳақидан ушлаб қолиш ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Террорчилик ёки кибертеррористик фаолиятини амалга ошириш учун ўқувдан ўтиш ёки террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиш мақсадида шахсларни ёллаш — етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ушбу моддада назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 188, 194, 195, 197, 297, 302, 314, 316 ва (ёки) 329-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтганлиги, чиқиб кетишга ёки ҳаракатланишга уринганлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилса, содир этилган</p>	<p>қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, захарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўрганиши, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетиши ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиши, — базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача жарима ёки уч йилгача иш ҳақидан ушлаб қолиш ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Террорчилик ёки кибертеррористик фаолиятини амалга ошириш учун ўқувдан ўтиш ёки террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиш мақсадида шахсларни ёллаш — етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ушбу моддада назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 188, 194, 195, 197, 297, 302, 314, 316 ва (ёки) 329-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтганлиги, чиқиб кетишга ёки ҳаракатланишга уринганлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда</p>
--	---

	<p>жиноятни фош қилишга ёки бундай ўқувдан ўтган, чиқиб кетишни, ҳаракатланишни ёки ўқувни амалга оширган, ташкил этган ёхуд молиялаштирган бошқа шахсларни, шунингдек ўқув ўтказилган жойни аниқлашга фаол кўмаклашса ва агар унинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби мавжуд бўлмаса, жинойий жавобгарликдан озод қилинади.</p>	<p>хабар қилса, содир этилган жиноятни фош қилишга ёки бундай ўқувдан ўтган, чиқиб кетишни, ҳаракатланишни ёки ўқувни амалга оширган, ташкил этган ёхуд молиялаштирган бошқа шахсларни, шунингдек ўқув ўтказилган жойни аниқлашга фаол кўмаклашса ва агар унинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби мавжуд бўлмаса, жинойий жавобгарликдан озод қилинади.</p>
<p>22.</p>	<p><b>155-3-модда. Терроризмни молиялаштириш</b></p> <p>Терроризмни молиялаштириш, яъни террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият —</p> <p>...</p> <p>Ўша ҳаракатлар:</p> <p>...</p> <p>в) уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, —</p> <p><b>Тўлдирилмоқда</b></p> <p>...</p>	<p><b>155-3-модда. Терроризмни молиялаштириш</b></p> <p>Терроризмни молиялаштириш, яъни террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият —</p> <p>...</p> <p>Ўша ҳаракатлар:</p> <p>...</p> <p>в) уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса;</p> <p>г) кибертерроризмни молиялаштириш учун амалга оширилган бўлса, —</p> <p>...</p>

23.	<p><i>156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзгатиши</i></p> <p><i>Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиши мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиши, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —</i></p> <p><i>базавий ҳисоблаш миқдорининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиши ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиши билан жазоланади.</i></p> <p><i>Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариши мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишига, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек, миллий, ирқий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериши,</i></p> <p><i>—</i></p> <p><i>икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиши билан жазоланади.</i></p> <p><i>Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда</i></p>	<p><b>Ўз кучини йўқотган деб топилмоқда</b></p>
-----	--	---

	<p><i>тутилган ҳаракатлар:</i></p> <p><i>а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавfli усулда;</i></p> <p><i>б) баданга оғир шикаст етказган ҳолда;</i></p> <p><i>в) фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда;</i></p> <p><i>г) мансабдор шахс томонидан;</i></p> <p><i>д) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —</i></p> <p><i>беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади;</i></p>	
24.	Тўлдирилмоқда	<p><b>244а-модда. Киберэкстремизм</b></p> <p>Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасизлик ёки нифок келтириб чиқариш мақсадида кибертехнологиялар орқали миллий шаън-шараф ва кадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасдан қилинган ҳаракатлар,</p> <p>кибертехнологиялардан фойдаланиб фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида кибертехнологиялар орқали тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик</p>

		<p>ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни кибертехнологиялар орқали тайёрлаш ёки уларни тарқатиш ёки шундай мақсадда кибертехнологияларда сақлаш, диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини кибертехнологиялардан фойдаланиб тарқатиш ёхуд намойиш этиш ёки шундай мақсадларда кибертехнологиялар орқали тайёрлаш, сақлаш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, муросасизлик ёки нифок келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва кадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасдан қилинган ҳаракатлар, шунингдек, миллий, ирқий, этник мансублиги ёки динга</p>
--	--	---

		<p>муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш, —</p> <p>икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:</p> <p>а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда;</p> <p>б) баданга оғир шикаст етказган ҳолда;</p> <p>в) фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда;</p> <p>г) мансабдор шахс томонидан;</p> <p>д) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —</p> <p>беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>
25.	<p><b>159-модда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш</b></p> <p>Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда</p>	<p><b>159-модда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш</b></p> <p>Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда</p>

	<p>бузишга очикдан-очик даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш —</p> <p>...</p> <p>Ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик —</p> <p>...</p> <p>Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:</p> <p>...</p> <p>б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда <i>содир этилган бўлса</i>, — <b>Тўлдирилмоқда</b></p> <p>...</p>	<p>бузишга очикдан-очик даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш —</p> <p>...</p> <p>Ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик —</p> <p>...</p> <p>Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:</p> <p>...</p> <p>б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда;</p> <p><b>в) кибертехнологиялар (ахборот-коммуникация технологиялари)дан фойдаланиб содир этилган бўлса, —...</b></p>
26.	Тўлдирилмоқда	<p><b>160-1-модда. Кибержосуслик</b></p> <p><b>Кибержосуслик, яъни чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиш мақсадида давлат сири ҳисобланган маълумотларни кибертехнологиялар орқали</b></p>

		<p>қўлга киритиши, йиғиши ёки сақлаши ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириши, —</p> <p>ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>
27.	<p><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p><b>161-1-модда.</b></p> <p><b>Киберқўпоровчилик</b></p> <p>Киберқўпоровчилик, яъни кибертехнологиялар орқали Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадида одамларни кириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар —</p> <p>ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>
28.	<p><b>162-модда. Давлат сирларини ошкор қилиш</b></p> <p>Давлат сирларини ошкор қилиш ёки ўзгага бериш, яъни давлат сири, ҳарбий сир ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларнинг, бу маълумотлар ишониб топширилган ёки хизмати ёхуд касб фаолияти юзасидан улардан хабардор бўлган шахс томонидан ошкор қилиниши, башарти, бу қилмишда давлатга хоинлик аломатлари бўлмаса, —</p> <p>…  <b>Ўша ҳаракатлар оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, —</b></p>	<p><b>162-модда. Давлат сирларини ошкор қилиш</b></p> <p>Давлат сирларини ошкор қилиш ёки ўзгага бериш, яъни давлат сири, ҳарбий сир ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларнинг, бу маълумотлар ишониб топширилган ёки хизмати ёхуд касб фаолияти юзасидан улардан хабардор бўлган шахс томонидан ошкор қилиниши, башарти, бу қилмишда давлатга хоинлик аломатлари бўлмаса, —</p> <p>…  <b>Ўша ҳаракатлар кибертехнологиялар (ахборот-коммуникация технологиялари) орқали содир этилган ёки оғир оқибатлар келиб чиқишига</b></p>



	беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.	<b>сабаб бўлса, —</b> беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
<b>29.</b>	<p><b>210-модда. Пора олиш</b></p> <p>Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлиши, —</p> <p>...</p> <p>Пора олиш:</p> <p>...</p> <p>г) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб <i>содир этилган бўлса</i>, —</p> <p style="text-align: center;"><b>Тўлдирилмоқда</b></p> <p>...</p>	<p><b>210-модда. Пора олиш</b></p> <p>Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлиши, —</p> <p>...</p> <p>Пора олиш:</p> <p>...</p> <p>г) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;</p> <p><b>д) ахборот-коммуникация технологиялари (кибертехнологиялар)дан фойдаланиб содир этилган бўлса, —</b></p> <p>...</p>
<b>30.</b>	<p><b>211-модда. Пора бериш</b></p> <p>Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки</p>	<p><b>211-модда. Пора бериш</b></p> <p>Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки</p>

	<p>бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкый манфаатдор этиш, —</p> <p>...</p> <p>Пора бериш:</p> <p>...</p> <p>б) кўп миқдорда <i>содир этилган бўлса</i>, —</p> <p style="text-align: center;"><b>Тўлдирилмоқда</b></p> <p>...</p>	<p>бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкый манфаатдор этиш, —</p> <p>...</p> <p>Пора бериш:</p> <p>...</p> <p>б) кўп миқдорда;</p> <p><b>в) ахборот-коммуникация технологиялари (кибертехнологиялар)дан фойдаланиб содир этилган бўлса, —</b></p> <p>...</p>
31.	<p><b>245-модда. Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш</b></p> <p>Гаров сифатида тутқунликка олинган шахсни озод қилиш шарти билан давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсдан бирон-бир ҳаракат содир этиш ёки бирон-бир ҳаракат содир этишдан ўзини тийиб туришни талаб қилиш мақсадида шахсни гаров тариқасида тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туриш, ушбу Кодекснинг 155, 165-моддаларида назарда тутилган аломатлар бўлмаса, —</p> <p>...</p> <p>Ўша ҳаракатлар:</p> <p>...</p> <p>в) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, —</p> <p style="text-align: center;"><b>Тўлдирилмоқда</b></p> <p>...</p>	<p><b>245-модда. Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш</b></p> <p>Гаров сифатида тутқунликка олинган шахсни озод қилиш шарти билан давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсдан бирон-бир ҳаракат содир этиш ёки бирон-бир ҳаракат содир этишдан ўзини тийиб туришни талаб қилиш мақсадида шахсни гаров тариқасида тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туриш, ушбу Кодекснинг 155, 165-моддаларида назарда тутилган аломатлар бўлмаса, —</p> <p>...</p> <p>Ўша ҳаракатлар:</p> <p>...</p> <p>в) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, —</p> <p><b>г) ахборот-коммуникация технологиялари (кибертехнологиялар)дан фойдаланиб содир этилган бўлса, —</b></p> <p>...</p>
32.	<b>Тўлдирилмоқда</b>	<p><b>277-1-модда. Кибербезорилик</b></p> <p><b>Кибербезорилик, яъни жамиятда юриш-туриш</b></p>

	<p>қоидаларини кибертехнологиялардан фойдаланиб қасдан менсимаслик ҳаракатларини намоиш қилиш, реклама қилиш, ахборот-коммуникация технологияларидан иборат Интернет, телекоммуникация ва бошқа тармоқ ва тизимларга жойлаштириш, шахс, жамият ва давлат манфаатларига путур етказса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача иш ҳақидан ушлаб қолиш билан жазоланади.</p> <p><b>Кибербезорилик:</b></p> <p>а) бир гуруҳ шахслар томонидан;</p> <p>б) совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни қурол сифатида ёки қарол-яроғларни намоиш қилиб, реклама қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб;</p> <p>в) ўз мазмунига кўра умум эътироф этган ахлоқ қоидаларини намоишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан;</p> <p>г) ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни, давлат хизматчиларини хўрлаб;</p> <p>д) кўп миқдорда зарар етказиб, ўзганинг мулкани нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилган бўлса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда уч юз</p>
--	--

		<p>соатдан уч юз олтмиш соатгача жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p><b>Кибербезорилик:</b></p> <p>а) соғлиққа ўртача оғир зиён етказиб;</p> <p>б) аслида ўз вазифаларини тўғри ва лозим даражада бажариб турган давлат хизматчиларининг ўз вазифаларига нисбатан лоқайд ва беписандлигини пеш қилиб ёки уларни намойиш қилиб;</p> <p>в) оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда;</p> <p>г) кибербосқинчилик билан бир қаторда;</p> <p>д) жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган бўлса,</p> <p>—</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>
33.	<p><b>278-модда. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш</b></p> <p>Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун</p>	<p><b>278-модда. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш</b></p> <p>Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун</p>

	<p>қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш —</p> <p>… Ўша ҳаракатлар:</p> <p>… Вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —</p> <p>… Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —</p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</p>	<p>қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш —</p> <p>… Ўша ҳаракатлар:</p> <p>… Вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —</p> <p>… Ахборот-коммуникация технологиялари (кибертехнологиялар)дан фойдаланиб, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш, —</p> <p>уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>
34.	Тўлдирилмоқда	<p>164-1-модда. Кибербосқинчилик</p> <p>Кибертехнологиялар орқали ўзганинг мол-мулкани талон-торож қилиш мақсадида киберхужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса,</p>

		<p>—</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p><b>Кибербосқинчилик:</b></p> <p>а) кибертахдид орқали;  б) киберагрессия орқали;  в) киберзўравонлик орқали;  г) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;  д) анча миқдордаги мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p><b>Кибербосқинчилик:</b></p> <p>а) такроран, хавфли рецидивист томонидан;  б) кўп миқдорда;  в) кибербезорилик орқали;  г) уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда содир этилган бўлса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда ўн икки йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p><b>Кибербосқинчилик:</b></p> <p>а) жуда кўп миқдорда;  б) ўта хавфли рецидивист томонидан;  в) оммавий тартибсизликлар жараёнида;  г) кибертерроризм орқали;  д) киберқўпоровчилик</p>
--	--	--

		<p>орқали;      е) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;      ж) ўқотар қурол-яроғ, радиоактив материаллар, ядро қуроллари, кучли таъсир қилувчи моддалар, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки эгаллаш, шунингдек, гиёхвандлик моддалари сақланадиган жойлардаги мулкка нисбатан содир этилган бўлса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>
35.	Тўлдирилмоқда	<p><b>165-1-модда.</b>  <b>Кибертовламачилик</b>  <b>Кибертовламачилик,</b> яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига кибертехнологиялар орқали зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб кибертехнологиялар орқали ўзгадан мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд</p>

	<p>жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда тўрт йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд тўрт йилдан олти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p><b>Кибертовламачилик:</b></p> <p>а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;</p> <p>б) кўп миқдорда;</p> <p>в) киберфирибгарлик йўли билан;</p> <p>г) киберўғрилик содир этиш билан бир вақтда;</p> <p>д) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда олти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p><b>Кибертовламачилик:</b></p> <p>а) жуда кўп миқдорда;</p> <p>б) ўта хавфли рецидивист томонидан;</p> <p>в) киберзўравонлик орқали;</p> <p>г) киберагрессия орқали;</p> <p>д) кибертерроризм орқали;</p> <p>е) киберқўпоровчилик орқали;</p> <p>ж) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;</p> <p>е) ўқотар қурол-яроғ, радиоактив материаллар, ядро қуроллари, кучли таъсир қилувчи моддалар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп</p>
--	---



		<p>моддалар ёки уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки эгаллаш, шунингдек, гиёҳвандлик моддалари сақланадиган жойлардаги мулкка нисбатан содир этилган бўлса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда ўн икки йилдан йигирма йилгача озошликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>
36.	Тўлдирилмоқда	<p><b>166-1-модда. Киберталончилик</b></p> <p>Киберталончилик, яъни ўзганинг мулкани очикдан-очик кибертехнологиялар орқали талон-торож қилиш —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда уч йилдан беш йилгача озошликни чеклаш ёки тўрт йилдан олти йилгача озошликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p><b>Киберталончилик:</b></p> <p>а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб ёки киберзўравонлик орқали;</p> <p>б) анча миқдорда;</p> <p>в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда олти йилдан саккиз йилгача озошликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>

		<p><b>Киберталончилик:</b></p> <p>а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;</p> <p>б) уй-жойга, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб;</p> <p>в) кибербосқинчилик орқали;</p> <p>г) киберагрессия орқали;</p> <p>д) кўп миқдорда содир этилган бўлса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p><b>Киберталончилик:</b></p> <p>а) жуда кўп миқдорда;</p> <p>б) ўта хавфли рецидивист томонидан;</p> <p>в) кибертерроризм орқали;</p> <p>г) киберқўпорувчилик орқали;</p> <p>д) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;</p> <p>е) ўқотар қурол-яроғ, радиоактив материаллар, ядро қуроллари, кучли таъсир қилувчи моддалар, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки эгаллаш, шунингдек, гиёхвандлик моддалари сақланадиган жойлардаги мулкка нисбатан содир этилган бўлса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда ўн икки</p>
--	--	---

		йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
37.	Тўлдирилмоқда	<p><b>143-3-модда. Кибержонтаж</b>  <b>Кибершонтаж, яъни ўзгачаномулкий хусусиятга эга бўлган ҳаракатни содир этишга ёки содир этишдан ўзини тийишга мажбур қилиш мақсадида жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиш —</b>  <b>тўрт йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд тўрт йилдан олти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</b></p> <p><b>Кибержонтаж:</b>  <b>а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;</b>  <b>б) киберзўравонлик орқали;</b>  <b>в) кибертовламачилик орқали;</b>  <b>г) касб ёки хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;</b>  <b>д) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —</b>  <b>олти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</b></p> <p><b>Кибершонтаж:</b>  <b>а) оғир оқибатларга олиб келган бўлса;</b>  <b>б) ўта хавфли рецидивист томонидан;</b>  <b>в) озодликдан маҳрум этиш колониясида сақланаётган маҳбусни озод қилиш талабини</b></p>

		<p>қўйган ҳолда;  г) киберагрессия орқали;  д) кибертерроризм орқали;  е) шахсни тутқинликда сақлаган ҳолда;  ж) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —  ўн икки йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>
38.	Тўлдирилмоқда	<p><b>167-1-модда. Киберўзлаштириш ёки киберрастрата</b>  <b>Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани кибертехнологиялар орқали ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, —</b>  <b>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</b>  <b>Ўша ҳаракат:</b>  а) кўп миқдорда;  б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;  в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;  г) мансаб мавқеини суниистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, —  <b>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки</b></p>

		<p>беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракат:</p> <p>а) жуда кўп миқдорда;</p> <p>б) ўта хавфли рецидивист томонидан;</p> <p>в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;</p> <p>г) кибербосқинчилик орқали;</p> <p>д) кибертерроризм орқали;</p> <p>е) ўқотар қуро-яроғ, радиоактив материаллар, ядро қуроллари, кучли таъсир қилувчи моддалар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки эгаллаш, шунингдек, гиёҳвандлик моддалари сақланадиган жойлардаги мулкка нисбатан содир этилган бўлса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ўтказилган моддий зарарнинг ўрни уч қарра қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.</p>
39.	167-модда. Ўзлаштириш ёки	167-модда. Ўзлаштириш ёки

	<p><b>растрата йўли билан талон-торож қилиш</b></p> <p>Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, —</p> <p>… Ўша ҳаракат:</p> <p>… Ўша ҳаракат:</p> <p>…</p> <p>в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;</p> <p><b>2) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —</b></p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>	<p><b>растрата йўли билан талон-торож қилиш</b></p> <p>Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, —</p> <p>… Ўша ҳаракат:</p> <p>… Ўша ҳаракат:</p> <p>…</p> <p>в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;</p> <p><b>Чиқариб ташланмоқда</b></p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>
40.	<p><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p><b>168-1-модда. Киберфирибгарлик</b></p> <p><b>Киберфирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни сунистеъмол қилиш йўли билан кибертехнологиялар орқали ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш —</b></p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p><b>Киберфирибгарлик:</b></p>

		<p>а) анча миқдорда;  б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;  в) киберўғрилиқ орқали содир этилган бўлса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки тўрт йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд тўрт йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p><b>Киберфирибгарлик:</b>  а) кўп миқдорда;  б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;  в) кибертовламачилиқ орқали;  г) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p><b>Киберфирибгарлик:</b>  а) жуда кўп миқдорда;  б) ўта хавфли рецидивист томонидан;  в) киберагрессия орқали;  г) ўқотар қурол-яроғ, радиоактив материаллар, ядро</p>
--	--	---

		<p>қуроллари, кучли таъсир қилувчи моддалар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки эгаллаш, шунингдек, гиёҳвандлик моддалари сақланадиган жойлардаги мулкка нисбатан содир этилган бўлса, —</p> <p>д) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ўтказилган моддий зарарнинг ўрни уч қарра қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.</p>
41.	<p><b>168-модда. Фирибгарлик</b>          Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш —</p> <p>...</p> <p>Фирибгарлик:</p> <p>...</p> <p>б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;</p>	<p><b>168-модда. Фирибгарлик</b>          Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш —</p> <p>...</p> <p>Фирибгарлик:</p> <p>...</p> <p>б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;</p>



	<p><i>в) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —</i></p> <p>...</p>	<p><b>Чиқариб ташланмоқда</b></p> <p>...</p>
42.	<p><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p><b>169-1-модда. Киберўғрилик</b></p> <p><b>Киберўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда кибертехнологиялар орқали талон-торож қилиш —</b></p> <p><b>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</b></p> <p><b>Киберўғрилик:</b></p> <p><b>а) киберфирибгарлик орқали;</b></p> <p><b>б) анча миқдорда;</b></p> <p><b>в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;</b></p> <p><b>г) кибертахдид билан;</b></p> <p><b>д) уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган бўлса, —</b></p> <p><b>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</b></p> <p><b>Киберўғрилик:</b></p> <p><b>а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;</b></p> <p><b>б) кибертовламачилик орқали;</b></p> <p><b>в) кўп миқдорда;</b></p>

		<p>г) нефть қувурларида, газ қувурларида, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларида содир этилган бўлса, — келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p><b>Киберўғрилик:</b></p> <p>а) жуда кўп миқдорда;</p> <p>б) ўта хавфли рецидивист томонидан;</p> <p>в) киберагрессия вақтида;</p> <p>г) кибертерроризм орқали;</p> <p>д) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;</p> <p>е) ўқотар қурол-яроғ, радиоактив материаллар, ядро қуроллари, кучли таъсир қилувчи моддалар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки эгаллаш, шунингдек, гиёҳвандлик моддалари сақланадиган жойлардаги мулкка нисбатан содир этилган бўлса, — келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>
43.	<p><b>169-модда. Ўғрилик</b>          Ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш —</p> <p>...</p>	<p><b>169-модда. Ўғрилик</b>          Ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш —</p> <p>...</p>

	<p>Ўғрилик: ... Ўғрилик: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) <i>компьютер тизимига рухсатсиз кириб;</i> ...</p>	<p>Ўғрилик: ... Ўғрилик: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; <b>Чикариб ташланмоқда</b> ...</p>
44.	<p><b>184-модда. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш</b> Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасдан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товлашни анча миқдорда содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо кўлланилганидан кейин рўй берган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш: а) такроран; б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни</p>	<p><b>184-модда. Солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш</b> Кўп миқдордаги тўланиши лозим бўлган солиқ ёки йиғимларни қасдан тўлмаслик мақсадида кибертехнологиялар (ахборот-коммуникация технологиялари) орқали солиқ солиш объектларини яшириш ёки ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача жарима ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади; Ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда ёки жиноятларни легаллаштириш мақсадида амалга оширилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг юз эллик бараваридан уч юз бараваригача жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>

чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасдан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг содир этилган жиноят ҳақидаги хабарини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ

	қопласа, жавобгарликдан озод қилинади.	
45.	<p><b>186-3-модда. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш</b></p> <p><b>Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —</b></p> <p><b>базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</b></p> <p><b>Ўша ҳаракатлар:</b></p> <p><b>а) кўп миқдорда;</b></p> <p><b>б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;</b></p> <p><b>в) такроран ёки хавфли</b></p>	<p><b>186-3-модда.</b></p> <p><b>Кибертехнологиялар (ахборот-коммуникация технологиялари) орқали сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш</b></p> <p><b>Кибертехнологиялар (ахборот-коммуникация технологиялари) орқали сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш</b></p> <p><b>—</b></p> <p><b>базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача иш ҳақидан ушлаб қолиш ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</b></p> <p><b>Ўша ҳаракатлар:</b></p> <p><b>а) кўп миқдорда;</b></p> <p><b>б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;</b></p> <p><b>в) мансаб мавқеини</b></p>

<p>рецидивист томонидан;  г) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса;  д) баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса;  е) дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг сифати ва давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан содир этилган бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракатлар:  а) жуда кўп миқдорда;  б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;  в) одам ўлишига сабаб бўлса, —</p> <p>саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракатлар:  а) одамлар ўлимига сабаб бўлса;  б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —</p> <p>ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>	<p>суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса;  г) соғлиққа ўртача оғир ёхуд оғир зиён етказилишига сабаб бўлса;  д) дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг сифати ва давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан содир этилган бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракатлар:  а) жуда кўп миқдорда;  б) уюшган жиноий гуруҳ томонидан содир этилган бўлса;  в) одам ўлишига сабаб бўлса;  г) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —</p> <p>саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракатлар одамлар ўлимига сабаб бўлса, —</p> <p>ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>
<p>46. 228-модда. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш</p> <p>Соҳталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши</p>	<p>228-модда. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш</p> <p>Соҳталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши</p>

<p>мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш —</p> <p><b>базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</b></p> <p><b>Ўша ҳаракатлар:</b></p> <p><b>а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;</b></p> <p><b>б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —</b></p>	<p>мақсадида қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалардан четлаб ўтган ҳолда, муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган ва аслида аниқ давлат органи ёки ташкилоти томонидан берилиши амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган расмий ҳужжатларни ноқонуний тайёрлаши ёки улар томонидан берилган расмий ҳужжатларни ёхуд қалбакилаштирилган ёки сохталаштирилган бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкалари, электрон рақамли имзо калитларини тайёрлаш, сотиш ёки фойдаланиш, шунингдек, электрон рақамли имзони қалбакилаштирган ҳолда электрон ҳужжатларга ҳақиқатга тўғри келмайдиган сохта маълумотлар киритиб, ундан фойдаланиш —</p> <p><b>базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача жарима ёки уч юз олтмиш соатгача жамоат ишлари ёхуд уч йилгача иш ҳақидан ушлаб қолиш билан жазоланади.</b></p> <p><b>Ўша ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —</b></p> <p><b>икки йилдан уч йилгача иш ҳақидан ушлаб қолиш ёки уч йилдан беш йилгача озодликни</b></p>
--	---

	<p>икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Хужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш —</p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>	<p>чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>
47.	<p>XXI боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар</p>	<p>XXI боб. Ахборот-коммуникация технологиялари (кибертехнологиялар) соҳасидаги жиноятлар</p>
48.	<p>2781-модда. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш</p> <p>Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, —</p>	<p>278-1-модда.</p> <p>Ахборотлаштиришга оид қонун ҳужжатларини бузиш</p> <p>Ахборотлаштиришга оид қонун ҳужжатларини бузиш, яъни ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими бўлган ахборотни хужжатлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ахборот тизимларини яратиш тартибини, ахборот ресурсларига ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқини, ахборот ресурсларининг улардан эркин фойдаланиш даражаси бўйича тоифасини, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини</p>



	<p>базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —</p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</p>	<p>муҳофаза қилиш, ахборот тизимларининг тармоқлараро уланиши тартибини бузиш ёки уларга риоя қилмаслик кўп миқдорда зарарни келтириб чиқарса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —</p> <p>келтирилган зарарни қоплаш билан бир қаторда базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда билан жазоланади.</p>
49.	<p>278-3-модда. Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш</p> <p>Ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш —</p>	<p>278-3-модда. Ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғига қонунга хилоф (рухсатсиз) киришни кўзлаб ёки уларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш мақсадида махсус воситаларни тайёрлаш, сақлаш, ўтказиш, реклама қилиш, сотиш, тарқатиш ёки улар орқали ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғининг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш</p> <p>Ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва тармоғига қонунга хилоф (рухсатсиз) киришни кўзлаб ёки уларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш мақсадида махсус воситаларни тайёрлаш, сақлаш, ўтказиш, реклама қилиш, сотиш, тарқатиш ёки улар орқали ахборот-</p>

	<p>базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракатлар:</p> <p>а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;</p> <p>б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;</p> <p>в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;</p> <p>г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —</p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</p>	<p><b>коммуникация технологиялари тизими ва тармоғининг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш, —</b></p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракатлар:</p> <p>а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;</p> <p>б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;</p> <p>в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;</p> <p>г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —</p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</p>
50.	<p><b>55-модда. Жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар</b></p> <p>Қуйидаги ҳолатлар жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади:</p> <p>...</p> <p>и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш.</p> <p><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p><b>55-модда. Жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар</b></p> <p>Қуйидаги ҳолатлар жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади:</p> <p>...</p> <p>и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш.</p> <p>к) мавжуд ахборот-коммуникация технология тизими ва тармоғига зарар келтирувчи ёки уларнинг фаолиятига ўзга йўллар орқали таъсир кўрсатиши мумкин бўлган дастурий-аппарат маҳсулотлари муаллифи томонидан ушбу технологияни</p>

	<p>Жазо тайинлашда суд ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам энгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.</p>	<p><b>яратишдан ташқари ўзга жиноят содир этмасдан, уни муаллифлик ҳуқуқи билан давлатга ўтказиш.</b></p> <p>Жазо тайинлашда суд ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам энгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.</p>
<b>51.</b>	<p><b>56-модда. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар</b></p> <p>Қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилади:</p> <p>...</p> <p>о) мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.</p> <p><b>Тўлдирилмоқда</b></p> <p>...</p>	<p><b>56-модда. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар</b></p> <p>Қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилади:</p> <p>...</p> <p>о) мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.</p> <p><b>п) жиноят ахборот-коммуникация технологиялари (кибертехнологиялар)дан фойдаланиб ёки уларга нисбатан содир этилган бўлса.</b></p> <p>...</p>
<b>52.</b>	<p><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p><b>278-8. Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни тарқатиш</b></p> <p>Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни тарқатиш, яъни <b>компьютерлар, радичастота спектри, алоқа, телекоммуникациялар, электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ), уларнинг тизими, тармоғи, воситалари, иншоотлари, охирги (терминал) асбоб-ускуналар, тармоқлараро уланишлар, махсус вирусли дастурлар ва бошқа асбоб-</b></p>

	<p>ускуналар ва қурилмалардан фойдаланган ҳолда болаларнинг соғлиғига анча миқдорда зарар етказиш, —</p> <p>Энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракатлар:</p> <p>а) кўпчилик учун хавfli бўлган усулда;</p> <p>б) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавfli бўлган усулда;</p> <p>в) безорилик оқибатида;</p> <p>г) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда;</p> <p>д) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;</p> <p>е) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;</p> <p>ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ёки мансабдор шахс томонидан;</p> <p>з) атрофдагилар учун хавfli усулда, —</p> <p>Энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробаридан икки юз баробаригача жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда ёки (ва) уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан етти йилгача озодлоикдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракатлар:</p> <p>а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;</p>
--	--

		<p>б) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;</p> <p>в) жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлса;</p> <p>г) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;</p> <p>д) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, —</p> <p>етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.</p> <p>Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.</p> <p>Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди.</p>
--	--	---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ КИБЕРХАВФСИЗЛИК ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да қабул  
қилинган

Сенат томонидан 2020 йил “ \_\_\_\_ ”  
\_\_\_\_\_ да маъқулланган

### 1-боб. Умумий қоидалар

#### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлигини таъминлаш ва бу борада кибержиноятчиликнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш ва кибержиноятчиликни бартараф қилиш ҳамда кибержиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### **2-модда. Киберхавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Киберхавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида киберхавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**киберхавф** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулкларга, ахборотлар ва бошқа мулкларга нисбатан зарар келтириш мақсадида ички ва ташқи кучлар томонидан режалаштирилаётган хавф-хатар.

**киберхавфсизлик** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида киберхуружларнинг олдини олиш учун қаратилган сайъи ҳаракатлар.

**кибержиноят** – Ўзбекистон жиноят қонунчилиги билан тақиқланган, жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топиладиган, ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали содир этиладиган ёки содир этиш имкониятини яратиб берадиган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

**киберҳодиса** – тасодифий характердаги техник, технологик, хато, инсон омили ва (ёки) хавфсизлик хавфини ташкил этувчи киберхужум белгиларига эга бўлган, рухсатсиз уларга кириши ёки уларнинг рухсатсиз сақланиши оқибатида бошқа шахсларга зарар келтириши хавфининг вужудга

келиши, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ишдан чиқариши, бузилиши, хавф остига қолдириши, блокраниши, ишдан чиқишига оид воқеа ёки ҳолатлар.

**киберхужум** – ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали амалга ошириладиган виртуал оламда содир этиладиган ёки виртуал олам орқали бошқа кибержиноятлар ва киберхуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берадиган ҳар қандай хуруж.

**киберхимоя (кибермудофаа)** – киберхужумларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш орқали хавфсиз кибермаконни яратишга қаратилган чора-тадбирлар йиғиндиси.

**кибермакон**– қўшма (интеграцияланган) ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг ишлаши ва Интернет ва / ёки бошқа тармоқ орқали алоқани таъминлашга қаратилган виртуал макон.

**киберразведка** – Давлат хавфсизлик хизмати ва унинг органлари томонидан киберхужумларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган фаолият тури.

**кибертерроризм** – мамлакатда ўрнатилган киберхавфсизликни турли хил ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали бузган ёки унга суиқасд қилган ҳолда ёхуд уни четлаб ўтган ҳолда сиёсий, молиявий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши ёки зарарланиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуроли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, мамлакатнинг жиной қонунчилигида жавобгарлик назарда тутилган киберзўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиной қилмишлар.

**кибержосуслик** – киберхужум ёки унинг ёрдамида амалга ошириладиган жосуслик.

**кибержиноятчилик** – кибержиноятлар жами.

**киберхимоячилар** – мамлакатнинг киберхавфсизлигини таъминлаш учун махсус, ваколатли ва ягона, шунингдек, бошқа органлар томонидан шакллантирилган, киберхуружлар ҳақида махсус билимга эга бўлган шахслар.

**хавфсиз кибермакон** – ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали таъминланган хавфсизлик чораларига эга бўлган кибермакон.

**уюшган кибержиноятчилик** – икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали жиной фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлаши орқали амалга оширилган жиноят (лар).

#### **4-модда. Киберхавфсизликни таъминлашнинг мақсад ва вазифалари**

Киберхавфсизликни таъминлашдан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқини турли хил киберхуружлардан сақлаш, киберхуружларга қарши курашиш ва киберхуружларни бартараф этишдир.

Киберхавфсизликни таъминлашдаги вазифалар Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини, суверенитетини, худудий яхлитлигини ҳамда бошқа давлат манфаатларини ташқи ва ички кибертаҳдидлардан ҳимоя қилишдан, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ва бу соҳада қонун устуворлигини таъминлашдан, шунингдек кибержиноят ва киберхуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам беришдан иборат.

#### **5-модда. Киберхавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари**

Киберхавфсизликни таъминлаш қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ёрдамига таяниш, кибер жиноятлар ва киберхуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси устуворлиги, кибержиноят ва киберхуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, шахс-жамият-давлат хавфсизлигини таъминлаш муқаррарлиги принципларига асосланади.

#### **6-модда. Киберхавфсизликни таъминлаш стратегияси**

Киберхавфсизликни таъминлаш стратегияси Ўзбекистон Республикасининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли даврда мамлакатда киберхавфсизликка қаратилган фаолияти бўлиб, бунда қисқа муддат 1 йилдан 3 йилгача, ўрта муддат 3 йилдан 5 йилгача ва узоқ муддат 5 йил ва ундан юқори бўлган даврни ўз ичига олади.

Киберхавфсизликни таъминлаш стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланади ва ушбу Фармон асосида ҳар йили киберхавфсизликни таъминлаш Концепцияси ва Концепцияда назарда тутилган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида Давлат дастури қабул қилинади.

Давлат хокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар ва бошқа шахслар Киберхавфсизликни таъминлаш стратегияси, Киберхавфсизликни таъминлаш Концепцияси ва Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши юзасидан бирдек жавобгар ҳисобланишади.

Ушбу вазифаларнинг бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши мувофиқлаштириб боради.

Киберхавфсизликни таъминлаш стратегияси:

мамлакатда хавфсиз кибермаконни яратиш ва уни такомиллаштиришга;



киберхуружларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишга, шунингдек, профилактикасини таъминлашга;

киберхуружлар натижасида келиб чиқадиган зарарни ундириш чораларини;

киберхужумларнинг олдини олишга ва уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш фаолиятини рағбатлантириш тизимини ривожлантиришга;

киберхавфсизликни таъминлашнинг асосий усул ва воситаларини;

киберхавфсизликни такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни ўз ичига олиши керак.

#### **7-модда. Киберхавфсизликни мувофиқлаштириш**

Барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, қўйи ташкилотлар ўзининг юқори турувчи органи раҳбари орқали мажбурий равишда ўз фаолияти соҳаси ва йўналишига алоқадор вазифаларни бажариши муносабати билан аниқланган ва кузатилган киберхуружлар, шунингдек, бу борада қилинган ишлар ҳақидаги маълумотларни ҳар чорак тугашидаги охириги ойнинг 10 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгашига ҳисоботни тақдим этиб борадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши эса ўзига тақдим этилган ва юкланган вазифаларни ҳамда ишларни мувофиқлаштириб боради ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентига доимий равишда ҳисоб бериб боради.

Киберхавфсизликни таъминлаш натижасида тўпланган республикадаги барча маълумотлар ҳар чорак якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши томонидан оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилади ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ваколатли органларга кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш чораларини кўради.

#### **2-боб. Киберхавфсизликни давлат томонидан тартибга солиш**

#### **8-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш бўйича стратегия, концепция, давлат дастурини қабул қилади ва бу борадаги ишлар бажарилишини таъминлайди;

2) мамлакатда киберхавфсизликни таъминлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш юзасидан мустақил ҳаракат қилади ва булар бўйича қарор қабул қилади;

3) Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро муносабатларда Республикада киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ҳаракат қилади;

4) киберхавфсизликни таъминлаш юзасидан бошқа зарур ҳаракатларни амалга оширади.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгашининг киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши:

1) Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш бўйича стратегия, концепция, давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни ўз вақтида лозим даражада бажарилиши борасидаги ишларни мувофиқлаштирида туради;

2) мамлакатда киберхавфсизликни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисоб бериб боради;

3) мамлакатда киберхавфсизликни таъминлаш юзасидан ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан зарур топшириқларни беради ва унинг бажарилишини талаб қилади;

4) Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш бўйича стратегия, концепция, давлат дастури лойиҳасини шакллантириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради;

5) Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш бўйича стратегия, концепция, давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни бажариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади ва бу борадаги норма ижодкорлигида қатнашади.

Бунда, киберхавфсизликни таъминлашга оид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши билан келишилиши шарт.

**10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш бўйича стратегия, концепция, давлат дастури лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига киритади;

киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга кўмаклашувчи давлат бошқаруви органларининг ишини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

киберхавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқади;

киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ва тажриба алмашишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчилик ва киберҳуқуқбузарликларга қарши курашувчи махсус ваколатли давлат органидир.

Давлат хавфсизлик хизмати мамалкатда киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида ўз фаолиятини махсус воситалар, шакллар ва услублар билан амалга оширади.

Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади ва ўз ваколатлари доирасида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича фаолият олиб боради:

Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқини ахборот технологиялар ва коммуникациялари орқали амалга оширилаётган ёки бунаг имкон бераётган шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ва уларнинг манфаатлари ташқи ҳамда ички кибертаҳдидлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, мазкур соҳада қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, кибержиноятлар ва киберҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига бўлган киберхуружларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича киберхавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолиятини амалга ошириш;

киберҳуқуқбузарликлар ва кибержиноятларни тергов қилиш ҳамда уларнинг аниқла, бартараф этиш ва олдини олиш бўйича зарур қарорлар қабул қилиш;

киберхавфсизликни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва шундай ташаббус билан чиқиш;

киберхавфсизликни таъминлашга бўладиган хавф-хатарлар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилиш, мамлакатда хавфсиз кибермаконни яратиш ва уни ривожлантиш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича стратегик ташаббусларни амалга оширишда иштирок этиш;

кибертерроризм, киберэкстремизм, уюшган кибержиноятчиликка қарши курашиш;

давлат манфаатлари ва киберхавфсизликка таҳдид солувчи бузғунчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга барҳам бериш;

киберхавфсизлик соҳасида давлат хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси халқининг мол-мулкани таҳдидлардан ҳимоя қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат манфаатларига ҳамда киберхавфсизлигига таҳдид солувчи киберхатарлар ҳолатларини аниқлаш ва уларга қарши курашиш;

ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида давлат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларга шарт-шароит яратувчи омилларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

кибержиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ўтказиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда ахборотнинг криптографик ҳимоясини ташкил этиш устидан назорат қилиш;

давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи киберхукуқбузарликларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Кибержиноятчилик ва киберхавфсизликка оид қонун ҳужжатлари лойиҳалари ва улар асосида қабул қилинаётган бошқа ҳужжатлар мажбурий равишда Давлат хавфсизлик хизмати билан келишилиши шарт.

## **12-модда. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг:

Давлат хавфсизлик хизматининг илтимосномалари асосида қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ахборот технологиялари ва коммуникациялари ҳақида маълумот беради;

кибержиноят ва киберхукуқбузарликларнинг олдини олишда ўз ваколати бўйича мувофиқлаштирувчи, ягона, махсус ваколатли органларга кўмаклашади;

киберхуружларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган норма ижодкорлигида қатнашади ва хавфсиз кибермаконни яратиш бўйича таклифларни мувофиқлаштирувчи, ягона, махсус ваколатли органларга тақдим этади;

мамлакатда хавфсиз кибермаконини яратиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

кибержиноятчилик ва киберхавфсизликни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш бўйича эксперт ҳисобланади ва бунда унинг хулосалари бошқа давлат органлари, шу жумладан суд ва ташкилотлар, фуқаролар ҳамда мансабдор шахслар учун мажбурий характерга эга бўлади;

киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ишчи гуруҳ, комиссиялар ва идораларни ташкил этиш ва уларнинг вазифаларини белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

киберхавфсизликни таъминлашга қаратилган ахборот технологиялари ва коммуникацияларини яратиш, ривожлантириш борасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамда халқаро муносабатларда чет давлатлар ва ташкилотлар билан киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилади;

киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ваколатли органлар ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган ишларни ва бу борадаги уларнинг фаолияти мониторингини амалга оширади;

ваколатли органларнинг ҳар чорак охирги ойининг 10 санасидан кечикмай мажбурий тақдим этадиган киберхуружлар бўйича амалиётни таҳлил қилиш, йиғиш ва умумлаштиришни амалга оширади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **13-модда. Киберхавфсизликни таъминлашга кўмаклашувчи бошқа органлар ва шахсларнинг ваколатлари**

Киберхавфсизликни таъминлашга кўмаклашувчи бошқа органларга қуйидаги органлар киради:

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви, шунингдек, хўжалик юритиш бошқаруви органлари ва уларнинг тизимида қирувчи бошқа ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар;

Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар.

Киберхавфсизликни таъминлашга кўмаклашувчи бошқа шахсларга:

ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган юридик шахслардан бошқа юридик шахслар;

ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар;

оммавий ахборот воситалари;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган, аммо Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида яшовчи шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари;

оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтмаган бўлса-да, киберхатарлар хусусида кўмаклашуви ўзга шахслар.

Киберхавфсизликни таъминлашга кўмаклашувчи бошқа органлар ва шахслар ўзларига маълум бўлган ҳар қандай киберхужум ҳақида ваколатли органларга зудлик билан хабар бериш лозим.

Ушбу модда бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолат юзасидан ўзига маълум бўлган маълумотлар хусусида хабар бермаган шахслар жиноятни хабар бермаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиладилар ва бундан уларнинг ўз ихтиёрига кўра, жиноятни очига қаратилган кўмаклашуви бўйича ҳаракатлари мустасно.

## **3-боб. Киберхавфсизликни таъминлаш субъектлари. Киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатлар**

### **14-модда. Кибержиноятлар**

Ўзбекистон жиноят қонунчилиги билан тақиқланган, жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топиладиган, ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали содир этиладиган ёки содир этиш имкониятини яратиб берадиган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) кибержиноят деб аталади ва кибержиноятлар турлари Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида белгиланмаган кибержиноятларга нисбатан жавобгарлик белгиланмайди ва мазкур ҳолатда шахс айбсиз деб топилиб у реабилитация қилиниши лозим.

Қуйидагилар кибержиноятлар бўлиши мумкин:

кибертерроризм;

кибертерроризмни молиялаштириш;

зарар келтирувчи ёки зарарли вирус тарқатувчи ахборот технологияларига ва коммуникацияларини сақлаш, улардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни тарқатиш;

қонун ҳужжатларига хилоф равишда ахборот технологияларига зарар келтириш;

кибержосуслик;

киберфирибгарлик;

кибертовламачилик;

кибербосқинчилик;

киберталончилик;

ўзга шахсларнинг мулкига киберҳужумлар орқали рухсатсиз кириш ва уларга зарар келтириш ёхуд зарар келтириш хавфини келтириб чиқариш;

киберҳужум орқали болаларни уларнинг соғлиғига зарар келтирувчи ахборотларни тарқатиш ва шу орқали уларга зарар келтириш ёхуд зарар келтириш хавфини келтириб чиқариш;

киберҳужум орқали ўзгалар мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш;

қонун ҳужжатларига хилоф равишда киберҳужум қилиб, ўзгалар мулкни ўғирлаш ёки бунга шарт-шароит яратиб бериш;

киберҳужум орқали алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзга шахсларга мулкий зарар етказиш;

киберҳужум орқали топилган мулкни олиш ёки ўтказиш

зарур даражада ахборот технологиялари ва коммуникациялари билан ҳимояланган ёки ҳимояланиши зарур бўлган мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш;

киберҳужум орқали мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш;

веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасида тарқатиш тақиқланган ёки чекланган ахборот ёки видео, аудио тасвири ёки тасвирсиз эшиттиришларни, кўрсатувларни ёхуд ва бошқа маълумотларни ҳамма эркин фойдаланишига йўл қўйиш ёки бунга шарт-шароит яратиб бериш ёхуд нотўғри ва реал ҳолатга тўғри келмайдиган маълумотларни жойлаштириш ёки сақлаш;

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда кибержиноятчиликни ташкил қилиш, тарғиб қилиш, унинг уюштирилишини амалга ошириш мақсадида битимлар тузиш;

қонунга хилоф равишда ахборот технологиялари ва коммуникациялари оқрали қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар яшаш, уларни ўтказиш;

киберхужум оқрали валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш;

қонун ҳужжатларига хилоф равишда ахборот технологиялари ва коммуникациялари оқрали чет эл валютасини яшириш ёки бунга шарт шароит яратиб бериш;

қонунга хилоф равишда ахборот технологиялари ва коммуникациялари оқрали хусусий мулк ҳуқуқини бузиш;

ахборот технологиялари ва коммуникациялари оқрали ёки улардан фойдаланиб ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ёки (ва) ўзини ўзи ўлдиришга ундаш;

ахборот технологиялари ва коммуникациялари оқрали ёки улардан фойдаланиб пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият;

ахборот технологиялари ва коммуникациялари оқрали ёки улардан фойдаланиб жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоёни этиш;

ахборот технологиялари ва коммуникациялари оқрали ёки улардан фойдаланиб қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ёхуд бунга шарт-шароит яратиб бериш;

ахборотлаштиришга оид қонун ҳужжатларини бузиш;

ахборотдан ахборот технологиялари ва коммуникациялари оқрали ёки улардан фойдаланиб қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш;

ахборот технологиялари ва коммуникацияларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш ёки сақлаш;

ахборот технологиялари ва коммуникациялари оқрали ахборотни модификациялаш;

электрон рақамли имзо ва расмий мақомга эга электрон ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки сохталаштириш ёхуд уларни ноқонуний йўқ қилиш;

зарар келтирувчи ахборот технологиялари ва коммуникацияларини яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш ёхуд сақлаш;

ахборот технологиялари ва коммуникацияларидан қонун ҳужжатларига хилоф равишда фойдаланиш.

Кибержиноятлар ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилганидан ташқари ҳам бўлиши мумкин ва мазкур ҳолатда ушбу жиноятлар Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига киритилган тақдирда жиноят деб эътироф этилади.

### **15-модда. Киберҳуқуқбузарликлар**

Киберҳуқуқбузарликлар деганда қонун ҳужжатларига биноан жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, аммо ушбу қонун ҳужжатларини бузганлик учун айбдорнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавоб бериши лозим бўлган ва бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқбузарликлар

қонунчилигида маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Қуйидагилар киберҳуқубузарликлар бўлиши мумкин:

қонун ҳужжатларига хилоф равишда ёзишма, телефон сўзлашувлари ва телеграф хабарларини сир сақланишига оид қонун ҳужжатларини бузиш ёки уларга риоя қилмаслик;

алоқага оид қонун ҳужжатлари талабларини бузиш ёки уларга риоя қилмаслик;

ноқонуний фаолият орқали почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузиш;

телекоммуникаци фойдаланувчиларининг манфаатларини камситиш;  
ноқонуний хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали телекоммуникация воситаларига шикаст етказиш, уларга рухсатсиз уланишга йўл қўйиш;

телекоммуникациялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ёки уларнинг талабларига риоя қилмаслик;

веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасида тарқатиш тақиқланган ёки чекланган ахборот ёки видео, аудио тасвири ёки тасвирсиз эшиттиришларни, кўрсатувларни ёхуд ва бошқа маълумотларни ҳамма эркин фойдаланишига йўл қўйиш ёки бунга шарт-шароит яратиб бериш ёхуд нотўғри ва реал ҳолатга тўғри келмайдиган маълумотларни жойлаштириш ёки сақлаш;

ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик ёки уларга риоя қилмаслик;

автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузиш ёки уларга риоя қилмаслик;

ахборот маҳсулотининг муайян ёш тоифасидаги болаларга мослигини таъминлаш чораларини кўрмаслик;

электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш учун нотўғри ва сохта маълумотларни тақдим этиш ёки ушбу маълумотларни қалбакилаштириш;

электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ноқонуний равишда рухсатсиз ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш;

электрон рақамли имзодан рухсатсиз ноқонуний фойдаланиш;



электрон рақамли имзо, электрон ҳукумат, электрон тижорат ва электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ёки уларга риоя қилмаслик;

радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ёки уларга риоя қилмаслик.

Киберҳуқуқбузарликлар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилганидан ташқари ҳам бўлиши мумкин ва мазкур ҳолатда ушбу ҳуқуқбузарликлар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқбузарликлар қонунчилигига киритилган тақдирда киберҳуқуқбузарликлар деб эътироф этилади.

### **16-модда. Кибержиноят ва киберҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик**

Кибержиноят ва киберҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик агарда Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро ҳужжатларда ўзгача қоида назарда тутилган бўлмаса ёки чет давлатлар билан бошқача келишув бўлмаса Ўзбекистон Республикаси жиноят ва ҳуқуқбузарликлар қонунчилигига асосан ҳал этилади.

Киберҳуқуқбузарликлар ва кибержиноятлар бўйича, шу жумладан, аноним тарзда тақдим этилган ва хабар қилинган ёхуд хабар берилган истаган ахборот ваколатли органлар томонидан текшириб кўрилиши ва дастлабки терговгача бўлган барча ҳаракатларни амалга оширилиши шарт.

Киберҳуқуқбузарлик ёки кибержиноят хусусида маълумот келиб тушганидан кейин ваколатли органлар зудлик билан унаг қарши курашиш, уни аниқлаш ва унинг оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриши лозим.

Кибержиноят ва киберҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари қуйидагилар:

ҳуқуқбузар ва (ёки) жиноятчининг фаолиятига чек қўйилади ва ижтимоий хавфли қилмиш предмети давлат томонидан мусодара қилинади;

ҳуқуқбузар ва (ёки) жиноятчига нисбатан маъмурий ёки жиноий қонунчилигида кўрсатилган жавобгарлик белгиланади;

ҳуқуқбузар ва (ёки) жиноятчи ўзи томонидан келтирилган зарарнинг қопланишини таъминлаш мақсадида махсус хизматга олинади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотади;

айбдор давлат хизматчиси бўлса у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади ёки лавозимидан озод қилинади;

Давлат мукофоти ва бошқа мукофот ҳамда имтиёзларидан махрум қилинади;

Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилади.

### **17-модда. Кибержиноят ва киберҳуқуқбузарликларни умумлаштириш**

Барча давлат органлари, шу жумладан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона, муасса ва ташкилотлар, жамиятлар, жамоат бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳар чоракнинг 10 санасидан кечикмай ўзлари томонидан

киберхавфсизликни таъминлаш бўйича олиб борилган ишларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши томонидан тасдиқланган шаклга мувофиқ ўзларининг юқори турувчи органлари орқали тақдим этилишини таъминлашлари шарт.

Бунда ушбу ҳужжатлар ва маълумотларнинг сифатли ва тўғри тақдим этилиши бўйича мазкур органлар раҳбарлари шахсан жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўзлари томонидан давлатнинг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича қилинаётган техник ишларини ёпик ҳолатда, аниқланган киберхукукбузарликлар ва кибержиноятлар сони, уларни аниқлаш, уларга қарши курашиш ва уларнинг оқибатларини бартараф қилиш бўйича ўз ваколатлари бўйича амалга оширилган ишларни очик ҳолатда тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси аниқланган киберхукукбузарлик ва кибержиноятларнинг статистикасини юритади ва у ҳам чораклик маълумотларни ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида белгиланган муддатларда ва тартибда мувофиқлаштирувчи органга очик ҳолатда тақдим этиб бориши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши тақдим этилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда ҳар чорак охири ойининг сўнги кунидан кечикмасдан ушбу очик турдаги маълумотларни, шунингдек, мамлакатда киберхавфсизликни таъминлашда ўз ҳиссасини кўшаётган ва бунинг учун рағбатлантирилган шахслар ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида нашр қилиш ва эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги янги чорак бошланган ойнинг 10 санасидан кечикмай мазкур маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва нашр этиш чораларини кўриши шарт ва ушбу эълон ва нашр билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили мувофиқлаштирувчи, махсус, ягона ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан келишган ҳолда ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бўйича зарур давлат бюджети маблағларини аниқлаш ва уларни тақсимлаш юзасидан келишиб олади.

Доимий равишда ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ташкилотлар ўзларининг веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида ўзлари томонидан киберхавфсизликни таъминлаш бўйича амалга ошириб бораётган ишларни жойлаштириб бориши ва уларнинг янгиланиб борилишини таъминлашлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу модданинг саккизинчи қисмида

назарда тутилган вазифалар бажарилишини мунтазам ҳар йили тасдиқланадиган йиллик иш режасига асосан мониторинг қилиб боради.

**18-модда. Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича тарғибот ва ташқивот**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ҳар йили ҳар ойда ўзларининг қўшма йиллик иш режаларига асосан Ўзбекистон Республикасидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар барча давлат органлари, шу жумладан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда киберхавфсизликка оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва мамлакатимизда киберхавфсизликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш чораларини кўриб боради.

Таълим шаклидан қатъий назар барча таълим муассасаларига эга вазирлик ва идоралар ўзларида фаолият юритаётган ёки ташаббус билан чиққан олимлар ва мутахассисларнинг киберхавфсизликни таъминлаш юзаисдан амалга ошираётган ишларига кўмаклашишлари шарт.

Йил давомида амалга оширилган тарғибот ва ташқивот ишларида фаол қатнашган шахслар давлат мукофотларига истисно ҳолатда ҳар байрам арафасида ўша ташкилот раҳбари тавсия этилиши ва улар мукофотланишлари лозим.

**19-модда. Киберҳужум ҳақидаги хабар.**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва терговга қадар текширувчи амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ўз ваколатлари доирасида кибержиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берилган ёки аниқланган барча ҳолларда ушбу ҳужум бўйича киберҳуқуқбузарлик ёки кибержиноят ишини кўзғатиши шарт.

Киберҳужум ҳақидаги хабар қуйидаги шахслар томонидан берилиши мумкин:

- 1) жисмоний ва юридик шахслар ўзларининг мурожаатлари орқали (электрон, оғзаки ва ёзма);
- 2) давлат органлари ва бошқа юридик шахслар ўз фаолиятини амалга ошириш вақтида аниқлаган ҳолатлар бўйича берган хабарлар;
- 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;
- 4) киберҳуқуқбузарлик ёки кибержиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек терговга қадар текширувчи амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши;
- 5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз билан мурожаат қилган шахслар;
- 6) суд томонидан аниқланган ҳолатлар.

Киберҳуқуқбузарлик ёки кибержиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним

хабарлар ҳам киберҳуқуқбузарлику ёки кибержиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўла олади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг киберҳужум тўғрисидаги муурожаатлари ёзма, оғзаки ёки электрон бўлиши мумкин. Ёзма ариза арз қилувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим.

Оғзаки ариза баённомада қайд этилади. Баённомада арз қилувчи, унинг яшаш ва ишлаш жойи, шунингдек шахсий ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим. Башарти арз қилувчи ҳужжат кўрсата олмаса, унинг шахси тўғрисидаги маълумотларни бошқа йўллар билан текшириш чораси кўрилиши керак.

Арз қилувчи киберҳуқуқбузарлик ёки кибержиноят тўғрисида била туриб ёлғон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади ва бу хусусда баённомада қайд қилиниб, унинг имзоси билан тасдиқланади. Сўнгра баённомада жиноят содир этиш ҳолатлари хусусидаги маълумотлар арз қилувчи номидан, иложи борица сўзма-сўз акс эттирилади. Баённомани арз қилувчи ва аризани қабул қилган мансабдор шахс имзолайдилар.

Киберҳужум хусусида жисмоний шахслар телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб хабар берган бўлишлари мумкин, мазкур ҳолатда арз қилиб тушганидан кейин дарҳол тегишли орган ушбу хабарнинг қанчалик тўғри эканлигини аниқлаштириш учун Давлат хавфсизлик хизматига юборади. Агарда ушбу хабар Давлат хавфсизлик хизматининг ўзига келиб тушган бўлса ёки бошқа ваколатли органлар томонидан келиб тушган бўлса зудлик билан кечиктириб бўлмайдиган киберҳужумнинг олдини олиш чораларини кўради ва киберҳужум қилиш мумкинлиги ҳолати бўйича хабар ўз тасдиғини топса киберҳуқуқбузарлик ёки кибержиноят тўғрисида иш қўзғатиш ва уни ваколати бўйича тегишли органларга ёки ўзи дастлабки терговга қадар текширув, суриштирув, тергов, тафтиш ўтказди.

Барча малкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар муассасалар, ташкилотлар ва бошқа шахслар киберҳужумнинг олдини олишда ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бўйича Давлат хавфсизлик хизматига кўмаклашишлари шартдир.

Кўмаклашишдан бўйин товлаган шахслар ушбу ҳуқуқбузарлик ёки жиноятга нисбатан кўмаклашаётган шахслар деб топилади ва унга нисбатан жиноят ва маъмурий қонунчиликда назарда тутилган тегишли чора кўрилади.

Киберҳуқуқбузарлик ёки кибержиноят ишини қўзғатишга шахснинг айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз сабаб бўлса, била туриб ёлғон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилмаслигини мустасно этганда, унга шахсларнинг аризаларини қабул қилиш ва расмийлаштириш тўғрисидаги ушбу моддада назарда тутилган барча қоидалар тааллуқлидир.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар киберҳужум тўғрисида берган хабарлар хизмат хати ёки тасдиқланган телефонограмма, телеграмма ёхуд радиограмма шаклида бўлиши лозим. Хабар юборувчи

содир этилган жиноятга оид ҳолатларни тасдиқловчи ўз ихтиёридаги ҳужжатларни хабарга илова қилиб юбориши мумкин.

Муайян киберҳужум тўғрисида матбуот, радио ва телевидение, ҳужжатли кинофильмлардаги, шунингдек оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар киберҳуқуқбузарлик ёки кибержиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади.

Киберҳужум тўғрисидаги хабарни эълон қилган ёки тегишли жойларга юборган оммавий ахборот воситалари, шунингдек бу хабар муаллифлари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талабига асосан ўз ихтиёрларида бўлган ҳужжатларни ва хабарни тасдиқловчи бошқа материалларни тақдим қилишлари шарт.

Киберҳужум содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотларнинг бевосита аниқланиши қуйидаги ҳолларда жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлиши мумкин:

1) терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси маъмурий вазифани амалга ошираётганида киберҳужумга оид маълумотларни аниқлаганида;

2) суриштирувчи, терговчи бошқа киберҳужумга доир иш бўйича дастлабки тергов юритиш чоғида кибержиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

3) прокурор қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш пайтида ёки бошқа киберҳужумга доир иш бўйича дастлабки тергов олиб бориш чоғида киберҳужумга оид маълумотларни аниқлаганида;

Киберҳужумга оид мурожаатлар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олинishi ва дарҳол, киберҳужумга нисбатан киберҳуқуқбузарлик ёки кибержиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим.

Ваколатли шахс маъмурий, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган ва қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча ҳаракатларни ўтказиши шарт ҳамда бу бўйича бутун шахсий масъулият тегишли органнинг раҳбари ва ижрочиси зиимасида бўлади.

Киберҳужумга оид мурожаатни (хабарни) терговга тегишлилигига қараб юборишга йўл қўйилмайди ва бундан Давлат хавфсизлик хизмати томонидан берилган топшириқлар мустасно.

## **20-модда. Киберҳужумга оид маълумотларни кўриб чиқиш натижасида қабул қилинадиган қарорлар**

Киберҳужумга оид маълумотлар олинган ёки бундай маълумотлар бевосита аниқланган ҳар бир ҳолда қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

- 1) киберҳуқуқбузарлик ёки кибержиноят ишини қўзғатиш ҳақида;
- 2) ишни қўзғатишни рад қилиш ҳақида;
- 3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида.

## **21-модда. Киберҳужумга оид ишни қўзғатиш ва рад қилиш тартиби**

Ушбу Қонуннинг 19-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси қарор чиқаради.

Қарорда: ишни қўзғатиш сабаблари ва асослари; Маъмурий ёки жиноят қонунчилигида ишни назарда тутувчи моддаси; бундан буён ишни ўз юритувиغا олувчи мансабдор шахс кўрсатилади.

Киберхужумга доир ишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси Бош прокуратурага юборади, Бош прокуратура эса ушбу иш бўйича прокурор назоратини амалга ошириш учун ахборот технологиялари орқали ҳолис прокурорга юбориш чорасини кўради ва бунинг учун шахсан Бош прокурор билан тегишли прокурор жавобгар ҳисобланади.

Иш қўзғатилгандан кейин узоққа чўзилган киберхуқуқбузарликлар ва кибержиноятларнинг олдини олиш ва улар такрорланишига йўл қўймаслик, шунингдек иш учун аҳамияти бўлиши эҳтимол тутилган киберхужумга дахлдор излар, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва қўриқлаш юзасидан дарҳол чоралар кўриш лозим.

Киберхужумга оид хабарлар ёки аниқланган ҳолатлар ўз тасдиғини топмаса терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор ёхуд суд киберхужумга оид ишни қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради, ҳолат содир этилганлиги тўғрисида хабар берган шахс бу ҳақда хабардор қилинади. Бунда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тушунтирилиши лозим. Ишни қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси Бош прокурор томонидан белгилаб берилган прокурорга юборилади.

### **22-модда. Киберхужумга оид ишни қўзғатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати**

Киберхужумга оид ишни қўзғатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб бораётган прокурор агарда ҳақиқатан ҳам қонун ҳужжатининг аниқ нормаси бузилганлигини тасдиқловчи ҳолатларни аниқлаган тақдирда Бош прокурорнинг рухсати билан:

1) ишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад қилишга;

2) ишни қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга ва айни вақтда иш қўзғатишга ҳақлидир.

### **23-модда. Киберхужумга оид иш қўзғатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш**

Ушбу Қонуннинг 19-22-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар бўйича истаган шахс Бош прокурорга ёки юқори турувчи прокурорга ёхуд ундан юқори турувчи орган (мансабдор шахс) ёхуд суд (судья)га шикоят қилишга ҳақлидир.

Мазкур шикоят ваколатли органлар томонидан 7 кун муддат ичида кўриб чиқилиши ва агарда ҳақиқатан ҳам қонун ҳужжатининг бирон бир нормаси бузилган бўлса, дарҳол мурожаат қаноатлантирилиши лозим.

#### **4-боб. Киберхавфсизлик фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш**

##### **24-модда. Киберхавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшганларни рағбатлантириш.**

Киберхавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшган, шунингдек, киберхуқуқбузарликлар ва кибержиноятлар хусусида хабар берган, киберхавфсизликни таъминлаш, кибержиноятлар ва киберхуқуқбузарликлар хусусида илмий ишлар қилган, киберхавфсизликни таъминлаш юзасидан илмий, техника ютуқларига эришган ёки бошқача йўллар орқали мамлакатда киберхавфсизликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётган шахслар истисно тариқасида ҳар йили ҳар байрамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъий назар ўзга корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бирлашмалар юқори турувчи органлари орқали ёки жисмоний шахслар мукофотлар учун номзодларни кўрувчи органларга ўзаларининг мурожаатлари орқали давлат мукофотларига тақдим этиб борилади.

Тақдим этилган мурожаатлар биринчи навбатда кўриб чиқилиши лозим ва киберхавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшган шахс мукофотланмоғи лозим.

Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ихтиро, фойдали моделлар, селекция ютуқларига эришган ёки илмий ишлар қилган шахслар мустасно ҳолатларда олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларига тўғридан-тўғри имтиҳонсиз қабул қилиб олинади ва агарда улар ўзларининг ишларини давом эттириб ушбу соҳада илмий ишлар қилсалар уларга ҳимоясиз фальсафа, фан доктори, профессор, академик унвонлари берилади.

Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ихтиро, фойдали моделлар, селекция ютуқларига эришган ёки илмий ишлар қилган шахслар ўз мутахассислиги бўйича имтиҳонсиз ёки бирон бир тўсиқсиз ваколатли, махсус, мувофиқлаштирувчи ёки ўзга ваколатли органларга ишга қабул қилиниши шарт ва бунда иш берувчилар қонун ҳужжатларида кўрсатилган турли хил тўсиқларни важ қилиб уларни ишга қабул қилмасликлари шарт ва бундан иш берувчининг тақдимига асосан талабгор хоҳлаган иш ўрни бўлмаган ҳолатлар мустасно.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари киберхавфсизлик соҳасини таъминлаш бўйича бир вақтнинг ўзи илмий иш қилаётган ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари ҳамда ҳар ойда ойлик иш ҳақиға чекланмаган миқдорда устама ҳақ бери боришлари, улар томонидан амалга оширилаётган ихтиро, фойдали модел, селекция ютуқлари ва бошқа илмий ишларни амалга ошириш ва нашр қилиш учун ўзлари раҳбарлик қилаётган органнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан буғараз пул маблағларини таъминлаб туриши шарт.

Эксперт органи томонидан тақдим қилинган ҳар бир хулоса учун хулоса берган шахслар экспертиза хулосасини сўраган ва ўша ташкилот

томонидан эксперт органига эксперт органи белгилаган нархлар бўйича келиб тушган маблағлардан ҳар ойда қўшимча ўзларининг ойлик иш ҳақининг 500 баробаридан кўп бўмаган, аммо базавий иш ҳақининг 100 баробаридан кам бўлмаган миқдорда мукофотланиб борадилар.

#### **4-боб. Киберхавфсизликни таъминлашнинг молиявий асослари**

##### **25-модда. Киберхавфсизликни таъминлашнинг молиявий асослари**

Киберхавфсизликни таъминлашнинг молиявий асослари қуйидагилардир:

ҳар йили давлат бюджетидан назарда тутилиши шарт бўлган маблағлар;

маҳаллий бюджетдан ажартиладиган маблағлар;

бюджетдан ташқари маблағлар;

юримдик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушадиган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

киберхавфсизликни таъминлаш учун тақдим этиладиган бошқа маблағлар.

##### **26-модда. Киберхавфсизликни таъминлашнинг давлат бюджетидан ажратиладиган молиявий асосларни шакллантириш тартиби**

Навбатдаги йил учун киберхавфсизликни таъминлашнинг давлат бюджетидан ажратиладиган молиявий асослар Киберхавфсизликни таъминлаш стратегияси ва асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларидан келиб чиқиб, шунингдек, киберхавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлган ўзга асослардан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасида кўриб ўтилади ҳамда келгуси икки йилга бюджет мўлжаллари ўрта муддатли давр учун киберхавфсизликни таъминлаш прогнози асосида Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига асосан ишлаб чиқилади.

##### **27-модда. Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳаларини тузиш учун масъул органлар**

Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича давлат бюджети лойиҳасини тузиш учун масъул органлар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бюджетлар лойиҳаларини тузиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан сўралган ахборот ва маълумотларни тақдим этишга тааллуқли қисми бўйича.

Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тузиш учун масъул органлардир.

#### **5-боб. Киберхавфсизликни таъминлашнинг бошқа асослари**



**28-модда. Киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар, митинглар, йиғилишлар ва учрашувлар**

Ҳар йили йилнинг бошланишида Давлат дастури асосида киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида ўтказиладиган митинглар, йиғилишлар ва учрашувлар режаси ва амалга ошириш механизми ишлаб чиқилади ва унинг ижросини таъминлаш чоралари кўрилади.

Ушбу митинг, учрашув ва йиғилишлар учун кетадиган харажатлар Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасидан ва давлат бюджетидан қопланади ва бунинг учун Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги ўзаро келишиб оладилар.

Ўтказилаётган митинглар, учрашувлар ва йиғилишларда маъруза билан сўзга чиққан маърузачилар базавий иш ҳақининг 400 баробаригача бўлган миқдорда мукофотланади.

**29-модда. Киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида тайёрланадиган лойиҳалар**

Киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида тайёрланадиган лойиҳалар қуйидагилардир:

Киберхавфсизликни таъминлашга оид қонун ҳужжатлари;

Киберхавфсизликни таъминлаш стратегияси;

Киберхавфсизликни таъминлаш концепцияси;

Киберхавфсизликни таъминлаш давлат дастури;

Киберхавфсизликни таъминлаш дастурлари, “йўл-хариталари”, чора-тадбирлар;

Киберхавфсизликни таъминлашга оид техник стандартлар, қоидалар, нормалар;

Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ўзга лойиҳалар.

**30-модда. Киберхавфсизликка қарши курашиш учун тайёрланган ўзга аудио, видео, китоблар, илмий ишлар ва бошқа воситаларни рағбатлантириш**

Киберхавфсизликка қарши курашиш учун тайёрланган ўзга аудио, видео, китоблар, илмий ишлар ва бошқа воситалар ҳар йили давлат гранти ўйналади.

Давлат грантини ўтказиш тартиби ва муддатлари Давлат хавфсизлик хизмати ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган қўшма қарорига асосан белгиланади.

Давлат грантига истаган шахс талабгор бўлиши мумкин ва бунда у томонидан тайёрланган воситаларни қайтариш тақиқланади ва давлат гранти комиссияси томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, агарда давлатнинг киберхавфсизликни таъминлаши учун зарур бўлган ахборот технологияси ва коммуникацияси, илмий иш, ғоя, ахборот ва бошқа воситалар бўлса барча воситалар кўриб чиқилиши шарт.

Киберхавфсизликка қарши курашиш учун тайёрланган ўзга аудио, видео, китоблар, илмий ишлар ва бошқа воситаларни тайёрлаган шахслар депутатларга берилган барча имтиёз ва рағбатлантиришлардан тақдим этилган иши эксперт органи томонидан тақдим этилаган гувоҳномага асосан фойдаланишга ҳақли бўлади..

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

#### **31-модда. Киберхавфсизликка қарши курашиш натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш**

Ушбу қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган тартибда киберхавфсизликка қарши курашиш натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритилади.

Оммавий ахборот воситасида нашр қилинган ёки эълон қилинган ахборотларнинг тўғри эълон қилиниши учун даврий нашрлар, таҳририятлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммави коммуникациялар агентлиги жавобгар ҳисобланади.

Тақдим этилган маълумотларни ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Тақдим этилган маълумотларни ўзгартирган ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни эълон қилган, тақдим қилган шахслар ушбу қонун талабларини бузган деб топилиб дастлаб маъмурий жавобгарликка, агарда ушбу ҳолат бир йил давомида такроран содир этилган бўлса жиноий жавобгарликка тортилади.

Оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш учун тақдим қилинган маълумотлар учун муаллифлик уни тақдим қилган шахс, оммавий ахборот воситаларида ёритилган киберхавфсизликка қарши курашиш натижалари учун эса, муаллифлик давлат ҳисобланади.

Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти оммавий ахборот воситаларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёритилиши мумкин.

#### **32-модда. Киберхавфсизлик бўйича халқаро ҳамкорлик**

Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик бўйича халқаро ҳамкорликни ўрнатади ва ратификация қилган халқаро ҳужжатларга амал қилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг номидан қуйидаги шахслар халқаро ҳамкорликни ўрнатиш учун масъул ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Президенти – Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизликни таъминлашга оид давлат сиёсатини юритиш, бу борада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш. Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро ҳужжатларга имзо қўйиш ва уларни ратификация қилишини таъминлаш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши – Ўзбекистон Республикаси томонидан киберхавфсизлик бўйича олиб борилаётган ишларни қай тариха мувофиқлаштирилаётганлиги ва бу

борадиг камчиликларни бартара қилиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласи бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати раиси – Ўзбекистон Республикаси номидан ратификация қилиниши зарур бўлган халқаро ҳужжатларни умумлаштириш ва ратификация қилинган ҳужжатларни имплементация қилинишини таъминлаш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери–киберхавфсизликни таъминлаш юзасидан парламент назоратига оид масалалар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Олий суд раиси – киберҳуқуқбузарликлар ва кибержиноятларга нисбатан жазо тайинлаш, суд терговини ўтказиш, уларга жавобгарлик масалаларини белгилаш, жазолар ижросини назорат қилиш масалалари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизлик бўйича олиб борилаётган ташкилий масалалар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси – киберҳужумларни аниқлаш, уларни бартараф қилиш, киберҳуқуқбузарликлар ва кибержиноятларга нисбатан терговга қадар суриштирув, дастлабки тергов ва суриштирув, киберразведкага оид масалалар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори–киберхавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйича прокурор назоратини таъминлашга оид масалалар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири–ҳар қандай ахборот технологиялари ва коммуникацияларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, олиб чиқиш, уларнинг техник имкониятларига оид масалалар, шунингдек, киберҳужумларнинг олдини олиш бўйича эксперт сифатида унга юклатилган масалалар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири–кибержиноятларни тергов қилишнинг умумий масалалари бўйича.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган шахсларнинг топшириғига асосан халқаро ҳамкорлар билан учрашиш, уларга халқаро ҳамкорлик учун зарур бўлган барча воситаларни таъминлашга масъул ҳисобланади.

Киберхавфсизликни таъминлашга қўмаклашувчи ўзга шахслар ва давлат органлари ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган шахсларнинг топшириғи ёки тавсиясига асосан халқаро майдонда киберхавфсизликни таъминлашга оид масалалар бўйича ҳаракат қиладилар.

### **33-модда. Низоларни ҳал этиш**

Киберхавфсизликни таъминлашга оид низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**34-модда. Киберхавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Киберхавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**35-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**36-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**37-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. Мирзиёев**